

84 (59) / 6  
X 71

# ТАВБЯ

**НАБИЖОН ҚОШИМОВ**

воқеий детектив қисса

**Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan  
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart**

Ilgarigi berilmalar miqdori \_\_\_\_\_

--	--




Набижон ҲОШИМОВ

# ТАВБА

*Воқеий детектив қисса*



ТОШКЕНТ  
"IJOD-PRESS"  
2016



УЎК:821.512.133-312.4

КБК: 84(5Ў)6

Ҳ-71

Ҳошимов, Набижон

*Тавба: воқеий детектив қисса/ Н. Ҳошимов. –Тошкент: «IJOD-PRESS», 2016. - 224 б.*

УЎК: 821.512.133-312.4

КБК:84 (5Ў)6

*Яқин тарихимизда жамиятда чирмовиқдай кенг тарқалган иллатлар халқимиз тинкасини қуритган эди. Асардаги воқеалар асосан мустабид шўро тузуми даврида бўлиб ўтади. Омоннулла образини Хўжа Насриддин, Алдарқўса, Остап Бендер, Юрий Демочкин ва Хлестаковларга қиёслаш мумкин. Баъзи характерли жиҳатлари улардан-да ошиб тушади. Бош қаҳрамон тазарру қилган "ТАВБА"ни ўқир экансиз, Сиз ҳам беихтиёр "Тавба!" деб қўйсангиз ажабмас. Чунки Омонуллага ўхшаган шахслар ҳозир ҳам учраб туради.*

### **Такризчилар:**

**Исломожон ЁКУБОВ** – Тошкент Давлат педагогика университети доценти,  
филология фанлари номзоди.

**Эркин ХУШВАҚТОВ** – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган  
маданият ходими, драматург.

ISBN: 978-9943-994-24-9

© “IJOD-PRESS” нашриёти, 2016





## «ҒИЛДИРАГИ ТЕШИЛГАН» ЙИГИТ

(Муқаддима ўрнида)

Ўша йили баҳор серёгин бўлди. Ўт-ўланлар куёшнинг тафтида яйраб ўсишди. Болтавой аканинг томорқа ховлисини қуршаб турган гувала девор тағларида ҳам шўраю янтоқлар гуркираб ўсди. Мўйсафид ёмғир сувларидан занглаб қолаётган кетмонини кўлига олиб, уларни бир бошдан чопишга ҳозирланди. Аммо нигоҳи янтоқларнинг юза қисмида сапсарик танаси чувалчанглардай чувалашиб ёпишиб ўсаётган чирмовикларга тушди-ю, феъли айниди:

– Оббо, ярамаслар-ей. – деб кўйди чол ўзига ўзи гапириб.  
– Уларни тез юлиб олиб ташлаш керак. Бўлмаса, бутун экин-тикинни хароб қилади.

– Ҳой, Мафтуна!

Туфлисини тозалаганча ишга кетишга ҳозирлик кўраётган кизи «Хув-в!» дея овоз берди.

– Онангга айт, манави чирмовикларни тез юлиб ташласин!

– Ойим ҳозир овқат қияптилар-ку!

– Шунақами? Майли-майли, – деб кўйди мўйсафид ва ўзи-ча гудраниб сўкиниб чирмовикларни юла кетди.

Шу маҳал кўчадан бир бегона кишининг «Ҳой, мулла ака! Ким бор?..» деб чақирган овози келди.

– Отажон, сизни биров чақиряпти, шекилли! – кичкирди Мафтуна.

– Мана, хозир! – деди мўйсафид ва кетмонини бир четга қўйди-да, томоғини маъноли қилиб чўзиб кириб олди. «Қизик, танишларим исмимни айтиб чақирарди, ҳойнаҳой, бирор бегона бўлса кераг-ов», деган ўйда ҳовлидан салмоқланиб чиқиб кела бошлади.

Бу пайтда Мафтуна сумкачасини елкасига ила солиб, кўча эшикни очиб улгурганди. Эшик олдида башанг кийинган, бўйинбоғли, лекин костюмининг енги шимарилган, истараси иссик, ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги келишган шаҳарлик бир йигит жилмайиб турарди.

– Ассалому алайкум, узр, сингилжон. Гилдирагим қурғур шу ерга келганда тешилиб қолса, денг. Уни алмаштириб, мундоқ қарасам, қўлни чайиб олишга сув йўқ экан, – деди у шоша-пиша.

– Келинг, меҳмон ака, ассалому алайкум. Ичкарига кира қолинг, отам борлар. Обдастамизда илик сув бор, бемалол.

Йигит оддий миллий кийимлари қадди-қоматига ярашиб турган кизнинг жамолига бир оз маҳлиё бўлиб, юраги «жиз» этиб кетди. Анчадан буён ўзини бунчалар сархуш сезмаганди. Қиз яна бир бор «Отажону-у!» деб кичкирди.

– У кишини овора қилмай қўяқолинг, ўзим... – деди шаҳарлик йигит.

Ичкаридан отахоннинг «Мана, кетяпман!» деган овози келди.

– Узр, мен ишга кетаётгандим-да, – деди киз ҳам ўзини ноқулай сезиб.

– Майли-майли. Сўраганнинг айби йўқ, хизматингиз қайси томонда?

– Қўшни қишлоқда. Мактабда дарс бераман.

– Бир оз тўхтаб турсангиз, йўл-йўлакай ташлаб ўтиб кетардим. Лой кечиб юрасизми, – деди йигит, гўё ушлаб олган балиғини қўйиб юборгиси келмаган овчидек шошилиб.





Қиз мулойим жилмайди. Жилмайганида кулдиргичлари ўйнаб, шахло кўзлари шодланиб кетди. Бу ризолик аломати эди.

– Майли, ундай бўлса юринг, ўзим... – деди қиз секингина ва меҳмонни ичкарига бошлади.

Бу пайтда қизнинг онаси Ҳури хола ҳам «Меҳмон ким экан?» дегандек ошхонадан чикиб келганди. Кампирнинг кўли ун юки бўлиб, утра оши пишираётганди. Чоли бу овқатни хуш кўради. Юмшоккина, қатиклаб ичсанг, тез хазм бўлармиш.

Болтавой ака башанг кийинган меҳмонни кўриб қадамини тезлатди. Негадир «Ҳойнаҳой, бирор янги депутатлардан бири бўлса кераг-ов», деган ўйга борганди.

– Келсинлар, кираверсинлар! Ҳой, Ҳури, тез меҳмонга каранглар! – деди у узокдан буйрук бериб. – Олчиқ кўрпачангни!

Ҳури хола кўлини сочиқ билан арта-арта зудлик билан ичкари томон ошиқди ва сўрига янги якандозлардан сола бошлади. Мафтуна бўлса кўлида янги сочиқ ва обдаста билан меҳмонга пешвоз чиқди.

– Ассалому алайкум, отахон. Ҳорманг энди!

– Саломат бўлинг! Ие, келинг, меҳмон, – деди мўйсафид ва сўрашмоқ учун кўлини узатмоқчи бўлган эди ҳамки, унинг «банд»лигини кўриб билагидан аста тутган бўлди.

– Кўчаларингиз жуда ўнқир-чўнқир, сув, лой экан. Шу ерга келганимда ғилдирак кургур тешилиб қолса бўладими. Уни алмаштириб, мундоқ қарасам, кўлни ювгани сув йўқ. Шу маҳал уйингиздан кизингиз чикиб қолдилар. У киши бизни-кига кира қолинг, отам борлар, обдастамизда сиз учун сув топилади, деб қолдилар. Шунга... – деди меҳмон куйилаётган илиқ сувда кўлини хузур қилиб чайқаркан.

– Жуда яхши қилибсиз-да. Бу обдастамиз ўзи жуда хосиятли-да. Унда ҳақиқатдан ҳам сизга ўхшаган азиз меҳмонлар, покиза инсонлар кўл ювишади, – деди мўйсафид мақтаниб.

– Э, шунаками... Раҳмат, синглим, илоҳим ниятингизга етинг.

– Арзимаёди, – деди Мафтуна илтифот қилиб.

– Қани, сўрига марҳамат қилсинлар-чи, меҳмон, – деди мўйсафид тавозе билан.

– Ие, канақа бўларкин-а? Хай, майли, бир дуо қилинг, отахон.

Улар ўтириб фотиҳа қилишди.

– Хуш келибсиз, меҳмон!

– Хушвақт бўлсинлар. Қалай, бардам-бақувват юрибсизми? Тинч ўтирибсизларми?

– Раҳмат, худога шукур. Мафтуна, тез чойга қараворинглар-чи.

– Хўп бўлади, отахон, – деди Мафтуна ва ошхона томон йўналди.

– Э, йўк, чойни бошка сафар... – деди шошиб меҳмон йигит.

– Келинг, меҳмон, хуш келибсиз, – деди шу маҳал эшикда аввал бир оз боши кўриниб, сўнгра бутун бўйи-баста билан ийманибгина пайдо бўлган Ҳури хола. У хонтахта устига дастурхонни тезлик билан ёзиб кўйди.

– Овора бўлманг, уринманг, хола. Раҳмат, энди мен борай...

– Вой, угра ошим тайёр-а, насибангизни ташлаб кетманг-да, энди... – деди аёл бўш келмай.

Бу пайтда Мафтуна чой олиб келди-да, уни пиёлаларга кўйиб, келинчаклардай тавоже билан узатди. Чойни хўшлашга улгурмасларидан, бир косадан овқат кўйиб келинди. Дастурхонда бир коса қатик ва аччиқ қалампир ҳам пайдо бўлди.

– Қани, нондан олинг-чи, ўғлим. Лекин бу ўзимизнинг жайдари бўғдойдан, тегирмонда торттириб келганман, қорарок-да, кўнглингизга келмасин тагин, – деди меҳмон отахон қулиб.

Меҳмон иложсиз косани кўлга олиб овқатдан ичган бўлди, нондан тишлади.

– Узр, меҳмон, хотин қурмағур гўштсиз овқат қилибди. Айбга буюрмайсиз-да, гўшт одамни тез қаритармиш...

Меҳмон мўйсафиднинг самимий инсон эканлигиданми ёки гаплари ҳақиқатлигиданми, завкланиб иштаҳаси очилиб кетди.

– Қатикдан кўпроқ кўшиб олсинлар, қани, шунда гўштсиз-лигям билинмайди.

Меҳмон шундай қилди. Қатикни яхшилаб аралаштириб уни татиб кўрди.

– Ҳа-ҳа, ростданам жуда хушхўр бўлипти.

– Қалампирдан ҳам эзиб-эзиб олсинлар. Шунда янада таъм киради.

Эркаклар кулишди. Ҳури хола билан Мафтуна ҳам уларни бир четда жилмайиб кузатиб туришарди.

– Жуда мазали бўпти. Мен чиндан ҳам бундай хуштаъм овқатни умримда емагандим.

– Ҳа. – деди мўйсафид ўйчан. – Инсон гўштсиз, овқатсиз, оч-ютун ҳам яшай олади. Сабр-тоқат килади. лекин адолатсизликка чидай оймайди... Қаранг. уйимизнинг аҳволини, юрти-мизнинг ҳамма жойида ободончилик, маъмурчилик бўлаётган бўлсаю. бизнинг кўча... яхшиям, ўзингиз кўрдингиз. Тумани-миз раҳбарлари эса тухум босиб ўтираверишса, одамга жуда алам киларкан-да.

– Ҳа. йўллarning жуда ёмон экан. Кўчада сув ҳам йўк.

– Кўча тугул, уйда ҳам ичгани сув йўк. Уни ҳар куни икки чакирим наридан, дренаж сувидан ташиб олиб келамиз.

Меҳмон хижолат бўлиб кетди. Ўзини ноқулай сезиб:

– Ие. унда узр. мен билмай...

– Э, сиз кўнглингизга олманг. Меҳмонлар учун бу муқаддас обдаста ҳеч қачон курук турмайди.

– Нега уни «муқаддас» дейсиз? – сўради меҳмон эски мисидишга бир бор кўз кирини ташлаб оларкан.

– Бу бизнинг оиламиз учун муқаддас ҳисобланади. Бобомнинг бобосидан қолган-да.

– Бу, тахминан неча йил дегани?

– Тахминанми? Тўрт юз-беш юз йил бўлар-ов. Айтишларича, буни Бобурийлар хизматида бўлган катта бобомиз Ҳиндистондан олиб келган эканлар.

Меҳмон обдастани кизиқиб кўлига олиб гир айлантириб кўрди.

– Эҳ-ҳа, ҳақиқатан антиқа, ноёб нарсага ўхшайди. Бу-нингизни уйга олиб кириб кўймайсизми? Жа қиммат турса керак-а?

– Менимча, бу бебаҳо. Чунки бобокалонимиз бу обдаста хо-надонимизга фақат қут-барака олиб келишини, ҳар даврнинг



ҳалол-покиза инсонларинигина ўзига чорлашини, уларга доимо эгилиб сув қуйиб хизмат қилишини ният қилган эkanлар. Бундан кўл ювган инсонларнинг юрагига фақат яхшилик сингармиш, нопок, кўнгли кингирлар бўлса, покланармиш. Мана, сиз ҳам кўринишингиздан ҳалол, пок инсонга ўхшаб турибсиз, меҳмон.

Меҳмон чолни тингларкан, нозик, онопк бармоклари негадир титраётганини хис қилиб безовталаниб қолди.

– Ш-шунака денг... – деди у ўйчан – Бўпти, бўлмасам, мен энди бораё. Исмиб Омонулла. Қизингиз ҳам ишдан кеч қолмасинлар. «Ўзим йўл-йўлакай ташлаб ўтиб кетаман», деб қишини йўлдан кайтарувдим.

– Э, шунаками? Йўлингиз тушганда киринг. Дўппидай ош дамлаб бераман, хўпми?

– Раҳмат, – деди Омонулла ва киссасидан ташрифномасини чиқариб бераркан. – Манави менинг манзилим, бирор хизмат бўлса бемалол айтаверасизлар.

– Э, биз шаҳарга нимагаёб борардик, ўғлим. Энди бунга хожат қолмади. Дехқончилик маҳсулотларимизни олиб-сотарларнинг ўзлари томоркамиздан арзимаган чой-чақага олиб кетишяпти, – деди мўйсафид хўрсиниб, кейин яна кўшиб кўйди: – Буларнинг барига чидаса бўлади, лекин болаларга жуда кийин бўляпти-да.

– Нега энди, отахон?

– Шу десангиз, кишлоғимизда мактаб йўқ. «Ҳеч бўл-маса, бошланғич синфлар учун қуриб беринглар», деб арз қилмаган жойим қолмади. Туманимиз амалдорлари «Хўп-хўп» дейишади-ю, қоринларини кашлашдан нарига ўтишмайди. Уларнинг бири кетиб яна бошқа шунақаси келавераркан. Худди машинангизнинг гилдирагига ўхшаб алмашаверишаркан. Лекин маҳалла-кўй, халқ ўз ўрнида қолаверади-да, – дея ҳамон қуюниб сўзларди мўйсафид. – Қани энди бу дунёда уларни инсофга чакириб кўядиган бирор мард одам топилсайди...

Омонулла чолниг эзмалигига чек қўйгиси келдими, харҳолда, тинни бошқа мавзуга бурмоқчи бўлди:

– Лекин чойингизга гап йўқ. Жа ширин экан.

– Ҳа, қумгонники-да, ўчоқда қайнаган.

– Ие! – деб юборди Омонулла ажабланиб. – Газ ҳам йўқми?

– Газ қаёқда, тезакни таппи қиламиз.

– Э-ҳа. Унда тараққитдан буткул узилиб қолибсизлар-ку, а?

Омонулла теварак-атрофига разм солди. Пастқам лойсувок уй, устки қисми нураб тушаётган гувала деворларга кўзи тушиб, чиндан ҳам аччиқиб кетди.

– Отахон, сизга бир гап айтайми? Шу пайтда қалламга бир холис ният келиб қолди-да, нима дедингиз? – деб сўради у беихтиёр.

– Ҳа, бемалол, меҳмон.

– Мана, гилдирагим баҳонаи сабаб бўлиб, сиз билан танишиб қолдик. жуда хурсандман. Дастурхонингиздан туз тотдим, қадимий обдастангизда кўл ювдим, покландим. Худо хоҳласа, кишлогингиз муаммоларини ҳал қилишда кўлимдан келганича ўз ёрдамимни аямайман. Қани, энди бир дуо қилсинлар!

Болтавой ака дуога кўл очди:

– Қани омин, юртимиз ҳамиша тинч-осойишта бўлсин! Ризкимизга, умримизга худойим баракасини бераверсин. Кимки, нимаики яхши ният қилган бўлса, ниятига эришаверсин! Оллоҳу акбар! Хуш келибсиз, азиз меҳмон!

Омонулла ўрнидан туриб қулук қиларкан, мўйсафид чакқонлик билан обдастани яна ўз кўлига олди. Мафтуна бўлса ширин жилмайиб, сочиқ ҳозирлади.

– Ўзларидан бўлсин, қани. Мен қуя қолай, – деди Омонулла обдастага ёпишиб.

– Йўқ-йўқ, сиз азиз меҳмонимизсиз, менинг кўлим табаррук-да.

– Қани, бўлмаса, табаррук кўлларида-а... – деди йигит ниҳоят таслим бўлиб.

– Бисмиллоҳир раҳмонир роҳим, мартабангиз бундан-да улуғ бўлсин, илоҳим.

– Ҳа-ҳа, раҳмат, – деди меҳмон илжайиб.

Мафтуна ийманиб сочиқни узатди. Энди Омонулла обдастани ўз кўлига олиб, отанинг кўлига ўзи сув қуйди.







– Лекин обдастангизга гап йўқ. Уни эҳтиёт қилинг, отахон. Ҳозир нима кўп – ўғри, фирибгарлар кўп.

– Айтишларича, буни ҳаётда тўрт маротаба ўғирлаб кетишган экан. Лекин ўша олиб кетганларнинг бошига ҳар хил мушкул ишлар тушиб, тавба-тазарру билан яна уни қайтариб ташлаб кетишганмиш.

– Э-ҳа, бу мўъжиза-ку, отахон, – деди Омонулла чиндан ажабланиб идишни авайлаб жойига қўйиб қўяркан. – ...Хўп, раҳмат, яхши қолинглар бўлмасам. Қани, кетдик, сингилжон.

– Ҳа, бу кизимгаям кийин бўлди. Қўшни кишлоққа тушган эди. Касофат эри бемаъни чиқиб қолди. Ажралишди. Мана энди сарсон. Иш жойи ўша ёқда, ўзи бу ёқда... – деди ота афсусланиб.

– Ҳа, энди, кишлоғимизда мактаб бўлмаганидан кейин нимаям қила олардим... – деб қўйди Мафтуна ҳам кўнғирокдек қилиб.

Унинг сўзлари Омонулланинг дилини вайрон қилди. Йигит ҳонадоқ остонасидан гўё елкасига оғир юк ортиб олгандай кийинчилик ҳис қилиб чиқиб келди. Унинг қалби бу дунёда самимий инсонлар борлигидан фахр туйғуси билан лиммо-лим эди. У мўйсафид билан худди эски кадрдонлардек кучоклашиб хайрлашди ва машинасига ўтираётиб гап қотди:

– Худо хоҳласа, ҳали мактаб ҳам, газ ҳам, сув ҳам бўлади, отахон. Ҳали кўрасиз, кўчангизга асфальт ҳам ётқизиб беришади. Ҳа, айтмоқчи, координатларингизни, яъни бу ернинг аниқ манзилини ёзиб берсангиз.

– Мен ёзиб бера қоламан, – деди Мафтуна ва «Газ-24» русумли машинанинг орка ўриндиғига ўтирди-да, Омонулла узатган ён дафтарчасига коралама қилиб берди.

– Хўп, сафарингиз бехатар бўлсин, ўғлим, – деб Болтавой ака дуо қилиб қолди.

Оркадан Ҳури хола ҳам шошиб чиқиб келди. Машина ўрнидан оғир кўзгалди.

– Ҳа-а, жуда ўқимишли йигитга ўхшайди, – деди хола машина ортидан кўз узмай. – Лекин сиз унга қаёқдаги муаммоларингизни айтиб бошини тоза қотирдингиз-да, чол.

Қизингизнинг турмушидан ажрашганини айтиб нима қилардингиз?

– Бекорга айтмадим. Кўрмаяпсанми? Ахир, у туманимизнинг янги депутаты бўлиши мумкин. Булар ўзи шунақа. Сайлов олдидан бир-бир кишлоқларни айланиб келишади-да, сайлов ўтганидан кейин қорасиниям кўрсатишмайди. Буни-сиям бир келдию кетди-да.

– Ота-бобонгиздан қолган обдастангизнинг қудратини бир синаб кўрарканмиз-да, энди, дадаси.

– Ҳа, албатта. Яхши ният қилаверайлик-чи, хотин. Мана кўрасан, кўнглим бир нимани сезиб турибди, ҳали ҳаммаси яхши бўлади. Ғилдираги тешилган бу йигитда бир хислат борга ўхшайди. Мана кўрасан, у уйимизга яна келади. Манзилимизни бекорга ёзиб олмади, – деди Болтавой ака ишонч билан.

\* \* \*

Омонулла машинасини кўлмақлардан эҳтиётлаб, рулни бошқариб бораркан, салон ойнасидан орқа ўриндикда ўтирган хушрўй чехрали бева жувонга ҳар замонда кўз кирини ташлаб кўярди. Аёл эса жимгина ташқарини кузатиб хаёлчан борарди. «Яхши киз экан. Бечора, ажрашган экан-да», деб кўйди у хаёлан ва Болтавой акани эслаб, мийиғида кулиб кўйди. У шундай содда, меҳмондўст, дилкаш инсонлардан таниш орттирганидан мамнун эди.

– Оббо, Болтавой ака-ей, – деб юборди у бехосдан ҳаяжонини яшира олмай. Қиз бир чўчиб тушди. – Зап, отангиз бор экан-да, лекин.

– Ҳа, у киши жуда ажойиблар.

– Демак, бу ер нима деб аталади?

– Бошқўрғон тумани, Тошқўтон кишлоғи.

– Ҳа, номи сал ғалатирок экан. Туман ижрокўм раиси ким эди?

– Мирбадал ака Бокиевич.

– У киши қачон сайланганди?

– Икки йилдан ошиб қолди.

– Ёши нечада?

– Сиздақа. Туришиям сизга ўхшаб кетади. Сиз ўзи қанақа соҳада ишлайсиз?

– Мен ҳам давлат ишида-да, – деди Омонулла мийиғида кулиб.

– Эҳ-ха, унда бу ўнқир-чўнқир йўлларда, лой-тупрок қишлоғимизда нима килиб юрибсиз?

– Ҳа, шу ерда зонада бирга бўлган, ҳалиги... – дея тутилиб қолди йигит ва қовун тушириб қўйганини англаб қолди. – Э, йўғ-е, ҳалиги армияда бирга хизмат килиб, зонани қўриқлаган ошнамникига келувдим, – деди базўр.

– Шунақами? «Зона» десангиз, юрагим «шув» этиб кетди.

– Нега?

– Хўжайиним камоқда-да.

– «Ажрашишган» дегандек бўлдилар, чамамда?

– Ҳа, шунақа бўлган. Эрим доим сафарда бўларди – «КамАЗ» ҳайдарди.

– «Дальнобойшик» денг.

– Ҳа-ха. Кейин билсам, Қозоғистонда уйланиб олибди. Уйга жуда кам келарди. Кейин бир ишқал иш килиб узок муддатга камалиб кетдилар. Кейин... менга талоқ хати юборибдилар.

– Оббо, муттаҳам-ей. Болаларингиз борми?

– Ҳа. Икки ўғлимиз бор, тўрт яшар, Ҳасан-Ҳусан.

– Улар ҳозир қаерда?

– Қайнонамникида. Энди уларниям олиб келмокчиман.

– Опа-акаларингиз ҳам бордир?

– Бир опам, икки акам бор. Акаларим сизга ўхшаб шаҳарлик бўлиб кетишган. Қишлоққа ҳеч келгилари келмайди. «Яшашга шароит йўқ», дея нолишгани нолишган. Мен кенжа қизман.

– Ҳа. Ҳаёт шунақа экан-да. Бу ёғини сўрасангиз, бизнинг тақдирларимиз ҳам ўхшаб кетаркан. Мен ҳам хотиндан куйганларданман. Биз ҳам ажрашганмиз, сўққабошман.

– Нияма сабабдан?

– У тиллафуруш эди. Бойликка ўч, очкўзлиги бошига етди. Хориждан кўп миқдорда ноқонуний товар олиб келаётиб, кўлга тушиб қолди. Ўша ёқда уни суд килиб қамашди. Ҳеч



нима қила олмадим. Кейин билсам, менга хиёнат ҳам қилиб юраркан, – деди Омонулла чуқур хўрсиниб. – Гапираман десам, гап кўп, – деди қисқа қилиб. – Мана баҳонаи сабаб, танишиб олдик. Шаҳарга тушиб қолсангиз, кўнғирок қилинг, хўпми? Хизмат бўлса, бемалол айтаверинг.

– Хўп, раҳмат. Омон бўлинг, – деди Мафтуна майин табас-сум қилиб.

У машинадан тушиб қоларкан, Омонулла негадир юрагининг бир бўлагини шу ерда қолдириб кетаётгандек ҳис қилиб, алланечук бўлиб кетди.

Мактаб дарвозаси томон бораркан, аёлнинг қўш кокиллари гўё хиром этаётгандек ўйноқларди. Омонулла беихтиёр унинг ортидан тикилиб қолди. «Яхши жувон экан. Ҳали бахти очилмаган кўринади. Қани энди менга шунақаси насиб қилса эди... – деди у хаёлан ва машинани беихтиёр ўрнидан кўзғатди. Мафтуна ортига яна бир бора қараб, кўл силкиб қўйди. – «Ишларимни бир ёкли қилиб олай. Мен албатта сизни қидириб келаман, Мафтуна», деб қўйди йигит ўз-ўзига ваъда берган бўлиб.

Бошкўрғонлик зонадош дўсти Собирнинг илтимосига кўра унинг уйдан хабар олган Омонулла машинани ғизиллатиб бораркан, ўзининг ҳаёти ва тақдири ҳақида чуқур ўйга толди. Ҳаш-паш дегунича, ёши ҳам бир жойга бориб қолибди. Дунёга келиб нима орттирди ўзи? На оиласи, на фарзанди бор. Тўғри, пули етарли, лекин бахтиёр эмас. Эҳ-хе, ҳаётимда не-не боши очиқ беваларни кўрдим, аммо Мафтуна уларга ўхшамас экан...

У сигаретани тутатаркан, ҳозирда бошқа бир шўрпешонага турмушга чиқиб кетган биринчи хотини, бевафо Зиёда ҳақида эслади.

## БЕВАЛАР ОВИ

Омонулла болалигидан дастлаб қишлоқда, сўнгра шаҳардаги холасиникида қийинчилик билан улғайди. Онаси Кибриё шаҳардан қишлоққа турмушга чиққан жуда соҳибжамол аёл

эди. У колхоз фермасида сут соғувчилик киларди. Кунлардан бир куни уларнинг фермасида ўтказилган вилоят кўргазмали семинарига Марказкўмдан келган комиссия таркибидаги бир нуфузли амалдорнинг назарига тушиб қолади. Кўп ўтмай уни халқ депутатлари маҳаллий кенгашига депутат қилиб сайладилар. Сўнгра республикага, кейин, Москвага депутат қилиб олиб кетдилар ва ўша ёқларда бутунлай қолиб кетди...

Хиёнат ўтида қуйиб-ёниб, қон босими ошиб кетган отаси Жўравой ака оғир дардга чалиниб қолди. Чунки у аёлини жуда севарди. Саккиз ёшли Дилдора ва беш яшар Омонуллар ўшанда бемор ота қўлида қолиб кетишди. Бевафо она уларни ташлаб кетди. Уч йил ўтгач, Жўравой ака қазо қилди. Улар Тошкентдаги бева қоралари Ёркинойнинг қўлида улғайишди. Ёркинойнинг ҳаёти ўзига яраша эди. У кашта тикиб кун кечирарди. Кейинроқ Бадалбой исмли сўққабош кекса бир амалдор кишига турмушга чиқди. Лекин у «ичкуёв» бўлиб келиб олди. Чунки унинг ажрашган хотини ўз уйидан чиқариб юборганди. Кўп ўтмай, тақдир уни Бадалбайдан ҳам айирди. Партиядан ўчирилиб, қораланди ва Ёркинойнинг ақли етмайдиган қандайдир бир қилмиши учун олти йиллик қамок жазосига ҳукм қилинди. У қамокдалигида, Ёркиной ўғил фарзанд кўрди. Оилани боқиш, пул топиш юмушлари ўн яшар Омонулла зиммасига юкланди. Бозорда ҳаммоллик қилди. Кейинроқ маҳалладаги новвойга шогирд тушди ва тунлари ҳам меҳнат қилди. Мактабдаги ўқишлари ўлда-жўлда бўлиб кетди. Саккиз йиллик мактабни аранг тамомлади ва кейинроқ ҳайдовчилик курсида ўқий олди, холос. У опаси Дилдорани тезроқ турмушга узатиш ёки ўзлари учун бирор уй-жой сотиб олиш, жуда бўлмаса, кишлоқдаги отасидан қолган эски ховлига кўчиб кетиш хақида кўп ўйларди.

Кўп ўтмай, Дилдоранинг қўлини сўраб совчилар кела бошлашди. Ёркиной бор йиққан-терганини жиянига сеп қилиб, ҳали ёш бўлса-да, уни турмушга узатишга қарор қилди. Дилдорани хотини ўлган ёши каттарок бир йигитга беришди. Кичикроқ тўйни ўтказиб, анчагина хотиржам бўлиб қолишган ҳам эдики, Бадалбой қамокдан касалванд аҳволда қайтиб кел-

ди. У жуда асабий ва инжик бўлиб қолганди. Сал ноўрин гап-га қўлига тушган нарсани олиб отиб юборар, унга нисбатан қилинган ноҳақликлар учун бўралатиб сўкинарди. Аммо каттароқ бўлиб қолган арзанда ўғилчаси Нортой унга далда бўлар ва баъзан эркалаб, ўз ташвишларини бир оз унутарди. Омонуллани бўлса негадир хуш кўрмасди ва уни тезроқ уйланиб, кишлоғига кўчиб кетишга даъват қилаверади.

Омонулла истарали, норғул йигит бўлиб улғайди, бироқ онлавий ночорлик, поччанинг зуғумлари, унинг ичкиликка ружу қўйгани ҳикилдоғига келди ва туну кун қандай қилиб кўпроқ, осонроқ пул топиш ҳақида ўйлайдиган бўлди.

Кунларнинг бирида у ўз ўртоқларидан кишлоқдан келган, бир талаба йигитнинг тезда бойиб кетгани ва ҳозирда машина ҳам миниб юргани ҳақида эшитиб қолди. Эмишки, ўша талаба йигит бир бойвучча, ўзига тўк бева аёлникида ижарага хужра сўраб борибди. Аёл ўз уйдан жой берибди. Сўнгра йигитни ёқтириб қолиб, ундан ижара ҳақи олиш ўрнига, аксинча, йигитга янги уст-бош, пул бериб турибди. Аёл савдогар экан. У йигитни уйига қоровул, сўнгра ўзига ўйнаш қилиб, ёшида анчагина фарк бўлса-да, беникоҳ тегиб олибди.

Бу гоё Омонуллани бир оз кизиқтириб қолди. «Наҳотки, мен ўша кишлоқдан келган йигитчалик бўлолмасам. Демак, бой бева аёлларга ёш йигитлар ёқади. Ҳаётда энг муҳими, бу – пул. «Пул бўлса, чангалда шўрва», деган ўй билан Омонулла беихтиёр тилла бозорда тиллафурушлар орасида пайдо бўлди. Ўзига тузукроқ қараб, яхшироқ кийиниб ҳам юрди. Ниҳоят, кунлардан бир кун унга ҳам «бахт кулиб боқди». Оғзи тўла тилла тишли, бармоқларию бўйни тилла такинчоклар билан безанган, тўладан келган ўттиз беш ёшлардаги аёл Омонулладан юк тўла сумкасини бир жойга элтиб беришни илтимос қилиб қолди. Хизмат ҳақи учун бир талай пул узатди, лекин йигитча олмади.

– Қаерликсиз, яхши йигит? – дея нозланиб сўради. – 1/2  
Омонулла туғилиб ўсган кишлоғининг номини айтди.

– Шаҳарга нима учун келгандингиз?

– Яхшироқ иш излаб. Қишлоқда иш кам-да.



– Нима, ўқишга кирмокчи эмасмисиз?

– Йўк. Мактабни битирмаганман. Ҳайдовчилик гувоҳномам бор, холос.

– Ота-онангиз-чи, бормилар?

– Йўк. Бир опам бор. Уни шу ерга турмушга узатганмиз.

– Уйимда озроқ таъмирлаш ишлари бор эди-да. Шунга ёрдамлашиб юбормайсизми-а? Хизмат ҳақингизни берардим.

– Жоним билан, опажон.

– Вой, опажон деган тилларингиздан ўзим ўргилай. Юраколинг, бўлмаса.

Шундай қилиб, Омонулланнинг ҳам «бахти очилди». Зиёда билан яшай бошлади. Лекин Зиёда айш-ишрат, зиёфатларга берилган аёл экан, тез семира бошлади. Баъзан маст-аласт ахволда келар, бадани ва оғзидан кўланса хидлар анкирди. Кўп ўтмай, Омонуллани эр сифатида эмас, балки ландовур ёш боладек кўриб менсимай кўйди.

Шу-шу Омонуллада аёл зотига нисбатан алам пайдо бўлди. Аламини бошқа бевалардан ола бошлади ва бу «ўч» кейинчалик унинг касб-корига айланиб қолди. Бу билан ўзича адолат ўрнатмокчи, уларни диёнат ва инсофга чакирмокчидек бўларди. Эҳтимол, бу унинг етим ўсгани, меҳрга мухтожлиги, аммо кутган ўша меҳрни ололмаганлигиданми, унинг ёш, ҳали тўлиқ шаклланмаган тафаккурида бева аёлларга нисбатан қаҳр туйғуси устун турарди.

Ўзига муносиб ҳақиқий қаллиқ топиш ишқида «кўп ёнди». Лекин негадир аёлларга нисбатан салбий муносабати юкорирок бўлгани учунми, юрагини «жиз» этказадиганини ҳадеганда учратавермади. Негаки, у аёлларга ишонмай кўйган, назарида, бўлажак хотини унга хиёнат қиладигандай туюлаверар, ўзининг енгил аёлларга «суяги йўк» лигидан барча аёллар ҳам унга «бесуяк» бўлиб кўринаверарди.

Аммо ҳаётида жуда кўп қийинчилик кўргани, онасининг меҳрини кўрмагани учунми, кўча-кўйдаги мухтожларни учратиб колгудек бўлса, негадир уларга ёрдам бергиси келаверар, нималарнидир эҳсон этишни истарди. Лекин нима ҳам бера оларди? Кунлардан бир куни бунинг йўлини топган-

дай бўлди. Уларни ҳаётида учратган, ўзича «жазоталаб» деб ҳисоблайдиган бева аёлларнинг мол-мулкларини ўзбошимчалик билан ўзлаштириб, уларни муҳтожларга тарқата бошладди. «Мусодара қилинган» молларни бўлса рўйхат асосида элтиб берарди ва бир қисмини ўз эҳтиёжига ҳам сарфларди.

\* \* \*

Кунлардан бир кун Омонулла одамларнинг уй-жойини сотиб воситачилик қилувчи бир гўзал бева аёлни учратиб, унга қизиқиб қолди. У қизчасини етаклаб юрарди. Йигит унинг изидан тушди. Ўшанда хиёбондаги ўриндикда ўтган-кетган аёллар оёғини санайвериб, чарчаб мизғиб қолди. Шу маҳал бирдан бошига «дук» этиб урилган тўп уни чўчитиб юборди. Бир қизчанинг беғубор хиринглаган овози эшитилди. Бошидаги соябонли «аэродром» шапкаси ерга учиб тушди. Омонулла уни олиб қокди-да, кизалокнинг бошига кийдириб қўйди.

Кизалок шапка тагида гўё кўзикоринга ўхшаб қолди.

– Кимнинг қизисан?

– Ойимнинг.

– Дадангининг-чи?

– Ойим дадам билан ажрашганлар.

– Нега?

– Билмасам, – дея елкасини қисди қиз.

– Исминг нима?

– Ҳилола.

– Ойингники-чи?

– Зилола.

– Ҳилола, Зилола. Зўр-ку!

Шу пайт узоқроқдан Ҳилоланинг онаси «Ҳой, қаёққа кетиб қолдинг? Бу ёққа кел!» деб қичқирди.

– Хўп, ҳозир, – дея жавоб берди қизча ҳам.

«Ие, бу ўша уйфуруш даллол аёл-ку», деди йигит ўзича ва қизчага:

– Борақол. Ойингга мендан салом айт, хўпми? – деди.

– Сиз кимсиз?

– Шокир амакинг бўламан.

– Амаким бўлсангиз, нега бизникига келмайсиз?

– Бўпти. Энди бораман, хўпми?

– Хўп, мен кетдим, – дея қизча коптогини олиб, чошиб кетди, аммо Омонулланинг шапкасини қайтаришни унутди.

Зилола йигитнинг кўзига узоқдан худди «чўғ»дай, орзусидаги аёл бўлиб кўринди. Жувон хушқомат ва кўҳликкина эди. У қизалоғи бошидагини юлқиб ечиб олди-да, «Сен бировларнинг бош кийимини кийма, касали юқади», – дея уришиб берди ва йигитга яқин келиб деди:

– Олинг матоҳингизни, муллака, – дея уни отди-да, лабини бурганча кета бошлади.

– Яхши қиз, тўхтанг, гаплашайлик.

– Бегоналар билан гаплашадиган одатим йўқ, яхши йигит.

– Мен сўққабошман, сиз бевасиз, гаплашсак нима бўлибди?

Аёл ялт этиб қаради. Унинг нигоҳида «Сизга ким айтди?» деган савол пайдо бўлганди.

– Дардингизни кўзларингиз айтиб турибди-ку.

– Қандай қилиб?

– Менинг кўзим билан қаранг-да.

– Ўҳ-хў, кармоқ ташлашга уста экансиз. Яхши қолинг, – деди аёл кесатиб ва Ҳилолани етаклаб кета бошлади.

Омонулла беихтиёр улар ортидан изма-из бораверди. Уйфуруш жувоннинг уйи унча узоқ эмас экан. Омонулла у кириб кетган хонадонни узоқдан бемалол кузатиб турди.

– Демак, ўзи ёлғиз яшайди. Қизчаси боғчага боради. Ўзи уй бозорда иш қилади. Исми Зилола, ҳойнаҳой, тахминан йиғирма беш-ўттиз ёшларда. Ҳозирча маълумот шу, – деди у ўзича хулоса қилиб ва ён дафтарига қайд қилиб кўйди.

Омонулла эртасига сахарлаб келиб, унинг йўлини пойлашга жазм қилди. «Умр ўтиб боряпти, яхши жувон экан, қачонгача сўққабош бўлиб юраман», – деди у ўз-ўзига. Аммо Зилола йигит кутганидек, гаҳ деса, кўлига кўнадиганлардан эмасди. Омонулла жувоннинг йўлини кўп бор пойлади. Дастлаб унинг нияти жиддий эди. Шунинг учун унга гап қотгиса, яқинроқ танишиш ва ўз ниятини билдириш учун ҳар



хил баҳоналар ўйлаб топарди, аммо Зилола жilовини кўлдан бергиси келмас, ҳар гал охулардай хуркиб қочарди. Бир сафар қиз: «Афтинг курсин, шилким», деб айтди. Неча-неча оху кўзлар, офатижонларнинг меҳрию севгисини қозонган йигит бундай ҳақоратомуз сўзларни умрида эшитмаганди. Омонуллага «қайсар» кизнинг сўзлари оғир ботди. Жаҳли чиқди ва «сеними ҳали...» дея қўл силтаганча нари кетди.

Аммо йигитнинг бундай «ошиқона» саъй-ҳаракатлари ҳар сафар маҳалла бошида чоғроқ сабзаёт дўкони очиб, савдо қилиб ўтирадиган Карим қовок исмли ўрта ёшлардаги шоп-мўйлов кишининг эътиборини аллақачон тортиб бўлганди.

Паришон бораётган Омонулланинг кўзи ўзини синчков қузатиб турган сотувчига тушди ва қўлини кўксига қўйиб аста салом берди.

– Ваалайкум... Ҳой йигит, бир дақиқага тўхтаг-чи, илтимос!

– Лаббай, ака!

– Узр, сўраганнинг айби йўк. Сизга бир-икки бор кўзим тушгандек бўлди-да, тинчликми? Бирор ёрдам керакмасми, мабодо?

– Йўк, раҳмат, ўзим шундай...

– Ҳа-ҳа, тушунарли, йигитчилик, денг... – деди у тиржайиб ва эскирок курсини суриб қўйди. – Келинг, бир пиёла чойим бор. Ўтиринг, дамингизни олинг.

Омонулла «ховуридан тушгиси» келдими, ҳарҳолда йўк дея олмади. Мезбон унга чети чизилган ва лаби учган пиёлага термосдан аччиқ чой қуйиб узатди.

– Исмин Карим. Маҳаллада мени ҳамма ҳурмат қилади. Ўзлари ким бўладилар?

– Шоқир, – деди Омонулла ҳар эҳтимолга қарши асл исминини яшириб. – Пскентликман, сўққабошман.

– Зилолага кўнглингиз борми, дейман-а? – сўраб қолди у даб-дурустан.

– Ҳа, энди тушунаси-ку. Агар насиб қилса, маҳаллангизга аъзо бўлиш ниятим йўк эмас.

Карим қовок ҳеҳелаб беўхшов қулиб қўйди. Нос чекавер-

ганидан сарғайиб кетган тишлари жуда беўхшов «жило» берарди.

– Э, шунақа денг, яхши-яхши. Одам очик кўнгил бўлгани яхши-да, баракалла! Хўш, бу ёғи ишлар юришай деяптими ёки ёрдам-пордам дегандек...

– Яхши бўларди, – деди Омонулла чойдан бир хўплаб оларкан.

– Ҳа, у шунақа қайсаррок қиз, хафа бўлмайсиз-да.

– Нега қайсарлик қилади?

– Бир марта куйган-да, бечора. Эри уни алдаб ташлаб кетган. Шунинг учун қатикни ҳам пуфлаб ичади. Ўзига тўқ, молмулки етарли. Барибир бир умр ток ўтмаса керак.

– Агар рози бўлса, уни бахтли қилардим. Кейин маҳалла-кўйга ҳам қарашиб турардим. Менинг ҳам топиш-тутишим ёмонмас.

Карим қовокнинг синовчан кўзларига ўзгача нур киргандай туюлди. Шопмўйлови беихтиёр кимирлаб, кўзлари сузилиб айёрона бокди-да, йигитнинг елкасини самимий қоқиб кўйди.

– Э, яшанг. ука! Бу дейман, ниятингиз жиддийга ўхшайди-ку-а?

– Ҳа, албатта.

– Нима, ўртага тушайинми-а?

– Яхши бўларди.

Карим қовок яна ўзича кулган бўлди-да, секин шипшиди.

– Хўш, агар ўртага тушсам, ишларни юриштириб юборсам, яннайкейин, бизга бирор нима унадими? – дея таъмагирлик билан гап қотди у.

– Албатта, ака...

Карим қовок учун шу сўз, ваъда керак эдими, шарт ўрнидан турди-да, бироз ўйланиб, яна жойига ўтирди.

– Энди, бу умр савдоси-да, ука. Мабодо, ваъдангизда турмай, уни ташлаб кетсангиз-чи? Унда нима бўлади? Хўш?..

– Юзингизни ерга қаратиб кўймайман, ака.

– Бўлмаса, бундай қиламиз... «Кенгашли тўй таркамас», деганлар. Мен бу масалани маҳалла фаоллари ўртасига кўндаланг қилиб кўйсам. Кейин шунга қараб.., а лаббай, нима дедингиз?

– Гап йўқ, – деди Омонулла кувониб ва хаёлидан «Зўр иш бўларди. Агар маҳалла кафолат берса, Зилола ҳеч қачон йўқ дея олмайди. Умуман, бу яхши гоя. Нима кўп – маҳалла кўп, уларнинг кам-кўстига озгина қарашиб турсам, мендан яхши одам бўлмайди», деган фикрни ўтказди.

– Хўш, йигит, нима дейсиз?

– Маҳалла бўлса, маҳалла-да. Бирор хизматлари бўлса, бош устига, бемалол...

– Маҳалламиз идораси қаердалигини биласизми ўзи?

– Йўқ, билмайман.

– Хув ана! Кўриниб турган чинор тагида чойхона бор. Идора ўша чойхонанинг орқасида.

– Чойхона денг. Унда мен ўзим, худо хоҳласа, ўша фаолларингизга «дўппидай» ош дамлаб бера қолай.

Бу гап Карим ковокка мойдай ёкиб тушди, шекилли, ох-ох дея мўйловини силаб кўйди-да, елкасига қокди.

– Яшанг, зўр йигит экансиз!

– Неча киши бўласизлар?

– Тахминан, ўн киши. Ана, ўн иккита деяверинг. Тушуна-сиз-ку, ҳар хил қаланғи-қасанғилар ҳам билиб-билмай кириб қолишлари мумкин. Қизнинг отасини ҳам чакиртирамиз, албатта, – деди сотувчи йигитни маъноли қилиб бир туртиб кўяркан.

– Ишқилиб, кўнармикан?

– Кўнмаса, кўндирамиз-да. Бу ёгини менга кўйиб бераверинг. Лекин айтиб кўяй, ишлар юришиб кетса, менга алоҳида эрийсиз. Майли, пиво-миво ҳам бўлаверади. Хўш, келишдикми?

– Келишдик, – деди Омонулла қўлни бериб.

\* \* \*

Эртаси куни айнан келишилгандай қилишди. Омонулла айтилган вақтда ошнинг харажати билан чойхонада ҳозир но-зир бўлди. Ишгаҳалари очилган-у, аммо унинг келишига шубҳа билан қараган маҳалла фаолларининг бошлари кўкка етди.



– Э, яшаворинг-е, азамат! Айтдим-ку, бу ҳақиқий хўроз йигит деб! – дея хитоб қилди Карим ковок.

Омонулла югуриб-елиб хизмат қилди, паловни ҳам ўзи дамлади. Йигит паловхонтўра билан бирга гўё ўзи хориж сафаридан олиб келган «мозор босди» коньяк билан фаолларни сийлади. Оғизлар ёғланди, кўллар дуога чоғланди. Айниқса, Омонулла Мардон исмли ширакайф кишига жуда ёқиб қолди. Унинг айтишича, Зилола ўз синглицидай эмиш, у нуқул «гап йўқ, зўр йигит экан», деган сўзни тез-тез қайтараверарди.

– Ҳой, йигит! Мана кўрасиз, ҳаммасини «есть» қиламиз. Сиз фақат биз фақирлардан баъзи-баъзида хабар олиб турсангиз, бас! – деди у хиринглаб кулиб.

Аммо маҳалла оқсоқоли Пардавой ака уни жеркиб берди:

– Ҳой Мардон, сал ўйлаброк гапир. Ҳеч бўлмаса, маҳаллага ёрдам қилиб туриш, дегин, нодон!

– Бу йигит кўриниб турибди, унақа шалтай-палтайларданмас, яхши йигит бу. Маҳалланинг камчилиги бу йигитга чўт эмас. Тўғрими, Шоқирали? – сўради Карим.

– Тўғри-тўғри, – деб қўйди Омонулла кулиб. – Нима хизмат бўлса, айтаверасизлар, кўлимдан келганича, албатта.

– Бешни ташланг, маладец!

– Хўш, – деди бир пайт Омонулла билан кечагина танишиб, уни фаоллар кенгашига тавсия этган Карим ковок масалани ўртача очик ташлаб сўради. – Шундай қилиб, нима дейсизлар?

– Биз «За!» – деди икки кўлини кўтарган Мардон.

– Хўп, Шодмон ака, сиз нима дейсиз? – сўради у бир четда шумшайиб жим ўтирган Зилоланинг отасидан. – Қизингизнинг бахти очилай деб, фурсат етиб турганида «йўқ» демасиз-а?

– Сизлар кафолат бераётган экансизлар, мен нима ҳам дердим? Қизимдан ҳам бир оғиз сўраб, олдидан ўтиб кўйишимиз керак, – деди у чой олиб келаётган Омонулла томон бир нигоҳ ташлаб олиб.

– Бўлди, – деди Мардон ташаббусни ўз кўлига олиб. – Бўл-маса, мундоқ қилайлик, «Темирни кизигида бос», деганлар. Сиз Каримжон билан кизингизни кизига ўтиб келинлар. Биз Шокиржон билан ҳангомалашиб, шу ерда ўтириб турамиз. Бўладиган ишнинг бўлгани яхши-да, нима дединлар? Хохласанлар, мен ҳам бирга борай.

– Маъкул, – деди Карим қовоқ. – Сизларнинг номларингиздан иккимиз ўтиб кела қоламиз-да, бўлмаса.

Ўтирганлар жонланиб, хушқайфият билан ҳар иккисини кузатиб қолишди. Мардон Омонулланинг қулоғига шипшиди

– Қани, куёвбола, бир эримайсизми, энди?

– Ҳой Мардон, аввал иш битсин, қанака одамсан ўзи? – эътироз билдирди Маткарим ака деган киши.

– Битади. Битмаса, мана мен битказиб бераман. Вей, бунақа йигит маҳалламизга жудаям керак, тушундингизми?

\* \* \*

Хуллас, иш битди. Маҳалла-кўй аралашиб, бўлгуси келинболанинг «бўйни эгилди». Никоҳ ўқилди. Омонулла Зилоланинг уйи олдига стол кўйдириб, маҳалла одамларини чакириб, хатми оши ҳам қилиб берди. Ундан яқинларининг нега таклиф этилмаганини сўрашганида, ўзининг етимлигини, ҳеч кими йўқлигини, уй-жойи Пискентда эканлигини айтди. Маҳалладошлар унга ачиниб кўя қолишди ва икки ёшга бахт тилаб дуо қилишди.

Зилола дастлаб Омонулла, яъни эри Шокирга унча ишонч билдирмаган бўлса-да, унинг маҳалла аҳли билан тез чиқишиб кета олгани, ташкилотчилиги, сўзамоллиги, болажонлиги учун тақдирига тан бериб кўя қолди. Аммо кўп ўтмай Зилоланинг феъл-атворидаги баъзи қусурлар Омонуллага ёқмай қолди. У ўзини ҳамиша йигитдан устун кўяр ва арзимаган гап-сўзлар учун нолигани нолиган эди.

Улар бор-йўғи уч ой яшашди. Омонулла бошқа маҳаллада, бошқа сипороқ бева аёлга дуч келиб, уни ёктириб қолди.

Бироқ кетар олдидан уни тушунмаган қайсар ва чўрткесар Зилолани ўзича «жазоламоқчи» бўлди.

\* \* \*

Омонулла, яъни Шокиржон «кўчиш ишлари»ни рисоладагидек чиройли қилиб бажарди. Аввало, Карим қовоққа учрашиб, энди келинболани Пскентдаги уйига кўчириб олиб кетаётганини маълум қилди. «Ота жойим, кимдир уйнинг чирогини ёқиб ўтирмаса, бўлмайди», дея йиғламсираб ҳам олди. Яхши чиқди. «Театральний»да ўқисаям бўларкан. Ўзига қойил қолди.

– Ҳа-ҳа, албатта. Ота жойи мўътабар маскан. Иложи бўлса, у ерни сотмаслик керак. Манави уйни-чи, буни нима қилмоқчисизлар?

– Сотмаймиз. Яна билмадим. Зилолахон ўзи билади-да, уй уники-ку, ахир, – деди Омонулла «камтарлик» билан.

– Ҳа, яшанг. Ишқилиб, аёлингиз кишлокка кетишга розими?

– Албатта. Кенг ҳовли. Мол-қўй, парранда-сарранда дегандай...

– Қачон кетмоқчисизлар?

– Бугун кўчларни олиб кетгани машина гаплашиб қўйгандим.

– Усти ёпикми?

– Ҳа. Эҳтиёт қилиб олиб кетади. Ҳайдовчи ўзимнинг кадрдоним бўлади.

– Яхши.

– Шунга тушликка бир чўким ош дамлаётувдим. Уч-тўртта қўни-қўшнилар қарашиб юборишар, ўзингиз ҳам ўша ерда бош бўлсангиз, дегандим.

– Бўпти, бир-икки киши бўлиб ўтиб қолармиз.

– Албатта ўтинлар. Шундок кўчага чиройли жой қилиб қўяман.

...Маҳалла-қўй, қўни-қўшнилар куйиб-пишиб жиҳозларни ҳаш-паш дегунча юклашиб, уй хоналарини «енгиллатиб» бе-



ришди. Болалар ҳам, кўшни аёллар ҳам қараб ўтиришмади. Машина эшиклари маҳкам ёпилгач, ош сузилди. Сўнгра ота-хонлар «Кўша қаринглари, борган жойларингизда униб-ўсинглари», деб машина жойидан кўзгаллиши олдида яхшилаб фотиҳа қилишди.

...Аммо бу гаплардан Зилоланинг хабари йўқ эди. У кечки пайт қизалоғини аста етаклаб келиб эшигини очиб кўрсаки... Бақир-чақир, мелисабозлик кейин бошланди. Бу пайтда Шоқиржон нарсаларни тегишли жойларга олиб бориб, ўзи тузиб қўйган рўйхат бўйича буюмларни муҳтожларга тарқатиб улгуриб, кейинги хотинликка номзод бўлмиш «Ипподром» бозоридаги олиб сотар Хадичаникига жўнаворган эди. Чунки ўша куни окшомга у ерда никоҳ маросими ва хатми оши белгилаб қўйилган бўлиб, Омонулланинг фикрича, «Бодомзор» маҳалласи фаолларини куттириб қўйиш инсофдан эмасди. Аммо Омонулла, э, кечирасиз, Шодиёрбек Хадичанинг уй жиҳозларига ҳеч қачон кўз олайтирмади, чунки бозор дўқонидаги товарларнинг ўзи тузган режаси учун етиб ортарди.

Омонулла «эгаллик қилган» пул маблағи, буюм ва жиҳозларни асло ўзи учун олиб қолмасди. Тўғри, у ҳам аввало тирик жон, ейиши, кийиниши ва яна никоҳ харажатлари бор. Уларни, албатта ён дафтарчасида ҳисобини олиб юрар, қолганини бўлса кўча-кўйда дуч келиб қолган турли муҳтожларга элтиб берарди. Бу унинг характеридаги ғайриоддий хусусият бўлиб, ўзича «адолат тантанаси»га эришишни истарди.

Кейинги ишларида унинг «қасб маҳорати» янада орта борди. У энди иложи бориша ўзини майда ишларга «булғамай» олиб сотар. чекфуруш, фолбин, тиллафуруш, темир йўл чиптачиси, меҳмонхона маъмури, кўшмачи ва амалдор бева аёлларни тўғридан-тўғри нишонга оладиган бўлди. Айниқса, тилла, бриллиант тақинчоқлар, олтин заём «компактний» бўларкан, қўни-қўшнини ҳам, маҳаллани ҳам овора қилмайсан, қўйнингга соласан-у...

Омонулла ўзининг шум ниятини амалга оширишда маҳалла одамларининг соддалиги, кўнгилчан ва ишонувчанлиги каби оддий инсоний хислатларидан унумли фойдаланишни ўшанда илк бор ҳаёлига келтирганди. Шаҳар ва қишлоқларда нима кўп, маҳаллалар кўп. Айниқса, ота-онасидан алоҳида бир-икки фарзанди билан яшайдиган ёки уй-жойли ёлғиз бевалар ҳам бисёр. Уларни аниқлаш унча қийин эмас. Бунда қулинг ўргулсин, албатта, маҳаллалар, қолаверса, дастурхончи, жарчи хотинлар қўл келарди. Уларни озгина рағбатлантириб қўйсанг бас, сени кўкларга кўтариб, осмонга олиб чиқиб қўйишади.

Омонуллонинг нияти «Буқа йигит» ролини ижро этиш эмас, балки аввало беваларнинг кўнглига қўл солиб, уларнинг муҳаббати ва ишончини оқлаб олгач, мулкларига қонуний шериклик қилиб, ўзининг ҳақини етим-бечораларга тарқатиб юборишдан иборат эди, холос. Нима бўпти, уй-жой уники, қолган-қутган эски-тускилар эр «шўрлик»ники эмасми? «Севмасам, кўнгил жизилламаса, нима қилай?» – дея ўзига ўзи савол бериб, жавобини ҳам нақд қилиб қўя қоларди: «Бекор чангиб ётган буюмларининг баъзиларини олиб, уларни муҳтожларга тарқатиб берсам, тиллафурушнинг бойлиги камайиб қолармиди? Яна янгисини олаверади-да. Иннайкейин, маҳалладаги бошқа бева аёллар ҳам бу дунёга севиш, севилиш учун бир умид билан келишган-ку!»

\* \* \*

Омонулло ўз режасининг амалга ошишини яна синаб кўрмоқчи бўлди ва «Бодомзор» маҳалласи идорасига энди бир ўзи тўғри кириб борди. Маҳалла оксоқоли тушунган, яхши инсон экан, аввалига «сўққабош етимча»нинг аҳволига ачинган бўлди:

– Маҳалламизда жами тўртта бева аёл бор, – дея ҳисобот берди у дангал. – Бири сал жанжалкашроқ. Ичувчи эри билан бир умр олишиб, охири ундан эри ўлиб қутулди. У сизга тўғри келмайди.

– Менга мос келадигани бордир? Мабодо ишлар жонланиб кетадиган бўлса, маҳалла учун кўлимдан келганини аямайман. Худога шукр, тўрт мучам соғ, топиш-тутишим ёмонмас, бир оилани бемалол боқа оламан.

– Яхши. Хўш... Сизбопи бор, албатта, – деди оқсокол айёрона боқиб. – Бу Хадичахон деган аёл. Алоҳида ҳовлида туради. Ўзи тижоратчи. У яхши аёл. Ипподромда дўкониям бор.

– Нега, ҳалиги, у бева?..

– Эри хорижга кетганди. Бир фалокатга учраб, ўша ёқдан ўлиги келди. Тўрт яшар ўғилчаси ҳам бор.

– Э, шунақами, яхши.

– Хўш, шуни бир кўрасизми-а?

– Албатта.

– Унда дўконига ўта колинг, осонроқ танишасиз.

– Маъкул. Манзилини берсангиз.

Оқсокол бир парча қоғозни олиб, Хадичанинг дўкони жойлашган манзил чизмасини шарт-шарт чизиб ташлади ва йигитнинг кўлига тутқазди.

– Маъкул бўлса, олдимга келасиз, маслаҳатлашамиз, хўпми?

– Унда маҳалла фаолларига бирор ўтириш килиб...

– Келишдик! – деди оқсокол кўлни бериб.

Омонулло ўша ондаёқ «Қайдасан, Хадичам!» дея «парвоз қилди». Топди. Маъкул. Чунки унинг дўкони сертовар. Эшқўш сотувчилик қилса ҳам бўларкан.

Шундай килиб Омонулло Зилолага ўзини Шокир деб, Хадичага Шодиёр, «Бунёдкор» маҳалласидаги Гўзалга Искандар, «Дўстлик» маҳалласида кўпқаватли уйда яшовчи Гуля исмли корейс аёлга Зоҳид, «Ғишткўприк»даги Султонхонанинг Карима исмли бефарзанд, институтда ўқитувчи, бева неварасига Шаҳриёр деб таништириб, секин-асталик билан уларнинг кўнглини олиш, дўстлашиш, севги изҳор қилиш, ва ҳатто, никоҳлаш жараёнларини режали равишда олиб бора бошлади. Унинг назарида, мазкур аёлларнинг «жазоланиши лозим» бўлиб, гўё улардан аёвсиз ўч оларди. Ҳадемай даромадга ҳам кириб қолди. Чўнтагиям қаппайди, «мусодара

кингани» буюмларни мухтожларга эҳсон қилиб савоб ҳам, оз-моз қарғини ҳам олди.

Ҳотинларидан бири «Хувайдо» маҳалласида истикомат қилувчи меҳмонхона маъмури вазифасида ишловчи Солиия исми аёл эди. Омонулло унинг меҳмонлардан «кўл ҳақи» олиб урганиб қолганини билиб қолиб, «бундай аёл жазога лойиқ», деб ҳисоблади. Аммо бу аёлнинг кўлидан кўн иш келиши кейинроқ маълум бўлди. Хушқомат, кийими ўзига жуда ярашиб турган Солииянинг юқорида мансабдор таниш-билишлари (эҳтимол, хушторлари) кўп эканига амин бўлди.

Солиия ҳам чин маънода кўркам йиғит бўлган Омонулло-ни ёқтириб қолди. Аммо уйда «альфонс» саклашни жини суймасди. Шу туфайли киттароқ танишларини ишга солиб Омонуллоани кишлоқ хўжалиги бошқармасига бошлиқ ўринбосарларидан бирининг хайдовчиси вазифасига жойлаб қўйди. Катта амалдорнинг ишга ҳам ҳурмат билан қаралганидек, унинг хайдовчисига ҳам жойларда иззат-икром ўзгача эди.

Турли йиғилинлар, семинар-кеңашлар ва бошқа тадбирлар ўтгунича хайдовчи асосан зиёфат ва тушликларга тайёрланиш жараёниларида фаол иштирок этар, ойназу оддий хизматчилардан иборат фуқаролар орасида ўзининг «хурфикрлиги» билан обрў қозонарди.

\* \* \*

Омонулло кўн ўтмай бевалардан безиди. Қасрда юрмасин, хизматлари учун асосан қўлга олиниб юрарди. Шунинг учун кўз-қорни ҳам ўз-ўзининг уйнайдиган бўлиб қолди. Ким билан гап-лашса, амалю олижарак бўлиб теварак-атрофни кузатиб оладиган одам чиқарди. Найлож, ёғоҳлик яхши-да.

Эндигина кимнидир қармоғинга илинтириб турганинда тўсатдан бир аёл келиб шаллакилик қилиб кетса, жуда ёмон бўларкан. Бир гили шунчака бўлди. Бир одам ўглини ўқишга жой қаш мақсадида илтимос қилиб эндигина минг сўмга



«аъзо» бўлаётганди. Ердан чикдими ё осмондан тушдими, еттинчисимиди ё саккизинчиси, ёдида йўк, Гулсара деган тилла магазинда сотувчи бўлиб ишлайдиган аёл «Ҳа, яшшамагур! Кўлимга тушдингми, ифлос!» деб томдан тараша тушгандай бакириб, «Ғофир» деган собиқ эрини кутилмаганда сумкаси билан савалай кетди.

– Тиллаларим қани, ярамас! Мен уларни ўлиб-тирилиб топганман. Билакузугим раҳматли онамники эди!!!

Омонулла қараса, вазият қалтис. Бунақа пайтда «қуённинг суратини чизиш» энг яхши синалган самарали усул эканини у яхши биларди. Афсус, нақд минг сўмдан воз кечишга тўғри келди. Ортидан «Ҳой, ушланглар уни! У қаллоб! Милицияга топширинглар!» – деган чийилдок хитоблар анча маҳалгача эшитилиб турди. Орқа-олдига карамай қочиб қолган йигитнинг яп-янги башанг костюми бир симга илиниб йиртилди, шими ҳам дабдала бўлди, қора кўзойнаги қаердадир тушиб қолди, ўпкаси оғзига тикилди.

Муттаҳам хотин бу ҳақда милицияга албатта хабар бериши табиий эди. «Бошқа хотинларим ҳам тек ўтирмаётгандир», деган ўйга борди у. Яхшиси, бирор кўзга чалинмайдиган жойларда яшаб туришим керакка ўхшайди, ё Қозоғистонга, Жаннаникига кетворсаммикан?» деб ҳам ўйлади.

\* \* \*

У Жанна исмли бойвучча аёл билан бир ресторанда тасодифан танишиб қолганди. Жаннага бу хушбичим йигит сиртдан ёкиб қолди ва унга бир-икки бор ишва билан нигоҳ ташлаб кўйди. Жанна ўзига ўхшаш яна уч бойвучча аёллар билан бирга ўтирар, гоҳ-гоҳи Омонулла томон кўз кирини ташлаб кўярди. Омонулла бир гал қадах тўлдириб аёл томон «Сиз учун!» дея ишора қилиб кўйди. Жанна жавобан табассум ҳадя этди. Омонулла мана шу нозик табассумни илғаб олдида, тез «хужумга» ўтиб кўя қолди. У ўша қуни еттинчи хотини Гулсаранинг тиллаларини яхши пулга сотганди. Шу боис официантни чакириб, ундан бир дона арман коньяги топиб

беришини илтимос қилди. «Пул кетса кетсин, обрў кетмасин. Бу балиқларни илинтирмаслик – номардлик», деб кўйди у ўзича. Официант буюртманинг борлиги хабарини олиб келгач, йигит ҳеч иккиланмай ўша ичимлик ёнига яхши бир шоколад ҳам қўшиб аёллар столига етказишни буюрди.

Аёллар қойил қолишди ва «сўққабош» йигитни ўз давраларига чорлашди. Танишишди, рақс тушишди ва ниҳоят, кўз уриштирган Жанна дегани уни ўз меҳмонхонасида «меҳмон» қилди. Шу-шу улар ўртасида «илик муҳаббат» пайдо бўлди. Энг қувончлиси, Жанна ҳам бева эди.

– Аҳмед, сен меникига кел. Бирга яшаймиз. Менга пулинг, давлатинг керакмас, – деди Жанна Омонуллага хайрлашув олдидан тотли бўса ҳадя қиларкан.

– Хўп, ўйлаб кўраман, – деди ўзини Аҳмед деб таништирган бизнинг қаҳрамонимиз ва Жаннанинг Қозоғистондаги манзили, телефон рақамларини шоша-пиша ёзиб олди.

...Костюмининг йиртиғига бокиб Омонулла негадир ўша «бағрикенг» Жанна ҳақида ўйлади. «Яхшиси, Жанна-никига бутунлай кетаман. Шунда бу ердаги хотинлардан узоқда тинчроқ яшайман. Жаннанинг нариги дугоналари ҳам ёмонмас, шекилли. Улар ҳам менга кўзларини сузиб ўтиришди», деб кўйди у ва хўрозлардай «ширин» энтикиб олди.

Шундан сўнг у сал панароқда ошиён курган Каттабоғ кўчасидаги 12-суюқлиси Санобарникига борди ва одмирок кийимларини кийди. Кўчага чиқиб сартарошхонага кирди. Пахмоқ сочи билан мўйловини тағ-туғи билан олдириб ташлади. Сўнгра оқ кепкани бостириб кийди-да, ҳар эҳтимолга қарши бошқа одамга айланиб олди. Билиб бўладими тағин, хотин курғурлардан биронтаси уни суратга олволиб ички ишларга топширган ва ҳозирда кидирувда бўлиши ҳам мумкин эди. Аслида-ку, у ҳеч кимга сурати тугул, паспортини ҳам кўрсатмаган, исми шарифини ҳар турда айтиб келарди. Баъзан ўз исмини ҳам ёдидан чиқариб кўяр, олтинчи хотини Гулсарани янглишиб, бешинчи хо-

тини Ойсара деб юборарди. Ойсаранинг эри Шокирмиди, Собирмиди ё бошками, Омонулла «бечора» баъзида янглишиб кетарди. Шундай пайтда унга ёндафтарчаси кўл келарди.

Омонулланинг доимо сафарга шай сумкаси ўн иккинчи хотини Санобарникида эди. Санобар содда, беғубор, асосан сут, катик сотиб тирикчилик киладиган камбағал, асл бева-бечора экан. Унинг уйида кўлга илингулик деярли ҳеч вақоси йўк эди. Лекин ўзи янги эрига жуда меҳрибон бўлиб, уй-жойини жуда озода тутар. Омонуллани еру кўкка ишонмай «ювиб-тарарди». Унинг фикри-ўйи келишган эрининг топиш-тутиши, юриш-туриши эмас, балки кўпроқ унинг «наслидан кўпайтириш»ни орзу қиларди. Аммо унинг Омонуллага ёкмайдиган бир нуксони бор эдики, бу – сотаётган сутига сув кўшарди.

«Йўк, мен унинг ҳеч нарсасини олмайман, – деди Омонулла фикран инсофга келиб. – Ўзи мунисгина аёл экан, бирор «қора куним»да яраб қолар. Токи бирор бойроғини топгунимча шуникида яшаб туравераман. Қозоғистонга бориб ҳали ишларим юриб кетадими, йўкми, номаълум. Демак, бу уй менинг доимий «қўноғим» бўлади», – деб кўйди у ўзича қатъий аҳд қилиб.

Омонулла шунақа, кейинги пайтларда сал ақли кириб, «теранрок» фикрлайдиган ҳам бўлиб қолди.

\* \* \*

Санобарнинг чоғроккина ҳовлиси Каттабоғ кўчасида жойлашган бўлиб, у ерга курувчи-мардикорлар қаторлашиб турадиган чорраҳадан ўтиб бориладди. У таксидан тушиши ҳамано «Курувчи керакми?», «Ака, мен сантехникман!», «Электрик-чи, электрик?», «Бирор иш борми?!» деган саволлар билан мардикор йигитлар уни қуршаб олишди. Уларнинг ҳаммаси турли вилоятлардан келгани шундоқ юз-кўзлари, уст-бошлари ва лахжаларидан сезилиб турарди.

Омонулланинг хаёлига шу маҳал яхши бир «бизнес ғоя»

келиб қолди. «Хўш, мен мана шу мутахассис йигитлардан бир гуруҳ тузиб, халқ мулки ҳисобига бойиб кетган бирор муттаҳам бойваччанинг уйини «подключ»га олсам-чи? У билан бирор каттароқ суммага шартлашаман. Бу йигитларни ўша уйга жойлайман, паспорт-ҳужжатларини уй эгасига топшираман. Келишилган шартномадаги пулнинг ўн беш, э йўғ-е, ўттиз фоизини «аванс» деб олдиндан оламан-да... Нима бўпти? Йигитлар ишлаб бераверишади. Чунки улар менинг одамларим, мен учун ҳам хизмат қилишади. Уй-жойи тайин, уч маҳал овқати текин, муҳими, иш билан таъминланишади. Бечоралар бу ерда ҳадеб «иш беринг!» деб хуноб бўлаверишмайди. «Мусофирнинг бошини силаш ҳам савобдур», деганлар».

Шу фикридан кейин у ўзини ҳар доимдагидан-да ақллироқ ва жиддийроқ тута бошлади.

– Менга тўртта қурувчи, дурадгор керак!

– Сантехник-чи, ака?

– Электрик-чи, электрик?

– Улар уй битганидан кейин керак бўлади-да, ука.

– Қанча берасиз, ака?

– Тўхтанглар, олдин нафасимни ростлаб олай... Мен ҳам сизларга ўхшаганман. Олий маълумотли қурувчи инженерман, прораблик қиламан, холос. Уйларни «подключ»га олиб ишлайман. Командамга яхши, меҳнатқаш ишчилар керак. Хўш, хоҳловчилар борми?

«Бор!» дея қичқиришди турли ёшдаги йигитлар бараварига.

– Яхши, фамилияларингни ёзиб оламан. Паспортларинг борми?

«Бор-бор!» дейишди яна йигитлар.

Омонулла ён дафтарчасини олиб уларни бир-бир ёзиб олди.

– Бўпти, сизлар унда шу ерда бўлиб туринглар, мен икки соатдан кейин бир объектга кириб келаман. Шунда нечта одам кераклигини, шарт-шароитларни аниқ келишиб оламиз.

– Хўп, сизни кутамиз, ака. Бизга ҳам ҳар куни ҳар хил ишга



боравериш жонга тегди. Бир жойда ётиб ишласак, иш ҳам баракали бўлади, – деди бир корачадан келган кўнғироксоч йигит.

– Яшанг! Исмингиз нима?

– Жамол.

– Жамолиддин, бўлмаса, мен сизга ишондим. Яхши-яхши ишчан йигитлардан битта зўр команда тўпланг, хўпми?

– Неча киши бўлсин?

– Ҳозирча олти киши. Яна керак бўлса, айтаман.

– Хўп.

– Менинг исмим Қодир. Мана шу маҳаллада тураман. Биз сизлар билан, худо хоҳласа, ҳали жуда кўп замонавий қошоналар курамиз.

Жамол хурсанд бўлиб кетди.

– Бизга яхши пул тўлашса бўлди, эшшакдай ишлайверамиз, ака.

Омонулла бу ишга ўзи ҳам кизиқиб қолди. Келажакда мабодо ўша ўзи ҳисса кўшган уйнинг ёнидан ўтиб қолса, невара-чевараларига «Кўриб кўйинглар, манави уйни мен қурганман», деб қўйиш қандай завкли.

\* \* \*

Омонулла Болтавой аканинг бева қизи Мафтунани манзилига етказиб қўйгач, энди катта асфальт йўлга чиқиб олган ва пойтахти азим сари машинасини елдек учириб бораркан, негадир Мафтунанинг жилмайиб турган самимий чехраси кўз олдида туриб қотиб қолгандай эди. Йўл бўйида янги барпо бўлган ҳашаматли уйларни кўриб, чуқур хўрсиниб қўйди. «Э-э, невара-чеварамиш, ёшим бир жойга бориб қолди, ҳали ўз фарзандим йўғу... Мен кимман ўзи? Нималар қиляпман? Пулим бўлса бор, қамоқ деган балодан қутилдим. Аммо бахтим, муносиб қаллиғим йўқ. Наҳотки, умрим шу зайлда ўтиб кетаверса...»

Омонулланинг кўз олдида содда ва беғубор Болтавой ака келди ва мийингида кулиб қўйди.

– Оббо, Болтавой ака-ей. Нахотки, унинг ўша қадимий обдастасидаги сув менга чиндан ҳам таъсир қила бошлади. Илгари хаёлимга келмаган фикрлар, тавба...

Шундан сўнг Омонулла яна ўз «прораблик» фаолиятини ёдига олди.

\* \* \*

Омонулла ўшанда ўзига ўзи «Ҳозирги кунда дангиллама, қарасанг дўшнинг тушиб кетадиган шахсий иморатларни қимлар қуряпти?» деган савол бериб, жавобини ҳам ўзи топгандек бўлганди:

– Албатта, пулдор амалдорлар-да. Нима, улар бу қошоналарни арзимас ойлик маошлари-ю, чоракларда оладиган мукофот пулларига қуришармиди? Демакки, текин, муттаҳамлик билан топаётган «лойлари»нинг бир қисмини хайрли ишларга сарфлашса асакалари кетармиди ё пуллари камайиб қолармиди? – дея хулосага борди у.

Омонулла ўша кунлари ўзини шундай юпанчлар билан овутиб, шаҳар маҳаллаларини кезиб, бир Саъдулла хожи исмли амалдор бой киши билан оғзаки шартнома тузишга муваффақ бўлди. Сўнг Жамол бошлиқ қурувчи мутахассислардан иборат янги тузган ўз ишчан гуруҳини бошлаб келиб жойлаштирди. Қурилажак ҳашаматли иморат лойиҳасини буюртмачининг кўнглидагидек, «смета»сини ўзи истаганидек, хўжайинга маъқуллаштириб олди. Келишув чоғида ўзининг ўта «тажрибалилигини» кўрсатиб кўйиш учун янги-янги таклифлар киритиб кўярди. Ишончли бўлиши учун ёлланган йигитларнинг паспортларини уй эгасига ҳеч иккиланмай топширди.

Хуллас, Омонулла («Қодир прораб») Саъдулла хожининг ҳашаматли иморатини «подключ» қуриб беришга келишиб иш бошлади. Унинг мутахассис моҳир усталардан иборат гуруҳи туну-кун ишлаб, ўн кунга мўлжалланган ишни уч-тўрт кун ичида қойиллатишди. Эски иморатни теп-текислаб, саранжомлаб ва янги пойдевор учун жой тайёрлаб кўйдилар. Ҳожи уларнинг меҳнатқашлигидан мамнун эди ва «Қодиржон»га кўп раҳматлар айтди.

– Хўш, энди бир дуо қилсангиз, янги иморатингизни бошлаб юборамиз-да, ҳожи ака, – деди «прораб» такалтуф билан.

– Офарин-офарин! Гапнинг тўғриси, мен сизни дастлаб учратганимда бунчалик меҳнатсевар ва ҳалоллигингизга шубҳа билдирган эдим, узр. Хўп, энди мақсадга ўтсак, смета ҳужжатлари тайёрми?

– Албатта тайёр. Мана дастлаб ўн тонна цемент ва йигирма машина шағал олиб берасиз, – деди у ён дафтарчасидаги жадваллардан бирини кўрсатиб. Лекин бир цементовозга ўн уч тонна сиғади. Машинаси билан олиб кўяверишни маслаҳат берардим. Чунки ҳали яна олишга тўғри келади-да. Қоплигига келсак, у сиз учун анча қимматга тушади.

– Э боракалло, жуда ақли ҳалол йигит экансиз! Шунинг учун мен сизга ишонаман, ўзингиз келишиб материалларни келтираверинг, мен бўлса пулини тўлайвераман.

– Хўп бўлади, Ҳожи ака, – деди ўкни нишонга беҳато ура олган Омонулла ва дастлабки майда-чуйда материалларни келтириб, буюртмачисининг ишончини қозонишга эришди. Эндиги навбат ғишт, тахта-ёғоч, шифер ва бошқа қимматбаҳо материалларга эди. Ҳожи ака катта миқдордаги пулни унинг кўлига ҳеч иккиланмай топширди. Бироқ у «Қодиржон»ни шу кўйи бошқа кўрмади. Омонулла мардикор усталарга «Арзон тахта олгани Қозоғистонга кетаяпман. Икки кунда қайтаман, санлар пойдеворни битказиб туринглар», – деганича қайтмади ва шаҳарнинг бошқа бир четидаги аввал келишиб кўйган бошқа мижозиникига янги гуруҳини бошлаб борди. Гапнинг сираси, Қозоғистонга кейинроқ боради. Ҳозир сал сармоясини кўпайтириб олсин. Эр киши суюкли аёлининг олдига курук борса бўлмайди-да...

У яна исмини, қолаверса, кийиминиям янгилаб кўя қолди. Қора кўзойнак ҳам тақди. Паспортлари Ҳожининг кўлига топширилган гуруҳ эса гаровда қолаверди. Бир жиҳатдан яхши-да. Ишлари аниқ, ётоғи, овқати текин. Фақат ишлаб беришади, холос. «Мардикорларга ноҳақлик қилаётганим йўқ. Улар иш билан таъминланди. Куйиб қолган Ҳожи агар

ҳақиқатдан ҳам инсофли, иймонли, мўмин-мусулмон бўлса, уларни ишлатиб, албатта ҳақини ҳам беради» деган ўйга борди қаҳрамонимиз.

Шундай қилиб, Омонулла шаҳарнинг баъзи маҳаллаларида янги-янги ҳашаматли иморатлар қурилишига ҳамда маҳаллалар обод бўлишига ўз ҳиссасини қўша бошлади. Қолаверса, мўлжалидаги етарли маблағга ҳам эга бўлди. Яп-янги, «импортний» қимматбаҳо костюм-шим, шляпа, бўйинбоғ ва ҳатто яхши кунларга хизмат қилиши учун чарм дипломат ҳам сотиб олди. Дипломат яхши нарса бўларкан. Унга кийим-кечакдан ташқари коньяк ва газак масаллиқлари ҳам бемалол жой бўларкан. Бундан ташқари диктофон, фотоаппарат ва ёзув блокнотлари, «Тезиков» бозоридаги «барахолка»дан турли медаллар ҳам сотиб олди. Хуллас, бир думалаб катта хўжайинга айланиб, ойнадаги ўз аксидан чўчиб ҳам кетди ва бу буюмларни Санобарникида қолдириб, ўзи Қозоғистонга – суюкли ўн учинчи хотини Жаннаникига сафарга отланди.

Санобарнинг шу кунларда қувончи чексиз эди. У ниҳоят ўзи ёқтирган эридан бўйида бўлгандек ҳис қилди. Шу туйғулар эрининг хорижга «хизмат сафари»га кетаётганини эшитиб, бироз хафа бўлди. Қатикфуруш аёлга эндигина бахт кулиб боққан ва у доимо мана шу бахтини йўқотиб қўйишдан чўчирди.

– Бизларни ташлаб кетмайсиз-а, дадаси? – деди у кўзларини жавдиратиб хайрлашув олдидан.

– Асло йўқ. Манави пулни олиб қўйинг. Яна жўнатиб тураман, хўпми? Аммо айтиб қўяй, сутга бошқа сув қўшманг, йўқса...

– Бизга пулингиз керакмас.

– Нима керак бўлмаса?

– Ўзингиз...

– Хўп жоним, биласиз-ку, ахир, хизматчилик.

– Ўтган кун сизни бир милиционер билан каттароқ ёшдаги бир киши қидириб келишувди, тинчликми ўзи?

Омонулланинг кўз олдида негадир Саъдулла хожи келди.



– Хўш, нима ишлари бор экан?

– Қодиржон шу ерда турадимиз, деб сўради. Мен йўқ, унақа одамни танитайман, дедим. Сиз ўзи ростдан ҳам Субҳон акаммисиз?

– Нима, шубҳангиз борми? – гўёки ҳаяжонланиб сўради Омонулла.

– Йўқ. Мени ташлаб кетасиз, деб кўнглим хавотирда, кўрқаяпман-да.

Омонулланинг илк бор хотинларидан бирига меҳри тушди ва уни беихтиёр бағрига босди. Бироқ аёлнинг юраги чиндан ҳам хижил эди. Чунки у кечаги кунни Омонулланинг уй телефони орқали буюртма бериб қандайдир Жанна исмли аёл билан гаплашаётганини ва бир-икки бор «Жанна, жонгинам» деганини ва индинга Чимкентга унинг хузурига етиб боришини бериги хонадан туриб эшитиб қолди. Бироқ бошқа аёлларга ўхшаб рашк ўтида «Ким у Жанна деганингиз?!» деб жанжал қилишни истамасди. Кейинчалик эса уни йўлдан қайтариб қолмагани учун афсусланиб юрди. Чунки у йигитни жуда соғинар, чин маънода уни севиб қолганди. Орадан бир ой-икки ой ўтгач, бу севги кўри чўғга, рашк оловига айлана борди ва ўша келган милиция ходимига у кўрсатган суратдаги йигит ташлаб кетган эри Субҳон экани ва у ҳозирда Чимкентдаги Жанна деган аёлникидалиги ҳақида очик айтиб берди. Омонулла бир гал Санобардан хабар олиш мақсадида кўнғирок қилган ва кайф устида эҳтиётсизлик қилиб «Телевизорнинг овозини пасайтир, Жанна!» деб юборганди ўшанда...

Шундай қилиб, Омонулла Жанна билан гўё жаннатда, айшу фароғатда, кўпол қилиб айтганда «альфонс» бўлиб яшамокда эди. Қолаверса, у ҳар хил маиший хавф-хатарлардан фориг бўлди. Аммо кунлардан бир кунни ҳуқуқ-тартибот ходимлари уни Жаннанинг бассейнида офтобга товланиб ётган халатида топиб олишди.

– Аҳмед, сенинг Омонулла деган акангни қидириб келишибди, тур, – деди Жанна «оғир меҳнат»дан сўнг, шалпайиб ётган суюқлисига.

– Ассалому алайкум. Манави суратдаги акангизми ё ўзингизми? – сўради ходимлардан бири.

– Нима эди? – саволга савол билан жавоб қайтарди у.

– Чунки бу одам қидирувда. Хўш, сизнинг хужжатларингиз қаерда? Кўрсатасизми?

– Албатта. Лекин улар машинада эди. Ҳозир кийиниб чиқаман.

– Тезроқ бўлинг.

Омонулла ёмон иш қилиб қўйган боладай шалвираб уст-боши ва нарсаларини олгани ётоқхона томон жўнади. Ортидан Жанна эргашди. Унинг ранги оқариб кетган, жуда хавотирда эди.

– Аҳмед, тинчликми? Улар ростдан ҳам акангни қидиришяптими?

– Шунакага ўхшайди. Мен бормасам бўлмайди, шекилли.

– Хавотир олма, Аҳмед. Қанча пул керак бўлса, мана мен бераман. Борибок менга хабар қил, хўпми? Танишларимни ишга соламан.

– Хўп, жоним. Хавотирланма, мен ўзим эплайман. Бу ерда қандайдир англашилмовчилик бўлганга ўхшайди. Тезда қайтаман, хўпми?

Шундай қилиб, ўзини Аҳмед деб таништирган Омонулланинг ҳам «кўзаси синди». Уни олиб кетишди. Чунки у қидирувда бўлиб, етти хотини ва яна бирови ички ишлар бошқармасига даъво аризаси билан мурожаат қилишган эмиш. Ана шунақа соғинч ва рашк баъзан нохуш оқибатларга ҳам олиб келар экан.

Милициянинг ёпик машинасида соқчилар назоратида қўли кишанланган маҳкум Омонулла бораркан, Жаннаникидан олиб кетиш учун тайёрлаб қўйган пул ва тиллаларнинг беҳуда қолиб кетаётганидан афсус чекди. Чунки Жаннанинг нарқобизнес билан машғул экани унга аллақачон аён бўлган ва гиёҳфурушлик учун уни албатта жазоламоқ керак, деб ҳисобларди. «Эҳ, қанча етим-есир бечораларнинг ҳақи қолиб кетаяпти», деб қўйди у ўзича.

## КАМОҚХОНАДА ТУЗИЛГАН РЕЖА

Шаҳар ички ишлар бошқармасига уни чув тушириб кетгани учун Омонулланнинг устидан бир йил давомида атиги етти нафар аёлдан ариза тушди. Ички ишлар ва прокуратура ходимлари тегишли фотороботларга асосан бирданига Шокир, Шодиёр, Искандар, Зоҳид, Субҳон, Шавкат ва Гофир исмли етти нафар фирибгар жиноятчини излай бошладилар. Қизиғи шундаки, фотороботлар бир-бирига жуда ўхшаб кетарди. Ниҳоят, улар қўлга олинди. Аммо жиноятчи еттита эмас, биргина Омонулла бўлиб чикди. Ишлари фош бўлиб бораётган Омонулла эндигина ўз фаолиятини бошқа шаҳар ва қўшни республикаларга кўчириб, халқаро микёсга чиқаётгани, эсиз.

Тергов ҳаракатлари бошланди. Жабрланувчи ва гувоҳлар сифатида етти нафар бева аёлларнинг барчаси жалб этилди. Энг қизиғи, улар бири Шокирни, бири Шодиёр, бири Гофирни ва яна бири мутлақо бошқа исмли эри устидан шикоят қилиб, баъзилари уни бир бор башарасига қараб яхшилаб сўкиб, қарғаб олишни ният қилишган бўлса, баъзилари мутлақо бошқа ўй-хаёлда, яъни нима бўлса ҳам арзанда эрларини ўз бағриларига қайтаришни истардилар.

Хотинлар «Пул, буюм топилади. Лекин яхши эр топилмайди», деган ўйда бўлиб, баъзилари уни кўргани турли таомлар ҳам пишириб олиб келишарди. Айниқса, Санобар кўп куюнмоқда эди. «Мени кечиринг, Субҳон ака. Мен сизни яхши кўраман, сизсиз яшай олмайман» дерди у ўз-ўзига.

Жабрланувчилар, соғинувчилар, куюнувчилар, қолаверса, «жазоланувчилар» маҳкум Омонулла билан юзлаштирила бошланди.

Юзлаштириш Зилоладан бошланди. Яхшиямки, соқчи милиционерлар бор эди. Шуларга раҳмат. Зилола маҳкум эрини бурдалаб ташламоқчи эди, ушлаб қолишди. Шунини айтсалар керак-да «Менинг милициям мени асрайди», деб.

Қолган олти нафар аёл билан ҳам шу сахна такрорланди. Улар гўё бир сценарий асосида ролни ёдлаб олиб, ижро этмоқда эдилар. Аммо еттинчи ва саккизинчилардан кейин аксинча сахна ишқий тус олди.

– Бу маҳкум Шодиёр эмас, асли исми Омонулла. Сизни алдаган, – деди терговчи Ойсарага қараб.

– Менга исмларининг фарқи йўқ, – деди аёл ва пикиллаб йиғлаб юборди. – Уйингизга қайтинг, Шодиёр ака. Озрок пулимни олибсиз, майлига. Пул топилади, меҳр топилмайди. Сизни ростдан ҳам яхши кўраман...

Омонулла бир кимирлаб олди. Кўли кишанланган бўлмаганида киссасидан рўмолчасини чиқариб суюқлиси Ойсаранинг бурни ва кўз ёшларини артиб кўймоқчи эди. Аммо терговчи жувонни сўроққа тутди:

– Сиз даъво аризаси бердингиз. шунақами?

– Йўқ, мени гувоҳ сифатида чакиришди. Юзлаштирамиз, дейишди, – деди аёл кўз ёшларини ўзи артиб оларкан.

– Сизниям пулларингизни ўмарганми?

– Йўқ. Зарур бўлгандирки... Бу кишини кўйиб юборинглар, илтимос. У кишида айб йўқ. Биз хотинлар ўзимиз ёмонмиз.

Ойсаранинг гапи далда бўлди, Омонулла энди ўзини ҳимоялашга чоғланди:

– Ўртоқ терговчи! Мен кимдан нимаики олган бўлсам, уларни муҳтожларга хайр-эхсон сифатида тарқатганман. Мана, яхшилаб танишиб чиқинг, – дея ёндафтарчасини терговчи йигитга тутказди. Терговчи дафтарчадаги ёзувларни кўриб танг қолди. Аммо жиноят, қонунбузарлик содир этилгани учун бу ишини судга оширишга мажбур эди.

Омонулла бир жиҳатдан «халоскори» бўлмиш адолатпеша судьядан бир умр миннатдор бўлди. Бир оз муддатга бўлсада, энди дам ололади. Янги-янги жиддий режалар тузади...

Ҳақиқатан ҳам қамокхона унинг учун малака ошириш мактаби каби хизмат қилди. У ерда маҳбуслар учун сиёсий-маърифий соатлар ҳам бўлиб турарди. Омонулла бошқа буюк олғирлардан фарқли ўларок ўзгача йўл тутди: маърифат дарсла-



ридан бирида унинг юмалок калласига яна бир ажойиб гоя келиб қолди: «Озодликка чиққач, қандай қилиб қатта пул ишлаш мумкин?» деган қийин масалага у ечим топгандай бўлди ва таъмагир домлага имтиҳон топшириб чиққан талабадек қувониб кетди.

– Қатта пул ҳозирги даврда қимда бўлиши мумкин? Албатта амалдорларда, – дер эди у барагида у ёқдан бу ёққа юриб. – Хўш, уларнинг пулларини ўз «розилиги» билан қай йўсинда олиш мумкин? Албатта, баъзилари амалларига ўз билим ва ақл-заковатлари билан ўтирган эмаслар, балки қимларнидир ўртага қўйиб, сўнгра қатта пора эвазига эришган бўлишлари мумкин. Шу туфайли улар ўз амал курсларидан кетишдан жуда-жуда кўрқишади. Айниқса, жойлари «ёғли» бўлса... Демақ, уларни амал курсисидан кетишига шама қилиб кўрқитмоқ жоиз. Буни аттестация ёки хизмат текширувлари уюштириш билан амалга оширса бўлади. Лекин қандай қилиб? Аттестация ўтказишнинг ўзи бўлмайди-ку! Бунинг учун ақлли раҳбар, амалдорлардан-да ақллироқ, билимлироқ ва ўткирроқ бўлмоқ керак.

«Афсус, олий маълумотли эмасман. Лекин гап дипломда эмас. Пулдорларнинг боласи келажакда бирор амалга ўтирса-да, аслида «қовоқ калла» бўлишади. Улар фақат буйруқ беришни, лаганбардорликни, қолаверса, пул ҳисоб-китобини мукамалроқ ўрганиб олишади, холос. Чунки ўқишга отасининг пулига киришади. Ўзи эмас, отасининг амали «ўқийди». Камбағалларнинг истеъдодли боласи камдан-кам ҳоллардагина амал курсисига ўтиришади. Пул сарф қилмайди, ўз кучи ва билими билан диплом олади. Қонунларни яхши билишади ва амал қилишади. Улар шу туфайли ҳам асло кўрқишмайди. Пора бериш ва олишни, ортикча мулозамат қилишни ўзларига эп кўришмайди. Амалдорларнинг бу тоифасидан кўрқиш керак. Чунки улар таниш-билиш, порага эмас, балки ўз кучлари ва билимларига, қолаверса, қонунларга суянишади. Аттестация улар учун оддий ҳол, текширувчилар бўлса улар учун меҳмондай гап, чўчимайдилар ҳам», дея хаёлидан ўтказди маҳкум йигит.

Омонулла бошка махбуслар каби фақат «жиноят кодекси»ни ёдлаш билан чекланиб қолмай, балки сиёсий, бадий ва ҳуқуқий адабиётлар, ҳукуматнинг янги чиққан турли фармон ва қарорларини ҳам чуқур ўргана бошлади. У зўр бериб аттестация ва текширувларга тайёргарлик кўраверди. Энди бу ишни фақат қаерда, кимлар билан амалга ошириш муаммоси кўндаланг турарди. Энг муҳими, пул узатувчи «мижоз»ларни ишонтира билиш, уларни аввало текширувларга руҳан тайёрлай олиши лозим бўлади. У зонада тунларни бедор ўтказаркан, ана шу ишлар ҳақида пухта режа тузарди. Туманларнинг амалдорлари билимсизроқ, соддароқ ва лакмароқ бўлиши мумкинлиги унда бир қадар умид уйғотарди.

Бу ҳақида у дастлаб баракдоши, яқин жўрасига айланган Собирга айтганида у котиб-котиб кулиб, барча баракдошларнинг эътиборини ўзига жалб қилди.

Аммо шу ондан бошлаб Омонулла катъий қарорга келиб бўлганди ва отряд бригадири ҳисобланган «бугор»ини астойдил чақирди.

– Нима гап, нима шовқин?! – деб сўради «бугор».

– Менга зудлик билан сиёсий адабиётлар, кейин янги газеталар олиб келиб беришсин!

– Йўқ. Бу мумкин эмас.

– Нега?

– Начальник рухсат бермайди.

– Нима, жиноят кодекслари, конунларни ўқиш-чи? Улар ҳам мумкин эмасми?

– Йўқ. Мумкин. Фақат маърифий-тарбиявий соатларда.

– Мен ана шуларга кўшимча адабиёт сўраяпман, холос. Мен тарбияланмоқчиман, сиёсий онгимни ўстирмоқчиман. Бунинг нимаси ёмон?

«Бугор» бир оз ўйланиб қолди. Чунки ҳеч қандай махбус шу маҳалгача бунақа илтимос билан мурожаат қилмаганди. Капалаги учди.

– Бўпти, мен «кум»га айтиб кўраман. Агар рухсат берса...

– Сизлар ўзи сиёсий адабиётлар ўқийсизларми?

– Ҳа, ҳар жума «Маърифат дарслари» ўтамиз.

Омонулла эътироз билдирди.

– Бу етарли эмас, китобларни мунтазам ўқиб туриш керак. Масалан, хўжайин, кум, начальниклар ўзи аттестация топширишадими?

– Топширишса керак, албатта.

– Сиздан илтимос, ҳеч бўлмаса, бизга расмий газета-журналлардан олиб келиб туришсин, тўғрими, Собир?

– Тўғри, баъзи-баъзида газета керак бўлиб туради, – деди Собир нимагадир ишора қилиб.

– Балки телевизор ҳам кўйиб беришимизни хоҳларсан? – сўради «бугор» пичинг қилиб.

Шу маҳал Собир келиб унинг елкасига маъноли туртиб қўйди.

– «Бугор»ни тинч қўйсанг-чи. Омон. Бунақа илтимосларни «васёк»ка қиласан, – деди маҳбуслар тилида гапириб, ходимга қараб кулиб.

– Кўяверинг. Бу «ЧМО»ни ўзим тарбиялаб қўяман. Миясига бир чертсам, сиёсийми, бошқами, онги ошиб қолади.

«Бугор» кетди. Омонулланинг жаҳли чикди.

– «ЧМО» деганинг нимаси?!

– Одамлардан, яъни бошқалардан аллақандай хислатлари билан ажралиб турмокчи бўлган маҳбусни шундай деб аташади. Сендақалардан «стукач»лар чиқишади.

– Мен ажралмокчи эмасман, аксинча, катта-катта пулларни ўмариш учун шунақа режа тузмокчиман, холос. Бунинг нимаси ёмон?!

– Тушундим. Агар ҳалиги гапингни «Хата смотрящий» эшитиб колса, у «посредникка» ё «пахан»га етказди. Билиб қўй, пахан маҳбусларнинг энг каттаси – «Авторитет». «Пахан» «Дубак»лар билан алоқа қиладиганларни ёмон кўради, тушундингни?

– Мен, ахир, янги режа тузаяпман. Мақсадим шу йўл билан амалдорлар, пулдорларнинг бойлигини жиноят қилиб эмас, ақл-заковат билан эгаллашга уриниб кўриш, холос.

– Бу бошқа гап. Лекин режангни амалга ошириш қийин, баракда ўшанга яраша шароит яратиб олишнинг бошқа йўли

бор. Шунда турма бошлиғи «Хозяйн» ҳам, «Пахан» ҳам хабардор бўлишади. Сих ҳам, кабоб ҳам куймайди. Доимо хурмат-эйтиборда бўласан.

– Қанака килиб? Тушунтириброк гапир.

– Катта пул ташласанг, сенга ўша шароит бор, яъни телевизор, совиткич, озиқ-овқат, аёллар дегандек, барча шароити бўлган «...дом свидания»ни ажратиб беришади. Яъни у ерда ўз уйингдагидек яшайверасан. Китоб ўқийсанми, ё китоб сени ўқийдими, қафасдаги кушдай мазза қилиб муддатингни ўтайверасан. Хоҳлаган аёлингни кўйнингга тикиб кўйишади. Хўш, қалай? – дея елкасига бир уриб илжайиб кўйди Собир.

– Менга ҳеч қанака аёллар керакмас. Мен улардан безорман, ўшаларни деб... Хуллас, меннинг режаларим жиддий. Худо хоҳласа, озодликка чиккач, амалдорларнинг соққасини оламан. Мен уларнинг нозик жойларидан ушлайман. Шундай киламанки, улар ўз пулларини кўлимга ўзлари ихтиёрий равишда олиб келиб беришади.

– Қанака килиб?

– Уларни аттестациядан ўтказаман.

– Тушунмадим. Маҳбуслар тилида гапир.

– Маҳбусчасигаям шу, – деди Омонулла ўйчан.

– Ў-хў, балосан-ку!

– Собир, оғайни. Кел, менга бир яхшилик қил. Қанча керак бўлса, пул топаман.

– Хўп, нима қил, дейсан?

– Ўша «Дом свидания»ни!

– Нима, гапинг жиддийми?

– Ҳа.

– Бўпти. Мен бўлмаса бугун бу гапингни «васек» орқали «посредник»ка етказаман. У бўлса ҳам «Пахан»га, ҳам «Хозяйн»га айтади. Лекин бу «люкс-хата» сен учун киммат туради, кучинг етармикин?

– Қанча керак бўлади?

– Камида ўн минг сўм...

– Эҳ-хе, битта «Газ-24»нинг пули-ку!



Омонулла Жаннани эслади. Фақат угина шунча пулни топиб бериши мумкин. У билан кечган ишқий кечаларни бир-бир ёдига олди ва фикран «севади», деб кўйди. «Мен ҳақимда фикри ўзгармадимикин? Бор, таваккал, унга хат ёзиб юбораман ёки келиб учрашишини сўрайман. Ҳа-ҳа, шундай киламан. Агар у мени ҳақиқатан ҳам яхши кўрса, кўзлари айтади, мендан ҳеч нимасини аямайди. Агар севмаса, бошқасини топиб олган бўлса, унда ноилоҳ «люкс-хата»ни тушимда кўраман. «Хозяин»нинг кўнглини олишга ҳаракат киламан. Бу ерда тўрт йил умрим беҳуда ўтмаслиги керак. Иложи бўлса, тезроқ амнистияга тушишга ҳаракат қилмоғим лозим. Сиёсий адабиётлар, қонунлар, ҳукумат томонидан чиқарилган янги-янги қарору фармонларини ўқиб-ўрганаверишим керак. Бу ҳали ҳеч қайси маҳбус қўлламаган янги усул. Бор, таваккал!» деб кўйди у ширин орзуларга берилиб.

\* \* \*

Омонулланинг омади келди. Унинг гайриоддий «сиёсий дунёқараши» ва шахсий илтимослари турмадаги ҳар иккала куч – ҳам расмий, ҳам норасмий бошлиқларни кизиқтириб кўйди. Умрида сиёсий тугул бошқа адабиётни ҳам қўлга олишни хуш кўрмайдиган майор Ғуломиддин Зиёевич Барноев исмли маҳбусни ўз ҳузурига йўқлади.

– Хўш, маҳкум Барноев, сизни сиёсий адабиётлар нега кизиқтириб қолди?

– Сиёсий онгимни, малакамни тинимсиз ошириб борсам, деганим.

– Нега?

– Мен ёзувчиман.

Бошлиқнинг капалаги учиб, ковоқлари жиддий кўтарилди.

– Нима?! Э-э, шунақа демайсизми? – деди у сохта жилмайиб.

Бошлиқнинг юз қиёфаси зумда ўзгарган эди.

– Сиз хакингизда менга бошқачарок маълумот беришганди. Яъни хотинбоз, фирибгар деб.

– Ҳар қандай инсонда ҳам бундай хусусият бўлиши мумкин. Бу истеъдодга боғлиқ. Истеъдодли кишиларни кўллаб-қувватлашга келсак, у ҳар қандай амалдор учун ҳам фарз, ҳам қарз.

– Э, койил! Гапга чечан экансиз!

– Чечан бўлмасанг, бу замонда хотинларни кўндириш кийин-да, ўртоқ бошлиқ.

– Яшанг! Майли, мен сизнинг илтимосингизни бажаришга ҳаракат қиламан. Лекин китобларни эҳтиёт қиласиз. Чунки улар кутубхонамизда қатъий ҳисобда туради. Шартим шуки, уларнинг бирорта варағи йиртилмайди. Баракдошларингиз мабодо уларни тутантирик қилиб юборишмайдами, ишқилиб?

– Шунинг учун «Дом свидания»га доимий эҳтиёжим ҳам, имкониятим ҳам бор.

– Йўғ-е, ростданми? Ҳой, ким бор?! – дея қичқирди у сокчилар томон. Сокчилар бўлса маҳбусни тез олиб чиқиб кетмоқчи бўлишди. – Ҳой, нима қиляпсанлар? Биродари азизга аччиққина қахва дамлаб келларинг, демоқчиман. Тез бўлларинг!

Қизгин суҳбатнинг давоми аччиқ қахва устида кечди. Омонулла «Хозяин» хонасида шкафга безак учун териб қўйилган китоблар кўпроқ кизиктираётганини маълум қилди.

– Ҳе-хе, буларни ҳали биров қўлига ҳам олмаган. Ранглари мебелнинг рангига мос бўлгани учун қўйиб қўйганмиз.

– Кечирасиз, сўраганнинг айби йўқ, сиз бошлиқ сифатида аттестациядан ўтиб турасизми?

Бу кутилмаган савол эди.

– Ҳа-ҳа, албатта. Нима эди? – довдираб сўради бошлиқ.

– Сиз унга қандай тайёргарлик кўрасиз?

– Хих, – деб кулиб қўйди у мўйловини айёрона силаб оларкан. – Бунинг иши осон, муллажиринг-да, – деди у ва хихилаб кулиб қўйди.

- Нима, қолганлар ҳам шунақа топширадими?  
 – Қизик экансиз-ку, бошни қотириб нима қилишарди? Китоб ўқишга кимнинг вақти бор ўзи?

\* \* \*

«Пахан» ҳам Омонуллани илиқ кутиб олди.

– Ҳой, тракторингни ишлатиб, чифер дамланглар! – дея «бугор»га буйрук берди у ва Омонуллага синовчан юзланди:  
 – Сен ҳақингда менга айтишди. Қилаётган ишларингдан хабарим бор. Сенга «люкс-хата» керак экан, деб эшитдим. Короче, «обшак\*»ка тўрт «кирпич» берасан. Сенга биров гинг деса, абжағини чиқазаман, тушундингми? Лекин «ЧМО» бўп қолма, “Благородний вор” бўл. Нима гапинг бўлса, «Васёк» орқали «посредник»ка ё шахсан менга етказиб турасан. «Дубак»ларга ҳар хил гапларни лакиллаб «стукач»га айланиб қолма, уқдингми?

– Уқдим.

– Бу ердан соғ-омон чиқиб кетаман десанг, тилингни тий.

– Тушундим.

– Ол, чифердан ич!

Омонулла кружкадаги ўта аччиқ чойдан афтини буриштириб аранг хўплади. Хўплади-ю, боши айланиб йикилиб тушди.

\* \* \*

Омонулла туну кун Жаннанинг келишини ёки ундан бирон хат-хабар бўлишини бетокат кутарди. «Севадими, севмайди-ми?» деган ўй унинг фикри ёдини чулғаб олганди. «Хозяин» гапида турди. «Дом свидания»га тушгунича унинг баракдаги жойига янги газета-журналлардан фақат қайтариб бериш шарти билан кириб турди. Шериғи Собир ҳам энди зерик-

---

\*Обшак – каможхонадагиларнинг умумий жамғармаси. Бу пул бўлинмас фонд бўлиб, уни фақат мухтож маҳкумларга ёрдам бериш учун “Пахан” ихтиёри билан берилади. Ундан бесўрок фойдаланган маҳбуслар қаттиқ жазоланган

майдиган, сиёсий онгига маърифат уруғи сингиб, аста-секин тарбият топадиган бўлди.

Ниҳоят, маҳбус Омонулланинг илтижолари етадиган жойига етиб борган чоғи, Жанна билан учрашув куни белгиланди. Жанна ҳам ўзи шу кунларда адвокат ёллаб Аҳмедни қамокдан чиқариб олиш «ишқида куйиб ёнмоқда» эди. У суюкли эрини дастлаб панжара ортида кўриб ўзини тута олмай, дод деб йиглаб юборди. Темир панжарага осилиб, уни бузиб юборгудай даражада силтаб тортаверди.

– Ҳой, нима қиляпсиз? Ўзингизни босинг, бўлмаса, учрашувни бутунлай бекор қиламиз? – кичкирди кўрикчи.

– Ўзингни бос, жоним, асалим, – деб кўйди Омонулла ҳам.

– Аҳмед, мен сени севаман, сенсиз яшолмайман! Ким сени бу ерга олиб келди? Мен ўшани топиб, конини ичаман!

– Ўзингни бос, Жанна. Ҳали ҳаммаси яхши бўлади. Мен бу ердан тезроқ чиқиб кетишимнинг бир йўли бор, эшигаяпсанми? – дея аёлнинг бир оз тинчланиб олишини кутди маҳбус йигит

– Қанақа. Айтавер, жоним, кулоғим сенда. Сенинг бошингга бундай кулфат тушишини сираям кутмагандим. Кечир ўзимни тўхтатиб туролмадим, – деди жувон йиглаб-сиктаб.

– Майли, асалим. Бўлар иш бўлди. Энди ортга қайтмайлик эртанги кунимизни ўйлайлик.

– Нима қил десанг, тайёрман. Ўл десанг, ўламан.

– Йўқ. Галимга яхшилаб кулок сол, Жанна. Мен яхши режа туздим. Агар шу режам иш берса, тезроқ амнистияга тушаман. Сарфлаган пулларимиз ҳам тез қайтиб келади. Уларни сенга албатта қайтараман. Бунинг учун фақат менга ишонишинг керак.

– Ишонаман, қанча керак?

Омонулла икки беш панжасини катта очиб кўрсатди.

– Нима, беш мингми? – дея кўзлари ёнди Жаннанинг.

– Йўқ, ўн минг сўм, – деб кўйди йигит курук қилиб.

– Ўх-хў, бу жуда кўп-ку.

– Мени «Дом свидания»га ўтказишади. Сен ҳам истага маҳалинг келиб мен билан яшайверасан.

Аёлнинг кўзлари шодликдан порлаб кетди.

- Ростданми?!
- Кейин мен бу пуллариингни бир йил ичида ўзинга қайтараман.
- Хўп. Ўйлаб кўраман. Кейин дейлик, мен ўша айтганингни олиб келиб кимга бераман?
- Бештасини қамокхона бошлиғи «Хозяин»га. Биттасини менга. Китоб, ул-бул сотиб оламан-да, Тўрттасини «Пахан»га «обшак»ка бераман..
- «Пахан»инг ким?
- Махбуслар шефи, «Авторитет».
- Шу маҳал орқасидаги навбатчи соқчининг овози эшитилди:
- Вақтларинг тугади. Сухбатни тўхтатинглар.
- Хўп-хўп, ҳозир, – деб қўйди Жанна ва кулиб юборди. – Ўша айтган жойингда эндигина «қизиқ сухбат»ни бошлаётганимизда манавилар «Вақт бўлди, «сухбат»ни тўхтатинглар!» дейишмайдими ишқилиб?
- Омонулла ҳам тушуниб кулиб юборди ва Жаннани панжара ортидан бир ўпиб олди.
- Йўк, жоним, биз ҳеч қаёкка чиқмаймиз. Бизлар тилла қафасдаги бир жуфт севишган тўтилар каби сайрашиб-сайрашиб роҳат-фароғатда яшаймиз.
- Бўпти, жоним. Демак, «Дом свидания» бизнинг муҳаббат ошиёнимиз бўлади.
- Ҳа, албатта, хайр, жоним.
- Хайр. Мени куттил ва мен қайтарман, сумкачамни тўлдириб...
- Гулга, – дея кўшиб қўйди Омонулла.
- Ҳа-ҳа, гулга, – деб кулди Жанна ва учрашув майдонидан чиқиб кетди.

\* \* \*

«Дом свидания» катъий назоратга олинган, кириш-чиқиш эшиги ҳам алоҳида бўлган, зона ичидаги уйлардан бири эди. Қамокхона бошлиғи бу жойни доимий видео назоратига олди.

Махбус Барноевнинг хатти-ҳаракати уни чиндан ҳам ҳайратга соларди.



Қизик, олим бўлса ёки бир сиёсий арбоб бўлса, майли эди. Аммо у биргина ҳайдовчилик курсини тамомлаган экан, холос. Ишқилиб, бошимга бирор гавғони бошлаб бермаса бўлгани эди. Бу одамдан кўркиш керак. Ҳамма шароитни яратишга-ку, яратиб берилди, бироқ у истаган маҳал устимиздан юқорига ёзиши мумкин. Шунинг учун уни иложи борича бошқа махбусларга кўшмаганимиз маъқул. Ўша ерда нима қилса қилавермайдими. Унинг биронта хатини ҳам ташқарига назоратсиз чиқармаслик керак. Кейин анави аёл ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишимиз керак, – дея у видеотасвирдан кўзини узмай сигаретасини кулдонга оҳиста босиб қўйди.

«Дом свидания»да илгари турли-туман жиноят олами намоёндалари ўз муддатларини ўтаб чиқиб кетишган, уларга бошқа махбуслардан фаркли ўларок бошқача эътибор ва «ҳурмат билан» қаралган эди. Аммо Омонулла янада бошқачароқ чиқди. У хона ичини сиёсий ва бадний адабиётлар, ҳукумат раҳбарларининг китоблари, тарихий рисо-лалар, плакатлар, сиёсий хариталар, газета-журналлар билан тўлдириб олди. Телевизорда у бемаъни видео фильмларни эмас, балки кўпроқ ахборот ва сиёсий кўрсатувларни, партия съезди, пленуми йиғилишларини жон деб томоша қилар, уларни шундай берилиб тинглардики, гўёки ўзи улар орасида ўтиргандек баъзан кўшилишиб қарсак ҳам чалиб юборарди.

Турма бошлиғи унинг бу қилиқларидан лол эди. Бир куни уни зобитларга ўтиладиган сиёсий-маърифий соатда синаб кўрмоқчи бўлди. Чунки тақлиф этилган маърузачининг маза-си қочиб қолгани учун келолмабди. Буйруққа асосан махбус Барноевни бошлиқ ҳузурига келтиришди.

– Беговта қилганим учун узр, махбус Барноев. Сизбоп бир хизмат чиқиб қолди-да.

– Бемалол, қўлдан келганича.

– Бугунги сиёсий-маърифий соатимизда ўзингиз маъруза қилиб дарс ўтиб берсангиз?

– Ҳўп бўлади, ўрток бошлиқ. Мавзу нима ҳақида эканини айтсангиз, бас, ҳаракат қилиб кўраман.

– Мавзуси нима бўларди, мамлакатимиздаги ҳозирги



сиёсий-иқтисодий вазият ҳақида-да. Кейин саволлар бўлиб қолса, жавоб қайтариш керак бўлади, холос. Шунга нима дейсиз?

– Яхши, – деди Омонулла сўйилишга тайёр хўроздай кадини ғоз тутиб.

Оддий маҳбуснинг «маърифат соати»да сиёсий мавзуда суҳбат ўтказиши барча камокхона ходимлари ва маҳбусларни ҳайрон қолдирди. Баъзилар дастлаб унинг устидан «Оббо, кунимиз шу шўртумшукқа қолибди-да» деб қулишди ҳам.

Аммо ўша пайтда собик шўро даврининг сўнгги йиллари ўтиб бораётган. улкан мамлакат ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий таназзулга юз тутган қалтис кунлар эди. Шунинг учун ҳам нотик асосий эътиборини инкироз сабабларига қаратди:

– Мамлакатимиз инкирозининг асосий сабабларидан бири асосан, спиртли ичимликларга қарши курашдан бошланди, деб ҳисобласак бўлаверади.

Ўтирганлар «Ув!!!» деб юборишди.

– Михаил Сергеевич Горбачёв «Салласини олиб келинглари», деб бу соҳада қарор чиқарган эди, «калласини олиб келишди». Жумладан, бутун винобоп тоқзорлар тағ-туғи билан йўқ қилинди, захирадаги вино хом ашёлари тўкиб ташланди. Давлат бюджети, арок-вино заводларининг фаолиятини асосан мана шу даромад, яъни акциз солиғи ҳисобига тўлдириб келинаётганди. Масалан, бир шиша тоза спиртнинг таннарихи 9 тийин бўлгани ҳолда уни деярли 10 сўмга сотилаётганди. Шундан 5 сўми давлат хазинасига тушаётганди. Мана иқтисодий инкироз сабаби қаерда?

Залдагилар беихтиёр қарсақ чалиб юборишди.

– Ёки бўлмаса, енгил машиналарни, гиламни олайлик, бепоён ўрмонлар, ер ости бойликлари, нефть, газ, пахта. Эҳ-ҳе, уларни қайта ишлаш, ишлаб чиқариш ўлда-жўлда ҳолатга тушиб қолди. Бизнинг республикамиз бўлса асосан хом ашё базасига айлантирилди. Одамларимиз орасида жиноятчилик, порахўрлик, таъмагирлик, амалпарастлик, таниш-билишчилик, маҳаллийчилик, боқимандалик, лоқайдлик, кўзбўямачилик, фирибгарлик иллатлари кучайди. Тўй-хашамларимиздаги



дабдабазликлар, ким ўзарлик исрофгарчиликларга олиб келди. Ташкилотларда кадрлар кўнимсизлиги авж олди. Жамият таянчи ҳисобланган тадбиркор-савдогарларни «чайковчи каззоб» деб иқтисодий жиноятчилар қаторида кўрилди. Охир-оқибат булар ҳаммаси иқтисодий таназзулга сабаб бўлди.

Бир маҳбус гапдан таъсирланиб савол бермоқ учун кўл кўтарди. Бошлиқ мийиғида кулиб савол беришга изн берди.

– Нотик жоноблари!

– Лаббай, эшитаман.

– Мана, сиз ҳам бир қонунбузар жиноятчисиз. Бўлмаса, бу ерда ўтирмаган бўлардингиз, тўғрими?

– Тўппа-тўғри, – деди Омонулла дабдурустдан маъқуллаб.

Ўтирганлар кулиб юборишди.

– Саволим шуки, сиз ўзингизни ҳам шу улкан мамлакатимизнинг таназзулига сабабчи бўлганлардан бири деб ҳисоблайсизми ё йўқми?

– Раҳмат. Ҳа, албатта ҳисоблайман!

Залдагилар бир кулиб олишди.

– Чунки менинг кўзим энди очилди. Мен илгари умуман китоб ўқимасдим. Шу ерга келиб ўқияпман, сиёсий онгим ошаяпти. Менга яхши шароитлар яратиб беришди. Бунинг учун камокхона маъмуриятига, қолаверса, шахсан майор Фуломиддин Зиёевичга ўз миннатдорчилигимни билдираман!

Гулдурос карсак чалинди. Бошлиқ мамнун куллик қилиб қўйди. Яна бир зобит савол берди.

– Айтинг-чи, маҳкум Барноев, порахўрликнинг жамият тараққиёти учун таъсири борми?

– Албатта бор. Мисол учун баъзи амалдорлар амал постига пора бериб ўтиришади. У соҳа одамими, ковоқ каллами, у ўша жойда «хозяин» бўлиб ишлайверади.

Бошлиқ «четга чиқилмасин» дегандек томоғини кириб, кўзини олайтириб қўйди.

– Ҳа, энди битта чўпгаям «сен хўжайинсан» дейилса, бошқалар унга бўйсунушади-да. Бошқаларнинг бўйсунуши уларга ҳузур бағишлайди. Шунинг ўзи етарли. Жамият

гараққий эгалими, парчаланиб кетадими, уларнинг неча пуллик иши бор? Кейин мисол учун одамлар фарзандларини пора бериб унингга киритишади. У ноқобил фарзанд умуман китоб ўқишга, ақл-заковатини ишлатишга истамайди. Ўқишни бир илож китоб битириб диванам ҳам олади. У шифокор бўлсин. Ахир, у одамларни даволайдими ёки ўлдиради!

Залда тундирас қарсақлар чалинди. Нотик сўзида давом этди.

– Дейник, пора берган одам бирор амалдор бўлсин. Уни ўйна жой, соҳанинг келажаги эмас, балки у туну кун шахсий чунтагини қаншайтириш, берган порасини чиқариб олиш эмасда қайс уради. Тўғрими?!

Залдагилар кулишиб, қарсақ чалиб юборишди.

– Мана, сиз фирибгарлик моддаси билан қамалгансиз, тўғрими? – сўради «кум».

– Тўғри.

– Айтинг-чи, қамок муддатини ўтаб бўлганингиздан сўнг бу фаолиятингизни яна давом эттирмоқчимисиз?

– Афсуски, олий маълумотим йўқ, билим, малакам етишмайди. Мен ҳаётимдаги ана шу кемтикни шу ерда китоб ўқиб тўлдириб боришга ҳаракат қилаяпман. Қолаверса, бир яхши режа тузаяпман, яъни бу ердан соғ-омон чиққач, олган сиёсий-маърифий билимларимни амалиётда қўлламоқчиман.

– Қандай қилиб?! – деган залдан хитоб янгради.

– Поракўр амалдорлар нимадан кўркишади, биласизларми? Амал курсисидан кетишдан, албатта. Уларнинг бир нозик жойлари бор. Бу билимсизлик, китоб қимаслик. Мен уларни ана шу «нозик жой»ларидан маҳкам тутмоқчиман. Лекин қандай қилиб, бу ёғи сир...

Залдагилар кулиб юборишди. Хуллас, «маърифат дарси» кизгин ва жуда муноварали ўтди. Қамокхона бошлиғи ва бошқа ходимлар маҳбус Барноевдан мамнун бўлишди. Мазкур маҳкумнинг сиёсий-маънавий онги юқори даражада эканлиги, унинг намунали тарзда яхши тарбияланаётганидан даҳшат берарди. Бу ҳол Омонулланинг имтиёзли амнистияга руҳини ва муддатидан аввал озодликка чиқиб кета олишига сабаб бўлди.



Шундай қилиб, муқаддам судланган фирибгар ва хотин-боз фуқаро Барноев Омонуллага нисбатан белгиланган тўрт йил ўрнига икки йил муддатда «афв этиш» моддаси қўлланилиб, озодликка чиқарилди.

## «ТЕМИР ҚУШ» ОПЕРАЦИЯСИ

Бошқўтон туманидан қайтган Омонулла катта йўл бўйлаб пойтахт сари машинасини елдек учириб бораркан, йўл бўйида тоғ лоласи, ровоч ва қимиз сотиб ўтирган тоғлик қизларга назари тушди. Икки йил камокда бўлиб, бундай табиатнинг баҳорий инъомларини соғинганди. Тўхтаб, қимиздан ютокиб ичиб олди, ровочдан арчиб чайнади. «Эсиз, туз йўк эканда, бўлганида мазза бўларди», деб қўйди у фикран. Сотувчи қизалокдан бир даста тоғ лоласи ва ровоч сотиб олди. «Санобар хурсанд бўлади. Бечора унинг йўлига икки йил кўз тикди. Ўзи емай, ичмай, Омонулланинг «Дом свидания»сига яхши-яхши таомлар пишириб киритиб турди. Лекин ҳеч қанақа таом бугунгидай Мафтуналарникида ичган угра ошга ўхшамасди. Фикри хаёли яна Болтавой аканинг бева қизи томон учди. «Қани энди мана шу лолаларни Мафтунага тортиқ қила олсайдим» деган ўй ўтди ва бир энтикиб олди. Яна йўлда давом этди. Адирлар тугаб, кенг пахтазор далалар бошланди. Аммо кутилмаганда қорни гижимлай бошлади.

– Оббо, нафсим қурсин, қимиздан кўп ичиб қўйибман-ку, – деди у гўлдираб ва радиодан таралаётган енгил мусиканинг товуши ҳам кўнглига сиғмай, ўчириб қўйди. – Энди қажоқ борсам экан-а? Хих, кап-катта, дуппа-дуруст кийинган одам пахтазор ичига қираманми? Мундоқ тутқаторлари ҳам йўк, – деб қўйди у теварак-атрофга илтижоли жовдираб қараб.

Аксига олиб йўл бўйида ҳеч қандай хонадон ёки ташкилот кўринмасди. Қорни баттар гижимлай бошлади. Шу маҳал узоқда йўлдан ичкарироқдаги бир майдонда бир улкан машина қорайиб кўринди. Омонулла у ерни хирмон бўлса ке-

рак, хирмонда комбайн турибди, деган хаёлга борганди, аммо янада якинроқ боравергач, унинг кимёвий дори сепувчи оддий самолёт эканига амин бўлди. «Э, хайрият. Демак, бу ташкилотда кимдир бор. Одам борки, демак, хожатхона бор», деб беихтиёр рулни дала томон кириб келган йўлга бурди.

Аэропортда ҳеч зог кўринмас, дарвоза берк, қоровул мизғимоқда эди. Омонулла уни безовта қилгиси келмади ва томоғини маъноли кириб олди-да, ўзини бир мирда, бир сирда тутиб киборли юриш билан аэропланлар очик майдони сари мағрур кириб борди. Аммо у ёқ-бу ёққа айланиб қараб «кичкина кўналгоҳ»ни топа олмади. Бу пайтда қоровул уйғониб кетганди ва ўша даврда фақат қатта хўжайинлар миниб юрадиган қора «Волга»га кўзи тушди. «Оббо, бирор текширувчи келибди, шекилли, мен бўлсам уни пайкамай қолибман» деб майдон томон чопди. Аммо меҳмон кўринмасди. Бу пайтда Омонулла тек қотиб турган яккаю ёлғиз самолёт ёнидаги дори омборининг орқасига ўтиб кетган ва у ерда одам бош суягининг суратига кўзи тушиб кўркиб кетиб, шундоқ идора ховлисидаги арчалар тубига яшириниб кўя қолганди. Бекорчиликда самолётнинг маркаси, номери ва бошқа белгиларига назар ташлаб, уларни дилига жо қилди. Самолёт қачондан буён учмагани ва қаровсизлиги шундоқ кўриниб турарди. Аммо бу саъй-ҳаракати кўп ўтмай асқотиб қолди.

Қоровул «меҳмон»ни излаб, хайрон бўлиб, ҳар тешиқларга бош суқиб кўра бошлади. Яхшики, Омонулла уни пайқаб қолди ва тез ўзига келиб, бўйинбоғини тўғрилаб, жиддий қиёфага кириб, арча ортидан чиқиб келди.

– К-келинг, меҳмон. Сизни пайкамай қолибман, узр.

– Ассалому алайкум. Мен «Аэрофлот» бошқармасидан Шукуровман. Инвентаризация қилиб юрувдим. 405- машина-миз жойидами, йўқми, деб...

– Н-нима-ция?

– Инвентаризация, яъни асосий воситаларни рўйхатга олиб юрибман, – дея олди Омонулла базўр. Чунки қорни яна бир бор қаттиқ гижимлаб кўйди. Афтини буриштириб киссасидан ён дафтарчасини чиқариб, алламбалоларни гўё ёзган бўлди.

– Мен унда ҳозир хўжайинни чакираман, – деди қоровул киши.

– Ким ўзи у хўжайинингиз?

– Солиев-да, туман «Сельхозхимия» бошлиғи.

– Бўпти, чакиринг, – деди «меҳмон» мезбондан тезроқ кутилиб, яна бир бор четроқ овлоқ жойларни кўзларкан.

Қоровул шошиб кета бошлади.

– Ҳой, отахон, тўхтанг!

– А, лаббай!

– Бу қўл ювадиган жойларинг қаерда?

– Бу ерда водопровод йўқ эди. Лекин обдастада сув бор, олиб келайинми?

– Кичкина «идора»ларинг қаерда, ўзи?

– Уми, орқа томонда, меҳмон, – деди у кўзи билан ишора қилиб ва шошиб кетди.

...Кўп ўтмай Омонулла орқа томондан худди самони забт этган космонавт каби чиқиб келди. Қамоқдан озод бўлган куни ҳам ўзини шундай бахтиёр ва енгил ҳис қилганди. «Нақадар мусаффо осмон!» деб қўйди у ўзича.

– Келинг, меҳмон! – деди шу маҳал тўсатдан оқ тўр шляпалик киши.

У тиржайиб сохта мулозамат қилиб турарди. Омонулла мезбонга қўлини эмас, билагини узатиб кўришди.

– Узр, қўлимни ювиб олишим зарур.

– Э, бемалол. Ҳой, Шоқосим ака!

Узоқдан «Ҳов!» деган овоз келди.

– Сув олиб келинг, тез! – деди у кичкириб ва кетидан «Сочик ҳам!» деб қўшиб қўйди.

– Узр, хуш келибсиз! Мен далада эдим, рациядан чакириб шунақа деб қолишди. Келиб сизни тоза кидирдим.

– Ҳа-ха, мен Шукуров бўламан. Яқинда тайинландим. Бир ҳудудлар, инвентарларни кўздан кечириб дегандай...

– Мен Солиев, туман кимёлаштириш бўлимининг бошлиғиман.

– Ҳа, яхши.

– Лекин машинамиз анчагина қаровсиз қолибди-ку. Бу қанақа гап?

– Биз ҳам энди химикатларни трактор ёрдамида сепаётганимиз учун... – дедию «Самолётингизга ҳожат йўқ» деган сўзни айта олмади, чамаси, хижолат чекди.

Бу орада шоша-пиша сувни олиб Шоқосим ака етиб келди ва «бисмиллоҳ» деб кўлга сув қуя бошлади. Сувни кўриб Омонулланинг кўз ўнгида яна сув қуяётган Мафтуна жилмайиб пайдо бўлди.

Омонулла киссасидан ён дафтарчасини чиқарди-да, самолёт номерини ва унинг қачон ва қаерда ишлаб чиқарилганини ўзича расмиятчилик учун ёзиб қўйди.

– Техпаспорти идорада, сейфимда эди.

– Ҳа, уларни ҳам бир кўриб қўйсам, дегандим.

– Майли-майли. Шоқосим ака, битта чой қўйиб юборинг.

– Нима, битта чой билан қутулмоқчимисиз? – сўради Омонулла ҳазил қилиб.

– Аввал чой, кейин пой бўлади-да, – деди мезбон қулиб.

Омонулланинг мақсади самолётнинг ҳужжатлари эмас, балки шу тобда мезбон олиб борадиган чойхона ёки бирор ошхона ва очиги, у ердаги тузукрок ҳожатхона кизиқтирмоқда эди. Бу ёғи тушлик ҳам бўлиб қолибди. Баҳонада туман раҳбарлари ва бу ерда йўлга қўйилган сиёсий-маърифий ишлар, аттестация ва кадрлар масаласига муносабатларга ҳам кизиқиб кўради. «Юрган дарё», дейдилар. Кўпни кўрган яхши-да», деган ўйга борди у. Аммо қорнининг яна бир гижимлашидан кўнгли беҳузур бўлди.

– Ҳа, айтмоқчи, сизда қорин оғригини қолдирадиган дори топилмайдими? Шу сал безовта қилаяпти-да.

Туман кимёлаштириш бўлимининг бошлиғи ўйга толди ва бир нима ёдига тушдими, тўсатдан «Бор!» дея хитоб қилди.

– Ўтган йили кабинетимда сизга ўхшаган бир меҳмон билан жиндай-жиндай олиб, анорни газак қилгандик. Янглишмасам, шунинг қурук пўчоғи турган бўлса керак. Ўшани дамлаб бераман, қарабсизки, олам гулистон.

Шундай қилишди. Қорин «хуружи» тўхтагандай бўлди.







Сўнгра Солиев «Шукуров»ни туман марказидаги ошхонага бир пиёла чойга таклиф қилди. Омонулла йўқ демади. Чунки текин бўлса, мушт ҳам емоқ кераклигини яхши биларди.

\* \* \*

Ошхонанинг алоҳида хонасида яхши дастурхон тузаб қўйилибди. Ичимликлар каторида кулинг ўргилсин коньяк ҳам бор эди. «Афсуски рудаман-да», деб қўйди Омонулла ўзи-ча пешонасини тириштириб. Аммо қаршилиқ кўрсатишига қарамай, мезбон қўли очиклик қилиб коньякни очиб майдалади.

– Яқинроқ танишиб оламиз-да, ака. Қачондан буён сизнинг келишингизни кутиб юргандим.

– Э, шунақа денг, тинчликми?

– Ҳа, тинчлик. Сизда бир муҳим маслаҳатли ишим бор эди.

– Бемалол, агар қўлимдан келса.

– Ҳозир тушунасиз, алгов-далгов замон. Дўконлар ҳам тобора бўшаб борапти. Пулнинг қадри йўқ. Бири вексель дейди, бири купон...

– Ҳа, тўғри. Лекин ҳали кўрасиз, ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

– Илоҳим... Замон олганники, юлганники бўляпти-да. Шунга... – деди Солиев ва Омонулланинг қулоғига шипшиди.

– Анави самолётингизни исписать қилолмайсизми-а, ака?

– Нима эди? – сўради «Шукуров» ҳам шивирлаб.

– Харидор бор.

– Нима? Шу матоҳгаям-а?

– Э, нималар деяпсиз? Бунингиз зўр, қиммат матоҳ-ку.

– Кимга керак экан, бу?

– Кўркманг, бу ерлик эмас.

– Қаерлик?

– Чирокчилик бир чорвадор бойвачча.

– Уни нима киларкан?

– Яйловлари кўп эмиш. Саноксиз қўйларини тепадан туриб назорат қилиб турармиш. Ҳа энди, бир кизикиш-да.

– Арзимаган темир-терсакка канчаям пул берарди? – деди Омонулла менсимай «Кола»дан симириб ичиб оларкан.

– Икки юз минг бермоқчи.

– Векселдами ё...

– Қанака вексель. ока, сўмда!

Омонулланинг оғзидаги «Кола» тўсатдан пуфланиб ташқарига отилиб чикиб кетди. Бундай катта пул унинг учун шу кунларда ҳаводай зарур эди. Чунки иложи бўлса, у авраб олган пулларни, яъни Саъдулла хожи, Ойсара, Гулсара, Жанна ва бошқа бир-икки «инжиқ»ларнинг жами юз мингча ҳисобдаги сўмини эгаларига қайтиб бериб ҳалолланиб олса, нур устига аъло нур бўларди. Шу туфайли ҳам Омонулла янги ошнасининг ёқасига тармашди-қолди. Ҳатто «эриб кетиб» коньякни ҳам ичиб юборганини ўзи сезмай қолди.

– Хўш, – деди бир оз кизишиб олгач Солиев саволини яна қайтарди: – Машинани исписат қилиб бера оласизми?

– Машина эмас, бу темир қанотли куш-ку, жўра.

– Ҳа. албатта.

– Агар машина бўлганида, уни ҳамма сотиб олаверарди. Ана гап каерда?

– Тўғри, – деди Солиев навбатдаги қадахни беихтиёр тўлдириб.

– Лекин бу анчагина қалтис иш, шуни биласизми?

– Шунинг учун ҳам у қиммат-да.

– Бирдан ҳаммасини тўласа, гап йўқ.

– Аввал ярмини, қолганини иш битганидан кейин бераман, деб айтди.

– У одам қанака ўзи, ишончлими?

– Яхши одам. Ҳар йили униқига дам олгани бориб тураман. Доим кўчқор сўйиб меҳмон қилади.

– Тушунарли. Бўлмаса, уни топиб бу ерга таклиф қила оласизми?

– Албатта. Телефонда гаплашиб кўя қоламан.

– Бўлмаса, у билан шу бугунок гаплашсангиз. Мен шунга қараб «темир қанот»нинг хужжатларини «яроксиз» деб тайёр-

лайман. Кейин бир кунни келишайлик, мен ўша хужжатларни олиб келаман, у бўлса пулни. Иложи бўлса, ҳаммасини. Лекин самолётни қандай олиб кетмокчи?

– Билмасам, хайдаб олиб кетаверар-да. Нима, осмонда ДАН бормиди?

– Э йўк, унга ҳам худди автомобил ҳайдовчисига ўхшаган гувоҳнома бўлиши керак. Йўкса, бирор учувчини ёлласин. Яна бир йўли «КамАЗ»га юклайди-да, ўзи кузатиб олиб кетади.

– Яхши. Унда келишдик. Ҳозир почтага борамиз-да, у билан гаплашамиз. Иложи бўлса, ўзингиз...

– Ҳа, албатта. Айтадилар-ку, «Темирни қизиғида бос», деб.

– Бўлмаса, ишларимиз бароридан келиши учун биттадан олдик.

– Ахир, мен рудаман-ку.

– Бугун энди азиз меҳмоним бўласиз. Эрта тонгда ўзим жўнатиб юбораман.

– Аввал ишни ҳал қилайлик, таом тайёрми?

– Ҳа-ҳа. ҳозир. Ҳой, ким бор?

Ошпаз «Лаббай, ака», деб чоғиб келди.

– Ошни сузаверинг.

– Хўп бўлади, – деди у ва шошиб чиқиб кетди.

\* \* \*

Чирокчилик бойвачча жуда аймақи чиқиб қолди. У телефон орқали аввал ошнаси Солиев билан узок тортишишди, сўнгра Омонулла у билан жиддий гаплашди.

– Ока, кулок солинг, бу «канотли куш» давлатнинг техникаси ҳисобланади. У стратегик аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам унинг хужжатларини тўғрилаш осон бўлмайди. Унга узат, бунга узат, ўзингиз тушунасиз-ку. Йигирма тўртта комиссия аъзосига узатиб, имзо кўйдиришим керак. Лекин мен уларни албатта кўндираман. Ҳар бири беш-беш олишмаса бўлмайди, ўзингиз тушунасиз-ку.

– Ҳозир қанча беришим керак? – сўради харидор Сарсонбой.

– Юз йигирма минг бўлади, – деди Омонулла йигирмасини Солиевга инъом қилишни мўлжаллаб.

– Яхши, бир юз йигирмани оласиз.

– Қачон?

– Хужжатлар қачон тайёр бўлади?

– Пул бўлса, бир ҳафта ичида, – деб юборди Омонулла илҳомланиб кетиб. – Қолганини иш битганидан кейин бера-верасиз.


– Тушунарли. Бўлмаса мени душанба куни ўша аэродром олдида кутинглар.

\* \* \*

Айтилган куни, айтилган жойда Омонулла ҳозир у нозир бўлди. Аммо у аэропорт ходимларининг ҳаворанг мундирида эди. Бу мундирни топиш осон бўлмади. Бозорда сотилмайдиган матоҳ экан. Шундан сўнг у аэропортда ишлаб нафақага чиққан собик ходимларни излашга тушди. Бировини топганди, сотмади. Нима эмиш, байрам кунлари ишхонага чакириб қолса, кийиб бориши шарт эмиш. Гапини қаранг. Ниҳоят, бир кексароқ ўрис чол йўқ демади. Тўрт шиша ароқнинг пулига уйдан олиб чиқиб берди. Омонулла ўзини кинорежиссёрлардан деб таништирди. Омонулла кийимларни «химчистка»да ювдириб, дазмоллатиб олди. Сўнгра кийиб кўриб, гирт учувчига айланди-қолди.

Сарсонбой ҳам унинг «туркини» кўриб бир чўчиб тушди. Аввало машина, яъни самолёт ичига кириб кўришди. Аллақандай бадбўй хидни туюшди. «Бу дорининг хиди», деб кўйди Солиев. Сўнгра Сарсонбойни учувчилар ўриндигига ўтказишди. Чўпон киши оғзида виғиллаб, ўзича учган бўлди, мингирлаб ашула айтиб тоза яйради. Сўнгра «Гап йўқ!» деб кўйди.

Солиев меҳмонлар шарафига кўй сўйдирган эди. Дастурхон қуюқ бўлди. «Шукуров» меҳмонни яхшилаб сийланг, пулни аяманг, ҳаммаси ўртадаги пул ҳисобидан, деб шипшиб кўйганди. У ўзида йўқ қувониб кетганидан дўпписини осмонга отди. Аммо дўпписи осмонда муаллақ қолаверди. Дип-





ломат тўла айтилган пулни олган Омонулла икки ошнанинг «мен сенга айтсам» дейишиб мизғиб қолган пайтида шартта «суриб юборди». Дам олаётган одамларни безовта қилишни ўзига эп кўрмади. Тағин у учувчилик гувоҳномаси олиб бериш учун ҳам ўн минг сўм кўшиб олганди.

\* \* \*

...«Аэрофлот» бошқармасидагилар у ерда ҳеч қанака Шукуров деган бошлик ишламаслигини айтишди. Жаҳли чиккан Сарсонбой ва Солиевлар «темир куш»ни ўзларича учириб олиб кетишга ҳаракат қилиб кўришди. Аммо бундан хабар топган бошқарма ходимлари қаршилиқ кўрсатишди ва ҳужжатлар қалбаки эканини айтишди. Ҳатто ҳужжат деб аталган бир варақ қоғоз «Болалар энциклопедияси» китобидан аэропланлар ҳақидаги саҳифанинг ксеронусха қилиб олингани маълум бўлди.

Солиев дастлаб ички ишларга хабар бермокчи ҳам бўлди, аммо бу фикридан тез қайтди. Нима, «Биз давлат самолётини сотмокчи эдик, алдаб кетди», дейдими?

Аэрофлот маъмуриятининг назарига тушган «темир куш» кўп ўтмай комиссия хулосасига кўра ҳақиқатдан ҳам рўйхатдан чиқарилиб, пачокланиб металлومга олиб кетилди. Бўлиб ўтган воқеалардан воқиф сифатида кичик аэропорт майдонининг бир чеккасида фақатгина бир эски челақ қорайиб турарди.

## ДАВЛАТНИНГ ПУЛИ

Самолётфурушлиқ қилиб чўнтаги қаппайган Омонулла энди ўзи ўйлаб кўйган қамокхонада тузган режасини амалга оширмок учун яхши шароит етилганини англаб етди. «Волга»сини сотиб янги чиккан 07 - «Жигули» олди, янги, башанг уст-бошлар харид қилди. Юз киёфасида пайдо бўлган ажинларни йўқотиш ва унга бир оз ўзгартиришлар киритиш мақсадида ўн кун косметик салонга қатнади. Бакенбардли

сокол-мўйлов кўйдирди. Кўл бармоқлари тирноқларини манжур, оёқларини педикюр килдирди. «Пул бўлса, чангалда шўрва» деганларидек, мохир стилистлар уни фотомоделлар каби «жентльмен»га айлантириб кўйишди.

Омонулла бутунлай янги киёфада ҳукумат идоралари тева-рагида пайдо бўлди. У ҳар куни янги машинасида гўё муҳим иш билан юрган амалдор шахс каби келар ва бежирим чарм сумкасини олиб идора томон йўналарди. Ўтган-кетганлар билан қуюқ салом-алиқ киларди, сўнгра ўриндиқлардан бирига ўтириб, гўё бировни кутаётган каби соатига тез-тез қараб, янги газеталардан бирини олиб ўқиб, ўтган-кетганни зимдан кузатиб ўтирарди. Энди уни соҳибжамол аёллар эмас, балки қорни қаппайган, бўйинбоғ таққан амалдорлар, уларнинг ўзларини тутишлари кўпроқ кизиктирарди. Замонавий раҳбарлар билан ўз кийинишини солиштирар ва характерларини синчиқлаб ўрганарди. Бир неча бор «Мени Фалончиевнинг ҳузурига иш юзасидан чақиришган», «Фалон хатимнинг натижасини билгани келувдим», деб ва бошқа баҳоналар билан идора ичкарисига кириб, қайноқ иш жараёни, хоналардаги жавонларга териб кўйилган китоблар, сиёсий плакат ва шиорларини ўқирди. Бугунги раҳбарлар, амалдорларнинг қандай муаммолар устида бош қотиришаётгани, олиб борилаётган маҳаллий ижтимоий сиёсат, тарғибот ва ташвиқот ишларидаги асосий мавзулар ҳақида билиб оларди. Ҳатто шаҳар кутубхоналарига ҳам бош суқиб, энг сўнги адабиётлар ва ҳукумат қарорлари ҳамда фармонлари билан бирма-бир танишиб чиқди. Шуларга мувофиқ, худди илмий иш олиб бораётган сиёсатшунос аспирант каби қаттиқ изланиб, бўлғуси аттестация учун саволлар тузиб чиқа бошлади. Саволлар ва қисқача жавоблар билан муҳим тадбир, яъни аттестацияларга умумий дафтардан бирини тўлғазди. Ана шундай ижтимоий-сиёсий-маърифий тайёргарлик кўриб юрган кезлари тасодифан яна бир «фойдали» воқеа юз бердики, бу гўё лотереяга чиққан ютукдек бўлди.

Омонулла жойлардаги ижтимоий-сиёсий вазиятга баҳо бериш пойтахтдаги раҳбарлар билан вилоятлардаги раҳбарларнинг ижтимоий аҳволини таққослаш мақсадида вилоят

ижроия қўмиталаридан бирига ўз ҳисобидан «сафар»га борди. Идорага бемалол кириб айланиб, икир-чикир «сир-асрорлари»ни ўрганиб, чарчаб эндигина ташқарига чикиб, сигарет тутатганча зинадан тушиб келаётган ҳам эдики, тўсатдан кўринишдан содда, кишлокча кийинган, бўйинбогини беўхшов такиб, тўр шляпа кийиб олган амалдор, бир йигитча қуюк салом бериб, қўлларини чўзганича унга дуч келди.

– Ваалайкум-ассалом, келинлар.

– Узр, сиз шу ерда ишласангиз керак-а? – сўради амалдор киши.

– Ҳа, албатта, тинчликми, бирор хизмат бормиди?

– Бир юмуш билан келаётувдик-да, – деди у йигитчага ишора қилиб.

– Қандай юмуш экан? Қўлимдан келса, ёрдам қилганим бўлсин, – деди Омонулла самимий.

– Исмин Суннат Ғаниевич. Шошгансой туманидаги кишлок қурилиш трестининг таъминотчисиман. Бу йигит бошлиғимизнинг жияни Раҳмонберди.

– Яхши. Мен Жўрабекман, Жўрабек Собирович. Шу ерда ташкилий бўлим бошлиғиман.

– Э, яхши, ака. Эҳтимол, худонинг ўзи бизга сизни рўпара қилди, шекилли, – деди Суннат дегани.

– Хўш, нима хизмат бор эди, айтаверинлар.

– Шу десангиз, манави йигитчага бир машина олиб бермоқчимиз-да. Шунга навбатсиз иложи бормикан? Хизмат ҳақини берардик, албатта. Пулига гап йўқ, ўзингиз тушуна-сиз-ку, хўжайин каттиқ тайинладилар-да.

– Қанака машина олмоқчисизлар?

– “06 Жигули!”

Омонулла тушунди. Ўша даврларда енгил автомашина олиш учун оддий меҳнаткашлар бир неча йиллаб навбатда туришар. сўнгра вилоят ижроқўмининг алоқа хатига мувофик туман Матлубот жамияти машина пулини қабул қилиб олиб сотарди. Бозорда эса нархи деярли икки баробар қимматроқ эди. Омонулла айни дамда «левий» пули бору, лекин ҳужжат ишларига ақли етмайдиган бу содда амалдор кишига рў-

барў бўлганини фахмлади. «Тавба, топиш-тутиши яхши бўлган чоғи, пуллари кўпайиб қолибди-да. Оддий халк навбат кутиб ўтираверади. Бир боғласамми?.. Пуллари давлатнинг пули бўлса, уларнинг чўнтагида турди нимаю менинг чўнтагимда турди нима?» деган фикр ўтди-да, «автомобиль ҳаваскорлари»га «жиддий» қаради.

– Бўлди, мен сизларни тушундим, пул бўлса – чангалда шўрва-да.

– Демак, иложи бор, денг. Юринг, ака, бир четроққа ўтайлик.

– Ҳа-ҳа, хонамда гаплашсак ҳам бўларди-ку, лекин у ерда кирди-чикди кўп.

– Хув анави чойхонага бора қолайлик, чоп-пой ичиб, дегандай...

– Майли. Лекин менинг ҳечам вақтим йўқ. Сизлар ўша ерда чой-пой ичиб ўтириб турасизлар. Мен сизларнинг ишларингни битказишга бир уриниб кўраман, – дея Омонулла меҳмонларни ўша жой томон бошлади.

Йўл-йўлакай суҳбат кизгин давом этди:

– Оббо, сизлар-ей, шундай қилиб навбатсиз машина олмоқчисизлар, шунақами?..

– Ҳа-ҳа, хўжайиннинг бир оз йикқан-тергани бор эди-да.

– Лекин менга учраб яхши қилдинглар. Бу ерда ҳар хил ишни тўғрилаб бераман деган, иннайкейин, ўртада турадиган фирибгарлар ҳам кўп. Эҳтиёт бўлиш керак.

– Ишимиз ўнгидан келганини қаранг, – деди Суннат Ғаниевич хурсанд.

– Энди, мундоқ қиламиз. Сизлар бемалол чой-пой ичиб туринглар, мен кириб секин ҳолатни билиб чиқаман. Ўзи машина кимнинг номига расмийлаштирилади?

– Мана шу Раҳмонбердига-да.

– Неча ёшда бу жиян?

– Йигирма бирда.

– Э йўқ. Бўлмайди. Ўз номингизга олган маъқулмикан.



Ҳарҳолда озми-кўпми ёшингиз улуғ. Чунки ҳали маҳалладанми ё ишхонаданми тавсифнома ҳам керак бўлиб қолиши мумкин-да.

– Гап йўқ. Керак бўлса, олиб келамиз. Хотиржам бўлинг.

– Нима бўпти, жиянтой «тойчоқ»ни ишончнома билан мениб юраверади-да.

– Майли-майли, нима десангиз, шу-да.

– Хўп, келишдик бўлмаса. Ҳа, яна бир гап. Мен бу ишда комиссия аъзосиман. Билсангиз, менга ҳеч нима керакмас. Холис хизмат. Ҳа энди иш битганидан кейин ҳимматингиз-да, ака. Комиссиянинг раиси бор. У киши, биласизлар, ижроқўм раисининг ўзлари, кейин яна менга ўхшаган бешта қоракўз бўлим бошликлари бор. Хуллас, машинага қарор чиқартириб, навбатсиз олиш ўз-ўзидан бўлмайди-да. «Мушук офтобга қуёшнинг «куруғи» борлиги учун чиқади», деган гап бор-ку, ахир. – деди Омонулла атайин хихилаб кулиб.

– Э-ҳа, тушундик. Жўрабек ака. Унисигаям тайёрмиз, – деди шоша-пиша Суннат Ғаниевич.

– Ҳм-м... Ундай бўлса, мен кириб бирйўла бўладиган ишни бўлдириб битириб қўяқолай-а, нима дейсизлар?

– Қани энди, яхши бўларди-ку.

– Бўлмаса, комиссия раисига икки юз, менга керакмас, кейин, бешта бўлим бошлиғига юз сўмдан бериш керак. Имзо қўйишади-да, тушунасизлар-ку. Хўш, нима дейсизлар, қоғозларни тўғрилаб чиқаверайинми?

– Бўлди! Келишдик! Пул шу ерда, ака, ҳеч хижолат бўлманг.

– Машинанинг пули-чи, кейин етмай қолиб, хижолат бўлиб қолинмайдими, ишкилиб?

– Етмаса, биронтасидан қарз олиб турамиз-да, ака.

– Майли. Мабодо оз-моз етмай қолса, ўзим сизларга қарз бериб туравераман, – деди Омонулла ва «қўли очиклигини» намоён қилиб киссасини кавлаштирган эди, бир пачка пул чиқди. – Пул дегани бу қўлнинг кири – давлатники-да. Менда турди нима, сизларда турди нима, а лаббай?

– Вой-бў!.. – деди Раҳмонберди хайрат билан кулиб.

– Энг муҳими, иш битсин, нима дедингиз, Суннат ака?

– Э қойил, ака! Иш битсин, эшак лойдан ўтсин!

– Баракалло. Бўпти, бўлмаса, мен кетдим. Менгаям, сизларга ҳам омад ёр бўлсин, – дея Омонулла идора томон кета бошлади ва бир жойга бориб, тўхтаб ортига қаради. – Ҳа, айтмоқчи, иш битса, бирор нима бўладими ўзи?!

Машина олувчилар бир-бирларига маъноли қараб олишди.

– Ҳалигинисидан ҳеч хижолат бўлманг! – деди Рахмонберди.

– Э йўқ, қанақа одамсиз ўзи, «ош-пош бўладими?» деб сўраяпман.

– Бўлмаса-чи, Жўрабек ака, ош сиздан айлансин. Уни албатта ювамиз-да! – дея жавоб қайтарди трестнинг олғир таъминотчиси.

\* \* \*

«Автоҳаваскор»лар ижрокўм идораси томон кўзлари тўрт бўлиб тўрт чойнак чойни «ямламай ютишди». Ниҳоят, Омонулла жилмайиб пайдо бўлди. Унинг қўлида бир талай қоғозлар бор эди.

– Паспортигиз қани, тез паспортигизни беринг-чи, – деди у шоша-пиша кўзларини аланг-жаланг қилиб.

– Ие, ишлар юриб қолдим, дейман-а?!

– Ҳа-да. Кейин ҳалиги етти юзниям беринг, бир йўла қарор чиқартириб чиқа қоламан.

Суннат Ғаниевич аввало айтилган пулни ва паспортини шоша-пиша, худди ўғирлик қилаётгандай теварак-атрофга олазарақ қараб чиқариб берди.

– Машинанинг пули-чи, тахтми?

– Албатта. Неча пул бўлиши керак ўзи?

– Жигули – «06»-а?

– Ҳа-ҳа.

– Хўш, ранги қанақа бўлсин?

– Ие, пули рангига боғлиқми?

– Э йўқ. Сиз бирор ёқтирган рангингизни айтинг, уни тўгрилаб берадиганларгаям ҳалиги, жиндай узатиш керак бўлади-да.

– Қанча? – сўради Раҳмонберди.

– Эллик, холос.

– Бўлди. Қизилидан бўла қолсин, ака. Манг, бу пулниям ола сетинг.

Омонулла узатилган пулни оларкан, «Ҳм-м... демак, «Об», қизили», деб ўзича гўё ёдида сакламоқчидай такрорлаб кета бошлади.

Бўлғуси машина эгалари Жўрабек акаларини яна бетоқат кута бошладилар. Бу орада янги машинани ювиш учун чойхона хўжайинига кириб, алоҳида жой ва девзира гуручли палов ҳам буюртириб кўйишди. Қоринлари очиб кетиб ўзлари лағмон билан кабобни паккос туширишди. Гўё ҳозир яп-янги, кип-қизил «Жигули»ни Жўрабек миниб келиб, «Пап!» деган сигнал чаладигандек ўтган-кетган машиналарни умид билан томоша қилиб ўтираверишди.

Раҳимбердининг хаёлига «Ишкилиб, бу одам бизни алдамаяптимикин, етти юз эллик сўмга куйдириб кетса-я», деган ёмон фикр ҳам келиб эндигина «эшигини кокмоқда» эдики, шу маҳал остонада хурсанд ҳолда жилмайиб Омонулла пайдо бўлди.

– Ош пишдими?!

– Ҳа-ҳа, зирваги тайёр. Нима, иш битдими? – тез сўради Суннат Ғаниевич.

– Худо хоҳласа, битади. Битта раиснинг имзоси қолди, холос. Ҳозир унинг олдида пойтахтдан келган одам бор экан. Сизларни куттириб кўймай, хавотир олманглар, деб чиқиб келдим-да. У ёқда ўзимнинг ишларим шунақа кўпки, ишонасизларми, тушлик ҳам қилолганим йўқ.

– Ие, унда ўтиринг, бирор нима еб олинг.

– Қандоқ бўларкин, бирйўла палов еймизми, дегандим-да. Ҳай, майли, тезгина икки дона кабоб олиб кела қолинг.

Суннат Ғаниевич кабоб буюртириш ва бирор ичимлик сотиб олиш учун ўзи салмоқланиб кетди. Омонулла шеригига нисбатан янада соддарок кўринган йигитча билан қолди.

– Раҳмонберди!

– А, лаббай, амаки?

– Худо хоҳласа, машинангиз ховлида гижинглаган отдай турибди. Уни ким миниб кетади?

– Йўт-е?! Ростданми?! Ўзим миниб кетаман-да!

– Яна озгина расмиятчилик қолди, холос. Манг, тоғангизнинг паспортини олиб кўйинг, – деди Омонулла яна ўзини шошаётгандай кўрсатиб. – Майли, мени кутиб туринглар, мен кетдим. Иш битмагунича томоғимдан ҳеч нарса ўтмайди, шекилли.

– Ие, ахир, тоғам сизга кабоб буюргани кетдилар-ку.

– Э, йўк. Ишни тезроқ битирайлик. Ўзларинг бафуржа баҳам кўраверинглар. Ҳа айтмоқчи, пул каерда?

– Қайси пул?

– Машинанинг пули-да.

– Неча пул бериш керак экан?

– Мана қоғози, – деди Омонулла сумкасини титкилаган бўлиб, – Хўш, 7695 сўм 42 тийин бўларкан. Кейин бир сўм 97 тийин давлат божи ҳам тўларкансизлар.

– Бўлди, манг, олинг. Бу ерда тўппа-тўғри саккиз минг. Қайтимини кейин...

– «Хизмат ҳақи» демокчисиз-да, а? Ҳай, майли-майли. Борига барака-да. Бу пул давлатнинг пули бўлса, сизларда турди нимаю, менда турди нима. а?

Раҳмонберди «Тўғри-тўғри», дея кулиб айтилган пулни Омонулланинг кўлига тутказди.

– Бўпти, ука. Мен бўлмаса буни бирйўла ғазнага топшириб, тўлов чиптасини, иннайкейин, раиснинг муборак имзосини олиб, бошқа ҳужжатлар билан бирга олиб чиқаман. Ҳайдовчилик гувоҳномангиз борми, ишқилиб?

– Ҳа, бор.

– Бўлмаса, шу ергача ўзим миниб олиб чикиб бераман, кейин ўзларинг ҳайдаб кетаверасизлар-да. Уф-ф... Шундай чарчадимки, – деди «бечора» Омонулла ва шошиб ҳукумат идораси томон йўрғалади. Шу маҳал олтига кабоб ва бир шиша коньякни кўтариб Суннат Ғаниевич келиб қолди.



– Ҳой, Жўрабек ака, сиз каёкка?!  
 – Сизлар бемалол, ош бўлсин! – дея кичкирди Омонулла.  
 – Ие, бу ёғи кизиқ бўлди-ку, шунча кабобни ким ейди?  
 – У киши аввал ишни битирайлик, деяптилар. Пулни ҳам бериб юбордим, – деди Раҳмонберди бепарво.

– Пулни? Қанақа пулни?!  
 – Машинанинг пулини-да.  
 – Ие, молни кўрмай туриб-а? Қанақа одамсан ўзи?  
 – Мол, ана, идора ҳовлисида турган эмиш-ку!  
 – Ростдан-а? – сўради Суннат Ғаниевич қувониб. – Ундай бўлса, яхши! Шунча пулни бериб юбориб, чув тушиб колмайлик, деб кўриб кетдим. Унда, манавининг оғзини оч. Қиттай-қиттай олиб, кабобни иссигида ейлик.

Шундай қилишди. Узок ўтиришди. Окшом ҳам тушди. Ниҳоят, токатлари тоқ бўлиб, идора томон йўналишди. Уларни идора коровули бўлган бир милиционер тўхтатиб колди.

– Ҳой, тўхтанглар, сизлар каёкка?!  
 – М-машинамизни олгани-да.  
 – Қанақа машина?  
 – «Об», Ж-жигули... – деди Суннат Ғаниевич бир «охию» деб олиб.  
 – Ҳа-ха, яп-янги, кип-кизил, – деди Раҳмонберди шоша-пиша.  
 – Қаерда?  
 – Ҳовлида.  
 – Ҳовлида ҳеч қанақа машина йўк. Ҳамма кетиб бўлди-ку.  
 – Н-нега?  
 – Иш вақти тугагани қачон эди, кетиб бўлишди-да.  
 – Ҳ-ҳазиллашманг-э.

Суннат Ғаниевич бошини бир силтаб олди. Бу билан «Масала жиддийга ўхшайди-ку», демокчидай эди.

– Ҳовлига ўтиб, қараб келсак майлими, ука?  
 – Йўк. Мумкин эмас. Боринглар, кетинглар.  
 – Бўтти, хикк... машинамизни оламиз-у кетамиз.  
 – Шу ахволда-я?  
 – Нега энди, Жўрабек аканинг ўзлари миниб опчикиб беради. Шунга келишганмиз.

– Қайси Жўрабек?

– Ж-жўрабек С-Собирович-да.

– Унақа одам тўғрисида эшитмаган жанман.

– Т-ташкилий бўлим бошлиғи-ку, ахир.

– Ташкилий бўлим бошлиғи Мардон ака Ғозиев бўладилар.

– Қ-канақа Ғозиев? Бизга Жўрабек Собировични чакириб беринг, илтимос.

– Бу ерда унақа одам умуман ишламайди!

– Ҳой, бола, сен бизни аҳмоқ қилаяпсанми?! – кичкирди Суннат Ғаниевичнинг жаҳли чиқиб.

– Яхшиликча кетинглар. Бўлмаса нарядни чакираман. Сиз ғирт мастсиз, – деди милиционер.

Раҳмонберди ҳамроҳининг елкасига «Ўзингизни босинг», дегандай маъноли қилиб уриб қўйди.

– Хўп, яхши, ука, – деди у жиддий бир «хикю» деб олиб. Шу ерда ишлайдиган Жўрабек Собирович деган ходим биздан «Об» нинг пулини олиб кириб назарага топширди.

– Качон?

– Шу бугун.

– Мен унақа одамни кўрмадим.

– Кейин «Машина ҳовлида турибди», деди. Шунини олгани келувдик. Илтимос, ука, бизни тўғри тунгунинг.

– Хўп. Қани ўша машинанинг ҳужжатлари?

– Жўрабек Собирович деганда-да.

– Унақа одам бу ерда ишламайди, деяман-ку...

Хуллас, милиционер билан қизгин баҳс узок давом этди. Ниҳоят, у раис ўринбосарига қўнғирок қилиб юз берган воқеа ҳақида ахборот берди. Сўнгра ҳовлига бирга ўтишди. У ерда ҳақиқатдан ҳам ҳеч қандай машинанинг қораси кўринмасди.

Бу маҳалда Омонулла вайтахтга етиб олганди. Машинасини Санобарникига қўйиб, бир оз дам олди-да чарчағини ёзиш, қолаверса, бугунги «ов» натижаларини ювиш мақсадида, «Тошкент» меҳмонхонаси ресторанига голибона таширф буюрди.

## САРОСИМА

Омонулла ресторанда одатдагидек мусиқа яхши эшитиладиган дераза олдида ўтирарди. Бу ер меҳмонхонага ташриф буюраётганларни бемалол кузатишга кулай жой эди. Кўринишидан содда ва мусофир экани шундоқ билиниб турган бир мижоз унинг эътиборини тортди. Дўмбоккина, қайси вилоятдан экани шундоқ дўпписидан яққол сезилиб турган бу истарали йигит Омонулладан сал наридаги столга бориб ўтирди. Йигит ўзига томон қизиксиниб, қараб-қараб кўяётган хўрандага, яъни қахрамонимизга салом бергандай бош эгиб кўйди. Албатта, бу ишора ўз ишининг мохири бўлган Омонулла учун айни муддао эди.

– Меҳмон, бу ерга ўта қолинг, ҳарҳолда овқатланиб олгунингизча зериктириб қўймасман, – дея илтифот қилди Омонулла ёнидаги стулни кўрсатиб.

– Хўп, майли, раҳмат, – деди йигит. У бир оз тортиниброк турди-ю, самимий таклифни қайтаролмади, янги суҳбатдошининг қаршисига ўтирди. Бир зумда олдиларида официант киз пайдо бўлди. Йигит Омонуллага маъноли боқди.

– Йўқ-йўқ, сиз бемалол, ўзингизга нима керак бўлса буюраверинг, – деди Омонулла илтифот билан сигарета тутаркан.

– Яримта лағмон, яримта нон, чой, кейин салат.

– Чой кўкми, қорами?

– Кўкидан.

– Ҳозирги замоннинг йигитларига фақат «кўки» керак, – деди Омонулла қочирим қилиб.

– Яна нима буюрасиз? – деб сўради киз нозик табассум қилиб.

– Шу бўлади.

Қиз «қурумсоқ» дегандай бир ғалати қараш қилди-да, Омонуллага қараб жилмайди:

– Сизга-чи, бирор нима олиб келайинми?

– Майли, «Олмалиқ» пивосидан бера қолинг.

– Бир дақиқа.

– Бу дейман, хизмат сафарига келдингиз, шекилли? – деб





сўради Омонулла жим ўтирган ҳамроҳини кўзгаган бўлиб.

– Ҳа, албатта...

– Бу, сўраганнинг айби йўқ, воҳа томонлардан бўлсангиз керак-а?

– Ҳа, Бошқўрғонданман, – дея жавоб берди йигит официант қиз келтирган чойни қайтараркан.

Омонулланинг юраги «жиз» этиб кетгандек туюлди. Кўз олдида Мафтунанинг жилмайиб турган чехраси намоён бўлди. Лекин сир бой бермади.

– Ҳа, яхши-яхши. Қалай у томонлар? Одамлар, тирикчилик дегандек...

– Яхши, ёмонмас, – деди йигит унга чой узатаркан. Омонулла «Ичмайман. Ўзингиз бемалол», деган ишора қилди.

– Бу раисларинг Мирбадалмиди?

– Ҳа, Мирбадал Боқиевич Қосимов!

– Қосимов Мирбадал, ҳм-м... – деди Омонулла атайин ўйчан. – Шу десангиз фамилияси танишдай туюляпти-да. Сайланганига икки йилдан ошди-а?

– Ҳа-ҳа, шундай, – дея тез жавоб қайтарди йигит лағмонга кўл чўзаркан.

– Э, бўлди-бўлди, жуссаси менга ўхшаб кетади, баланд бўйли, тўғрими? – деди Омонулла таваккал.

– Ҳа, тўғри. Танир экансиз-да?

– Албатта, ахир, унинг номзодини кўрсатиш вақтида ҳужжатларига ўзим шахсан имзо қўйдиргандим-да. Лекин, ёмон одам эмас у, – деди Омонулла ўзини маникюр қилинган тирноқлари билан оворадек кўрсатиб, бармоқларига шайдо бўлгандек кимирлатиб кўйди. – Яхши, ўзингиз қанақа хизматдасиз?

– Ҳа, менми? Мен ҳам ўша сиз айтган Мирбадал аканинг кўлида бўлим бошлиғи бўлиб ишлайман, исмим Олимиддин.

– Олимиддин денг, яхши, жуда ажойиб исмингиз бор экан. Кейин бизлар деярли ҳамкасб эканмиз.

– Ўзлари қандай хизматдалар? Узр. мабодо сир бўлмаса...

– Ҳа менми, исми шарифим Омонулла Жўраевич. – Бил-



сангиз, мен «юкори»дан, мутахассисларни танлаш ва жой-жойига кўйиш бўлимнинг бошлиғиман, яъни «кадр»дан, — деди у бош бармоғи билан ресторан шифтига ишора қилиб.

— К-кадрдан, дейсизми? — сўради меҳмон йигит довдираб.

— Ҳа, албатта.

— Э-ҳа, узр, — деди Олимиддин ниҳоят тушунгандек ўзини ноқулай сезиб.

— Сиз, меҳмон, тортинманг, бемалол олаверинг. Шу десангиз, баъзи-баъзида ишдан кейин чарчаб, шу ерга кириб, мусика эшитиб, бир оз ҳордик чиқаришга одатланганман.

«Кадр» сўзини эшитган Олимиддиннинг томоғига бир нима тикилгандай бўлди. Ҳаяжонлана бошлаганиданми, хижолатданми, негадир чаккасидан илик тер қуйилиб келарди. У энди қандай қилиб жигилдонини қайнатадиган ёғли лағмонни тезроқ еб тугатиш ва бу ердан туриб кетишни ўйлай бошлаганди.

— Ие, меҳмон, иштаҳа йўқми дейман-а, ё озгина отиб оласизми?

— Э йўқ, мен асло ичмайман. — деди Олимиддин шоша-пиша лағмон хамирини аранг сўриб оларкан.

— Ҳечкиси йўқ, мен ҳам ичмайман, — деди Омонулла ва кўз кири билан таниш официант қизни кидирди. — Узр, мендан ўтди. Сизга қаерда ишлашимни аслида айтмасам бўларкан. — Ҳой, синглим! Бизга икки юз грамм коньяк билан газак қилгани бирор ассорти олиб келинг, илтимос!

Хуллас, юкори мартабали «амалдор» билан пастрок мартабали меҳмон ихтиёрий-мажбурий киттай-киттай қилдилар. Ичилган коньяк уларни бир мунча яқинлаштирди ва ўртадаги хижолатпазликни анча кўтариб юборди. Олимиддин бир жиҳатдан юкори мартабали таниш орттирганидан мамнундек эди.

— Оббо, Олимиддин-ей, анчагина ёқимтой экансиз, мен-а маъкул бўлиб қолдингиз, — деди Омонулла навбатдаги кўдаҳни оларкан. — Бунисини танишганимиз учун оламиз.

— Йўқ, ака, мен ўзи умуман...

– Нима, менинг кўлимни қайтармоқчи бўлаяпсизми ё менинг «Кадр»дан эканлигимга шубҳа билан қараяпсизми? – деди Омонулла сирли жилмайиб.

Сўнгра костюмининг ён чўнтагидан сохта гувоҳномасини тезлик билан чиқариб кўрсатди.

– Йўқ-йўқ, ишонаман, – деди шоша-пиша Олимиддин «Гувоҳнома»даги ёзувларга кўз кирини ташлаб калла-бўйинини гавдаси томон тортаркан.

– Ҳа энди, ҳар эҳтимолга қарши текшириб кўрганингиз яхши-да. Қани, олдик!

Улар ўртасидаги самимий гурунг узок чўзилмади. Олимиддин хизмат сафарига муҳим топшириқ билан келганини ва ёзадиган, бажарадиган баъзи ишлари борлигини айтиб ҳамроҳидан изн сўради.

– Ҳа-ҳа, тушунаман. Тўғриси айтсам, муҳим топшириқ билан шу кунларда мен ҳам сизлар томонга хизмат сафарига отланаётгандим. Сизни учратиб колганим бир жиҳатдан яхши бўлди.

– Ие, шундайми, қачон?

– Янаги ҳафтага. Худо хоҳласа, душанба куни етиб бораман.

– Э яхши, ундай бўлса ўзим кутиб оламан.

– Ҳа, айтгандай, сизга бир муҳим гапни айтиб кўйишим керакка ўхшайди. Ҳарҳолда маъқул йигит кўринасиз, сизга ишонсам бўлар, албатта?..– деди Омонулла атайин атрофига олазarak қараб олиб.

– Ҳа-ҳа, бирор хизмат бўлса, бемалол айтаверинг.

Омонулла атайин бир оз ўйланиб колган бўлди. Шошилмай ёнидан яна бир сигарета донасини олиб тутатди. Балик тўрга илинган эди. Энди уни фақат тозалаш ва қай йўсинда «пишириб ейиш» қолганди, холос.

– Лекин бу сир, – деди у жиддий шивирлаб сигарета тутунини ҳузур қилиб чиқараркан. – Бу фақат иккимизнинг ўртамиздагина қолиши керак. Ҳатто Мирбадал Боқиевич ҳам, бошқа раҳбарлар ҳам менинг бу ташрифимни асло билмасликлари лозим, тушундингизми?

– Ҳа, албатта, – деди йигит жон қулоғи билан.

– Менга, – деди Омонулло янада жиддий оҳангда, ўша Бошқўргон туманининг раҳбар кадрлари масаласини ҳал қилиш топширилган.

– Э, ш-шунаками?..

У Олимиддинни ўзи томон янада яқинроқ келишига имо қилди.

– Ўтган ойда анави водий вилоятларидаги Шошгансой билан Ўртабоғ туманларида бўлган ишлардан хабарингиз бордир, албатта, – деди Омонулло сирли қилиб.

– Ҳалиги телевизор орқали ҳам кўрсатилиб, газеталарда шов-шув бўлганми?

– Ҳа-да, билсангиз бу туман раҳбарларию амалдорларининг авра-астари чиқариб ташланди ўшанда-а? Жа бемаъни ишлар қилиб юборишган экан-да, ўзиям...– деди у деярли шивирлаб ва калласини «бай-бай» дегандек ликиллатиб қўйди.

Бу ўзига хос тактика эди.

– Иш бор жойда камчилик ҳам бўлади-да, албатта. Лекин меъеридан чикмаслик керак эди, – деди Олимиддин ўйчан, ўша нотаниш одамлар тақдирига чиндан ачиниб.

– Ҳа, ўлманг! «Меъёр» деган нарсани оддий бўлим бошлиғи бўла туриб, мана, сиз яхши тушунар экансиз. Бекорга исмингиз ҳам Олимиддин эмас экан, шекилли, – деди «Кадр»нинг одами кулиб ва бош бармоғини орқа қилиб қўшиб қўйди: – Мана шу туманлар устидан текширувим пайтида мен «меъёр», «инсоф», «нафс» деган инсоний фазилатларга кўпроқ эътибор бериб, уларни «адолат тарозуси»га ҳам қўйиб бордим. Нима бўлди, денг. Кўпчилиги ўз вазифасидан кетди, судланди, қамалди ёки бўлмаса ҳалиям ишлари терговда давом этаяпти. Мен уларга айтдим: «Ҳой яхшилар, мундоқ камчиликларингни менга рўйи-рост айтаверинглар. Барибир ойни этак билан ёпиб бўлмайди, текширув жараёнида кўлимдан келганича уларни тўғрилаб, иложи борича ҳал қилиб бераман», дедим. Улар негадир кулоқ солишмади. Мана оқибати... Ўзларидан кўришсин энди.

– Ҳа, яхши бўлмабди, – деди Олимиддин бошини сарак-сарак қилиб.

– Бу аҳвол сизларнинг туманингизда ҳам такрорланмасин дейман-да, биродар, – деди мезбон меҳмоннинг ва елкасини охишта кокиб кўйди.

– Энди ўзингиз бир кўллаб юборасиз-да, ака.

– Сиз-ку, оддий бўлим бошлиғисиз. Сизга, худо хоҳласа, жин ҳам урмайди. Лекин айтиб кўяй, анави кимларгадир пора бериб амалларга миниб олган бойваччаларга кийин бўлади. Уларнинг бир кўзини очиб кўйиш вақти келди. Ҳукуматниям, мениям мақсадимиз шу, яъни яхши, ёш мутахассис кадрларни танлаб, жой-жойига кўйиш, муносибларини ўз жойида қолдириб, номуносибларини супуриб ташлаш. Раҳбарлик лавозимларига мана, сизга ўхшаган иқтидорли, шижоатли ёшларни кўйиш вақти келди. Хўш майли, кўп эзмаланиб кетдим, шекилли. Манави зорманданинг таъсирими, ишқилиб айтиб бўлмайдиган баъзи гапларниям негадир сизни ўзимга яқин олиб айтиб юборяпман, узр...

– Ҳечкиси йўқ, Омонулла Жўраевич. Албатта бу гаплар орамизда қолади. Худо хоҳласа, борсангиз ва ундан кейин ҳам доим хизматингизда бўламан, – деди йиғит кўлини кўксига кўйиб.

– Фақат ўзингиз, бир ўзингизгина мени кутиб оласиз! Ҳеч ким, бу сафарим хақида асло билмаслиги керак. Сиз менга у ерда ассистентлик қиласиз. Рансга бу ҳақда ўзим кўнгирик қилиб кўяман, хўпми? – деди у жиддий таъкидлаб. – Қачон қайтасиз, шундоқ қилиб?

– Эртага кечки пайт. Ишларимни битирсам...

– Ҳа, яхши. Демак, келишдик. Душанба куни биринчи рейс билан етиб бораман. Меҳмонхонадан ўзингиз билиб жой қилиб кўярсиз. – деди Омонулла маъноли қилиб кулиб.

– Ҳа албатта, жоним билан, Омонулла Жўраевич, – дея Олимпидин нигоҳи билан официант кизни кидирди.

– Ҳеч нарса керакмас, бораверинг, – деди «Кадр»нинг одами уни тушуниб. – Пули тўланган. Сиз ҳозирча менинг меҳмонимсиз. Бошқўрганга борганда бўлса...

– Э йўғ-е, қандай бўларкин?..



– Хўп, яхши дам олинг. Қисқаси, гапларимни тушундингиз-а? Ҳа айтгандай, координатларингизни...

– Ҳа-я, мана ҳозир, – деди Олимиддин шошиб блокнотидан бир варақча йиртиб, унга ўз манзили ва телефонларини шоша-пиша ёзиб берди, – Мана, марҳамат, устоз.

– Яшанг, ажойиб шогирд топганимдан беҳад хурсандман. Хайр бўлмаса, омон бўлинг.

Олимиддин таъзим қилиб эшик сари йўналди.

– Ҳа айтгандай, тўхтанг!..– деди Омонулла бир муҳим нарса ёдига тушгандай.

– Хизмат, ака? – деди йигит яна изига қайтиб.

Омонулла ёнидан шошилмай блокнотини чиқарди ва ундаги бир ёзувни излаб топгач, беҳад севиниб кетди.

– Буни каранг-а, хаёлимдан мутлако кўтарилибди, Бошқўрғонда, ахир, менинг энг яқин кадрдон отахоним яшайди-ку! – деди у Болтавой аканинг манзилини кўрсатиб. – Энди бундай киламиз, дўстим. Мен Бошқўрғонга борганимдан кейин Болтавой акани бир йўқлаб қўймасам, уят бўлади. Кўрмаганимга ям анча бўлди. Жуда тоза инсон-да, танийсизми уни?

– Қайси кишлоқда яшайдилар, у киши?..

– Мана, «Тошқўтон» деган жой экан.

– Ие, бўлди, топамиз. Мен асосан раҳбарларини билман-да. У ер жуда чет кишлоқ.

– Нимаси чет?

– Туман марказидан узок, кейин аҳолиси ям анчагина кам, демокчиман-да.

– Хуллас, мен боргунимча, сиз туманингиз, ташкилот ва муассаса раҳбарларини, улар қайси йилдан бери фаолият кўрсатишмоқда, агар иложи бўлса, ким томонидан тайинланганини ҳам рўйхат қилиб қўйсангиз. Кейин туманингиз ва ўша ташкилотларнинг ўтган йилги техник-иқтисодий кўрсаткичлариниям, хўпми?

– Бўлди, ака. Ҳаммасини тўғрилаб қўяман.

– Келишдик. Лекин Болтавой ака тўғрисида ҳам суриштириб қўйинг. У кишини бир йўқлаб, кўлидан бир чўким палов еб, сўнгра, худо хоҳласа, «катта ишларимизни» бошлаймиз-

да, тушундингизми? Хўп, энди дамнингизни олаверинг. Индинга ишхонангизга ўзим кўнғирок киламан.

Олимиддин минг бир тавозе билан хижолат чекиб терлаб-пишиб чиқиб кетди. Омонулла бўлса орзудаги режаси муваффақиятли амалга оша бошлаганидан хурсанд бўлиб, конякнинг колганини ҳам бир кўтаришда сипқориб кўя колди. Нима киларди, майдалаб...

\* \* \*

Пойтахти азимдан «Омонулла Жўраевич» келаётгани ҳақидаги хабар Бошқўрғон тумани ижрокўм раиси Мирбадал Боқиевичга ўша кунлик етиб борди...

...Меҳмонхонадаги хонасига саросима билан, шошиб кириб борган Олимиддиннинг кўли энди ҳеч қандай ишга бормасди. Ёлғиз ўзи кутилаётган «хавфдан» хабардор бўлиб қолгани учунми, чидай олмади. ёрилиб кетай деди ва ижрокўм раисининг шахсан ўзига кўнғирок қилишга журъат қилди.

– ...Қайси «Омонулла Жўраевич»? – деб сўради раис телефон орқали ҳайрон бўлиб.

– «Кадр»дан. Мен у киши билан тасодифан танишиб қолдим. Бизга сафар қилишни душанба кунига мўлжаллаб турган эканлар.

– Нимагадир мен у кишини ҳеч эслай олмаяпман-да...

– Лекин у киши сизни яхши танир эканлар. Ишга сайланаётганингизда ҳужжатларингизга у киши ҳам шахсан имзо қўйган эканлар.

– Э, шундок денг?! – дея ўйланиб қолди Мирбадал Боқиевич. – Яна нималар деди?

– «Сизларда Шошгансой билан Ўртабоғдаги аҳвол такрорланмаслигини хоҳлайман», – дедилар. Қолганини борганимда тушунтиракан.

– «Шошгансой» дейсизми? Анави алғов-далгов бўлган туманми?

– Ҳа-ҳа, ўша туман. У ерга аввал шу киши бориб текширув ўтказган эканлар.

- Яна нима деди?
- «Менинг боришимни ҳеч ким билмасин, ҳатто Мирбадал ҳам. Фақат бир ўзингиз кутиб олинг», – дедилар.
- Қачон келаркан?
- Душанба куни биринчи рейс билан.
- ...Бугун чоршанба. Хўш... – дея жиддий ўйланиб қолди раҳбар, – Бўлмаса, Олимиддин, сиз ҳозир охириги рейсга улгурасизми?
- Ҳа-ҳа, ҳаракат қиламан.
- «Ҳаракат қиламан» эмас, тез учиб келинг! Мен туман фаолларини йиғиб тураман, тушундингизми?!
- Хўп бўлади, ўрток бошлиқ.
- Бўлинг, тез!..
- Гўшакнинг асабий тақиллагани эшитилди.

\* \* \*

Олимиддин ижроқўм биносига ярим кечаси кириб келди. Туман фаолларига қанақадир жиддий йиғилиш бўлиши ва раис кимнидир кутаётгани маълум бўлди. Мирбадал Боқиевич билан Тошкентдан етиб келган ходим ўртасидаги ўзаро суҳбат узок чўзилмади. Вазият жиддий эди. Фақат уни «шовкин кўтармасдан, силлиққина» ҳал қилиш керак эди, холос.

– Омонулла ака аввал кимникига келмокчи дейсиз? – тўсатдан сўраб қолди ижроқўм раиси.

– Болтавой ака деган бир тошқўтонлик мўйсафидникига.

– Болтавой акани у қаердан таниркан?

– Билмасам, – деди Олимиддин елка қисиб.

Раҳбар тугмани босди:

– Тошқўтон колхозининг раиси Оқбердиев тезда ҳузуримга кирсин! – деди остонада кўринган масъул навбатчига.

Зум ўтмай остонада дўмбоқ қорнига кўлини ковуштириб кўйиб олган Оқбердиев пайдо бўлди.

– Қишлоғингизда яшайдиган Болтавой акани биласизми?

Раис бир оз ўйланиб қолди ва эслади, шекилли:

– Ҳа-ҳа, анави доим мингиллаб, норози бўлиб юрадиган чол-а... – деди у бепарво.

– «Норози» дейсизми? Нега энди норози бўларкан?! Ўйлаб гапиряпсизми?! – деди раис жаҳл билан кўлидаги ручкасини стол устига қарсиллатиб бир уриб.

Окбердиев Раисдан бундай «агрессив» ҳолатни кутмаганди:

– Бир-икки олдимга кирувди... Бошланғич мактаб куриб беринг, йўлни асфальтлаб беринг, маҳаллага газ керак, сув керак деб, меням, мenden аввалги бўлган раисларниям бошини қотириб келаётган бир «ёзувчи-иғвогар»да, ахир.

– Ҳа, мен ҳам эсладим. – деди Раис жаҳлидан тушиб. – У менинг номимгаям бир-икки бор ариза берувди. Демак, аризаси қондирилмаган. Чаток бўпти, бу ёғи чаток... – деди у ручкасини стол устига яна бир бор асабий ташлаб олиб. – Ҳой овсар, Окбердиев! Билиб кўйинг, ўша сиз менсимаётган «ёзувчи»нгиз туманимизни ағдар-тўнтар қилиб ташлай олади. Сиз бўлса, ишдан кетасиз, билдингизми?

– У нима, энди пойтахтга ёзибдими? – дея ўсмоқчилаб сўради раис бўзариб.

– Билмадим. Бўлиши ҳам мумкин. Лекин унинг «кадр»да яқин одами бор экан. Ўша одами анави Шошгансой билан Ўртабўғни расво қилган киши экан, – деди асабий тутакиб ижрокўм раиси. – Энди ўша киши бизнинг тумани текширгани келаяпти. Айтиб кўяй, агар уч кун ичида ўша қариянинг айтганларини бажариб кўймас экансиз, раис бўлганингизга пушаймон қилдириб, колхоздан болачакангиз билан бадарға қилиб юбораман. тушундингизми? Боринг, нима қилсангиз қилинг, шанба кунга ўша Болтавой ака яшайдиган кўча асфальтланган бўлсин! Газ тортилиб, ёниб турган бўлсин!

– Нима?! Қаердан тортаман, ака? Ахир...

– Онагникидан тортасан, билдингми?! Бор, йиғилишга кир! – дея ўшқириб берди Мирбадал Бокиевич жаҳл билан ва коғозларини асабий йиғиштириб ўзи ҳам йиғилиш залига йўналди. Олимиддин эса унинг ортидан итнинг думидай эргашди.



Арининг уясидай ғала-ғовур бўлиб турган йиғилишга келганлар туман раҳбарининг авзойини кўриб жим қолдилар.

– Умуман, ўртоклар, меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларига жиддий эътибор бермаяпмиз, – деди салом-аликни ҳам насия қилиб ўзини аранг босиб олган Мирбадал Боқиевич. – Уларни ўз вақтида ўрганиб, арзларини қаноатлантиришни сираям ўйламаяпмиз! Бу қандай масъулиятсизлик, ахир!.. – деди нотик тутақиб. – Хуллас, гап бундай...

У залдаги биринчи қаторга ўрнашиб олган Олимиддинга ишора қилди:

– Сиз ёнимга чиқиб ўтиринг!

Одий бўлим бошлиғининг президиумга чиқиб ўтириши кўпчиликни ажаблантирди.

– Асфальт заводининг директори! Туман газ бошлиғи!.. Кейин Оқбердиев!

Залдаги уч амалдор ўрниларидан оғир кўзгалдилар.

– Сизларга шанба кунгача мухлат, – дея Олимиддиндан секин сўради: ўша Болтавой аканинг маҳалласининг номи нима эди?

– «Янги чек»...

Раис яна залга юзланди:

– Тошқўтондаги «Янги чек» маҳалласи тезкорлик билан асфальтлаштирилсин, бирйўла газлаштирилсин! Ҳеч қанақанги гап-сўз, ваз кетмайди, тамом, вассалом! Тушунарлими?

– Тушунарли! – деди Оқбердиев дарров.

– Бу қанақа? Режада... – дея оғиз очди туман газ раҳбари.

– Мен сенга айтяпман, қеч қанақа режа-пежанг кетмайди, қиласан, тамом!

– Труба йўқ-ку!...

– Қани «консерва»?! – дея Раис залдан кимнидир ахтарди ва уни топди. – Эсингиздами, Норбўтаев, ўтган йили янги цех учун ўн тонна труба олиб келгандингиз?

– Ҳа, уни янги ҳосилгача монтаж қилиб бўламиз, худо хоҳласа.

– Янги ҳосил кутиб туради. Бу йил меваларнинг чўғи кам, совуқ уриб кетган, ҳисоб-китобни кузда Оқбердиев билан қиласиз! «Асфальт?!»

– Ҳаммаси тушунарли, бажарилади!.. – деди дангал асфальт заводининг директори.

– Ана, гап бундоқ бўпти, – деди раҳбар ўзини босиб олиб.

Бу сафар унинг чехрасига бир оз майинлик югургандек бўлди. У энди асфальт заводининг директорини мақтай кетди.

– Ҳақиқий раҳбар мана шундай ҳозиржавоб бўлиши керак. Ҳа айтгандай, бугунги йиғилишимиз мавзуси ҳам ана шундай раҳбарлар масъулияти ҳақида... Хуллас, туманимиздаги раҳбар кадрлар масаласи қай аҳволда? Ҳамма ўз ўрнига, эгаллаб турган лавозимига лойикми ё нолайикми? Улар меҳнаткашларнинг арзи, дардини тушуна оладими, йўқми? Айнан мана шу масала юзасидан туманимизга «Кадр»дан Омонулла Жўраевичнинг шахсан ўзлари ташриф буюряптилар. Мана, ўтган ойда Шошгансой, кейин Ўртабоғ туманларида у киши мақсадли текширувлар ўтказган эдилар. Натижаси ҳаммаларингта маълум бўлса керак. Ё сизларга изоҳ керакми?!

Залдан узук-юлик «Йўқ!» деган овозлар келди.

– Сизлар бугун худди мана шу масалада чақиртирилгансизлар. Айтиб кўяй, текширув бу сафар қаттиқ бўлади, – деди раис столни бармоғи билан маъноли тақиллатиб оларкан. – Ҳамманинг айби ўзига аён. Шунга қараб ўзи жавобини ҳозирлаб, тайёргарлигини кўраверсин. Мен сизларни огоҳлантириб кўйяпман, холос. Тушунарлими?!

– Тушунарли!!! – деди залдагилар бир овоздан.

– Олимиддин, – деди у ёнидаги ходимга қараб, – юкоридан Омонулла Жўраевичга ассистент, яъни у кишининг туманимиздаги ишончли вакили этиб тайинланган. Нима масала бўлса, қандай гапларинг бўлса, шу йигитга мурожаат қилаверасизлар. Олимиддин, ўзингиз икки оғиз-а?..

– Хуллас, Омонулла Жўраевич ташрифни, яъни текширувни Тошкўтон қишлоғидан бошламоқчилар. Ўша «Янги чек» маҳалласи масаласи бўйича бўлса керак, албатта. Менга ҳали текширув режаси маълум эмас, яъни кимга қачон навбат келиши... Лекин бир нарса аёнки, бу тадбирдан туманимизнинг бирортаям раҳбари четда қолмайди. Ҳатто туманимиз проку-

роридан тортиб, завод-фабрикалар, бозору савдо идоралари, жамоа хўжалигию корхона раҳбарларининг шахсий ишлари, тутган мавқелари ва бошқа кўрсаткичлари ўрганиб чиқилиб, уларнинг ўз вазифаларида қолиш-қолмаслиги, бўшаб қолган ўринларга номзодлар масалаларини ҳам кўриб чиқадилар. Шу ўринда айтиб ўтмоқчиман, баъзилар устидан жиноий иш ҳам кўзгатилиши мумкин. Шунинг учун ҳали бир оз вақт бор, у ёқ-бу ёқларингизни бир сидра қараб олсаларингиз ёмон бўлмайди. Шошгансой ва Ўртабоғдаги шармандаликлар, юз бермаслиги керак. Чунки туманимиз нафақат вилоятда, балки мамлакатда ҳам кўзга кўринган обрўли туманлар каторида туради. Эътиборингиз учун раҳмат!

– Саволлар?! Олимиддинга саволлар борми? – деб сўради туман раҳбари.

– Кечирасиз, – деди кўл кўтариб ранги бўзарган Окбердиев – анави «Янги чек» маҳалласининг бу ишга нима дахли бор ўзи?

– Вей, сиз роса овсар одам экансиз-ку-а?! Дахли бор-да! Чунки Омонулла Жўраевич биринчи галда ўша Болтавой аканикига тушмоқчи эканлар. У ёғини сўраманг!

– Тушундим, раҳмат, – деди колхоз раиси калтакланган итдай «думини қисиб» ноилож ўз ўрнига омонат ўтираркан.

– Ҳамма тушундимми?

– Ҳа, тушундик!!!

– Олимиддин. Ўйлаймизки, сиз ҳам туманимиз обрўсини ҳимоя қилишга бор билимингиз, куч-гайратингизни аямай-сиз. Шу ўринда Омонулла Жўраевичнинг ҳам ишончларини оқлайсиз, деб умид қиламиз. Чунки сиз ҳам туманимизнинг иқтидорли, фахрли ёшларидансиз...

– Ҳаракат қиламан, хўжайин, – деди ходим кўлини кўксига кўйиб.

– Яхши. Ундай бўлса, Тошкўтондаги «Янги чек» маҳалласи масаласи бўйича шахсан ўзим шуғулланаман. Эртага эрталаб соат 8:00 га у ерга барча ташкилот раҳбарлари етиб боришлари керак. Қолганини ўша жойнинг ўзида маслаҳат қиламиз. Хўп, келганларингиз учун раҳмат. Тайёргарликларингизни ўзларингиз билиб кўраверинглар. У киши бориши мумкин бўл-

ган барча жойлар, ўтадиган йўллар зудлик билан тозаланиб, саришталаниб, йўл четларига тошлар терилиб, гуллар экиб чиқилсин. Бу ҳақда ташкилий бўлимга маълумот бериб турилсин. Хайр, бўшсизлар!

\* \* \*

Эртаси тошқўтонликлар бир умр кўрмаган ажиб манзаранинг гувоҳи бўлдилар. Неча йиллар орзу бўлиб келган улкан қурилиш ишлари тўсатдан бошлаб юборилди. Туманнинг бор куч ва ресурслари шу ерга ташланди. Раҳбарларнинг эътибори кўпроқ бир нуқтага, яъни Болтавой аканинг эски, қулай деб турган гувала деворли уйига қаратилди. Қандай қилиб бўлма-син, киска фурсат ичида «ёзувчи»нинг аризаси қондирилиши ва унинг хонадони «кадр одами»ни кутиб оладиган даражада замонавий услубда таъмирланган хонадонга айлантирилиши шарт эди. Лекин бу «мўъжиза»нинг рўй бериши учун зудлик билан бир неча минг сўмлик маблағ, қурилиш-монтаж ишлари, уч сменали тўхтовсиз меҳнат, метиндек асаб ва тоқат керак бўларди. Керак экан, топилди... Шахсан Мирбадал Боқиевичнинг ўзи бу ишга бош-қош бўлди.

Маҳаллий матбуот, яъни «Бошқўрғон ҳақиқати» газетаси бу тадбирни «Намунавий маҳалла» ва «Намунали хонадон ташкил қилиш ҳашари» деб ёритди. Шунингдек, юқоридагига кўра, якшанба куни бу ерда туман фаоллари учун кўрғазмали семинар кенгаши ҳам ўтказиладиган бўлди. Тадбирга телерадиокомпания ва газета мухбирлари ҳам таклиф этилди. Мақсад «Тошқўтон тажрибаси»ни оммалаштириш эди. Шунингдек, қурилиш ва семинар иштирокчилари ҳамда ташриф буюрадиган меҳмонлар учун ош тортилади, «Бошқўрғон юлдузлари» дастаси ижросида концерт ҳам уюштирилади. Болтавой аканинг бўлажак «Намунали хонадон»ига «уй тўйи» муносабати билан рўйхат асосида «ҳомий»лардан ихтиёрий-мажбурий совға-саломлар келтириш ҳам режага киритилди. Шунингдек, унинг шахсий ҳаёти ҳам ўрганиб чиқилиб, номзоди бирор орден ёки медалга тезлик билан тавсия қилинадиган бўлинди...

Эндиликдаги вазифа, Омонулла Жўраевични қандай қилиб махфий кутиб олиш ҳамда мартабали меҳмоннинг ташрифи-га атайин тайёргарлик кўрилатганини Болтавой акадан сир саклаш эди.

Мирбадал Бокиевич эртаси ҳам туман фаоллари билан фавкулудда йиғилиш ўтказди.

– Ўртоқлар, келинлар, бир савоб иш қилиб, ўзимизнинг нимага қодир эканимизни бутун мамлакатга кўрсатиб кўяйлик. Шахсан мен туманимизнинг ёмон отлик бўлмаслигини, шаънимизга факат яхши гаплар бўлишини хоҳлайман. Нима дейсизлар?

Залда ола-тасир қарсақлар чалинди.

– Раҳмат... Мундоқ ўйлаб қарасак, Болтавой ака ким ўзи? У бутун умрини далага бахшида қилган, юртим деб, маҳаллам деб ёниб яшаётган оддий бир деҳқон, холос. У ўзи учун шикоят қилмаяпти, унинг ўзига мактаб ҳам керакмас. Кўчасида асфальт, уйдага газ ичмаси ҳам қора ўчоғи билан куни ўтаверади, қора қозониям қайнайверади. У халқ учун қуйиб-пишарма-ку, ахир! Биз бўлсак, у кишини «ёзувчи» десак, «ишвогар» десак. Ахир, у замонимиз қаҳрамони-ку, азизлар!

Залда яна узун-қиска қарсақлар эшитилди.

– Хуллас, биз янги ташаббус бошлаймиз. Тошкўтондаги «Янги чек» маҳалласини ободонлаштирамиз, Болтавой аканинг уйини ҳашар йўли билан таъмирлаб берамиз. Туманимиз бўйича уч кунлик ҳашар эълон қиламиз.

Раис графиндан бир култум сув ютиб олгач, яна ваъзини давом эттирди. Зал сув қуйгандек сокин эди. Кимлардир кўзларини ола-кула қиларди.

– Ҳашар туманимиздаги барча ташкилотларга тегишлидир. Ким нима билан ҳисса қўшади, бу ихтиёрий. Пул берадими, қурилиш материаллари, марҳамат, мурувватларингизни кўрсатаверасизлар. Текширувга келсак. Бу барчамизнинг бошимизга келган тўй. Омонулла Жўраевич туманимизнинг барча кишлоқлари ва ташкилотларини шахсан айланадилар. Шу-



нинг учун туман бўйича барча ишлар тўхтатилади. Ҳаттоки даладаги ишлар ҳам... Ҳамма ободончилик ишларига жалб қилинсин. Барча йўлларнинг икки чеккасига тош терилиб, оққа бўяб чиқилсин! Йўл бўйларига зудлик билан гуллар, мевали кўчатлар ўтказилсин. Гуллар очилиб, дарахтларнинг мевалари пишиб турсин! Маориф! Қани у киши?! Тиллаев!

Одамларнинг оғзи очилиб, пашшалар кириб улгурмаган ҳам эдики, бир бурчақдан садо келди:

– Мен шу ердан!

Бу маориф бўлими мудир Тиллаев эди.

– Барча мактабларда ўқишлар тўхтатилсин! Ўқувчилар ҳам тозалов ишларига жалб қилинсин! Уларга йигирматадан гул кўчати солиғи солинсин. Гуллар кўчаларда яшнаб турсин, тушунарлими?

– Тушунарли, лекин... – деди Тиллаев энди талмовсираб.

– Лекин-пекини йўқ. Мана, сиз аттестацияни биринчи бўлиб топширасиз. Олимиддин, сиз буни протоколга ёзиб қўйинг. Эртага сахар 6-00 да туман архитектураси, барча қурилиш ташкилоти раҳбарлари, газ, яна ким?

– Консерва! – дея кичкирди Оқбердиев ҳовлиқиб.

– Консерва билан Оқбердиев. Сизлар соат 5-00 да ўша ерда бўласизлар, тушунарлими?

– Хўп бўлади, хўжайин! – деди колхоз раиси аскарлардек ҳозиржавоблик билан.

– Кейин барча бўлим бошлиқлари, сизлар билан «Янги чек»да йиғилиб, ким нима иш қилиши кераклигини жойида ҳал қиламиз, тушунарлими?

– Тушунарли!!! – дейишди залдагилар.

– Умуман, ким, нималарга, қанақа ишларга қодирлигини кўрсатадиган, ғалвирни сувдан кўтарадиган пайт келди, ўртоқлар! Хуллас, штаб ўша Тошкўтонда жойлашади. Ҳашарга шахсан ўзим бошчилик қиламан. Агар тушунарли бўлса, саволлар бўлмаса, ҳаммага омад ёр бўлсин! – деди раис ва Олимиддин билан ўзаро шивирлашиб чиқиб кетишаркан, ўринбосари Асовиддин Олимовичга «Сиз хузуримга киринг» дегандек маъноли имлаб қўйди.

## ҚИШЛОҚДАГИ МЎЪЖИЗА

Эртаси Тошкўтонда одатдагидек хўрознинг кичкириғи ила яна заррин куёш кўтарилиб, ажиб тонг отди. Мафтуна одатдагидек ҳовли ва кўчаларни супура бошлади. Ҳури хола ҳовлида сигирини соғарди. Болтавой ака эса елкасига сочиқ ташлаб, томоғини қира-қира таҳорат қилгани орқага ўтиб кетди. Шу маҳал кўчанинг у бошида бир тўда одамларнинг гала-говури эшитилди. У томон – бу томондан тракторлар ва шағал ортилган машиналар турнақатор бўлиб кела бошланди. Кимларнингдир кўрсатмаси билан кўчага тўп-тўп қилиб «шариллатиб» шағал ағдарила бошланди. Мафтуна бу манзарани кўриб ҳайрон бўлди. «Тавба, каллаи саҳарлаб нима зарил-а?», – деб кўйди у хаёлан ва шу дамда уйларига яқин жойда раҳбарларнинг бир нечта енгил машиналари келиб тўхтаганига кўзи тушди. Дастлаб уларга эътибор қилмади. Лекин шляпали, хром этик кийган одамларнинг тўғри уларникига томон келишяётганини кўриб, таҳликага тушиб қолди.

– Ие, бизникига келишяпти-ку. Вой ўлмасам!.. Ҳой, отажон-у! – дея ҳовлига чоғиб кирди.

– Ҳа, нима гап, тинчликми, қизим? – деди Ҳури хола сутли пақирини илгакка илиб кўяркан.

– Қаранг, бизникига каттаконлар келишяпти!

Ташқаридан келаётган ўзаро суҳбат овозлари, техникаларнинг тариллаб ишлаши буни тасдиқламоқда эди. Мирбадал Боқиевичнинг «Отахон уйдамиканлар, ишқилиб», деган овози ҳам эшитилди.

– Ҳа, ҳозир чақираман, – деди Окбердиев ва томоғини кириб олиб: «Ҳой, Болтавой ака!» – дея кичкирди. Таҳорат қилаётган мўйсафид «Ҳов! Ҳозир!» деб овоз берди.

Унинг овозидан кўнгли тўлмаган Окбердиев эшикни тикиллатган бўлдию, ичкари томон бош сукди ва кўзи Ҳури холага тушди:

– Бобой уйдадилар?



– Ҳа, ҳозир чиқаяптилар. Ҳой, дадаси-ю!

– Мана, кетаятман! – деган овоз келди ҳовлидан ва бир оз ўтгач Болтавой ака қадимий обдастасини кўтариб чиқиб келди. Эшикдан туманнинг раҳбар гўраси, Олимиддин, райгаз бошлиғи Хуррамов ва Оқбердиевлар бирин-кетин кириб келишди.

Мирбадал Бокиевич ҳовлига киргани замони атрофни аланглаб, ҳовлини синчковлик билан кузатиб чиқди. Хуррамов бўлса, дарров ўзича бир нималарни мўлжаллай бошлади.

– Ие-ие, келинлар меҳмонлар! – деди Болтавой ака ва «Мен ҳозир», дея ичкари кириб кетди.

– Нима, нозик меҳмонимиз ҳали шу ерга келаяптиларми? Ахир, бу ғирт шармандалик-ку! – деди Мирбадал Бокиевич Олимиддинни бир четга имлаб.

Бу пайтда Мафтуна югуриб-елиб сўрига меҳмонлар учун жой тайёрламоқда эди. Қиз уларнинг гапини эшитмаганга олди.

– Омонулла Жўраевич бу ерга ҳеч ҳам келмаган бўлсалар керак-да.

– Қизик, у бу чолни қаердан таниркан-а? – деди Оқбердиев гапга аралашиб.

– Олимиддин, сизга бу тўғрида нима деди?

– «Қадрдон кишим» дедилар.

– Ҳа, дуч келган одамни ҳеч ким бундай демайди. Демак, бу ерда бир гап бор...

Ичкаридан ўзини ўнглаб Болтавой ака хурсанд ҳолда чиқиб келди.

– Узр, меҳмонлар, куттириб кўйдим.

– Келинлар, хуш келибсизлар, – деди Ҳури хола ҳам янги сөчикни кўтариб чиқаркан.

– Ассалому алайкум! Бардаммисиз, бакувватмисиз? – дея Мирбадал Бокиевич мўйсафид билан эски кадрдонлардай кучоқлашиб кўришди. – Мени таниб турган бўлсангиз керак-а? Мен Мирбадал укангиз бўламан, ижрокўм раиси.

Болтавой ака бошқалар билан ҳам илик сўрашиб чиқди. Бу маҳалда Мафтуна обдастага илик сув тўлатиб кўйиб кетганди.

– Қани меҳмонлар, аввало қўлларингни бир ювиб оласизларми, дегандай...







Меҳмонлар ҳайрон бўлиб бир-бирларига маъноли қараб олишди.

– Бу менинг бобомнинг бобосидан қолган обдаста бўлади. Ундан хонадонимизга ташриф буюрган сиздек мўътабар меҳмонларнинг қўлига сув тутиш эскидан одат бўлиб келган.

– Оқбердиев! – деди раис буйруқона – Идишни олмайсизми?

Раис чолнинг қўлидан идишни олиш ва ўзи сув куйишини айтиб ялтоқланди. Лекин Болтавой ака қайсарлик қилиб асло кўнмади:

– Ўзим қуяман. Савобни ўзим олмоқчиман, – деди у.

– Қани, хўжайин, ўзларидан бўлсин бўлмаса.

Мирбадал Бокиевичнинг ранги гезарди, лекин ноилож қўлини сувга беихтиёр тутди.

– Оббо, отахон-ей, – деди у ҳам лаганбардорлик оҳангида.

– Яхши юрибсизми, ишқилиб? Биз ҳам мана, тонг-сахарлаб уйингизга яхши хушхабар билан келаяпмиз-да.

– Илоҳим, хушхабар олиб келган қадамларингиз қутлуғ бўлсин! Бу обдаста шунақа хосиятли-да ўзи. У фақат сизларга ўхшаган обрў-эътиборли, ҳалол-пок инсонларнигина ўзига чорлайди.

– Ҳа, яхши идиш экан. Лекин анча эскириб, униқиб қопти. Ҳай майли, лекин биз бошқа масалада келувдик, – деди раҳбарнинг энсаси қотиб.

– Қани марҳамат, ўтиринглар.

Улар иложсиз сўрига чиқиб ўтиришиб дуо қилишди. Сўнг-ра раис оҳиста муддао ҳақида оғиз жуфтлади:

– Шу десангиз, хабарингиз борми-йўқми, отахон, биз – туман раҳбарлари ўзаро кенгашиб, тумандаги бирор маҳаллани ва ўша ердаги бирор хонадонни хашар йўли билан бекаму кўст ободонлаштириб, таъмирлаб беришга қарор қилгандик. Қарангки, чеки сизнинг хонадонингизга тушиб турибди-ку, – деди у хохолаб сохта кулиб кўяркан.

– Э, шунақами, қарорларингиз қутлуғ бўлсин!

Бу пайтда Мафтуна «Хуш келибсизлар» дея чой олиб келиб қўйиб кетди. Олимиддин уни тезда пиёлаларга қуя бошлади.

– Хуллас, отахон, – деди Мирбадал Бокиевич салмоқланиб

чойдан бир хўшлаб оларкан. – Биз сизни жуда яхши биламиз. Сиз элни деб, юртни деб кўп қайғуриб келаяпсиз. Мана, менинг олдимгаям боргансиз, Окбердиевгаям куйиб-пишиб кўп учрашган экансиз. Шунинг учун ўйлаб-ўйлаб сизнинг арзингизу талаб-истагингизни қондиришга жазм қилдик-да...

– Ие, шунақами. раҳмаг-е, – деди Болтавой ака кувониб. – Жуда хурсанд қилдингиз-ку, ниҳоят мактаб қуриб берадиган бўпсизлар-да-а?

– Йўқ, аввало маҳаллангизни асфальт қиламиз, сув ўтказамиз, газларингиз ёнади. Уйингизниям яхшилаб таъмирлаб берамиз.

– Йўқ, бўлмайди, – деди мўйсафид қутилмаганда кўл силтаб.

– Ие, нега энди? – деб сўради раис ажабланиб.

– Маҳаллани, майли, асфальтини қилинглар. Газ, сув бўлсаям қанийди. яхши бўларди. Лекин менинг уйимни таъмирлашнинг ҳечам кераги йўқ. Менга ўзи шундай гуваласи, лой сувоғи билан маъқул. Бунинг ўрнига мактабга жой ажратиб, ҳеч бўлмаса, пойдеворини қуриб берсанглар, қолганини маҳалла-қўй ўртада пул йиғиб, ҳашар қилиб қуриб олармидик.

– Э, отахон. Яна ўша эски гапми? Мактабни нима қиласиз, бошингизни қотириб? – деди Окбердиев тажанглик билан.

– Сиз гапга аралашмай тулинг! – дея ўшқириб берди қатта раис.

– Хўп, отахон. Мен сизни тушундим. Биласиз, мактаб қурилиши ўз-ўзидан бўлмайди. Уни аввало режалаштириш керак.

– Ие, хали режалаштирганларинг ҳам йўқми? – деб сўради чол ажабланиб.

– Худо хоҳласа, янаги йилга режалаштирсак, сўнгра юқоридан, яъни Москвадан тасдиқланса, бюджетдан маблағ ажратилса... – деди туман раҳбари мужмал қилиб.

– Бўлди, тушундим. Унда маҳаллада мактаб бўлмас экан, мен уйимни таъмирлашларига ва умуман бемаъни пул сарфлашларингга қаршиман. Ана анави рўпарамдаги қўшнимникини таъмирлай қолинглар. Ўзи ногирон, бир жойда уч йилдан бери миҳланиб ётибди. савоб бўлади.

– Отахон, сиз биз учун табарруксиз, – деди Олимиддин ҳам гапга аралашиб. – Биз сизнинг дуоингизни олмоқчимиз.

Ўзингизни бир умр далага бахшида қилган инсонсиз, ахир!..

– Ҳа-ҳа, «Хўп» деяверинг, – деди Окбердиев бўзариб.

– Буям, отахон, латореяга бир ютуқ чиккандек гап-да, – деди Мирбадал Бокиевич музокарага чек кўйишга жазм қилиб.

– Раҳмат сизларга. Майли, маҳалла ободончилигини бошлай-веринглар. Уйимни бўлса ўзим у ёқ-бу ёғини лой билан чаглаб чиқарман. Бирор пакир оҳак керак бўлиб қолса, сўрарман.

«Тавба» деб кўйди ўзига ўзи Мирбадал Бокиевич тиззасини маъноли уриб кўяркан. «Шунақаям содда одам бўладими?..»

– Қани омин, турдик бўлмаса, – деди у чолдан «маънилиқ иш» чикмаслигига ақли етиб.

– Ўтиринглар, нонушта килинглари, – деди мўйсафид.

• Хуррамов отахонни бир четга тортиб шивирлади:

– Буларнинг томоғидан энди ҳеч нима ўтмайди, отахон. Лекин бопладингиз.

– Эҳ, тоза бошни котирдингиз-ку-а, отахон, – деди Окбердиев ҳам афсус чекиб.

– Бўлди, бошқа муҳокама қилманглари. Кейин маслаҳатлашармиз, – деди раҳбар ва чолнинг кўлини маҳкам қисиб кўйиб, сунъий илжайиб кўйди.

– Яшанг, отахон. Хўп, омон бўлинг, – деди Олимиддин ҳам самимий.

– Яхши боринглари, – деди Болтавой ака ва ортларидан кўчага чикиб бўлаётган ишларни кўриб танг қолди.

– Эҳ-хе, ҳақиқатдан ҳам қарорлари катъийга ўхшайди-ку-а? – дея ажабланди ва кўнглидан ўтказди: «Бу ишлар, хойнахой, баҳор пайти келган анави «ғилдираги тешилган» депутатнинг иши бўлса кераг-ов...»

\* \* \*

Мирбадал Бокиевичнинг кайфияти бузилиб, ишлаётган техникалар сари шитоб билан бораркан, тўсатдан тўхтади-да, Олимиддинни бир четга имлади:

– Бу ёғи қовун бўлди-ку, энди нима қиламиз?

– Ҳайронман – деди Олимиддин қовокларини уюб.

– Менга қаранг, Омонулла Жўраевични Болтавой аканинг уйига олиб келиш, уят! Ё унинг уйини зудлик билан таъмирлаб жихозлаш зарур, ёки бўлмасам, меҳмонни бу ерга умуман келтирмаслик чорасини кўришимиз керак. Ҳалиям кечмас, ҳамма ишларни ҳозирок тўхтатишимиз мумкин, сизда у кишининг телефон рақами бор-а?

– Ҳа, албатта бор.

– Бўлмаса, кетдик. Окбердиевнинг идорасига борайлик-да, у кишига кўнғироқ қиласиз.

– Нима дейман? – деб сўради Олимиддин машиналари сари шошиб боришаркан.

– «Болтавой ака ҳозир йўқ экан. Санаторияга кетган эканлар», деб айтасиз. Ишқилиб нима десангиз денг, лекин бу оми қишлоққа келмасалар бўлгани.

– Ҳа-ҳа, яхши бўларди, – деди Олимиддин ҳам бошликнинг гапини чин дилдан маъқуллаб.

Улар «Тошқўтон» колхоз идорасига шашт билан кириб келишди. Олимиддин гўшакни олиб телефон рақамларини охиста тера бошлади. Окбердиев сертакаллуфлик билан бир четда карахт бўлиб турарди.

– ...Алло, Омонулла Жўраевич?! Ассалому алайкум, устоз! Қандайсиз? Соғлиқлар, уй ичлари?.. Узр, эрталабдан безовта қилганим учун. Бу мен шогирдингиз Олимиддинман. Бошқўрғондан. Шукур, раҳмат... Ҳа-ҳа, ўша гап. Ҳеч кимга айтмадим. Бу ёғи дим-дим... Хўп бўлади... Ҳа, к-кутаман, ўша ерда. Болтавой аканики-да-а?

– «Йўқ экан», денг, – жон-жаҳди билан шивирлади Мирбадал Боқиевич.

– Э-ҳа, ҳалиги, айтмоқчи, отахон санаторияга кетган эканлар. Шунинг учун меҳмонхонага ўзим яхшилаб... Х-хўп, устоз. Келишдик. Жайр, омон бўлинг! Х-х-хизматингиздаман...

– Хўш, нима деди?! – деб сўради ижрокўм раиси жон-жаҳди билан.

– «Санаторияда бўлсалар ҳам майлига, уйдагиларини бир йўқлаб қўяман. Иложи бўлса, у кишини душанба кунига уйи-

га опкелинглар, кейин яна қайтариб олиб бориб қўяверасизлар», дейишди. Уф-ф... энди чолни санаторияга боришга кўндириш керак бўлади-ку. Ўзи бекор телефон килдик-да. «Кадр»дагилар чўрткесар, бир гапда турадиган одамлар бўлади, – деди Олимиддиннинг чиндан хуноби ошиб.

– Оббо, Ҳай майли, уриниб кўраман. Кетдик... – деди раҳбар хуноби ошиб. «Энди ортга қайтиш йўк» деган маънода.

\* \* \*

Мирбадал Боқиевич маҳаллада бўлаётган ишларни хангманг бўлиб завкланиб томоша қилиб турган Болтавой аканинг олдига баланд бошини паст қилиб ўта мулозамат билан борди.

– Оббо отахон-ей! – деди у ўзини жиддий кўрсатиб. – Худо хоҳласа, уч кун ичида кўчангизни таний олмай коласиз. Ҳа, айтмоқчи, менинг сизга бир яхши таклифим бор эди. Майли, сиз хоҳламас экансиз, уйингиз таъмирланмаса таъмирланмапти-да. Лекин сизга бир мурувватимиз бор, «йўк» деманг, илтимос. Бўлмаса хафа бўламиз.

– Илоҳим, мартабангиз бундан ҳам улуғ бўлсин! Халқимиз учун хайрли ишларни бошлабсиз, мурувват шу-да. Бундан ортик бўлармиди?

– Менинг давримда бир соғлигингизниям тиклаб олинг демокчийдим-да, отахон.

– Мен, худога шукр, отдайман. Бир умр кетмон кўлимдан тушмаган. тиниб-тинчимайман, белим бакувват ҳали. Сизга ўхшаган кам ҳаракатларгина носоғлом бўлишади.

– Бир мазза қилиб дам олиб келинг-да энди. У ерда ўз тенгқурларингизни топиб оласиз, ҳаво алмаштирасиз, дегандай, – деди ижрокўм раиси ва сунъий равишда хехелаб кулиб олди.

– Мана шундай қурилишни ташлаб-а? Ҳашардан қочиб-а? Э, йўк! Мен қишлоғимнинг ҳавосини ҳеч қаерникига алмашмайман, – деди мўйсафид кўл силтаб.

Раҳбарнинг кўз олди қоронғилашиб, ўзини ёмон ҳис қила бошлади. Буни пайқаган Олимиддин гапга энди зудлик билан аралашди:



– Отахон, энди бу қарорни ўзгартириб бўлмайти. Йўлланмага фамилиянгиз ёзиб қўйилган! У куйиб кетади!

– Шундай иш қизиқ, ёниб турганида битта қоғозинг куйса куйибди-да, ўғлим, – деди чол қайсарлик билан.

Мирбадал бир қаттиқ сесканди ва юрагини чангаллади. Олимиддин бу ҳолатни сезиб раҳбарни суяб қолди.

– Юраклари, мазалари қочиқ қолди, шекилли. Дўхтир чақириш керак, – деди Олимиддин хавотир оҳангда.

– Олимиддин... ишни тўхтатманглар, – деди раҳбар ихраб, – ўринбосар Асовиддинни чақиртиринг, тез келсин. Отахон, сиз илтимос, боринг ўша санаторияга...

– Йўқ, ука. Менинг ўрнимга ўзингиз бора қолинг. Мазангиз йўққа ўхшайди. Ўзингиз соғлигингизни тиклаб келавинг. Мен мингдан-минг розиман, – деди Болтавой ака чин дилдан.

Туман раҳбарининг машинаси ўқдай учиқ етиқ келди ва ҳайдовчи хўжайинни орқага суяқ кўярқан, у Олимиддинга қаттиқ тайинлай бошлади:

– Бобойни кўндириқ, Олимиддин... Бўлмаса, у ҳамма ишимизни расво қилади. Асовиддин билан ҳамма ишни охирига етказинглар, хўпми?

– Хавотирланманг, Мирбадал Боқиевич. Ҳаммаси яхши бўлади. Тезроқ соғайиб кетинг.

Кўп ўтмай машина касалхона томон ғизиллақ кетди. Қатгий топшириқ олган Олимиддин ишловчиларга томон қичқирди:

– Трубани шу ерга туширинглар! Қани архитектор?! ...Ҳамма ўз ишига борсин. Бошланглар! Қани, отақон, бир дуо қилиқ юборинг-чи!

– Илоҳи омин, бошлаган савоб ишларингизга Яратган Эгамнинг ўзи мадақкор бўлсин! Юртимиз обод бўлсин, ота-боболаримизнинг руҳлари шод бўлсин, Аллоҳу акбар!

Ишлар қизгин бошланиқ кетди. Олимиддин Болтавой ака билан бирга юриқ, бўлаётган ишларни кузатдилар. Лекин Олимиддиннинг кўнгли хижил эди. Ниҳоят, у чолни бир тўнка устига ўтиришга таклиф қилди. Кўшни аёл бир кўрпачани тағларига солиқ берди-да, сўнгра чойнақда чой ҳам кўтариқ чиқди.

– Сизга бир гапни айтиб қўймоқчийдим, отахон, – деди Олимиддин мўйсафидни ўзига иложи борича яқин олишга ҳаракат қилиб.

– Хўш-хўш?..

– Омонулла Жўраевич сизга салом айтдилар.

– Э-ҳа, ануви, «ғилдираги тешилган» йигитми, депутат? Ҳай саломат бўлсин, – деди мўйсафиднинг кўзлари чакнаб.

Олимиддин чолнинг нафақат қайсар, балки кўпол соддалардан эканидан ҳам энсаси котаёзди.

– Ўша киши мендан қаттиқ илтимос қилиб, сизни санаторияга дам олишга юборишимни сўрадилар.

– Э, шунақами?

– Бу ерда қатта қурилишлар бўлишидан у кишининг хабарлари бор. Ҳамма ёқ чанг, шовқин бўлади-да. Санаторияда дам олиб келсангиз, бутун маҳалла обод бўлган бўлади. Омонулла ака кейин сизникига меҳмон бўлиб келиб қўлингиздан палов емоқчилар.

– Яхши, келаверсин. Унинг учун эшигим ҳамиша очиқ. Оббо, ғилдирагинг тешилмагур, хумпар-ей, барибир гапида турибди-да. Ҳақиқий депутат, мана шундай бир сўзли, мард бўлиши керак.

– Демак, келишдик-а. ота. Бўпти, мен бориб ишларимни қилай. Эртага эрталабга тайёр бўлиб турунг, сизни ўзим жойлаб келаман, – деди Олимиддин ва нари кета бошлади.

– Раҳмат, ўғлим. Ўзим ҳам боравераман, – деди мўйсафид ва уйи томон кетаркан ўз-ўзига ғўлдираб борарди: – Хих, аҳмогинг йўқ. Шунча ишни ташлаб-а...

– Отахон, бўлмаса йўллангани хали уйингизга ташлаб кетишади! – дея қичқирди «бечора» Олимиддин.

\* \* \*

Мирбадал Бокиевичнинг тўсатдан мазаси қочиб қолиб, ҳамма масъулиятли вазифани унга юклаб кетганини Олимиддиндан эшитган раис ўринбосари Асовиддин Оловиддиновичнинг фиғони ошди:

– Оббо. Худди атайин қилишадими дейман-а. Касалхонага ётиб олиш ҳамманиям кўлидан келаверади, – деди у алам билан.

– У киши атайин қилмадилар. Чиндан ҳам қон босимлари кўтарилиб кетганини ўз кўзим билан кўрдим. Ҳамма ишларни бошқариб кўйиб, кейин кетдилар.

Асовиддин ноўрин гапириб кўйганини ҳис қилди. Ахир, Олимиддин нима бўлсаям Омонулла Жўраевичнинг одами-ку. У билан жиддий гаплашмоқ керак. «Лекин жуда омади чопган йигит экан-да. Агтанг, илгари бир-икки йиғилишларда бу болани бекор танқид қилган эканман. Ким билибди чархпалакнинг бунақасига айланиб кетишини. Энди Омонулла акани мен кутиб оладиган бўлсам, демак, мен билан бамаслаҳат иш қилади, менинг йўригимга юради. Баҳонада раисликка номзодим ҳамирдан қил суғургандек ўтиб кетиши ҳеч гапмас. Эҳтимол, Мирбадал аканинг касал бўлгани бир жиҳатдан мен учун яхши бўлгандир. Худо хоҳласа, ўзим раҳбар бўлиб қолсам, Олимиддинни, албатта, ўзимга ўринбосар қилиб оламан». дея хаёлан фикрлай бошлади Асовиддин ва энди Олимиддинга бўлган муомаласини тубдан ўзгартирди.

– Ҳай майли, Олимиддин. Нимаям қила олардик. Энди иккимиз бир тан-бир жон бўлиб Мирбадал Боқиевичнинг йўқликларини билинтирмаслигимиз керак-да. У кишининг мазалари анчадан буён ёмон эди-да ўзи. Юраклари ҳам бир марта хуруж қилганди. Энди ўзларини эҳтиёт қилганлари маъкул.

– Ҳа, тўғри айтасиз.

– Дўхтирлар бу сафар у кишини нафақага тавсия қилиб юборишлари ҳам мумкин.

– Ие, шунақами?

– Ҳа. Шунинг учун туманимизнинг тақдири икковимизнинг кўлимизда қолаяпти, шекилли.

– Тўғри. Бу биз учун катта масъулият.

– Яшанг, Олимиддин. Хулласи калом, ука, биз сиз билан бир нимани ўзаро келишиб олишимиз керакка ўхшайди.

– Албатта, бемалол.

– Хабарингиз бор, мен бу ерда сиз мактабга ўқишга кирганингиздан буён ишлаб келаман. Раисга ўринбосар бўлганимга беш йил бўлибди. Яна беш йилдан сўнг нафақага чиқар эканман. Лекин билсангиз, ҳар сафар раҳбарлар четдан тайинланаверишади. Биз эса ўрнимизда қолаверамиз. Масалан, Мирбадал ака мен билган олтинчи одам. Лекин сизга ҳавасим келаяпти. Сиз ўз истеъдодингиз, иқтидорингиз билан, худо хоҳласа, ўз келажагингизга яхшигина пойдевор қуриб олдингиз. Буни омад дейдилар.

– Раҳмат, ака.

– Фикримни уққан бўлсангиз керак. Сизни ўз ўрнимга лозим кўрмоқчийдим. Шунга нима дейсиз?..

– Тушунмадим, ўзингиз-чи?

Асовиддин ўз кўнглидагини шошиброк тўкиб солганидан хижолат тортди. Лекин темирни кизигида босмоқ керак эди. Душанба кундан катта текширув бошланади. Мирбадал Боқиевич касал бўлмаган тақдирда ҳам барибир текширувда туманнинг нуксон-камчиликлари аниқланади. Албатта, у киши жавоб беради ва унинг кетиши ҳам аниқ. Унинг ўрнига «Мана мен» деб кўз тикиб турганлар қанча? Отни қамчилаб қолмоқ керак. Бунақа имконият бошқа бўлмайди» деган ўйга борди Асовиддин ва бўлим бошлиғи Олимиддинга дангал сўз қотди:

– Албатта, сиз ўз ўринбосарим бўлишингизни хоҳлардим ёки ўзлари «раҳбар» бўлиб қўя қоладиларми-а? – деб сўради ўринбосар синовчан кулиб.

– Йўғ-е. Ҳали ёшлиқ қиламан-ку. Аввало Мирбадал ака соғайиб кетсинлар. Мабодо...

– Текширувдан сўнг у кишининг ўз ўринларида қолишига ким қафолат беради? Эҳтимол, текширув юқоридан атайин уюштирилгандир, бизга номаълум бирор сигналлар бордир, балки?.. – деди Асовиддин шивирлаб.

– Тўғри. Бўлиши мумкин, – деди Олимиддин жиддий.

– Мени тушунгандирсиз?..

– Ҳа, тушунарли. Бўлмаса, бундай қиламиз. Сиз менга ўша раҳбарликка номзодларни билиб берасиз. Мен уларнинг ишини мақсадли текширувга тўғрилаб қўяман.

Бу сўзларни Асовиддин «Рақибларингизни айтсангиз, мен кавушини тўғрилаб кўяман», дегандек ўзича тушунди ва беҳад қувониб кетди.

– Яшанг, укагинам! – дея у Олимиддинни маҳкам қучиб олди. – Мени тўғри тушунганингизга раҳмат. Демак, келишдик-а?

– Келишдик...

\* \* \*

«Янги чек» маҳалласида ишлар кизигандан-қизиб кетди. Энди бу ишларга Асовиддин Оловиддинович шахсан ўзи раҳбарлик қила бошлади. Улар Олимиддин иккиси худди ака-укалардек жуда кадрдон бўлиб кетишган ва ўз олдиларига кўйилган вазифани ҳамжиҳатлик билан қойилмақом қилиб бажармоқда эдилар.

Транспортлар шовкин-сурони йўлга тараддудланаётган Болтавой аканинг хонадонини ҳам ўз оғушига олганди. У негадир кетгиси келмас, обдастасини кўлига олиб, унинг ҳошияларига тикилган холда сўрида хомуш ўтирарди. Шу маҳал кампири Ҳури хола кўчадан ҳовлиқиб кириб келди.

– Ие, вой, дадаси, ҳалиям шумшайиб ўтирибсизми? Бора қолмайсизми ўша санаториянгизга? Буни қаранг-а, маҳалламизни шунақам обод қилишяптики, барака топгурлар. Биря сув тортган, бири газ трубасини улаган, бошқалари йўлга шағал тўқиб текислашяпти. Эҳ-ҳа, ҳали дам олиб келгунингизча ҳаммаёқ ўзгариб кетади, шекилли.

– Ҳа. Шунинг учун ҳам кетгим келмаяпти-да, – деди чол хўрсиниб. – Уйимизда газнинг ёнишини кўришни бир умр орзу қилгандим. Бунақаси ҳатто болаларимизга ҳам насиб қилмайди, деб кўрқардим.

– Мана, ниҳоят ўтин-тезак ёқишдан ҳам кутуладиган бўлдик, – деди кампир севиниб.

– Бу ишларнинг тепасида, менимча, анави «ғилдираги тешилган» йигит турибди, шекилли.



– Ҳалиги, бирров келиб, угра ошимдан ичиб кетган дуркунгина йигитми?

– Ҳа-ҳа. Зўр йигит экан лекин. Унинг ўзиям бир айланиб келиб қолиши мумкин ҳали. Мен унга раҳмат айтиб қўйишим керак бўлади.

– Вой чол, эҳтимол, у айтмагандир.

– Йўқ. Кўнглим сезиб турибди. Бу ўшанинг иши, иннайкейин, манави мўътабар идишимизнинг каромати бу. Эсингда бўлса, ўшанда яхши ният қилувдик.

– Ҳа, эсимда, дадаси. Фаришталар омин деса, ҳеч гап эмас экан-да-а? Буни қаранг-а...

– Шунинг учун у йигит келса-ю, мен уйда бўлмасам, бу инсонгарчиликка тўғри келмайди. Биз уни яхшилаб меҳмон қилишимиз керак.

– Оббо, уни меҳмон қиладиганлар сони мингта-ку.

– Уларнинг палови бошқа, сенинг угра ошинг бошқа. У, сезган бўлсанг, бизга бошқача меҳр билан қаради. Етим ўсганга ўхшайди, бечора. Шунинг учун, хотин, калламга бир фикр келиб колди-да.

– Вой, қанақа фикр экан, дадаси?

– Дам олишга менинг ўрнимга сен бора колсанг. Сен ҳам, ахир менинг давримда дунёнинг кети-кенглигини бир кўриб келгин.

– Вой, сиз бормасангиз мен нима қиламан?

– Боравер. Сенга ўхшаганларнинг у ерда сони мингта.

– Лекин сиз бормасангиз анави раҳбарлар хафа бўлишмайдими?

– Мен уларга кўринмай, кўчага чикмай ўтираман. Бўлаётган ишларни девор орқасидан кузатаман. Қизинг ҳам уларга мени «кетган» деб айтади.

– Ҳай, майли. Ҳеч қўймадингиз-қўймадингиз-да, дадаси. Борсам боравераман-да.

Мўйсафид хурсанд бўлиб ўрнидан туриб кетди.

– Юр тезроқ, тайёргарлигингни кўр бўлмасам. Мафтунагаям ҳозирги гапларни тайинлаб қўяйлик.

Бир оз ўтгач, тугун кўтарган кампир, қўлига ҳужжатларни

олиб чоли ва кизи билан хайр-хўшлашиб чикиб кетди. Болтавой ака молга қарагани ҳовлига ўтиб кетгач, Мафтуна уй юмушлари билан банд бўлди. Бир пайт кўча эшик тақиллаб Олимиддиннинг майин овози келди ва у ҳовлига бош сукди:

– Тинч ўтирибсизларми, синглим? – деди Олимиддин жилмайиб.

– Шукр, раҳмат.

– Отахон дам олгани кетдими-йўкми? Шунини бир сўрайин деб...

– Вой, кетдилар. Саҳарда кетдилар.

– Йўғ-е, рости биланми? – деди раҳбарият ходими кувониб ва тўсатдан кўча томон қичқирди:

– Ҳой уста акалар, кираверинглар!

Ҳовлига ҳар хил асбоб-анжомларини кўтариб олган бир тўда усталар кириб келишди. Олимиддин устабошига таъмирлаш бўйича ишларни кўрсата бошлайди.

– Манави гувала девор сиртидан қора ойнали рамани монтаж килиб, уни кўринмайдиган қилинглар. Манави тандир ўчоқларни бузиб ташланглар.

– Вой ўлмасам! Нега унақа дейсиз? Отам уришадилар-а! – деди Мафтуна шоша-пиша.

– Оббо. Ҳай, майли, бўлмаса бир каттароқ шиорми, суратми ўрнатиб, бу ерниям кўринмайдиган қиласизлар. Уйлар замонавий бўлсин. Анави ерга янги ҳаммом, ҳожатхона қуринглар. Тез бўлинглар!

– Канализация йўк-ку.

– Ҳовлига чуқур қавланглар. Ерга мрамар плита ётқизинглар, манави ерда фонтанчаям бўлсин.

– Сув йўк-ку?! – деди устабоши Жўравой.

– Сув билан сизнинг ишингиз бўлмасин. Уни Сувсоз ташкилотигагилар насос билан ҳайдашади. Манави ерга ошхона қуринглар. Кафелли, комфорт бўлсин. Ҳовлига доим яшнаб турадиган чим ўтқазиб, уларни сув пуркагич билан суғориладиган қилинглар. Йўл четларига яшнаб, очилиб турган тайёр гулларни экинглар, туваклари кўринмасин. Манави тўрига бир ҳайкал ўрнатамизмикан-а...

– Ие, ҳайкалга бало борми? – деди уста ҳайрон бўлиб.

– Келаётган меҳмон, мен сизга айтсам, жуда нозик дидли, маданиятли инсон. Ҳа айтмоқчи, кўча эшикни олиб ташланглар. Ўрнига нақшинкор дарвоза буюртирилган, ўшани ўрнатасизлар.

Мафтуна сўрига кўрпачалар соларкан, Олимиддиннинг ғайриоддий ҳаракатларини ҳайрон бўлиб кузатарди.

– Ҳа, айтмоқчи, синглим. Ҳозир бу ерга харажат олиб келиб ташлашади. Сиз усталарга уч маҳал иссиқ овқат ташкиллаб берасиз-да. Улар туну кун ишлашади, хўпми?

– Вой, мен ахир, мактабимга, ишга боришим керак-ку!

– Ҳамма мактабларда иш тўхтатилган. Мен директорингизга кўнгирок қилиб айтиб қўяман.

– Нега тўхтайд?

– Туманимизга пойтахтдан катта комиссия келаяпти. Шунга ҳаммаёқ тозала-тозала. Мактаб ўқувчилари катта йўл четларига тош теришмоқда. Худо хоҳласа, уч кун ичида уйларингиз ҳам қошонага айланади. Хўп, мен ҳозирча кетдим. Ҳали хабар оламан. Бўпти, Жўравой, ўзларингиз яхшилаб-а... – деди Олимиддин ва шошиб кўчага чиқиб кетаркан, теваарак-атрофга бир бор хавотирли қараб олди.

Бир қанча фурсатдан сўнг ҳовлидан чиқиб келган мўйсафид уйида бўлаётган ишларни кўриб ҳангу манг бўлиб қолди ва усталарга қараб жаҳл билан бақирди:

– Ҳой! Нима бало қилаяпсанлар уйимни?!

– Бизга юкоридан шунақа топширик бўлди. Бажаришга мажбурмиз-да, отахон. – деди Жўравой.

– Уйингизни, мана кўрасиз, кўнгирчоқдек қилиб берамиз, – деди яна бир уста.

– Нимага?!

– Эшитишимизча, уйингизга юкоридан нозик меҳмон келармиш. Баҳонада уйингиз бепул қошонага айланади. Қандингизни уринг, бобой!

– Ҳой ота, қўяверинг, ишингиз бўлмасин. Сиз ахир бу ерда йўқсиз-ку. Санаторияда дам олаяпсиз. Бу ишларни қаердан биласиз? – деди Мафтуна жеркиб.

– ... Ҳа-я. Ҳа энди, бир айтдим-кўйдим-да. Бўпти, бўлмаса мен бу ерда йўкман. Сизлар мени кўрмадинглар.

– Ие, бу ёғи кизик-ку! – деди Жўравой.

– Менгаям юкоридан шунақа топширик бўлган-да, – деди мўйсафид ва кизини бир четга имлади. – Демак, бу ўша йигитнинг иши. Унинг келиши аниқ экан.

– Кимни айтаяпсиз, ота?

– Ҳалиги «ғилдираги тешилган»-чи...

– Вой, Омонулла аками? – сўради Мафтуна хурсанд бўлиб.

– Ҳа. Ўша депутат. Лекин у сўзида турадиган мард йигит экан, яхшиям дам олишга кетмаганим. Мана кўрасан, у айтганини қилади...

Мафтуна бир сония ҳайратланиб қолди. Унинг кўз олдида Омонулла гўё эртақлардаги баҳодир шахзода каби намоён бўлди.

\* \* \*

Шу тарика орадан икки кун ўтди. Маҳалла асфальтланди, газ, сув ишлари тугалланай деб қолди. Болтавой аканинг уйи ҳам тўртбурчаксимон қилиб, ойна билан қопланган антиқавор қошонага айлантирилди. Фонтанчада сув отилиб чиқиб турибди. Очилиб турган гуллар тувак-пуваги билан ерга экилиб тупрок билан кўмилди. Тандир ва ўчок атрофига «Партия қарорларига «лаббай» деб жавоб берайлик!» деган улкан плакат осилган бўлса, оғилхона ёнига «Яшасин...» деб ёзилган панно ёпиштирилди. Қаер кўзга кўринарли бўлса, ўша ерлар сунъий – пластмасса гуллар билан безатилди. Фонтан ёнида француз ҳайкалтароши Пол Гогеннинг кўлини нягига тираб хаёл суриб ўтирган ичи ғовак асари ҳам кўйилди. Болтавой ака унинг рўпарасига стул кўйиб олиб, гўё дардини ҳайкалга айтиб суҳбатлашаётгандек узок ўтирадиган одат чиқарди.

Мафтуна мрамор йўлак устига чойшаб ёзди-да, бугдойни шопириб тозалай бошлади.







– Отажон, намунча хаёл сурмасангиз-а? – деди киз кулиб. – Уйимизни чиройли қилиб қўйишган бўлишса. Яна нимага норозисиз?

– Шу харажатларнинг ўрнига мактабнинг бир қисми битарди, эсиз... Лекин менга манави ҳайкал ёкиб қолди. У ўзини жуда ақлли тутаркан, лом-мим демас экан.

– Вой, ахир, бу жаҳонга машҳур бир ҳайкалтарошнинг асари-ку, – деди Мафтуна шарақлаб кулиб.

– Ҳа, ҳозирги ёшлар дунё илмини ўрганишяпти. Шунинг учун ҳам бизнинг қишлоққа барибир мактаб керак.

– Шунчаси бўлган, мактаб ҳам бўлиб қолар. Ундан кўра сиз манави бугдойни тегирмонда торттириб келиб беринг, отажон. Уйда унимиз қолмабди. Харажатларни ташлаб кетишди-ю, ўзимизники бошқа-да...

– Ҳа, баракалла, қизим. Тўғри айтасан, биз ўз ризкимиздан қолмайлик.

Шу маҳал ташқаридан таниш овозлар келди. Мафтуна югуриб бориб янги дарвозанинг тирқишидан мўралади.

– Вой ўлмасам, отажон. Бизникига туманимиз катталари келишяпти. Тез яширининг!

– Нима, ўз уйимдаям яширинаманми?

– Ахир, сиз санаториядасиз-ку!

– Ҳа-я. Бўпти, таксир, сиз бемалол-а... Кейин гаплашамиз, – деди мўйсафид ҳайкалга мурожаат қилиб ва ўзини янги қурилган ҳаммом ортига олди.

Ҳовлига касалхона кийимидаги Мирбадал Боқиевич ва Олимиддин кириб келдилар. Мафтуна ҳам уй ичига чоғиб кириб олди ва уларни зимдан кузата бошлади.

– Мана, Мирбадал Боқиевич, қўлдан келганича ҳаракат қилдиқ-да. Лекин сиз ўрнингиздан кўзгалиб бекор қилибсиз.

– Ҳеч кўнглим тинчимади. Ахир, бу ҳазил ишмас-да.., – деди у қилинган ишларни бир сидра эринмай кўздан кечираркан.

– Яхши, – деди у кўнгли тўлгандек бўлиб. – Ҳалиги ҳаммом, ҳожатхона масалалари-чи?

– Албатта тайёр, – деди Олимиддин гурур билан. – У ерга энг зўр, чет элдан келтирилган унитаз қўйдик.

Мирбадал эшикни очиб кўрган бўлди ва эринмай сувини шарақлатиб туширди.

– Анави сассиқ чолга укдириб қўйиш керак. Бу ерга тагин хар қанақа кесак-песак ташлаб юрмасин.

Яшириниб турган Болтавой ака хушёр тортди. Сўнгра жаҳли чикиб кўзлари косасидан чиқаёзди. Аммо чидади.

– Хўп бўлади. Назоратга оламиз, хўжайин.

– Ҳаммомнинг саунасиям бўлдимми?

– Ҳа-ҳа, ваннасиям бор.

– Яхши, – деди бемор Мирбадал ва шиорларга эътиборини қаратди. – Лекин манави ёзувлар менга ёқинқирамайроқ турибди-да. Ахир, бу ер идорамас, Болтавой аканинг уйи-ку.

– Тўғри, эски ўчоқ билан тандирни бузишга қўйишмади-да. Уларни ёпиш чораси, холос, бу.

– Ҳм-м... Бўлмапти. Устига гилам осиб қўйинглар.

– Вакт оз колди-ку, хўжайин, улгура олармиканмиз?

– Элакка колганида-я, – деди Раис кесатиб ва хайкал олдига борди – Бу нима бало?

– Бу «Хаёл сураётган донишманд» хайкали. Сабр-тоқат рамзи. Омонулла Жўраевич жуда нозик дидли одамлар. Мен буни ўқиётган газетасидан кўриб билганман.

– Ҳа, яхши, гапирвормасмикан ишқилиб, – деди у хайкалнинг пешонасини силаб кўяркан ва кокилай деб оёғи остидаги обдастага кўзи тушди.

– Манави алмисоқдан колган идишни умуман кўздан йўқотинглар! Янги иштонга жулдур ямок бўп копти.

Бу гапларни эшитган Болтавой аканинг жаҳли янада жунбушга келди. Туман раҳбари энди кўча томон чикиб, бажариладиган ишлар бўйича бошқа йўл-йўриklar кўрсата бошлади.

– Асфальт кўчадан дарвозагача бўлган йўлакка ҳам плиталар ётқизинглар. Икки четига гуллар ўтқазилсин. Ҳа, айтмоқчи, нозик меҳмоннинг хурматини жойига қўйиш учун у кишининг пойи қадамларига бир қора кўчкор сўйинглар. Кўчкорни Оқбердиев олиб келиб манави тутга боғлаб кетсин. Аҳаджон!

– Лаббай, Мирбадал Боқиевич! – деди ҳайдовчи ҳозир но- зир бўлиб.

– Машинангизда пичоқ доим тайёр турсин, хўпми? Маши- нангиздан тушасиз-да, тўғри келиб кўчқорни окамизнинг оёқ остиларига курбонлик қиласиз.

– Тўғри-ку, лекин мен умримда чумчуқ ҳам сўймаганман- да, хўжайин.

– Оббо! – дея жаҳли чиқди раиснинг. – Нима, энди шуниям мен сўйишим керакми?! Қанақа масъулиятсиз ходимсанлар ўзи? Хуллас, ўзингизми, бошқа сўядими, ишкилиб Оқбердиев иккингиз мана шу ишга масъулсизлар. Эгнингизга фартук тутиб юринг. Сизнинг ишингиз қон чиқариш, қолган ишни қассоблар қилаверади, тушунарлими?

– Тушунарли! – деди Аҳаджон.

– Сиз кўп уринаверманг. Бориб бемалол даволанишни да- вом эттираверинг. Ўзимиз ҳаммасини айтганингиздек чиройли қиламиз, – деди Олимиддин раҳбарнинг кўнглини кўтариб.

– Хўп, сизларга омад тилайман, – деди ижрокўм ота маши- нага ўтираркан. – Ҳаммаси табиий бўлмоғи керак. Меҳмон гўё ўз оёғи билан кириб келиши керак. Олимиддин, сиз ички ишлар бўлими бошлиғи Сарақуловга тайинланг. У киши меҳмоннинг хавфсизлиги учун тўлиқ жавоб беради. Унга айтинг, маҳаллада муқаддам судланганлар бўлса, уларни аниқлаб, вақтинча бирор жойга жўнатиб юборсин. Бу атрофда ҳеч қандай бегона одам ёки транспорт воситаси юрмаслиги лозим. Ҳар бир кўчага соқчилар қўйилсин. Улар ҳам фуқаро кийимида бўлишсин. Гўё ўз ишлари билан банддек юриш- син. Ўша ходимлар «Комиссия келиб қопти, арзимни айтво- лай», деб юрган фуқароларни Омонулла Жўраевичга умуман яқинлаштиришмасин, тушунарлими?

– Тушунарли, – деди Олимиддин шоша-пиша блокнотига алланималарни тезда ёзиб оларкан.

– Кейин коммунал хўжалик бошлиғи Норбўтаевга айтинг, маҳаллага ҳар икки соатда сув септириб турсин. Кўчаларда бир дона ҳам аҳлат, гард бўлмасин. Хуррамов газнинг бетўх- тов ёнишини таъминласин.

- Уни марказий трассага улаб улгуришолмайди-ку.
- Унда газ каердан ёнаяпти?
- Маҳалланинг бошига суюлтирилган газли машина кўйилиб, вақтинча ҳайдаб, синаб кўрилди.
- Раҳбар бир ўқрайиб кўйди:
- Энди ўша машина бу маҳаллага доимий бириктириб кўйилсин, тушундингизми?
- Тушунарли, хўжайин.
- Бўпти, мен яна хабар оламан. Ҳайданг, Аҳаджон!
- Машина яна касалхона томон йўл олди.

\* \* \*

Ижрокўм раис ўринбосари Асовиддин Оловиддинович Болтавой аканинг ҳозирда санаторияда эканлигидан ҳам, Мирбадал Боқиевичнинг касалхонадан бирров келиб кетганидан ҳам беҳабар эди. У Олимиддин билан ўзаро келишиб олганларидан сўнг ўзини жуда виқорли тутар, қурилиш ишларига бевосита туну кун раҳбарлик қилмоқда эди. У ҳам нозик дидли меҳмоннинг Болтавой ака хонадонига киладиган ташрифига тайёргарлик ишларини ўз назоратидан четда қолдирмади. Балки янги-янги ғоялари билан ўзининг ўта маънавий баркамол ва изланувчан раҳбар эканлигини кўрсатиб кўйгиси келарди. Шу, туфайли у қурилган фонтан ўртасига кўшимча равишда туман марказидаги музейдан чоптириб турган болакайнинг хайкалчасини суғуртириб олиб келтириб ўрнаттирди. Бу фонтанча ҳовлига янада ўзгача «муҳит» бахш этди.

Болтавой аканинг уйида экани уни ҳайрон қолдирди. Мирбадалнинг гапларини эшитиб ҳали-ҳануз ҳовуридан тушмаган мўйсафид Асовиддин кириб келганига парво ҳам қилмади, жаҳл устида яширинишни хаёлига ҳам келтирмади. Лекин меҳмоннинг хурматини жойига кўйиб куттиб олди.

- Ёзган аризаларингизни инобатга олиб, шу ишлар-

ни қилмоқдамиз-да. Токи бу ишлар барчага ибрат бўлсин. Ҳамжихатлик билан нима ишлар қилишга қодирлигимизни бир кўрсатиб қўйишимиз керак, – деди Асовиддин Оловиддинович фотиҳадан сўнг.

– Ҳамжихатликда гап кўп, албатта... – деди Болтавой ака истар-истамас.

– Ҳа, яшанг. Энди сизнинг бу кўғирчоқдай хонадонингизу обод маҳаллангизни кўргани турли нозик меҳмонлар ҳам ташриф буюришади, фикр алмашади, газета ва телевизорга суҳбатлар уюштирилади. Сиз ҳамма-ҳаммасига тайёр бўлинг, хўпми? Эришган бундай ютуқларимизни кўз-кўз қилишингиз, ҳукумат ва туман раҳбарларига бундай ибратли ишларни амалга ошираётганлари учун, албатта, ўз миннатдорчиликларингизни билдиришингиз керак. Сиз туманимизнинг фахрисиз, энг яхши, фаол инсонлар сафидасиз. Сизнинг ҳаёт фаолиятингиз ёшларимизга ўрнак бўлиши керак.

– Лекин бир нимани тушунмаяпман.

– Нимани?

– Уйнинг ўртасига нега энди яланғоч, чоптириб турган боланинг ҳайкалчасини қўйишди. Ахир, хотин-халаж бор...

– Оббо, Болтавой ака-ей, – деди ўринбосар кулиб, – уйингиз ахир, замонавий, маданияти юксак раванқ топган Европа услубига мосланаяпти-ку!.. Илгари бундай нарсаларни фақат шохлар саройигагина қўйиларди, энди эса оддий деҳқонларимиз ҳам юксак дидли ва маънавий баркамоллигини бу ерга ташриф буюрувчиларга кўрсатиб қўймоқчимиз, холос.

– Ундай бўлса, нега энди Навоийними, Умар Хайёмними, Берунийними ё бошқа буюк инсонларнинг ҳайкалини эмас, айнан чоптириб турган болакайни қўйдинглар?..

«~~У~~» Сиз тушунинг, ахир, бу ерга ҳатто хорижий меҳмонлар ҳам ташриф буюришлари мумкин. Уларни бизнинг мутафаккирларимиз эмас, айнан бизнинг дидимиз, маданиятимиз қизиқтиради.

– Э-ҳе, меҳмон кўп келадиган бўлса, менинг мўътабар идишимга роса иш топилар экан-да-а?

– Қанақа идиш?



– Бобомнинг бобосидан қолган – шажаравий мерос. Хонадонимизга келган меҳмонларнинг кўлларига фақат шу обдастан сув куйиб кутиб олишни бизга ўша катта бобомнинг бобоси васият қилиб кетган эканлар.

– Э, унақа эскилик саркити бўлган темир-терсақларингизни кўйинг энди, отахон. Сизга бу ярашмайди.

– Мана, сиз ҳам хонадоним учун азиз меҳмонсиз-ку! Юринг, обдастамдан кўлингизга бир сув қуяй, – деди чол қайсарлик билан.

– Э, кўйинг. Мана, ҳаммом, замонавий ювиниш хонаси қилиб бердик.

– Менга унақа нарсаларнинг, кейин мана бунақа дабдабали оврупча уйнинг кераги йўқ. Менга ўз гувала-сомонли уйим яхши эди.

– Қанақа содда одамсиз ўзи? Бунақа кошонани бошқа одамлар фақат орзу қилишади-ку, ахир... – деди ўринбосар бош чайқаб.

Болтавой ака барибир ўз фикридан қайтмай, тез лапанглаб бориб қадимий идишни кўлига олиб, елкасига сочиқ ташлаб келди:

– Қани, марҳамат қилсинлар!

– Ҳеч кўймадингиз-кўймадингиз-да, – дея базўр кўлини узатди меҳмон жилмайиб.

– Бисмиллоҳир-рахмонир-роҳийм...– дея сувни кўйди мезбон.

– Яна сизга бир гапни айтиб кўяй, – деди Асовиддин – бу ердаги кўргазмага кўйилган буюмларни эҳтиёт қилинг, хўпми? Ўзингизча ҳар хил бўлмағур нарсаларни илиб кўйманг. Анави янги ҳожатхонага кесак-песак олиб кирманг, бўптими?

– Э, ўлибманми, чиннини ифлос қилиб. У ерга ҳатто пашшаниям киритмайман.

– Сиз билан бу ерда яна ким туради?

– Қизим, икки набирам. Ўғилларим шаҳарда яшашади.

– Куёвингиз-чи?

– Улар ажрашишган. Худо хоҳласа, яхшироқ жойи чиқса... деган ниятимиз йўқ эмас.

– Қаллиқ сероб. Ичкуёв қиламан десангиз, ҳатто кўрик-танлов билан танлаб оласиз.

– Ҳа энди, насиб-тақдир қилгани-да.

– Уларга ҳам тайинлаб қўйинг. Меҳмонлар келса, яхши хизмат қилишсин. Хуллас, уйингиз бундан буён туман музейининг ҳисобида туради. Сизга яна бу ердаги инвентарлар яхши сақланиши учун қоровул сифатида маош ҳам тайин қилдириб қўяман.

– Кечирасиз-у, лекин мана бу чоптираётган болакайга иштонча кийдириб қўйилса бўлармиди? – деди Болтавой ака яна соддалик билан фонтан ичидаги ҳайкалчани кўрсатиб.

– Йўк, унга ўрганиб кетасизлар ҳали. Иштонча кийдирсангиз унинг санъат асари эканлиги қолмайди.

– Жуда хунук турибди-да...

– Ахир, ўғил бола-ку, хотин киши эмас!

– Ҳа, шунисигаям шукр... – деди Болтавой ака соқолини оҳиста силаб қўяркан.

## НОЗИК ТАШРИФ

Нихоят, юқори мартабали меҳмонни ўз бағрига жойлаган самолёт ерга қўнди.

– Менинг келганимни ҳеч ким билмадимми? – деб сўради Омонулла даб дурустдан Олимиддинга қўл узатибоқ.

– Яхши келдингизми, устоз?.. Йўқ-йўқ, ҳеч ким билгани йўқ. Ҳатто Болтавой ака ҳам билмайдилар.

– Э, яшанг, хўп ақлли йигитсиз-да, Олимиддин, – деди меҳмон ижрокўм раисининг хизмат машинасига ўтираркан. Эгнига этак, белига миллий қинли пичоқ тутган Аҳадбек унга илтифот қилиб эшикни очиб турди. – Ҳозир қаёққа борамиз?

– Ўша келишганимиздек, аввал Болтавой аканикига-да.

– Э, ҳа, шундайми? Сиз нима десангиз шу-да. У киши уйдамикан, ишқилиб?

– Ҳа, албатта, – дед я ишонч билан Олимиддин, – у кишига қандайдир меҳмон гар келади деганман, лекин айнан сиз эканлигингизни айтганим йўқ.

– У киши бир оддий, беғубор инсон-да, тўсатдан борсам қандок бўларкин?

– Яхши бўлади. Менга ишонаверинг.

– Сиз нима дейсиз, ошна? – дея қутилмаганда ҳайдовчидан сўраб қолди Омонулла.

– Бу киши – Аҳаджон. Бизга бундан буён хизматда бўлади, – деди Олимиддин.

– Ҳа, албатта, қўйни сўйиб, ўзим саранжомлаб бераман, – деди у соддалик билан.

– Қанақа қўй?

– Ҳа, мен... Сизга атаганим бор эди-да, – деди Олимиддин қовун туширган Аҳаджонга норози ўқрайиб қараб қўйиб. – Биздаги урф-одатларни ўзингиз яхши биласиз-ку...

– Мирбадал қаерда ҳозир?

– У киши... – деди Аҳад.

– Ўзларидалар, – деди шоша-пиша Олимиддин.

– Айтиб қўяй, менга унақанги дабдабаю асъасанинг кераги йўқ. Сизга ўхшаб яримта лағмон, яримта нон билан бир чойнак чойга қорним тўяди. Лекин чой қора бўлиши керак. Ҳеч қанақа бошқа оворагарчилик бўлмасин. Қўй сўйишнинг умуман ҳожати йўқ. Унга тегманглар. Мен айтган қоғозларни тўғрилаб қўйдингизми?

– Ҳа, ҳаммаси тайёр. Лекин дарров ишни бошлаб юбормай бир-икки кун меҳмон бўларсиз...

– Меҳмондорчиликка вақт йўқ, ука. Ҳозир ишлаш керак. Бошлиқ мени чақиртириб, ишни тезлатишимни тайинлади. Бир ой ичида вилоятнинг бошқа туманлариниям ўрганиб чиқишим керак экан.

– Демак, вилоятимизда бир ой бўлар экансиз-да-а?

– Ҳа, шундай. Шунинг учун ҳар бир дақиқа ғанимат. Хужжатларни тез-тез кўз югуртириб чиқиб, аттестация қилиб, пешма-пеш хулосамни ёзиб кетавераман: «Озод қилинсин!», «Қолдирилсин!», «Тайинлансин!», «Иши прокуратурага оширилсин!» – Вассалом!

\* \* \*

Мирбадал Бокиевич душанба куни эрталаб Олимиддин ва хайдовчини аэропортга жўнатаркан, ўзи оёғи куйган товукдай саросимада қолди. Нима қилса экан? У ўша куни касалхонадан жавоб олиб ҳар эҳтимолга қарши уйига келиб олганди. Қўл қовуштириб текширувлар бошланишини кутиб тураверсинми, ё бирор чорасини изласинми? Омонулла Жўраевичнинг бугун Болтавой аканикига келиши аниқ. Қани энди, бирор бир аппарат бўлса-ю, Болтавой аканикида нима гаплар бўлишини эшитиб ўтирса... Эсиз, Олимиддинга диктофон бериб қўйишни унутибдида. Раҳбар бир қарорга келди. Тошқўтонга ҳеч кимга билдирмай боради, Болтавой аканинг рўпара кўшнисиникига кириб, у ердан ҳаммасини ўзи кузатади. Афсус, дурбини йўқ эди. У касалхонага келтиртирган шахсий машинасига ўтирди-да, «Тошқўтон» сари йўл солди. Баҳонада берган топшириқлари қандай бажарилаётганини текшириб кўрадиган бўлди. Ички ишлар ходимлари, соқчилар жойида, ҳатто йўл бўйидаги бедана тутлар орқасида ҳам кимлардир писиб ётишарди. «Водовоз кўчага сув сепаяпти, қўй тутга боғланган, газ ёнаяпти, шекилли. Демак, ҳаммаси рисоладагидек...» деб қўйди раҳбар хотиржам.

Мирбадал Бокиевич бу ишлардан кўнгли тўлиб машинасини Болтавой аканинг боғ ҳовлисининг орқа томонига қўйди ва атрофни кузатди. Ҳовли томондан бемалол ўтиб бориб, янги қурилган ҳаммомга кириб олиши ва ҳаммомга гапни ўз қулоғи билан эшитиши ҳам мумкин экан. Лекин пастак гувала девордан ошганида ва ҳовли ичида юрганида янги уст-боши ифлос бўлиши мумкин. Кейин кўзи тушган одам нима деб ўйлайди, «туман раҳбари гап пойлаяпти», демайдими?

Шу ўй билан унинг кўзи қўшни хонадонларнинг бирига тушди. Дарвозаси очик эди. У ерга кириб эскироқ кийим сўрамоқчи бўлди.

– Мени танийсиз-а? – Сўради Мирбадал Боқиевич дарвоза тақиллаганидан сўнг, ҳадиксираб чиққан аёлга. – Мен манави қурилиш ташкилотининг прорабиман. Озгина иш қилишимиз керак эди, шунинг учун хўжайинингизнинг эски кийимидан бериб турсангиз. Ҳозир меҳмонлар келгунича бир ишни битириб қўйишимиз зарур экан.

– Майли, мен ҳозир, – деди жувон ва зум ўтмай эски шим, қора халат ва бир ўрис шапка опчикиб берди. – Оёгингизга анавини кийсангиз бўлади, – деди у тезак юқи бор, оғзини очиб турган бир жуфт калишни кўрсатиб.

Раҳбар бир думалаб ғирт ғариб одамга айланди-қолди. Девордан энди ҳеч иккиланмай ошиб ўтди ва сув қўйилиб, алланарсалар экилган юмшоқ жўяклар оралаб ҳаммом сари олға қадам ташлади. Лекин бир хатлаган эди ҳамки... сирти курук кўринган жўякка оёғи ботиб, калиши қолиб кетди. Янги пайпоқ расво бўлди. Шунингдек, иккинчиси ҳам...

– Ўл-е, сув қуйган кўлинг синсин! – деди у аччикланиб.

У энди пастак девор ёкалаб эгилиб, писиб бораверди...

Бу маҳалда кимнингдир деворни ошиб тушганини пайқаб қолган хушёр, фуқаро кийимидаги сокчилардан бири унинг изидан тушди:

– Бу ким бўлди экан? Ё келаётган меҳмонга суикасд қилмоқчи бўлган ёлланган қотилми?.. – деб қўйди ўзича сокчи.

У рацияси орқали марказга хабар қилмоқчи бўлди. Лекин рациянинг шовқинини шубҳали шахс эшитиб қолиб қочиб қолиши мумкинлигини ўйлаб, уни кузатишни давом эттирди ва қўшни ховлига ўтиб унинг девори ортидан хабар беришни ва у ердан нотаниш кимсанинг ҳар бир ҳаракати ҳақида марказга хабар бериб туришни режалаштирди. Афсуски, милиционер йигит қўшнининг девдайти борлиги ва унинг аёвсизлигидан беҳабар эди...

«Шубҳали шахс» девор ёкалаб қўй боғланган тутта яқин келиб қолди. Бу ердан келадиган меҳмонни ва қўй сўйилиши маросимини бемалол кузатса бўларди. Улар ичкарига киргач эса, худо хоҳласа, ҳаммомга ҳам етиб олади...



\* \* \*

Мана, зум ўтмай раҳбарнинг қора «ГАЗ-24»и азиз меҳмонни олиб келиб тўхтади.

Олимиддин илтифот билан машина эшигини очиб берди. Лекин фартук такқан Аҳаджон негадир пинагини бузмай ўтирар, сўйилиши керак бўлган кўй томонга нигоҳини ҳам ташламаётганди.

– Оббо! – деб юборди Мирбадал Боқиевич, – Бу болани туппа-тузук десам, қовун туширяпти-ю. Тушмайсанми, номард?! – дея асабий кўлини силтаб юборди у.

Лекин парвойи палак Аҳаджон пичок олиш ўрнига бемалол сигарета тутатди. Бу маҳалда Олимиддин меҳмонга маҳалладаги қилинган ишларни кўрсатаётганди.

Раҳбар ишора қилиб ҳайдовчисига ўз вазифасини эслатиб кўймоқчи бўлди ва жаҳл билан бир гувала бўлагини олиб тут томонга қараб отди. Бундан кўй хуркиб яхши боғланмагани учун арқонини судраб қочиб кетди. Аҳаджон ҳам уни ниҳоят пайқади ва кўйни қувишга тушди. Лекин дунёда кўйдаи ярамас ҳайвон бўлмаса керак. Мирбадал ака не кўз билан кўрсинки, кўй энди тўсатдан нозик ва мўътабар меҳмон томон диконглаб чопди. Албатта, ижтимоий-маиший мавзудаги кизгин суҳбатга берилган суҳбатдошлар бу ҳолатдан чўчиб тушдилар ва ўзларини бир четга олдилар. «Азиз меҳмон» ўтказилган газ трубази тиргакларидан бирига беихтиёр суяниб қолди. Тиргак бўлса, трубалар қатори янги «алюмин пудра» бўёғига бўялган ва ҳали қуримаган эди. Унинг янги костюм-шимининг орқа томонида оқ тўғри чизик пайдо бўлди. Овсар кўй эса энди Болтавой аканинг ойнаванд ҳовлиси томон йўналди ва ойналарда ўз аксини кўриб тўхтаб қолди.

Кўчқор бегона кўчқорни кўрса, албатта сузишга чоғланадида. ...Ойналарнинг чил-чил синган овози эшитилди. Маскировка қилинган гувала девор яна «ярк» этиб кўриниб қолди...

Кўчқорнинг бу «ўғил бола» ишидан, айникса, ичкари-

да беркиниб кузатиб турган Болтавой аканинг боши кўкка етди. «Эҳ, хайрият. Ана менинг ўз деворим, ўз гувалагим, ватаним кўринди», деб кўйди у ўзича пичирлаб.

...Мирбадал Бокиевич юрагини чангаллаб, лой ариқ ичига йиқилди. Рация орқали чақиртирилган махсус тезкор гуруҳ ходимлари келиб уни, яъни «шубҳали шахс»ни ховлидан судраб олиб кетдилар. «Юкорининг одами»га суиқасд уюштирмоқчи бўлган рўдапо кийимли киши махсус ёпик машинада зудлик билан олиб кетилди ва унинг шахсини аниқлаш учун вилоят милициясининг ертўласидаги махсус зах камерага қамаб кўйилди.

Мазкур хабарни берган ходим ҳақиқий «қаҳрамонлик» намунасини кўрсатган эди. У думбасини ит тишлаб турган ҳолатда рациядан марказни огоҳлантириб улгурганди. Уни ҳам госпиталга олиб кетишди.

Мирбадал Бокиевич ўзига келганида қаерда эканини аниқлай олмади. Совук, темир панжарали хона. «Нима бало, бу тушиммикин? Ё юрагим ушлаб қолиб, ўлдиммикин? Дўзах деганни қайноқ дейишарди шекилли, бу ер бўлса совук», – дея фикр юритарди «махкум» ўзича. Унинг кўзига фақатгина ёруғ нур тушиб турган кичкинагина туйнук кўринарди, холос. Бир вақт темир эшикнинг шарақлагани эшитилди. Кимдир кирди:

– Тур, хайвон! Шифокор келди! – дея кичкирди у.

Оқ халатли бир аёл кирди. У маҳкумнинг кўзларини очиб кўрди.

– Нима қияпсиз, мен ижрокўм раисиман. Мени тузукроқ жойга олиб боринг, илтимос.

– Хўп-хўп, сиз раиссиз, генералсиз, ўзингизни босинг, бир кўриб кўяман, холос. Сизнинг шахсингизни ҳали аниқлашади, ҳаммаси жойида бўлади. Бу ерга вазирларни ҳам олиб келиб туришади...

– Нега энди менинг шахсимни аниқлашаркан?! – аччикланиб кичкирди бемор.

– Тек ёт! – дея оч биқинига бир тепди ўша кимдир. – Камрок ичиш керак эди!

– Кеча озгина дори ичгандим, холос.

– Ҳа, у алжираяпти. – деди шифокор аёл. – Рухий хаста экан. Рухшунос шифокорни чакиртириш керак. Шундай деб хулоса ёзиб қўяман.

– Хўп, раҳмат, синглим, – деди сокчи темир эшикни яна шарақлатиб ёпаркан.

Рухшунос шифокор ҳам келди. У ёши қирқлардан ошса ҳам эрга тегмаган, шу туфайли бўлса керак, эркак зотини кўрарга кўзи бўлмаган аёллар тоифасидан эди ва ҳеч иккиланмай «Рухий хаста, давога муҳтож эркак», – дея хулоса қилиб қўя қолди. Энди раиснинг қўл-оёғини боғлаб «Вилоят рухий хасталиклар шифохонаси»га олиб кетишди.

– Мен ижроқўм раисиман! – дея ҳайкирди у ўша ерда ҳам. – Ишонмасангизлар қабулхонамга қўнғирок қилинглари!

– Ҳаяжонланманг, ҳаммаси яхши бўлади, ҳозир котибангизга қўнғирок қиламиз, – дейишди мулойимлик билан дўхтирлар унинг орқасини силаб. «Бемор» ўз номерини айтди. Шифокор уни терди. «Бундай рақам мавжуд эмас» деган автоматдан жавоб келди (сабаби шошилишда туман коди терилмаганди).

– Ана кўрдингизми? Сиз Москванинг раҳбарисиз, бу ер Тошкент экан.

Шу пайт хонага бош ҳаким кириб келди:

– Э, бунақа бачканалашмай, беморни опкириб ётқизиб қўйинглари. Тинчлантирувчи укол қилинглари. Шахси аниқланмагунча ўзидан маълумот ололмайсизлар. Шунақа фойдасиз ишлар қилгунча ҳаммаларинг ташқарига чикиб у ёқ-бу ёқни тозаланглари. Тошкентдан шахсан Омонулла Жўраевичнинг ўзлари келганмишлар, катта «текширув» бўлармиш...

Бу гапни эшитиб Мирбадал Бокиевич ўзини тутиб туролмади. У энди хохолаб кула бошлади. Шундай кулдики...

– Сизга айтаяпман, йўкотинг тез бу жиннини! – деди Бош ҳаким қатъий.

«Бемор»ни олиб кетишаркан, у тўхтовсиз куларди...

Ҳайриятки, раҳбар жиннихонада узоқ қолиб кетмади.

Уни ниҳоят бош ҳаким таниб қолди ва узрини айтиб вилоят касалхонасига йўллади. Бир жиҳатдан яхши бўлди. Текшир-текширлар ўтиб олгунча у ўз қадрини сақлаб, асабини асраб, шифохонада бемалол дам оладиган бўлди.

\* \* \*

– Ушланглар уни! – дея кўркқанидан бақирди Олимиддин қора ойналарни чил-чил синдирган қора кўчқорни кўрсатиб.

Аҳаджон уни ушлашга ҳаракат қиларди... Хуллас, кўй ҳаммани доводиратди ва диконглаб Болтавой аканинг ҳовлисига кириб кетди. Аксига олиб шу пайтда Болтавой ака ҳам кўринмасди. Чунки унга меҳмон келишининг тайинли вақти айтилмаганди. Гўё уйда ҳеч ким йўқдек... Хайриятки, шу пайт Болтавой аканинг кизи Мафтуна икки шумтака ўғилчалари Ҳасан билан Ҳусанни эргаштириб қаёқдандир келиб қолди.

Омонулла ҳаммасини тушунди. Бир оддий деҳқоннинг чордевори «нозик меҳмон» келадиган бўлгани учун зудлик билан таъмирланган, бироқ «оёғининг остига кўчқор сўямиз» деган режалари «қош кўяман деб, кўз чиқариб кўйган»дек пучга чикқанди. Лекин буларнинг ҳаммасини гўё у билмаганга олди. Энг муҳими, туман раҳбарлари унинг фирибига паққос ишонишибди. Эндиги вазифа ўз ролини қойиллатиб бажариб, туман раҳбарлари масаласини «ҳал қилиб», атаган совға-саломларини олгач, тезроқ «куённинг расмини чизиш» эди. Шу фикрлар хаёлидан ўтаркан, «текширувчи»нинг кайфияти анчагина кўтарилди.

Бироқ меҳмонлар келганини узоқдан кўриб қолиб, уларга пешвоз чиқиш мақсадида чопиб келаётган Болтавой аканинг кизини кўрган Омонулланинг ҳуши учди. Унинг эгнидаги атлас кўйлак коматига жуда ҳам ярашиб турарди.

– Ассалому алайкум, хуш келибсизлар! – деди киз хурсанд хансираб.

– Аччадомадайтум, – дейишди бир-бир дўмбок ўғилчалари ҳам.

- Ваалайкум-ассалом, – дейишди меҳмонлар остонада.
- Болтабойвачча отахоннинг уйи шуми? – деди Омонулла атайин.
- Ҳа, адашмабсиз меҳмон, шу... – деди қиз кўли кўксида нозик табассум билан.
- Ҳай, ўзлари қанилар?
- Ҳозир келиб қоладилар, тегирмонга кетувдилар.
- Ие, шундай бой одам ҳали ҳам тегирмон нони ейдими? – Чиндан ажабланди меҳмон.
- Бўлмаса бой бўлмайди-да, – деди ҳозиржавоблик билан қиз.
- Тавба, кошонада яшарканлар-у... – деди Омонулла кесатган бўлиб.
- Кошонани сиздек азиз меҳмонлар учун курганлар-да.
- Э, ҳа, ўзларига эмас денг.
- Кулишдилар. Самимий кулги улар ўртасидаги иликликни мустаҳкамлади.
- Қани, ичкарига марҳамат қилинлар.
- Бизнинг уйимизда ҳайкал болача бор, – деди Ҳасан Омонулланнинг кўлидан торткилаб.
- У доим чоптириб туради, – деди Ҳусан ҳам.
- Йўғ-е, қани кўрайлик-чи.
- Олимиддин Ҳусанни, Омонулла Ҳасанни кўтариб олишди. Улар янги таъмирланганлиги ҳидидан билиниб турган хонадонга кириб бордилар. Болакай Омонуллани фонтанча ичидаги ҳайкалча рўпарасига олиб борди.
- Э-ҳа, зўр-ку, сеникям борми? – деди Омонулла ҳайкалчанинг булбулини кўрсатиб.
- Ҳа, бор.
- Кесилганми?
- Ҳа...
- Э, қойил. Зўр бола экансан-да. Шунинг учун ма сенга, – дея қизил ўн сўмлик пул узатди. – Уканг иккаланг хўрозқанд олиб енлар, хўпми?

Олимиддин билан Аҳаджон бир-бирларига маъноли қараб қўйдилар. Пулни олган болакай хурсанд бўлиб ичкарида жой тайёрлаётган онасининг олдига чопди. Ука-



си ҳам Олимиддиннинг кўлидан сирғалиб тушиб, унинг ортидан югурди. Омонулла болаларнинг орқасидан меҳр билан караб қолди ва хаёлини, худо билади, нималардир олиб қочди. Болакайлар эса бериги айвонда кий-чув кўтариб ниманидир (эхтимол, пулни) талаша бошлашди. Онаси бўлса, меҳмонлар учун ичкарига жой тайёрлаб чиқди.

– Қани, марҳамат, киришлар, – деди жилмайиб Мафтуна.

– Болтавой ака келсинлар, – деди Омонулла.

– Ҳа-ҳа, ташқарида ўтира турайлик, – деди Олимиддин.

– Вой тўхтанглар, ёдимдан кўтарилай дебди-ю, отам «Бизнинг уйга келган меҳмонга албатта мукаддас обдастамиздан сув куйгин» деб ўргатганлар.

Шу пайт ичкаридан яримтадан пулни кўтариб болакайлар чиқиб келишди. Бу билан улар мурсага келиб олишган кўринарди.

– Ҳасан, обдастани олиб келгин, мен сочик опчиқай.

Ҳасан чопқиллаб борди-да, инкиллаб-синкиллаб идишни кўтариб келди ва меҳмон тоғага сув куйишга ҳозирланди. Унинг кўлидан Аҳаджон олмоқчи эди, Омонулла «кўяверинг, ўзи куйсин». – дегандек ишора қилди.

– Қаний, йигитча, сувни олиб келинг-чи.

– Бисмилло-рахмонир-роҳийм, бир... икки... ана уч... Бўлдимми? – деди болакай оқа бошлаган бурнини бир тортиб олиб.

– Э, яшанг. Бўлди...

Сочик опчиқиб келган Мафтуна ўглининг кўлидаги пулга кўзи тушди.

– Вой ўлмасам, анави нима?

– Тоғам пул бердилар.

– Қани, тез қайтиб бер-чи!..

– Йўқ-йўқ, бемалол, мен ўзим кўнглимдан чиқариб бердим.

– Биз уни Ҳусан иккаламиз бўлишиб олдик, – мактанди Ҳасан.

Ҳар икковининг кўлидаги пулни кўриб ҳаммалари кулиб юборишди.

Шу пайт тўсатдан Болтавой аканинг атайин бакириб сўкингани эшитилди:

– Ҳе, падарингга лаънат, кўлингга куйдирги чикқурлар! Ким синдирди экан бу ойнани?!

Ичкарида кўл ювиб кулиб турган меҳмонларнинг олдига кела бошлади.

– Биринчидан, ойнани синдирганнинг падари кимнингдир қорнида ҳазм бўлиб бўлган, иккинчидан, унинг кўлини эмас, шохини синдириш керак, – деди Омонулла кулиб.

Ҳаммалари кулиб юборишди.

– Ойнак синиб, ахир, гувала деворим кўриниб қопти-ку! Энди ижрокўм айтган меҳмон келса нима қиламан? – деди мўйсафид соддалик билан.

Олимиддиннинг ранги докадек оқариб кетди.

– Ўша меҳмон менман-да, – деди Омонулла кулиб.

Болтавой ака билан Омонулла самимий кучоқлашиб кўришдилар.

– Э, бу киши ўзимизнинг «ғилдираги тешилган» ўша йигит-ку...

– Ундок деманг, бу киши «нозик меҳмон»-а, – дея қулоғига шивирлади Олимиддин саросимада.

– Шу йигит нозикми, кўйсангиз-чи, – деди яна соддалик билан Болтавой ака баралла.

– Болтавой ака тўғри айтаяптилар, агар бир пайтлар машинанинг ғилдираги тешилмаганида бу киши билан танишмаган бўлардим, – деди Омонулла.

– Ҳа, машина ғилдирагининг бори яхши, унинг тешилгани унданам яхши! – деди хозиржавоб Болтавой ака ҳам.

Самимий кулги кўтарилди. Мафтуна бўлса шу пайтгача негадир ҳеч ким эътибор бермаган Омонулланинг костюми орқасидаги оқ тўғри чизикни кўриб қолди.

– Вой ўлмасам, меҳмон, сиз мабодо мактабда чизмачиликдан дарс бермайсизми? – деди у тўсатдан жилмайган лабини тўсиб.

– Й-йўғ-е, – деди кутилмаган саволдан Омонулла довдираб.

– Унақа деманг. Бу киши Тошкентда катта лавозимда ишлайдилар, – деди Олимиддин томоғини кириб, «эхтиёт бўлиб гаплашинг» деган маънода.

– Нима, Тошкентдаги амалдорлар орқаларига шунақа тўғри чизик чизиб юришадими? – деб сўради киз яна бўш келмай.

Мезбонларнинг капалаги учди. Омонулла кўчқор ўз аксини кўрган ойналардан бирига орқасини тутиб кўрди. «Ҳақиқатан зийраклигига қойил бу кизнинг. Нақ шарманда бўлай дебман-а. Ҳе, бўямай кўлинг сингур», – деди меҳмон ўзича сўкиниб.

– Мен ҳозир бошқа кийим опчиқаман, – дея киз ичкарига чошиб кириб кетди.

– Қаерда тегибди бу бўёк? – деди ҳайрон бўлиб Олимиддин ранги гезариб.

– Кўчқор қувганида хув ануви темирга суянган эдим, шеклли.

– Раис ҳам ўзи «бўл-бўл» деб туриб олди-да. Кейин бўяса ҳам бўлаверарди, – деди Болтавой ака яна «қовун туширишни» давом эттириб.

Омонулла бу гапни эшитмаганга олди. Мафтуна ичкаридан отасининг янги яктаги ва атлас қийиқ олиб чикди.

– Костюмингизни ечинг, тозалаб бераман. Мана буни кийиб туринг.

Омонулла костюмини ечди ва орқасидаги бўёкни кўриб ачинди.

– Болтавой ака, мана энди «кўлинг сингур!» деб сўксангиз ҳам ярашади.

Орада яна самимий кулги кўтарилди. Меҳмон ок яктакни кийиб, белбоғни ҳам чакқонлик билан боғлаб олди. Жувоннинг ёқимли хиди Омонулланинг димоғида қолиб уни маст қилаёзди.

– Сарпо муборак бўлсин! – деб юборди Аҳаджон.

– Қутлуг бўлсин! – деди Олимиддин ҳам ҳазиллашиб.

– Ие, кизим, бунингни дўпписи йўқмиди? – деди хонадон сохиби.

– Ҳа айтгандай. бор, ҳозир опчиқаман, – дея ичкарига чопди киз ва тезликда бир янги дўппининг таҳини ёйиб чикди ва уни Омонулланинг кал бошига оҳиста кўндириб қўйди.

– Ана энди ҳақиқий куёв боладек бўлдингиз, – деди кулиб Олимиддин.

Қиз кип-қизариб ичкарига кириб кетди.

– Олимиддин, менинг сўққабош бўйдоқ эканлигимниям суриштириб, аллақачон аниқлаб олибсизлар, шекилли-а?..

– Сизнинг шундоғам пешонангизга ёзиғлиқ, устоз, – деди Олимиддин бўш келмай.

Шу маҳал томдан тараша тушгандай раис Оқбердиев пайдо бўлди.

– Ассалому алайкум! Шундоқ ўтиб кетаётсам Мирбадал Боқиевичнинг машинаси турибди. «Тинчликмикан» деб кириб келавердим-да...

Лекин Оқбердиев яна қовун туширди. У овсар ижрокўмда ишлайдиган Олимиддинни яхши танимас, чунки кичик ходим бўлгани учун унга эътибор бермасди. Шу туфайли ҳозир уни Тошкентдан келган меҳмон, миллий кийимдаги Омонуллани бўлса, иккинчи даражали шу ерда бирор хизмат қилиб юрганлардан деб ўйлаётганди.

– Хуш келибсиз, азиз меҳмон! Қалай кийналмай, эсон-омон кеп қолдингизми? – деди у Олимиддин билан куюқ сўрашаркан ва бутун эътиборини айнан Олимиддинга қаратди.

– Қани, ичкарига марҳамат. Айтгандай кўлларини ювиб олсинлар. Болтавой ака! – дея қичқирди у уй эгасига «сув ва сочиқ!» деган маънода.

– «Меҳмон» кўлларини ювдилар, – деди Омонулла пичинг қилиб.

– Мени кўлимдан ҳам бир... – дея Оқбердиев ҳаяжон билан идиш кидираётиб оёғи билан обдастани туртиб юборди. Омонулла Олимиддиннинг кулоғига жаҳл билан шипшиди:

– Йўқотинг бу нусхани!..

– Сиз, ака, олдимга кейинроқ келарсиз, хўпми? Ўзим сизни кейин алоҳида чакиртираман... – деди Олимиддин жиддий.

– Хўп-хўп. Бирор хизмат борми, меҳмон?

– Ҳа, бор. Опкелган кўчқорингиз девордаги ойнани синдириб кўйди. Кўйингизни олиб кетиб, ойнанинг янгисини солдириб кўйинг.

– Болтавой аканинг гуваласи кўриниб қопти, – деди Омонулла атайин гапга кўшилиб қошни чимириб кўйди.

– Хўп-хўп, – дея Окбердиев хайрон бўлиб, таъзирини еган итдай гингшиб ортига тисланди.

– Қани, меҳмон, ичкарига марҳамат қилсинлар, – деди атайин Омонулла Олимиддинга ва томоғини маъноли кириб кўйди.

– Йўғ-е, ўзларидан бўлсин!

Бу мулозамат Окбердиевни довдиратиб, кўчага чиқиб кетгунича давом этди. У кетгач, ҳаммалари шарақлаб кулиб юбордилар.

– Ҳали сизларнинг кунингиз шундай овсарларга колдими? – деди Омонулла кулгидан ўзини аранг тийиб, сўнгра жиддийлашди.

– Ҳа энди, нима килайлик, кўргулик-да, – деди Болтавой ака иягини кашлаб оларкан.

– Олимиддин, нахотки бу овсар сизни танимаса-я?..

Унинг ўрнига Болтавой ака жавоб берди:

– Нега танимас экан? Кечаги куни манави йўл курилаётганида «шағалларни текислашга тезда яна иккита трактор топинг!» – деб буюрганингизда, у «Хўп-хўп» деб пилдираб кетганини ўз кўзим билан кўрувдим-ку.

– Унда бошқа кийимда эдим. Бўйинбоғим ҳам йўқ эди-да.

– Ҳечқиси йўқ, хижолат бўлманг, Олимиддин. Мен бунақа овсарларни кўравериб... Афсуски, рахбарлик лавозимларига мана шунақа одамлар ҳам сукилиб кириб олишади-да, – деди Омонулла кулиб. – Лекин костюмининг доғ бўлгани чаток бўлди, шу бугуноқ ишни бошламокчи эдим, афсус. Манави кийим билан энди мени ҳеч ким тан олмайди, шекилли...

– Янгиси бўлгунича шу либосда Болтавой аканинг меҳмони бўлиб тураверасиз-да.

→ Тўғри айтасиз. Бу кийим билан ташкилотларга боришим шарт эмас. Ўзлари керакли хужжатларни шу ерга олиб келаверишсин, бўлмаса. Кейинроқ бир айланиб чиқармиз, нима дедингиз?

– Ажойиб фикр!



– Меҳмонхонаниям пулини Болтавой акага бериб кўя қоламан. Ҳарҳолда бир-икки қоп бугдой олволади, – деди Омонулла кулиб.

– Яримта лағмоннияш ўзлари тайёрлаб беради, – деди Олимиддин ҳам ҳазилга журъат қилиб.

– Яшанг, қора чойнияш... Телефон бордир?

– Йўқ. «Намунали хонадон»да ҳали телефон йўқ, – деди афсусланганнамо мўйсафид.

– Яна қандай муаммолар бор?

– Мактаб бу ердан олти километр узокдаги кўшни қишлоқда. Мен «Ҳеч бўлмаса, бошланғич синфларга мактаб ташкил қилиб беринглар», деб неча марта ариза берганман. Чунки болалар қишнинг қор, лой ботқоғида, ёз чангида қатнаб қийналишяпти. Лекин маорифдаям, колхоздаям ҳеч ким қулоқ солмаяпти, – деди Болтавой ака чин юракдан қуюниб.

– Олимиддин, блокнотингизга ёзинг. Биринчи навбатда қуйидаги раҳбарлар таклиф қилинсин: АТС бошлиғи, маориф бўлими мудир, анави овсар раис, қурилиш бошлиқлари. Кейин, қани у Мирбадал Боқиевич деганлари?! Топтиринглар уни. Менинг вақтим зиқ. Тезликда раҳбарларни уюштириб берсин!

\* \* \*

Шундай қилиб, «текширувлар» қизгин бошланиб кетди.

Болтавой аканинг махсус тайёрланган хонадони «Туман аттестация маркази»га айланди. Бу Омонулла учун айни муддао эди. Болтавой ака қоровул сифатида дарвоза тагига қўйилди ва келганларни суҳбатга тортиб ўтириш, ичкаридан то бир киши бўшаб чиқмагунча бошқасини киритмаслик қаттиқ тайинланди.

Меҳмонхонага қираверишдаги айвонда эса қотиб сифатида Олимиддин ўтирар, унинг столига ёзув машинаси, электрон ҳисоблагич, телефон ҳам ўрнатилганди. Масъул қотибнинг вазифаси тумандаги барча ташкилот ва муассаса

раҳбарларини аттестацияга ҳозирлаш, улар ҳақидаги махсус маълумот ва тегишли хужжатларни жамлаш, раҳбарларнинг шахсий илтимос ва таклифларини «кадрнинг одами»га етказиш, қабул вақтини белгилаш ҳамда совға-саломларни қабул қилишдан иборат эди. Чой дамлаш, овқат пишириш ва бошқа маиший вазифаларни Мафтунанинг бир ўзи қойиллатиб бажарарди.

Омонулла, айниқса, у тайёрлаб бераётган хилма-хил хамир овқатлардан жуда мамнун эди. Жувон ҳар чой олиб кирганида у ўзида йўқ яйраб кетарди. Болтавой акалар оиласидаги миллий кадриятларга бўлган ҳурмат, одоб ва тарбия, деҳқонча соддалик ва меҳмондўстлик, Мафтунанинг ширин муомаласи, зийраклиги, чакконлиги ва назокатлилиги Омонуллани лол қолдирган, эҳтимол, шу туфайли ҳам уни ёктириб қолганди.

Айниқса, аёлнинг боши очик эканлиги учун ширин-ширин хаёлларга бериларди. Баъзида эса, бу хонадонга нима ниятда келганини ҳам унутиб кўяй дер, сигарета чекиб ташқарига чиққанида эса коғозларга кўмилиб ўтирган Олимпиддинни кўриб бошлаб кўйган «катта иши» эсига тушиб қоларди. Дўмбоқ болачаларни кўрганида ва уларни бағрига босганида яна ҳаммасини бутунлай унутарди...

\* \* \*

– Ишлар жудаям чатоқ! – деди Омонулла раис муовини Асовиддин Оловуддиновични қарши оларкан, сигарета тутатиб. – Мана, кечадан бери йигирма нафар раҳбарни дастлабки суҳбатдан ўтказдим. Биттасиям ярамайди. Сиёсий-маънавий савиялари жудаям паст. Умуман олганда, туман бўйича олдинга саяжмиш йўқ. Ўтган йилги кўрсаткичлардан анчагина орқада қолинган. Республика прокуратураси билан боғланиб «ёрдамчи куч» сўрамасам бўлмайди, шекилли. Баъзи жойларда катта ўзбошимчаликлар, ўзлаштиришлар борлиги шундоқ кўриниб турибди. Мисол учун айтайинми?

Ўринбосарнинг тили айланмай, мулзам бўлиб ўтирарди.

«Бу гапларни Мирбадал аканинг ўзи эшитганида, юраги ёрилиб кетган бўларди», – дея хаёлидан ўтказарди у.

– Масалан, – деди «текширувчи» бир йўталиб олиб, – билим юрти қурилишини олайлик. Раҳбари оддий «тендер» сўзини ҳали тушунмасакан. «Бу ерда тандир нима қилади? У лойиҳада йўқ» – дейди. Мен ундан «Нега?» деб сўрадим. «Чунки қурилаётган билим юрти қишлоқ хўжалигига ихтисослашган, унда новвойлар тайёрлаш кўзда тутилмаган» дейди, қаранг...

Ўринбосар бир оз ўйланиб турди-да, сўнгра кулиб юборди:

– Оббо, кизталоқ-ей, шунақа дейдими, а?

– Бу нима дегани? – деди «текширувчи» жиддий. – Бу дегани қурилишга келтирилаётган материаллар истаган нарҳда кирим қилинмоқда. «Тендер» билан «тандир»нинг фарқига бормайдиган бу овсар ана шу йўл билан давлат мулкани талон-тарож қилмоқда. Яна мисол келтирайми?!

– Йўқ-йўқ, ҳаммаси тушунарли, ака. Сиз ҳақиқатан ҳам биз учун ҳозирги пайтда нур ва ҳаводек керак инсон экансиз. Энди ўзингиз камчиликларимизни рўй-рост очиб, кейин қўллаб юборасиз-да. Биз ҳам қараб турмаймиз, албатта. Раисга ҳам бу гапларни етказаман.

– Йўқ, ундай қилманг, касал одамга бундай гаплар оғир ботади. Сиз билан ўзимиз келишамиз, – деди Омонулла жиддий ва кўзойнагининг тепасидан маъноли қараб олди.

– Э, бўлди, ака. Сизга қойил! Шу гапларингизни кутаётувдим-да, жон ака! – дея хурсанд бўлиб кетди Асовиддин ва икки қўли кўксида, лаганбардорликка ўтди: – Нима хизмат бўлса, айтаверинг. Барини қойил қилиб, жой-жойига қўйиб ташлайман, ака!..

\* \* \*

Асовиддин вақтинчалик ижрокўм раиси вазифасини ўзича қойиллатиб бажаришга тириша бошлади. Илгариги унинг характерида мужассам бўлган бепарволик, тепса-

тебранмаслик, кабинетида мудраб ёки «Бугун ким менга тушлик олиб бераркин? Қаерда меҳмоннавозлик бор экан?» дея хаёл суриб ўтиришдек ўзига хос хислатлари ўрнини энди ўзгача шижоат ва турли «куйиб-пишишлар» эгаллаган, юриш-туришининг шашти ҳам ўзгариб, гўё нигоҳларига аллақандай мўъжаз шуъла киргандай туюларди. Бу шуълалар, албатта, раислик лавозимига бўлган пинҳона иштиёқ оловидан тутантирик оларди. Шу туфайли ўша кунлари тунда ҳам, кунда ҳам ўй-хаёли Омонулла Жўраевичнинг муборак ишончларини қозониш бўлиб, ўзича тез-тез нокерак йиғилишлар ўтказиб туришни одат қилди. Тезкор йиғилишларда текширувларнинг бориши ҳақидаги пашшадай маълумотларни атайин филдай қилиб ахборотлар бераверди. Бу «шижоаткорлик» бир жиҳатдан амалдорларни чўчитиб қўйиш бўлса, иккинчидан Омонулла Жўраевичга ўзининг ишчанлигини, масъулиятни ўта хис қиладиган ходим эканлигини кўрсатиб қўйиб, туман раҳбарининг «тиришқок» ва «билимдон»лигини, қолаверса, ўзининг ана шу донолар ичра доноси сифатида ижрокўм раислиги лавозимига муносиб номзод эканлигини билдириб қўйиш эди.

Пойтахтлик «текширувчи» учун бу ҳолат айни муддао бўлди. Асовиддин Оловиддиновичнинг саъй-ҳаракати туфайли қаҳрамонимиз гўё эртақлардаги «аждаҳо»га айланди ва бу «махлук»нинг ютиб юбормаслигининг олдини олиш учун фақат «куруғидан иборат қурбонликлар» қилиш авж олди.

– Тушунаман, – деди Омонулла ўз вазифаларини қойиллатиб бажараётган Олимиддин ва Асовиддинга. – Албатта, иш бор жойда камчилик, нуқсонлар ҳам бўлади. «Фақат ёлғиз Эгамгина хатога йўл қўймайдур!» – деган эканлар. Кўраяпсизлар, вақт жуда ҳам тиғиз, барча хужжатларни бир-бир кўриб чиқишга менинг асло фурсатим етмайди. Шунинг учун менда яхши бир таклиф бор. Бунини мен сизларга ишонганим учун айтмоқчиман, холос.

– Албатта, нима десангиз, хизматингиздамиз-да, акажон, – деди Асовиддин кўлини кўксига кўйиб.

– Мақсад шуки, ишларимизни тезлаштиришимиз керак. Нима дедингиз, Олимиддин?

– Маъкул, устоз. Таклифингиз биз учун қонун, – деди шогирд куллуқ қилиб.

– Ҳозирги кунда кўряпсизлар, қандай бўлмасин, бюрократия, коғозбозликни камайтириш, ишларни ихчамлаштиришга қатта эътибор бериш талаб этилмоқда. Шунинг учун... – деди Омонулла салмоқланиб, атайин ўйчан ва шошилмай яна бир дона сигарета ҳам тутатиб оларкан. – Барибир мундоқ ўйлаб қарасам, сизларнинг юзингиздан ўта олмайдиганга ўхшайман, шекилли. Қолаверса, туз еган жойига бирор ёмонликни раво кўриш ҳам инсофдан эмас. Сизлардан илтимосим шу бўладики, бу гапни келадиган ҳар бир раҳбарнинг қулоғига секин айтасизларми, ёки бўлмаса, ёпик мажлисда мана шу «таклифим»ни очиқ етказасизларми, бунисини ўзларингиз ўйлаб кўрарсизлар...

– Албатта, албатта, – дер эди Асовиддин гўё олапардай қулоқларини динг қилиб.

– Хуллас, ҳар кимнинг гуноҳи ўзига аён... Ким ким билан қачон ва қанақа иш қилганини, иннайкейин, ана шу ишдан қандай «манфаат кўрганини» ўзи яхши билади. Текширишларда ана шу кўрилган манфаатлар барибир ярқ этиб чиқиб келади. Чунки ойни этак билан ёпиб бўлмайди-да... Нима дедингизлар? – деди Омонулла «шогирдлари»нинг кўзига тик боқиб...

– Тўғри айтасиз, – деди Олимиддин устозига чой куйиб узатаркан, Асовиддинга ҳам маъноли қараб олди.

– Шунинг учун мен нима демоқчиман? – деди «текширувчи» ҳамон салмоқланиб. – Ўша менга ҳурмат-эътиборларини қаратганларга астагина айтиб кўйсангизлар. Улар идораларига бориб секин ўша ўзлари биладиган «халигиндақанги» ҳужжатларини кўтарсинлар-да, ўзларига шубҳалироқ туюлганларини аввал обдон белгилаб чиқиб, сўнгра улардан нусха олсинлар. Ёки бўлмасам, бу ерга олиб келишиб ошқора,



рўйи-рост узрларини айтиб, ўша нуксонли ҳужжат нусхаларини биттадан делого тикиб, ташлаб кетишса ҳам майли, мен розиман. Очик-ойдинликка нима етсин. Бундан мақсад, текширувларим жараёнида мен ҳадеб қоғозларни титкилаб, ўша камчиликларни излашга беҳуда вақтимни кетказиб ўтирмайман. Умуман, идорама-идора ҳам юрмай кўя қоламан. Ҳалиги ўзлари ошқора қилган ҳужжатларга асосланиб, номиагагина далолатнома тузиб кўямиз, ҳолос. Бундан ташқари, мен уларни кейинчалик тегишли жойда қалқон бўлиб ҳимоя қилишга тайёр бўлишим учун ҳам шу нарсаларни билишим керак бўлади. Нима дейсизлар?

– Жуда маъқул фикр. – деди Асовиддин.

– Лекин буни тушундишармикан? – деди Олимиддин «иккаланиброк».

– Менимча, тўғри тушундилади. Чунки яхши текширадиган бўлсак, барибир ўша гализликлар чиқиб қолади-ку, қаёққа борарди? Мана, мисол учун узокка бормай, мана шу маҳаллага тортилган газни олайлик. Биласизми, бунинг учун нечта одамни жавобгарликка тортиш мумкин? – деди Омонулла ва маъноли қилиб томонини кириб олди.

– Ҳа-ҳа, эгилган бошни қилич кесмайди, демокчисиз-да. – деди тезгина Асовиддин.

– Э ўлманг, Асовиддин! Бош эгилай елкага турверсин, қилични ҳам овора қилмасин. – деди қулиб «қалр»нинг одами.

Хуллас, устоз ўзининг рўёбга оширишни иккирдилар ўзларига вожиб деб билдилар. Бу ҳаракат раҳбарларнинг аттестациясини ва текширувдан ўтказишни тезлаштиришда ўзининг юқори самарасини берди. Энди амалдорлар «буюк тафтишчилар»нинг қўлига берилган мақолада «қўруғич», қўлида бўлган «қўруғич»нинг «қўруғич» таъриф буюре бўлишдилар. Маълум бўлди раҳбарларни Олимиддиннинг ўзи «тинчитаверди». Фақат қаттагина амалдорларгагина Омонулланинг «табаррук кўпларини» олиб «саломлашини» насиб қиларди...

Ўз «қасби»нинг моҳири бўлган Омонулла кий вақтда, қайси амалдорларнинг таърифи олдинда режалаштирилгани учун

шунга яраша тайёргарликлар кўрар, энг охирги сиёсий адабиётлар ва ҳукумат фармонларидан ўзича саволлар ҳам тузиб кўярди. У энг хавфсирайдиган «мижозлари» сафига туман ҳукуктартибот органи ходимлари кирарди. Уларни ҳам қармоғига «илинтириб», керак бўлса, эшагини суғориб, ҳақини ҳалоллаб олса, мақсадига эришган бўларди, албатта. Ҳар эҳтимолга қарши, улар билан бўлган мулоқотларни диктофонга ҳам ёзиб борар, нуқсон ва камчиликларини «эркакчасига» ошқора айтаверишларини «дўстона» маслаҳат берарди.

– Албатта, ҳаммамиздаям камчилик бор. Ўзингиз акалик қиласиз-да, энди, – деди навбатдаги қабулга кирган туман банкининг бошқарувчиси Ҳушёров қора дипломатни стол устига оҳиста кўяркан.

– Э, йўқ-йўқ, бу нима қилганингиз, керакмас.

– Кўнгилдан чиққани – «исми-расми»да, ока. Ҳозирги замонда бусиз... ўзингиз тушунасиз-ку...

– Ҳечам ҳожати йўқ. Ойлик маошим, Худога шукур, ўзимга етарли. Яримта лағмон, яримта нон, бир чойнак қора чой билан қорним тўяди. Қайтиб олинг, керакмас... Хайр, яхши боринг. Яхши кунларда кўришайлик, – деди Омонулла куллуқ қилиб барибир «атаганини» ташлаб кетаётган Ҳушёровга.

Банкир куллуқ қилиб тезгина чиқиб кетаркан, Омонулла ҳам бамайлихотир диктофонни ўчирди. Сўнгра иш кўнгилдагидай кечганидан мириқиб керишиб олди ва тоза ҳаво олгани ташқарига йўналди. Айвонда «қизғин» суҳбат ўтказаетган Олимиддиннинг ишларини кўздан кечирган бўлди.

– Бу киши ким бўладилар? – деб сўради Омонулла унга куллуқ қилиб турган амалдорни кўрсатиб.

– Бу киши, «Нон маҳсулотлари комбинати»нинг директори Каримберди ака бўладилар.

– Ҳм-м, шундокми? Сизга бир савол: охирги беш йиллигимизнинг асосий шиори нима эканини биласизми? – деб сўради Омонулла томдан тараша тушгандай, бешта панжасини баркашдек қилиб кўрсатиб.

– Б-бешми?.. – деди довдираб. – Т-тушундим, ака. М-мен...  
бориб кела қолай бўлмасам.

– Ие, билмайсизми ҳали? – ажабланган бўлди Омонулла.

– Б-биламан... «Нон – бу ризк-рўзимиз» дегандай гап-да, ака.

– Яшаворинг-е, – деди Омонулла жиддий куюнган бўлиб.

– Боринг, тез билиб келинг, – деди устозини тушунган Олимиддин маъноли қилиб. – Кейин ҳалиги айтган қоғозларниям ола келинг, хўпми?

– Йўк-йўк. – деди Омонулла жиддий, бармоғи билан телефонни кўрсатиб. – Шу ердан бош ҳисобчингизга қўнғирок қилинг. Ўзи билиб, ҳамма ҳужжатларни келтирсин. Сизларни ўзим қабул қиламан. Тушунарлими?

– Тушунарли, – деди директор итоатгўйлик билан.

– Қўнғирок қилинг бўлмаса, нега анграяпсиз?!

– Хўп-хўп, – дея кўллари қалтираб телефон гўшагига ёпишди Каримберди. – Алло, комбинатми?.. Рихсивой, менга яхшилаб кулоқ солинг. Ишларимиз жиндайгина ҳалигиндайроқ... Сиз ҳамма йиллик ҳисобот ҳужжатларни олинг-да, тезлик билан Тошкўтонга етиб келинг. Беш дона ўзимизнинг ҳалиги «иссиқ буханка»дан ҳам олиб келинг, тушундингизми, тез?!

– Нима у, «буханка» деганингиз?

– Ўзимиз пиширган нон-да, ака. «Пешона тери»... – деди Каримберди беўхшов иршайиб. – Айланиб, ўргилиб еяверамиз-да энди.

– Тушунмадим. Олимиддин, кейин ўзингиз менга тушунтириб берарсиз. Ман чекиб келай. – деди Омонулла ташқарига чиқаркан. «Буханка»нинг неча пул эканлигини ўзича чамалаб кўйди.

– Хўп бўлади, бемалол, – деди Олимиддин илтифот билан.

Шундай қилиб, Олимиддин ўзининг ён дафтарчасида яна бир «Зарварақ» очиб унда аттестацияга тортилган туман раҳбарларининг рўйхатини уч нусхада қайд қилиб чиқди. Қайдноманинг бир нусхасини Омонуллага, иккинчи нусхасини ўзига олиб қолиб, учинчи нусхасини ижроқўм раисига тайёрлаб кўйди.

## БЕҲИ ШОХИ

Тошқўтоннинг «Янги чек» маҳалласидаги Болтавой аканинг уйи нафақат бутун Бошқўргон туманининг, балки вилоят раҳбарларининг ҳам эътиборига тушди. Маҳаллий матбуот «Тошқўтон тажрибасини» оммалаштиришга доир бир қатор мақолалар ёритди. Газеталарнинг биринчи саҳифаларида деҳқонбобо Болтавой аканинг кулиб турган чехраси ёки охириги саҳифаларида ўша газетани ўқиб тушган сурати чоп қилиниб, газетага обуна бўлишга даъват этгучи сўзлар ҳам битила бошланди. Лўнда қилиб айтганда, Болтавой ака даврнинг маҳаллий қаҳрамонига айланди.

Болтавой ака эса ўтаётган бу кунлари учун Яратганга шукроналар айтар, кўчага, тутнинг тагига чоғроқ сўри кўйиб, янги кўрпачалар тўшаб, хонтахтадаги дастурхонга чиройли қилиб егуликлар кўйиб қўйган, бир четда эса самовар қайнаб турарди. Келди-кетдилар жуда кўп бўлиб, ҳар бир ташриф буюрувчи аввало мезбоннинг илтифоти билан кўлини ювиб, сўнгра сўрининг бир четига ўтириб оксоқолнинг дуосини олишар ва ўтаётган текширувлар ҳамда юкори мартабали меҳмон ҳақида сўраб-суриштиришарди. «Ҳозир у кишининг олдида ким бор?» – деган саволга Болтавой ака «Ҳозир фалон ташкилотнинг раҳбари фалончи бор. Ҳозир чиқиб қоладилар. Бир пиёла чой ичиб, бемалол ўтириб турсинлар. Омонулла Жўраевич бўшасалар Олимиддиннинг ўзи сизни чакиради», дерди у булбулигўёдай.

«Тоғажон, Омонулла ака канақа одам ўзи? У киши билан мундоқ очик чехра билан гаплашиб, келишса бўладими?» – деб сўрардилар баъзи ташриф буюрувчилар бетоқатланиб. «Ҳа, албатта, – деб жавоб берарди Болтавой ака кулиб, – Омонулла кўпни кўрган ўткир билимли, илоҳим, мартабаси бундан ҳам улуғ бўлсин, жа яхши одам-да», дерди.

Болтавой ака текширув даврида ташриф буюраётган деярли ҳар бир раҳбарнинг кўлига ўша бобосининг бобосидан қолган

обдастасидан ҳафсала билан сув куйиб, у ҳақидаги ҳикоясини қайта-қайта такрорлашдан чарчамасди. «Меҳмон»лар ўз ташвишлари билан бўлиб бу мис идиш ҳақидаги гапларга унча эътибор бергилари келмас, фақат ичкарига кириб кетган раҳбарини кутиб қолган баъзи ҳайдовчиларгина чой ичиб ўтириб, чолнинг гапларини анграйиб мирикиб тинглашарди.

– Бобожон, шу идишингизни менга совға қилмайсизми-а? Машинамнинг радиаторига сув қуйишга жа боп нарса эканда, – деб қолди дабдурусдан шофёрлардан бири кета туриб.

Болтавой аканинг жони ҳиқилдоғига келди:

– Вой, ука, – деди у газабини ичига яшириб. – Яхшиликча ҳурматинг борида бунақа гаплар билан бошимни оғритма. Шунча гапни деворга гапирдимми?

– Пулини бераман, тоғажон. Мана, уч сўм етадимми? – деди фаросатсиз шофёр яна хиралик қилиб чўнтагини қавлай бошлади.

Чол юрагининг бир чеккаси «жиз» этиб кетди. Газаби кўзиб, юзи бўзарди ва эндигина машина орқа ўриндигига ўтирган фалон раҳбарнинг олдига бориб, шашт билан эшигини очди:

– Ҳе сендаканги амалдорларни кара-ю!..

Хуноби ошган Болтавой ака дастурхонни йиғиштирди-да, идишдаги сувни ерга ағдариб, уйига олиб кириб кетди.

– Ҳа, тинчликми, отажон? – деди чучвара тугаётган қизи Мафтуна отасининг авзойини кўриб. – Ахир, меҳмонлар келишиб ётибди-ку! Уларни ким кутиб олади?

– Э, – деди кўл силтаб мўйсафид. – Буларнинг ҳаммаси самимий меҳмонлар эмас. Ҳаммасининг қанақадир иллоти бор. Сўрашишлариям, тиржайишлариям сохта. Келишганида худди ака-укалек саломлашишади-ю, кетаётганларида бўлса, баъзилари «хайр-хўш»ниям насиё қилишади. Орқаси қуйган товукдай «зингиллаб» қолишади.

– Бу «қелди-кетдилар» қачон тугаркин ўзи-а, отажон? – деб сўради Мафтуна.

– Билмасам, меҳмоннинг обрўйи уч кунлик бўларди...

– Э, сизга нима, баҳонада газли бўлдик, кўчамиз асфальт бўлди, ҳамма харажатларимизни қилиб беришяпти-ку.

– Тўғри-ку, лекин ўзимнинг гувала уйим яхши эди... Мен-



га анави ойналар ёкмайди. Мен-ку, одамман, бу нарса ҳатто қўйга ҳам ёкмади. Сузиб пачоғини чиқарди. Эҳ, ўзимнинг гувала деворимни соғиндим.

Мафтуна отасининг соддалигидан кулиб юборди.

– Бўпти, мен кетдим, озгина ўзимизга бозорлик қилиб келай, – деди мўйсафид.

– Ҳамма нарса бор-ку, ота.

– Йўқ, буларнинг қўлига қараб колмасдан, ўз тўрваминини ўйлашимиз керак. Кейин анави раисимиз Оқбердиев ҳам мени бир келиб кетсин, муҳим гап бор, деганмиш.

– Ҳа, майли, овқат пишгунича тезроқ бориб келақолинг, бўлмасам...

Болтавой ака «азиз меҳмон» билан ўралашиб қолиб, уч-тўрт кундан буён уйдан чиқа олмаганди. Маҳалла гузарида қилинаётган ишларни кўриб танг қолди. Мактаб болалари, далачилар йўл ва кўча ёқаларига тош ётқизишар ва уларни оҳаққа бўяшар, ҳамма ёқни супуриб-сидиришар, ҳатто йўл ёқаларига очилиб турган гулларни «ўрнатишар», ётиб қолаётганларини эса ёнига калтак сукиб боғлашаётганди. «Тавба, – деди мўйсафид ўзича ажабланиб. – Ахир, ҳар куни ўтадиган мол-қўй подалари бу қилинаётган ишларни тепкилаб кетади-ку!.. Неча замонлар қаровсиз ётган йўл бўйларига бунчалик эътибор нега экан? Қанча одамлар ишдан қолипти-я, эсиз. Қайси товук миядан чиқди экан бу фикр?..»

Лекин кишлоқ гузарига етиб боргач, чол баттар ажабланди. Қишлоқ гузаридан туман маркази томон кетадиган катта йўлнинг ўртасига тупроқ тўкилиб, унга гуллар билан бир қаторда меваси селкиллаб турган беҳи дарахтлари экиб чиқилган эди. Мўйсафид умри бино бўлиб меваси билан кўчириб ўтказилган дарахтларни кўрмаган ва эшитмаганди.

– Астағфируллоҳ, – деб юборди у барги сўлий бошлаган беҳи дарахтларига тикилиб. – Бу қанақаси бўлди экан-а? Тагига сув ҳам қуйишмабди...

У теварак-атрофга аланглаб, велосипедда келаётган қўшни маҳаллалик Тошпўлатга кўзи тушди.

– Ҳой Тошпўлат, тўхта!

Хаёл суриб келаётган Тошпўлат тормозни босмоқчи бўлган эди, велосипедининг чархи орқага айланиб кетди. Уни эплай олмай қолди. Эпчиллик қилиб тўхтатиб олиш мақсадида экилган беҳи дарахтлардан бирини ушлаб қолмоқчи бўлди. Дарахт бўлса суғурилиб чиқиб кетди. Лекин унинг иддизи кўринмас, шундоқ тагидан арралаб олинган экан.

Узини аранг тўхтатиб қолган Тошпўлат бир кўлида турган дарахт шохига қараб қулиб юборди:

– Оббо, кизталоклар-ей, боғдан арралаб кесиб келинган беҳининг шохини шу ерга суқиб, ўрнатиб чиқишаётган экан-да. Мева-певаси билан шох юкланган машинани кўриб ҳайрон бўлгандим-а...

– Вой эси пастлар-ей! Кимдан чиқди экан бу бемаънилик?

– Кимдан бўларди, раисимиздан-да. У сизникида турган «Комиссия»га кишлоғимизни «кўз-кўз» қилиш учун мана шунақа «ободончилик» ишларини қилаяпти. Эшитишимча, бугун-эрта телевизорга олармиш. Бу дарахтлар кўрсатувга «пон» бўлармиш...

– Қанақа «пон»?!

– Ким билади, телевизорда маҳаллалар обод, одамлар ҳамиша шод, ҳеч қанақа муаммолари йўқлигини кўрсатиб қўймоқчи, шекилли-да.

– Ҳайвон! – дея жаҳли чиққанини яшира олмади чол. – Мен ҳали унга хўжа кўрсинга «пон қилиш»ни кўрсатиб қўяман! У ҳозир қаерда?

– Ҳозиргина уни идора олдида бригадирлар билан турганини кўргандим. Нима эди?..

Болтавой ака Тошпўлатнинг кўлидан беҳи шохини тортиб олдида уни кўтариб идора томон шашт билан кета бошлади. Раиснинг хонасига тўғри шохни судраб кириб борди.

...Ўша куни кишлоқда раиснинг беҳи шохини билан саваланганлиги ҳақидаги дув-дув гап тарқалди. Яхшиямки бригадирлар бор экан, чолни ушлаб қолишганмиш. «Ҳе, сени ўша «понинг»га ..! Сен ўзинг аввал бирорта дарахт экиб, кўкартириб қўй, номард!» – деб бошлаб сўкканмиш...



Ташриф буюрувчилар орасида баъзан аҳвол ҳақида маълумот олиш учун юборилганлар, яъни «разведкачилар», «йўл-йўриғини» сўраб-суриштириб олмокни ният қилгувчилар ҳам келиб туришарди. Шуларнинг ичида пойтахтлик текширувчи ҳақида ҳар хил шов-шувлардан хабар топган вилоят ижроқўмининг ўринбосари Ўтбосаров ҳам келиб-кетди. У аввало маҳаллада амалга оширилган ишларни кўздан кечирган бўлди ва чакиртирилган туман ижроқўм раиси келгунига қадар Болтавой аканинг сўрисида омонат чой ичиб ўтирди.

– Отахон, қалай, меҳмон билан чарчамайпсизми? – деб сўради у чолдан мамнунлик билан. – Вилоятда шунча яхши меҳмонхоналаримиз турганида сизни ҳам қийнаб қўйишибди-да...

– Меҳмоннинг кийимларига бўёк тегиб, ўзиям анча хижолат чекди. Кийгани бошқа бирор дурустрок уст-бош ҳам олиб келмаган, шекилли. Шу ерда қабул қилаверишни ўзига эп кўрди. Жуда камтарин инсон-да, Омонулла, – деди чол ўз меҳмонини мактаб ва ачиниб.

– Ие, кийим «бўялди» дейсизми? Ё тавба, қандай килиб?

– Келган пайтда анави газнинг трубасига билмай суяниб олган экан.

– Оббо, шу арзимаган костюм-шимниям олиб беришмабди-да. Роса бизни уятга қўйибди-ку, бу Мирбадал.

– Мирбадал касалхонада ётибди-да!

– Ие, йўғ-е!

– Нима, хабарингиз йўқмиди?

– Унда иш расво бўпти-ю, – деди Ўтбосаровнинг жаҳли чикиб пиёланинг тагидаги чойни бир четга сочаркан ва ёнидаги радиотелефонни қўлига олди:

– Алло, бу Бошқўрғонми, мен Ўтбосаровман, қани раис ўринбосари? Чикиб кетди? Қаерга? Тошқўтонга?.. Мен ахир, шу ердан қўнғироқ қилаяпман-ку, қаёққа кетди у, галварс?! Зудлик билан етиб келсин!

Зум ўтмай «Газ-24» дан Асовиддин тушиб келди ва ҳовликиб келиб феъли айнаб турган Ўтбосаров билан сўрашди.

– Бу нима қилик?! Нимага вилоят билан келишмай ўзларингча иш қиляпсизлар?! Нима, босар-тусарларингни билмай қолдиларингми?

– Й-йўк, биз...

– Нега Мирбадал Бокиевичнинг шифохонада эканлигини менга маълум қилмадингиз?! Нега энди меҳмонни вилоятдаги меҳмонхонага жойлаштирмай бир одам топмас жойга киргазиб қўйдинглар?! Ким ижозат берди санларга?! Бу қанақа ўзбошимчалик?!

– Ахир, ўз...

– Ҳой, қанақа инсонсанлар ўзи-а? Наҳотки шундай бой туман бўла туриб арзимаган костюм-шим олиб беролмадиларинг, уят-е! Одамни шарманда қилибсизлар-ку! Сизлар ҳар кун шу кишлоқ ичида юрадиган одамсизлар, биз бўлса кунда, кунора пойтахтга шуларнинг олдига ишимиз тушиб, бош эгиб бориб турамиз. Қайси кўз, қайси юз билан қараймиз энди?

– Ҳалиги...

– Билиб қўйинг, – деди Ўтбосаров ўрнидан шашт билан туриб. – Шу бугунок меҳмондан узр сўраб, янги, импортний бир қатор уст-бош қилиб олиб берасиз! Ана ундан кейингина мен у кишининг олдиларига қираман. Ҳозир қанақа кийимда ўтирибдилар?

– Ўз миллий кийимимизда, яқтак-чорси дегандек... – деди Болтавой ака айб иш қилиб қўйган боладай.

Ўтбосаровнинг баяттар жаҳли чиқиб кетди ва Асовиддинга ўқрайиб тикилиб сенсирашга ўтди:

– Ҳой, кум қайли! Қанақа яқтак, қанақа чорси?! Нима, у киши санларга хориждан келган туристмиди?! Барибир кишлоқчилигингга борар экансанлар-да... Билиб қўй, агар вилоят шаънига пойтахтдан бирор гап эшиттирар экансан, ўша дақиқадаёқ учирма қилдириб юбораман, билдингми?! Хе, нодон! – деди у жаҳл билан машинанинг эшигини «тарс»

эткизиб ёпиб кўяркан. – Сенга бир соат муҳлат! Менга шахсан хабар қиласан! – деб кўшиб кўйди у машина ойнасидан дум-думалок бошини чикариб кичкириб.

– Хўп. Хўп бўлади. аха. Хуш келибсиз, – дея кўлини кўксига кўйиб қолди Асовиддин ва алланималар деб гудрана-гудрана у ҳам аллақаякка жўнаб кетди.

\* \* \*

Кўшиқ хиргойи қилиб чучвара тугиш билан банд бўлган Мафтуна Омонулланинг ташқарига чикқанини пайқамай қолди. Омонулланинг кўзи очик ошхона деразаси ёнидаги хонтахтада хамирларни «дод» дегизиб эзгилаётган жувоннинг оппок билаклари-ю, чаккон бармоқларига тушди. Бармоқлар гўё кўшиқка монанд рақс тушишар, кўшиқ оҳангларидан хамирнинг эмас, гўё Омонулланинг юрак-бағри эзгиланаётгандай эди. У бир зум бу ҳолатга мафтун бўлиб қолди ва хаёлан аллақаякларга парвоз қила бошлади.

– Ҳа, намунча? – деди Мафтуна нозланиб.

– Қани энди мана шу хамирлар ўрнида мен бўла қолсайдим... Мени ҳам эзиб пачоқлаб ташласангиз ҳам майли эди.

Жувон шодон кулиб юборди ва «Ў-ў, ростданми?» дея жилмайиб кўйди ва «Нима учун?» деб кўйди.

– Гуноҳларим кўп, – деди Омонулла хўрсиниб.

– Гуноҳларингиз кўп бўлса, мана шундай эзгилаб, жазолаганим бўлсин.

...Мафтуна овқатни суза бошлади. Омонулла Олимиддинни чақирди. Олимиддин эса кўчани қараб келди:

– Тоға йўқлар-у!

– Отангиз қанилар? – деб сўради «текширувчи» аёлдан.

– Гузарга кетдилар. Раис «бир муҳим гапим бор, бирров кеп кетсин», деб одам юборган экан.

«Қизик, – дея хаёл қилди ўзгча Омонулла, – бу овсарнинг қанақа «муҳим гапи» бўлиши мумкин? Ё мендан хитланиб қолишдимикан? Орган одамлари қолдан мен ҳақимда ул-бул





сўраб билмоқчимикин? Ҳар эҳтимолга қарши шай бўлиб турганим маъкул. Ҳозир Болтавой ака келиб қолса, ундан бор гапни оқизмай-томизмай билиб олишим керак бўлади. Агар шубҳаланган бўлса, «куённинг расмини» барвактрок чизишимга тўғри келади, шекилли».

Лекин унинг нохуш хаёлини шашт билан беҳи шохини шариллатиб судраб тўсатдан келиб қолган чол бўлди.

\* \* \*

... Оқбердиев бир сафар ёмон «қовун тушириб кўйгани» учун энди қандай қилиб пойтахтлик текширувчининг кўнглига йўл топишни билолмай гаранг эди. У ўзича меҳмон барибир қишлоқни айланиб чиқади, деб ўйлар ва зўр бериб «ободонлаштириш» чораларини кўраётганди. Бу иш бутун вилоят бўйлаб «кенг қулоч ёйди». Ҳатто тош деган нарсанинг уруғи ҳам учрамайдиган қумлик чўл ҳудудларидаги қишлоқларга ҳам тоғ адирлардан тош териб келтирилиб йўл ёқалари, йўловчи йўлаклари ва маҳалла кўчаларига ҳам ётқизирилиб, оҳаклаб чиқилад бошланди.

Хуллас, текширувлардан эсон-омон чиқиб олишнинг яна бир асосий омили деб қолхоз раиси Болтавой аканинг ўзини кўзлаётганди. Шу туфайли у қора кўчқорни ҳам қайтиб олиб кетмади. Балки у кишини идорага чақиртириб «акалик» қилишга кўндириш чорасини излади. Чунки чолнинг Омонулла Жўраевичга ярим оғиз гапи қифоя, деб ўйларди. Лекин қутилмаганда ишлар бошқачага айланиб кетди: аксинча, беҳи шохидан «қалтак» ейишга тўғри келди...

– Мана бу Оқбердиевнинг қилган ишини қаранг! – деди отахон эндигина қайноқ чучварани оғзига солган «меҳмон текширувчи»нинг олдига беҳи шохини қарсиллатиб ташларкан. Омонулла қайноқ чучварани аранг ютиб олди ва ғўр мевалари осилиб турган дарахт шохига ажабланиб тикилди.

– Тушунмадим... – деди у ачишаётган томоғини базўр силаркан.

Олимиддин ҳам кутилмаган бу ҳаракатдан қотиб қолди:

– Ие, отахон, бу нима қилганингиз, ахир! – кичқирди Олимиддин.

– Сиз тек ўтиринг, ўғлим, – деди чол эътиборини Омонуллага қаратиб. – Ҳурматли мўътабар ва азиз меҳмонимиз! Сизнинг эътиборингиз учун, азиз пойи кадамингизни улуглаш мақсади-да, кишлоғимизни «кўз-кўз» қилиб «муборак кадамингиз» ўтадиган йўлларга бу шохлар кўзбўямачилик қилиб, экилмоқда!..

– Қ-қандай қилиб?..

– Э, – деди чол қўл силтаб, – боғлардаги меваларнинг шохини арралаб, атайин йўл бўйларига суқтириб чиқаяпти-да бу номард!

– Ким ўша номард?

– Ким бўларди, анави овсар раис-да. Наҳотки, сиз ўрток комиссия, мана шунақа кўзбўямачиликларни ёқтирсангиз-а?! Сувнинг тайини йўғ-у, йўл бўйларига гуллар ўтқазилаяпти. Қанчадан-қанча мактаб болалари ўқишдан, далачилар, ишчилар ишидан қолиб йўл бўйларига тош ётқизиб, уларни оҳаклаб, оқлаб чиқишяпти, наҳотки, шу «мулозаматлар» сизга ёқса?!.. Уялинг-е!.. – деди чол асабий ўз дилидагини рўй-рост ошқора қилиб.

– Яшанг, отахон! – дея самимий қулиб юборди Омонулла. – Мен сизни энди тушундим. Демак, булар ҳаммаси менга «мулозамат ва кўзбўямачилик» учун денг..

– Ҳа, бу овсар ўтган йилиям вилоят ижрокўми раиси «даланинг ячига кириб пахтани текширар экан», деб йўл бўйидаги бутун гўза пайкалларини супуртириб, сув септириб чиққанди.

– Ҳа... Афсуски, кўп амалдорларимиз ана шундай «кўзбўямачилик» билан устини ялтирок қилиб кўрсатиб, ўз нуқсонларини яширмоқчи бўлишади. Аксинча, борини ошқора кўрсатиш, камчиликларни рўйи-рост айтавериш керак. Нима дедингиз, Олимиддин?

– Тўғри-тўғри, ошқораликка не етсин, – дея олди ассистент пешонасини тириштириб.

– Оқбердиев сизга ўз «нуқсон» папкасини келтириб бердимми?



– Ҳа, албатта...

– Унинг ишини шу бугуноқ прокуратурага оширинг. Лавозимидан четлатиш ҳақида баёнот тайёрланг. У давлат мулкани талон-тарож қилгани камлик қилгандай, энди хўжаликнинг боғларини ҳам расвосини чиқармоқда экан. Бу ҳақда тегишли далолатнома тузиб, гувоҳларга имзолатиб чиқинг. Боғларнинг бир йиллик ҳосили аниқланиб, Окбердиевнинг шахсий чўнтагидан ундириб олинсин!

Болтавой ака Омонуллодан кескин бу чорани кутмаганди. Бир оз эсанкираб туриб қолди ва индамай шохни судраб бориб, қўра ичида диконглаб турган кўчқор олдига ташлади.

– Ма, манавини жигилдонингга е! Ҳе, эгангга ўхшамай ўл, пуфак!

Уша куни қишлоқда райснинг ишдан олингани ва унинг устидан жиноий иш кўзгатилгани тўғрисидаги хабар тарқалди. Туман фаоллари олдида Омонулла Жўраевичнинг «хурмати» яна бир поғона кўтарилди...

## БЎТҚАХЎРЛАР

Шундай қилиб, пойтахтлик текширувчи янада жиддийлашди. Унинг қўлида мавжуд хужжатлар ва «нуқсонномалар»га асосланадиган бўлинса, тумандаги умумий ижтимоий-иқтисодий, молиявий-хўжалик ҳолати ойдек равшан эди. Ҳатто туман прокурори ҳам, ички ишлар бўлими бошлиғи ҳам Омонулла билан ҳайкиб гаплашардилар ва ҳар қандай хизматга тайёр эканликларини изҳор қилардилар. Айниқса, банк бошқарувчилари чигити олинган момик пахтадай мулойим бўлиб, қолишганди.

Ниҳоят «ошкоралик» ва «ўзини танқид» руҳида ўтган аттестация якунланай деб қолди ва барча туман амалдорлари якуний хулосани сабрсизлик билан кута бошладилар. Хизмат текширувлари эса айрим олинган ташкилотлардагина амалга ошириладиган бўлинди.

– Олимиддин, кимлар аттестацияда қатнашмади ва кимлар

«ҳалигиндай» папкасини олиб келишмади? Шуларни менга зудлик билан аниқлаб беринг, — деди «комиссия раиси» жиддий. Сўнгра Асовиддин тортиқ қилган янги костюмининг ёқалари ва бўйинбоғини тўғрилаб олди.

— Туман нефть базасининг бошлиғи Кўпайсинов келмади. Иннайкейин, маориф мудирини Тиллаев, кишлок курилиш трести бошлиғи Чўлиевлар папкаларини олиб келишмади, — дея худди аскардек баёнот берди Олимиддин.

— Яхши, бўлмаса, текширишни ўша нефть базасидан бошлаймиз. Анави икковини бўлса, зудлик билан топтиринг.

— Хўп бўлади, устоз.

— Бўлмаса нефть базасига жўнадик!

Улар нефть базасига етиб келганларида бошлик хонасида йиғилиш борарди. Қабулхона котибаси шашт билан кириб келган нотаниш кишиларнинг йўлини «қахрамонона» тўсиб олди.

— Тўхтанг, бу ёққа мумкин эмас! — деди киз қатъий.

— Нега энди? — деб сўради Омонулла ҳайрон.

— Пойтахтдан комиссия келармиш. Шу масала бўйича фавқулодда йиғилиш ўтказяптилар. Бошлик менга хонага ҳеч кимни йўлатмасликни қаттиқ тайинлаганлар. Узр, безовта қилолмайман.

— Унда мажлис тугагандан сўнг айтиб қўйинг, эртадан бошлаб у кишига иш вақтида бунақа бемаъни йиғилишлар ўтказишига ҳожат қолмайди. Хўп, хайр, мен бошқа келмайман. Кўпайсинов ҳам менга бошқа қорасини кўрсатмасин! — деди Омонулла қатъий қабулхонадан чиқиб кетаркан.

— Вой, тўхтанг, кимсиз ўзи?

— Омонулла Жўраевич бўламан, хайр! — деб эшикни «қарс» этказиб ёпди. — Бу мажлисбозлиги унга қимматга тушади ҳали. Пули кўпайиб одамларни менсимай қолибди-да, — деди йўл-йўлакай норози гудраниб. — Маорифга ҳайдай қолинг. Йўқ, тўхтанг, бу қайси кишлок?

— Шўрдара.

— Бўлмаса, Шўрдарадаги мактаблардан бирига ҳайданг. Қани кўрайлик-чи, бу ерда ҳам супуриб-сидирилиб, йўл четига тош ёрилиб, оқ ранга бўялганми ё йўқми?



Улар тўғри темир эшиги қийшайиб турган мактаб ҳовлисига дабдурустдан кириб бордилар ва шашт билан бориб синф хоналарини бир-бир очиб дарс ўтаётган ўқитувчиларни довдиратдилар. Мактабдаги ахвол жуда ёмон бўлиб, девор бўёқлари кўчиб тушаётган, поллари чирий бошлаган, синфхоналари тор, зах ва қоронғи эди.

– Мана, кўрдингизми, Олимиддин. Бу мактаб тахминан ўн йилдан буён таъмирланмаган, лекин маориф бўлимнинг ҳисоботида «мактаблар ҳар йили юз фоиз таъмирланмоқда», деб ёзилган, – деди деворнинг бир кесагини кўчириб олган Омонулла улар томон ҳовлиқиб келаётган мактаб директорига атайин эшиттириб.

– Ие-ие, келинлар, ассалому алайкум!..

– Хўш, сиз ким бўласиз?

– Шу мактаб директори Раҳмат Раҳимович.

– Яхши, Раҳмат Раҳимович, мен Омонулла Жўраевичман. Бизга берилган маълумотда «мактаб тўлиқ таъмирланган» дейилган. Буни қандай тушунмоқ керак?!

– Кечирасиз, сизнинг келишингизни билмабмиз.

– Хўш, билганингизда таъмирлатиб қўйган бўлармидингиз?

– ...

– Тўғриси эркакчасига гапираверинг. Мен тўғри сўзли одамни ёқтираман.

– Ҳа-ҳа, тўғриси айтиверинг, – деди Олимиддин ҳам блокнотига алланималарни қорайтирар экан.

– Бизга маорифдан кўрсатма берилса, маблағ ажратишса, бажарардик, албатта.

– Ҳа, ўлманг! Лекин ўша маблағ ажратилган ва аслида жиғилдонга ҳазм килиб ҳам бўлинган. Кетдик, Олимиддин! – деди текширувчи «Бизга бу ерда киладиган иш йўк» деган маънода шахд билан келган изига қайтаркан.

Улар шу тарика йўл-йўлакай кўшни қишлоқдаги бир мактаб ва болалар боғчасига ҳам томдан тараша тушгандек ташриф буюрдилар. Йўл четларига ҳақиқатдан ҳам тошлар терилган, оққа бўялган, йўлақлар супуриб-сидирилган эди.

– Боғчанинг ошхонаси қаерда? – деб сўради Омонулла боғча қоровулидан.

Қоровул довдираб, аллақаёкни кўрсатди. Салобатли текширувчи шахдам кадамлар билан тўғри ошхонага кириб борди. Болалар тушлиги тайёр экан.

– Бу нима? – деб сўради Омонулла оқ кастрюлни кўрсатиб.

– К-каша... – деди базўр ошпаз опа.

– Сузинг!

Опа итоатгўйлик ва чаққонлик билан иккита ликопчага бўтка сузиб кўйди.

Омонулла бўткадан ялаб кўрди ва Олимиддинни ҳам ейишга даъват қилди.

– Сиз шу овқатни ҳали болаларга бермоқчимисиз? – деб сўради Омонулла лабларини чапиллатиб овқатнинг бемаза эканлигини изоҳлашга тиришаркан. – Бунинг на мазаси бор, на матраси...

– Қозонда бори – чўмичга чиқади-да! – деди базўр кулиб ошпаз опа.

– Ўша қозонга шакар деган нарса умуман тушмабди-ку, мой ҳақида гапирмасаям бўлади. Хўп, мудира опа қанилар?

– Икки соат бўлди, маорифга «пятиминутка»га кетувдилар.

– Яхши. опажон. Мана шу бўтқангиздан бир коса солиб берсангиз. илтимос.

– Йўқ, мудирадан берухсат беролмайман.

– Мана, мен Омонулла Жўраевич бўламан, – деди Омонулла гувоҳномасини чиқариб кўрсатиб, – туман бўйича текширувга келганман. Сиз кўркманг, биз ҳамма боғчалардан шунака намуна оляпмиз.

Ошпаз опа ноилож ярим коса овқат сузиб, титраб-қакшаб уни газетага ўраб берди.

– Менга гап тегмайдими, ишкилиб?

– Йўқ, сизга гап тегмайди, опажон. Яхши қолинг!

Омонулла туман маориф бўлимига етиб борганида «пятиминутка» тугаб, боғча мудирлари терлаб-пишиб, белларини силаб ташқарига чиқиб келишаётганди.

– Ассалому алайкум, «пятиминутка» тугадими, опажонлар? – деб самимий сўради Омонулла ўзаро баҳслашиб келаётган икки аёлдан.

– Ваалайкум. Ҳа, хайрият, тугади. Бугун бирам чўзилдики.

– Тинчликмикан? Мен бу ерга янги ишга келганларданман, – деди Омонулла хайрон бўлиб турган аёлларга.

– Э, шундоқми? Тоза вақтида келибсиз-да. Тошкандан катта комиссия келган, – деди биринчи аёл.

– Шунга чопа-чоп, тозала-тозала, дарахтларни окла, тош тер...

– Майли, яхши боринглар, кўришиб қолармиз.

– Боринг бизнинг Шўрдара томонларгайм, – деди биринчи аёл кулиб.

– Рахмат, бўтқа еганими? – деди Омонулла зинадан кўтариларкан.

Унинг ортидан коса кўтарган Олимиддин эргашди. Аёллар хайрон қараб қолишди ва елкаларини қисишди. Омонулла қабулхонага кириб келганида йиғилишни тугатган Тиллаев эндигина хонасига кириб келган экан. Унинг эшиги хиёл очик бўлиб, ким биландир баҳслашаётгани эшитилиб турар, котиба эса жойида йўқ эди.

– Омонулла Жўраевич сўраган нарсани олиб бориб берсак, яхши бўларди-да! – деди бир овоз. Чамаси, бу ҳисобчи эди.

Омонулла эса қулоғига чалиниб қолган бу гапни эшитиб таққа тўхтади ва Олимиддинга бармоғи билан «жим» ишорасини қилди.

– Бе, қизикмисан, – дея жеркиб берди Тиллаев, – бизнинг, худо хоҳласа, ҳеч қанақа нуқсонимиз йўқ. То текшириб, топунича биз унинг томоғини мойлаб кўямиз. Мана кўрасан, Асовиддин акамнинг ўзлари тинчитадилар.

Омонулла оёқ учида юриб бир коғоз олди-да унга: «Ўрток Тиллаев, Асовиддин Оловиддинович билан бу бўтқани ҳам бирга баҳам кўринглар. Бунақа бўтқани зонадаям беришмайди», – деб ёзиб, «О.Ж.» қилиб узунчоқ имзо чекди ва ҳамроҳига «Кетдик!» – дея ишора қилди.

– Тактикангизга қойил, устоз! – деди Олимиддин шашт билан зинадан тушиб бораётган Омонулланинг изидан югургилаб бораркан.

– Ҳаммаёкни муттаҳам босиб кетибди. Ҳатто болаларнинг овқатини етарли калорияда бермай, жигилдонларига уришяпти бу ярамаслар! Ана, камқонлик, витамин етишмаслиги қаердан келиб чиқяпти? Яна булар мажлисларда «Соғ танда – соғ ақл» деб баландпарвоз гаплар қилишни, «комиссия келади», дейилсагина атрофни супуриб-тозалашни билишади, холос. Аслида жамиятдан буларнинг ўзини супуриб ташлаш керак! – деди Омонулла куюниб.

Олимиддин мана шундай дангал, чапдаст ва теран фикрли устоз орттирганидан ич-ичидан кувониб, унинг сўзларини жон қулоғи билан эшитиб борарди. Улар «Туман аттестация маркази»га қайтиб келганларида дарвоза олдида уни бир гуруҳ нефть базасининг «корчалон»лари тавозе билан кутиб турардилар.

– Ие, устоз, буларни нима қиламиз? – деб сўради Олимиддин ажабланиб.

– Қабул қилмаймиз! «Вақтимиз зик, республика прокуратурасидан ёрдамчи куч кутяпмиз, ўшалар билан гаплашаверасизлар», – деб айтинг.

– Хўп бўлади.

Омонулла машинадан тез тушди-да, йўлига пешвоз чикмоқчи бўлган Кўпайсиновга қўл узатмай совуқ салом бериб, ичкарига шашт билан кириб кетди. Олимиддин устоз гапларига яна бир баҳя ўзидан қурук сўзлар кўшиб, сир бой бермаган тарзда у ҳам дарвоза томон йўналди.

– Олимиддин!... – дея синиқ овозда чақириб қолди Кўпайсинов. – Илтимос, бир дақиқага...

«Корчалон»лар нима қиларини билмай бўзариб котиб қолавердилар. Ичкарида Омонуллани Мафтуна очик чехра билан кутиб олди.

– Яхши бориб келдиларингизми? Мен сизларни тушликка келмайсизлар деб ўйлабман. Ҳозир тўшама тайёрлайман, чой ичиб туринглар, – дея Мафтуна қўл ювгани сув ҳозирлади.

Омонулла кўлини юваркан, аёлнинг нозик бармоқлари ва қадимий обдастага тикилди. «Қандай ажойиб уйғунлик. Ҳар иккиси ҳам бебаҳо... Эҳ, қани энди ҳар иккиси ҳам меники бўлсайди...»

– Кетишди! – дея ҳовлиқиб кириб келди Олимиддин ҳам Омонулланинг ширин хаёлларини тарс бўлиб. – Мен ўзим кечки пайт уларнинг олдига ўтадиган бўлдим.

– Яхши қилибсиз, бўлмаса, ўтакалари ёрилиб кетарди.

Улар ўз тактикаларидан ғурурланиб кулиб олишди.

– Олимиддин!

– Лаббай, устоз!

– Мафтунахон бизни келишмайди деб тушлик тайёрламаган эканлар. Ҳалиги кашани емай бекор ташлаб келибмиз-да.

Олимиддин хохолаб кулиб юборди. Шу пайт дарвоза тақиллади. Тиллаевнинг «Ассалому алайкум!» дея кал боши кўринди.

– Йўк, устоз! Ана келди, энди еймиз! – деди йигит кулгисини давом эттириб.

Ҳақиқатан ҳам эшиқдан Тиллаев Асовиддин Оловиддинович билан ўғри мушукдай шумшайиб кириб келишди. Тиллаевнинг кўлида газетага ўроғлик ўша коса бор эди.

– Ие, Асовиддин, бор экансиз-ку, мундоқ йўқлаб турсангиз ҳам бўларкан-ку! – деди Омонулла косага ишора қилиб, самимий куларкан. – Бир сизлар билан ҳазиллашиб кўяй дедим-да.

– Э, ҳазилингиз билан бор бўлинг, – деди Тиллаевнинг кўнгли жойига тушиб.

– Қани, келинлар, ўтиринлар-чи.

Улар стол атрофига ўтирдилар ва бўтқани кўйиб енгил фотиҳа килдилар.

– Мафтунахон!

– Ҳув!..

– Чойингиздан олиб келинг-чи! Шакар ҳам бўлсин, шакар...

– Ҳўп бўлади, мана ҳозир.

– Энди тушлик тайёрламай кўяверинг. Ризқимиз ўзи орқамиздан кириб келди. Битта кулча олиб чиқсангиз, бас.

Мафтуна «бировакат тайёрлаб келибди, шекилли» – деб





тушуниб, ликопча, қошиқ, санчки билан чиқиб келди ва ташриф буюрган раис ўринбосари ва маориф мудирлари билан илиқ саломлашди. У ликопчаларни чакконлик билан меҳмонлар олдига қўйиб, газетани очди ва ярим коса бўтқани кўриб ҳайрон бўлди. Бу пайтда Омонулла Олимиддиннинг ўзи ошхонадан олиб чиққан кулча нонни майдалади сўнгра овқат устига шакар сепиб, уни яхшилаб аралаштирди.

– Қани, меҳмонлар, олинлар-чи. Уялиш, тўхташ йўқ. Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм, – дея Омонулла нишолдага ўхшатиб нон ботириб ея бошлади. Тиллаев ва Асовиддинлар бир-бирларига ўгринча ҳайратланиб қараб олдилар.

– Қани олмайсизларми, бориға барақа-да, – деди Олимиддин ҳам устоз изидан жиддий эргашиб.

Икки «нозик меҳмон» ҳам кўллари калтираб овқатга қўл уришди, лекин томоқларидан ўтмай, овқатнинг ўртада сарсон бўлиб қолганини бўзарган юз-кўзлари шундок айтиб турарди.

– Вой ўлмасам, худди ёш болага ўхшайсизлар-а, – деди Мафтуна ва шарақлаб кула бошлади. Унинг кулгуси шундай бегубор жаранлар эдики...

– Нима бўпти? – деди Омонулла. – Бу болаларнинг овқати, фақат шақари йўқ экан, холос. Нима дедингиз, ўртоқ Тиллаев?

Тиллаев тикилиб қолди шекилли, оғзидан жавоб ўрнига бир мунгли гўлдираш эшитилди.

– Жа опқочасиз-да, Омонулла Жўраевич! – деди Асовиддин бу оғир ҳолатдан ҳазил билан чиқиб кетишга йўл кидириб.

– Менинг кайфиятим бугун негадир яхши, – деди Омонулла бўтқани шاپиллатиб тушираркан.

– Хаҳ, хайрият-ей, одамни чўчитиб юбордингиз-ку! – деди Тиллаев ниҳоят тилга кириб.

Шу тарика тўртовлон болалар бўтқасини ялаб-юлкаб ташлашди.

– Олимиддин, – деди Омонулла кўтаринки руҳда. – Қачонлардир тўртовимизнинг ярим коса овқатни бирга баҳам кўрганимизни келажак авлодларга айтиб берарсиз.

Ҳаммалари кулиб юборишди. Мафтуна ҳам эркакларнинг бу ўйинига фаҳми етмай, нимтабассум билан чой қуйиб узатди.

– Кашадан кейин чой жуда яхши кетади, дейишади, – деди жувон тавозе билан.

– Мана бу гап, ҳақиқий болалар мутахассисининг гапи бўлди, – деди Омонулла жиддийлашиб, узатилган пиёлани кўлига оларкан.

Шу пайт дарвоза тақиллаб, кимнингдир чақирган товуши эшитилди. Олимиддин ирғиб туриб, дарвоза томон ошиқди ва кўп ўтмай қайтиб келди.

– Кишлоқ қурилиш трестининг бошлиғи Чўлиев экан.

– Айтинг, келаверсин.

Олимиддин Чўлиевни бошлаб кирди. У даврадагилар билан илиқ кўл олишиб чиқди.

– Қани, шу хонадондан, шу кишлоқдан, шу тумандан файзу барака кетмасин, Аллоҳу акбар, – дея дуо қилди Омонулла.

– Айтганингиз келсин, – деди бошқалар.

– Мана бу сизнинг насибангиз, – деди Омонулла бир тишлам кулча нон бўлагини Чўлиевнинг олдига суриб қўяркан.

– Йўк, раҳмат. Ҳозиргина тушлик қилгандим.

– Биз ҳам қилдик, – деди Олимиддин.

– Ярим коса кашани паққос туширдик, – дея Асовиддин кўшиб қўйди.

Ҳаммалари қулишаркан, Чўлиев ўртада ялаб қўйилган косани кўриб ҳайрон бўлди ва нон бўлакчасини олиб косанинг тагига суртиб тозалаб еди ва пиёладаги чойни ҳам қуйиб косани чайиб ичиб қўя қолди. Бу қутилмаган ҳолатдан Омонулланинг боши кўкка етди ва ўрнидан туриб Чўлиев билан кучоклашиб кўришди.

– Яшанг, ҳақиқий мард йигит экансиз! Ана энди, Олимиддин, каша еганлар сафига бу кишини ҳам қўшиб қўйсангиз бўлаверади.

Самимий кулги кўтарилди. Бу орада Мафтуна тез тайёрланган картошка қовурма ва шакаробни келтирди. Тўпланганлар уни кўтаринки кайфият ва иштаҳа билан едилар. Икки шиша коньяк ҳам ичилди. Омонулланинг бу илк бор катгарок даврада очилиб ўтириши эди.



– Омонулла ака, сиз бизга кашангиздан едириб, қарздор қилиб қўйдингиз. Энди бугун биз сизга бир палов дамлаб берайлик, – деди Чўлиев.

– Ҳа, тўғри. – дея тасдиқлади Тиллаев.

– Йўқ, каша меникimas, Тиллаевники эди. – деди Омонулла ва чўнтагини кавлаб бир пачка пул чиқариб ташлади. -- Олимиддин, бугунги ош мендан. Мана бу пулни Аҳаджонга беринг. яхшилаб харажат қилиб келсин.

Дастурхон атрофидагилар норози оҳангда барабар ўринларидан туриб кетишди ва «бозор» қила бошладилар.

– Тўхтанг! Гапим гап! – деди Омонулла ўзини кайфи бордай кўрсатиб.

– Хўп бўлади, устоз, – деди Олимиддин қолганларга «жим, тек ўтираверинглар» деган маънода.

– Мен шунча кундан бери тузларингни еяпман, бирор марта ош қилиб берсам нима бўпти?! – деди Омонулла кўзлари сузилиб.

– Бўлмаса, мундок қиламиз – деди Асовиддин ташаббусни ўз қўлига олиб. – Палов кечки пайт бўлади. Унгача ўз ишимизга бирров ўтиб келамиз, Омонулла акам дам олиб турадилар.

– 18-00 да ҳамманг шу ерда бўласанлар! – деди Омонулла бармоғи билан дастурхонни кўрсатиб. – Фақат менинг бир илтимосимни бажариб келасанлар.

– Нима экан? Албатта бажарамиз, – деди Асовиддин.

– Нима учун Болтавой аканинг мана шу кишлокда мактаб қуриб бериш тўғрисидаги арзи қондирилмаган? – деди қутилмаганда Омонулла Тиллаевнинг кўзларига тик бокиб.

– М-маблағ бўлмаганда. ўзингиз тушунасиз-ку.

– М-маблағ. албатта б-бўлади. Мана, мен топиб бераман, ўша маблағни, тушундингизми?

Асовиддин сергакланди:

– Омонулла Жўраевич, бу ҳақда ҳали кечки пайт гаплашайлик, илтимос.

– Бўпти, келишдик. Лекин кечки пайтгача мана бу йигит, – деди у Чўлиевни кўрсатиб. – Манави окам билан бирга – дея Тиллаевнинг елкасига қўлини қўйиб, – облархитектурага

бориб энг яхши мактаб лойихаларидан олиб, тахминий смета хужжатлари билан келишсин. Биргаликда уни кўриб чикамиз, сўнг ижрокўм қарор чикаради. Қарорга асосан маориф ҳам ўз буйруғини чикаради, фақат директорни мен тайинлайман, келишдикми?

– Офарин! – деб юборди Асовиддин қарсак чалиб, қолганлар ҳам унга кўшилдилар. – Сиздай хурфикр инсоннинг садағаси кетсанг арзийди. Мингдан-минг раҳмат сизга, акажон!

– Лекин бу ҳозирча орамизда сир бўлиши керак. Ҳатто Болтавой ака ҳам билмасин, т-сс..., – деди Омонулла бармоғини лабига қўйиб.

– Демак, «сюрприз» қилмоқчи экансиз-да-а? – сўради Олимиддин.

– Ҳа, худди Мирбадал Бокиевич Болтавой акадан менинг кимлигимни яширгандай.

Орада «гур» этиб кулги кўтарилди ва яқин орада бўлган ишларни эслашиб ҳам ихтиёрий, ҳам мажбурий кулишдилар.

Болалар бўтқаси бўйича «хамтовоклар» тегишли топшириқларни олишгач, окшомги паловхўрликка яна йиғилиш шарти билан дастурхонга фотиҳа қилишди. Олимиддин ҳам ишхонасига бориб аттестациянинг бориши ҳақида туман фаолларининг йиғилишини ўтказиб келишга отланди. Мафтуна ошхонада яна қандайдир овқатга уринмоқда эди. Болтавой ака бўлса қайси бир қариндошиникига тўйга кетганди.

\* \* \*

Омонулла ётоғига кирди-да, йиғилган дипломатларни бир-бир олди ва ёш боладай гилам устига чўккалаб ўтириб, тушган пулларни хафсада билан тахлай бошлади. Конвертларни ва ўрам қоғозларни шошилмай очиб, уларни кимлар берганлигини бир-бир эслаб, мийиғида кулиб кўяр ва камоқхона барагида хаёлига келган бизнес-режасининг ҳозирги пайтида амалга ошаётганидан беҳад хурсанд эди.

– Демак, менда истеъдод бор! – деди у ўзича ишларидан кўнгли тўлиб ва гурурланиб. – Тўғри-да, кимдир истеъдо-



дини қандайдир қоғозни қорайтириб шеърми ёки бирор романми ёзишга, сурат чизишгами-ей, ёки бўлмасам сахнада роль ўйнашга сарфлайди. Мен бўлсам, буни ҳар томонлама фойдали бизнес учун сарфлаяпман. Ҳамма хурсанд. Ҳатто ўз кўллари билан «Буни олиб кўйсинлар, ока»... «Ортик-камига рози бўлсинлар», «Яна қанақа хизмат бўлса қилаверамиз» деб мингдан-минг рози бўлиб беришяпти. Демак, бу пулларни мен ҳалол топаяпман. Баҳонада амалдорларда ҳам масъулият ҳисси ошяпти, ўтирган «кресло»сининг кадрига яна бир бор етишяпти. Аттестацияларга тайёргарлик кўриш баҳонасида, эҳтимол, сиёсий ва бадний адабиётларни кўлга олиб бир сидра кўз югуртириб чиқишга мажбур бўлишаётган бўлишса ҳам ажабмас. Натижада, сиёсий онглари, маънавий дунёқарашлари янада такомиллашиб, малакалари ошяпти. Мана шу хизматларим учун, эҳтимол, имкониятларига қараб менга «хизмат ҳаким»ни ҳам беришяпти. Бунинг нимаси ёмон? Бунинг устига, ўз ҳаётимни хавф остига қўйиб таваккал қилаяпман. Халқни зулукдек сўриб, фаровон ҳаёт кечирishiга ҳалакит қилаётган Оқбердиевга ўхшаган овсар раҳбарларни ўз ишидан четлатиш билан мен халқ манфаати учун катта иш қиляпман, – дея Омонулла пулни санаб, ўзига ўзи далда берарди. – Мен ҳали халққа, худо хоҳласа, кўп хизмат қиламан. Мана, Болтавой акани олайлик. Қандай ажойиб инсон? Ўзи учун эмас, бошқалар учун қуйиб-пишиб яшаркан. Қишлоғига мактаб қуриш унинг бирдан-бир орзуси... Мен шу чолни қандай қилиб бўлмасин хурсанд қилмоғим, иложи бўлса ҳозирги «мавқеим»дан фойдаланиб, у кишининг орзусини рўёбга чиқармоғим керак. Агар шундай қила олсам, менинг қилган барча гуноҳларимни Яратганнинг ўзи кечиради. Мактаб қурилса, айникса, Мафтуна ҳам хурсанд бўлади. Уни шу мактабга директор этиб тайинлаб, маориф бўлимининг буйруғини ҳам чиқартириб олишим керак... Хўш... уч юз минг сўмга яқин маблағ бўпти. Қизик, мактаб қурилиши учун қанча пул кетаркин? Бу ҳали лойиҳа-смета ҳужжатларини олиб келишса, маълум бўлади. Мабодо кам бўлса, захирада нефть базаси ҳам бор...

У фикран шундай теран ўйлар билан ташқарига чиқди. Ўзини илк бор бу хонадонда кушдай енгил ҳис қилди. Роҳатланиб керишди. Димоғига ёқимли таомнинг хиди урилди. Шу маҳал Мафтуна чой кўтариб чиқди.

– Ие, вой, меҳмонлар қани?

– Кўрдингиз-ку, улар бўтқа ялаб тўйиб кетишди.

– Вой ўлмасам, – дея кулиб юборди киз. – Нега ундок қилдингиз, мени уялтириб?

– Вой, нега энди сиз уялар экансиз, асалим? – деб юборди Омонулла беихтиёр.

Мафтуна «ялт» этиб қаради ва «Асалим» сўзини эшитмаганга, билмаганга олди.

– Ахир, улар айтишмайдими «Болтавой аканикида меҳмонни шунақа кутиб олишаркан» деб. – Мени кўп уятга қолдирдингиз-ку, одам бўлмай кетинг... – дея нозланди Мафтуна.

– Хавотир олманг, окшом уларга ўзингиз палов дамлаб берасиз ҳали.

– Ие, улар яна келишадими?

– Ҳа, албатта, сизни хижолатга қўймаслик учун атайин палов егани келишади.

– Вой, майли, ундай бўлса, бош устига, – деди жувон самимий.

– Бу овқатингиз жуда бошқача шекилли-а?

– Ҳа, ўша сиз ёқтирган мошхўрда-да.

– Оҳ-оҳ, бирга овқатланамиз бўлмаса.

Мафтуна «Майлига» дея чакқонлик билан ўша областани келтирди.

– Келинг, кўлингизни ювиб ола қолинг, акажон.

Бу дақиқаларнинг киёси йўқ эди. Аёл жилмайиб сув қуяркан Омонулла унинг тилла узук таккан бармоқларидан кўз узолмас, негадир бу дақиқаларнинг ҳеч қачон тугамаслигини жуда-жуда истар ва қайта-қайта кўлини чаймоқ учун атайин узатаверди.

– Вой, бўлди энди, ҳадеб кўлингизни чўзаверасизми?

– Нима бўпти? Савоб қилсангиз, охиригача қилинг-да. Нима қиласиз тагида қолдириб, – деди Омонулла юзини ҳам чайиб оларкан.

Мафтуна ҳам бирдан болаликдаги шўхлиги тутиб кетдими, тўсатдан идишдаги сувнинг ҳаммасини Омонулланинг бошидан ағдариб кўя қолди.

– Ана бўлмасам! Сизга савоб керакми ўзи?! – деди-да, шодон кулиб ошхона томон югурди.

Омонулла ҳам аввалига бир сесканди, бироқ у бу ҳазилдан қувониб кетди ва стол устидаги кашадан бўшаган косани олди-да, худди ёш боладай чопиб бориб ҳовли ўртасидаги «Чоптириб турган бола» ҳайкалчанинг булбулчасидан сув тўлатиб кизнинг ортидан югурди. Мафтуна бу пайт кулиб капгирни кўлига олаётган эди, ҳеч кутилмаганда Омонулла кириб келиб унинг чиройли оппоқкина бўйнидан муздек сувни кўйиб юборди.

– Вой!!! – деб юборди қиз, оғзи билан кўзлари катта-катта очилиб ва ортида тиржайиб турган Омонуллага кўзи тушди. – Ҳали шунақами?! – деди у ҳам пакирдан бир чўмич сувни олиб Омонуллани қува кетди. Бунақа қувноқ шовқинни кутмаган ҳовлидаги товуклар патиллаб учдилар, кўрадаги кора кўчқор ҳам хуркиб, бир диконглаб кўйди. Тухум босиб ётган курк товук эса қоқолаганча патиллаб учишга мажбур бўлди. Ниҳоят, «хўроз» «макиён»ининг билагидан тутиб олгандек бўлди:

– Вой, кўйиб юборинг, жинни, – деди шалаббо бўлган Мафтуна.

– Сизнинг ўзингиз мени жинни килиб кўйдингиз, Мафтунахон, – деди Омонулла хансираб, – Менга тегинг. Сизни чиндан ёктириб қолдим. Мақсадим жиддий. Болаларингизга ота бўлай...

– Вой ўлинг, одам бўлмай... – дея жувон унинг кўлидан сирғалиб чиқиб, хонасига кириб кетди.

Омонулла бир жиҳатдан кизнинг ортидан қувиб киргиси ва «савоб ишни охирига етказиб кўйгиси» ҳам келди. Ёшига хос иш эмаслигини англадими, шаштидан қайтди. «Энг муҳими, дил изҳори қила олдим-ку, шунинг ўзи жуда катта гап, – дея ўйлади Омонулла. – Энди янги ҳаёт бошласам бўлаверади».

Омонулла кўйлагини ечиб дорга илди ва мамнун бўлиб, ҳафсала билан сочиққа артина бошлади. Мафтуна кийимини алмаштириб чиқди-да, гўё ҳеч нима бўлмагандай жиддийлик билан дастурхон ҳозирлай бошлади.

– Ўтиринг, овқатланиб олинг, – деди у мулойимлик билан.

– Сиз ҳам ўтиринг, бирга овқатланамиз... – деди Омонулла ҳам «асалим» деб юборишдан ўзини базўр тутиб.

– Йўқ, раҳмат, менинг ишларим бор.

– Ундоқ қилманг. Сизсиз томоғимдан туз ҳам ўтмайди, ахир.

– Вой ўлақолинг. Сиз – эркаклар ўзи шунақасизлар. Сал эрк бердингми, балога қоласан...

– Узр Мафтунахон, айб менда.

– Йўғ-е, менинг ўзим бошладим, шекилли, – деди жувон кулиб.

– Билмасам, эсимда йўқ, – деди Омонулла мунғайиб елкасини қисиб.

Унинг бу аҳволдан Мафтуна шодон кулиб юборди. Хуллас, икковлари тушлик баҳона, дилдан ширин суҳбат курдилар.

Ўртада илик муносабат пайдо бўлган, Болтавой аканинг хонадонида муҳаббат шабодаси уфуриб, бу елвизак оҳоридан куртаклай бошлаган янги оила дарахтининг учи ҳам хиёл кимирлаётгандай эди...

\* \* \*

Мафтуна паловнинг зирвагини тайёрлай бошлагани ҳамона «офтобда каша ялаган» улфатлар бир-бир кириб келдилар. Чамаси, Омонулла берган топшириқлар ҳам беками кўст ба-жарилган эди.

– Мана тўрт хил лойиҳа олиб келдик. Иккитаси саккиз йиллик мактаб, – деди Чўлпиев папкаларни стол устига ёйиб қўяркан.

Омонулла лойиҳаларни бир-бир кўздан кечирди ва уларнинг умумий кўриниши акс эттирилган фасад қисмларини очиб қўйиб, худди музейда ажойиб асарни томоша қилаётгандай синчиклаб уларни ўзича таққослай бошлади.

– Ўрток Тиллаев, сиз ҳарҳолда соҳа мутахассисисиз, қайси бирини маъқул кўрган бўлардингиз?

Тиллаев лойиҳаларга худди билярднинг тошини тешикка мўлжаллаб отмоқчидек кўзойнагини тақиб, энқайиб бирма-бир тикилиб чиқди.

– Мана буниси дурустроқмикан, – деди у уч қаватли саккиз йиллик мактабни кўрсатиб, Омонулла кутилмаганда Мафтунани чақириб қолди:

– Ҳой, ошпаз қиз!

– Ҳув! – дея жавоб қайтарди жувон.

– Бу ёкка бир қараворсинлар, қани!

– Хўп бўлади, хозир, – дея Мафтуна бир чойнак чой кўтариб чиқиб келди.

– Йўқ, чой керакмас. Педагог сифатида фикрингизни билмоқчимиз, холос. Мана буларни бир кўринг-чи.

Мафтуна бебаҳо ва бежирим тилла тақинчоқларни томоша қилаётган аёлдай лойиҳаларни кўриб кўзлари ўйнаб кетди.

– Вой, қандай ажойиб-а?!

– Қани, сиз қайси бирини танлаган бўлардингиз?

– Билмасам, – деди жувон худди совғалар кўплигидан ҳаяжонланган қиз боладай. – Ҳаммасиям яхши, қаерга қурилмоқ-чи ўзи?

– Шу ерга, маҳаллангизга, – деди Асовиддин гапга аралашиб.

– Вой, рости биланми, қандай яхши!

– Қани, танланг-чи, қизим! – деди Тиллаев ҳам буйруқ оҳангида.

Мафтуна лойиҳаларни ҳаяжон билан кўздан кечирди ва улардан бирини танлаб қўлига олди.

– Шуниси дурустмикан, – деди қиз тўртинчи синфгача тўғри келадиган чиройли мактабни кўрсатиб.

– Хўп, яхши, – деди Омонулла. – Нима учун айнан шуни танладингиз?

– Чунки маҳалламизга шу ҳам бўлаверади. Болалар каттароқ бўлгач, бошқа мактабга қатнайверишлари мумкин. Боғча билан бирга бўлса, янада яхши бўларди-да.



– Э яшанг, – деди Тиллаев. – Демак, бирйўла «мактаб-боғча» бўлсин демокчисиз-да, а?

– Ҳа, албатта. Аслида бу ҳам саккиз йилликдек бўлади. Яъни болани тўрт ёшдан қабул қилиниб, ҳам тарбиялаб, ҳам билим берилади. Бундан ташқари, мана бу саккиз йилликларнинг қурилиши учун беш юз элик минг сўм атрофида пул маблағи керак бўларкан. Бунисига бўлса, уч юз минг сўра-лаяпти.

– Э, койил! – деди Омонулла. – Нима бўлсаям аёл кишисиз-да, тежамкорликни яхши кўрасиз.

– Қурадиганларга ҳам, маблағ ажратадиганларга ҳам жабр бўлмасин, дейман-да, – деди шаддодлик билан Мафтуна.

– Менга маъқул, сизга-чи, ўрток Тиллаев?

– Маблағ топиб берадиганларга маъқул бўлган бўлса, биз-гаям маъқул-да.

– Сиз нима дейсиз, ўрток Чўлиев?

– Маъқул. Лекин бу лойиҳалар умумий кийматига ташқи электр, газ, сув ва канализация тармоқлари киритилмаган. Фақат бино ва жиҳозлари, холос.

– Бу ёғи бизнинг ишимиз, – деди Асовиддин гурур билан. Бизгаям иш қолсин-да, ахир.

Даврадагилар самимий қулишди.

– Демак, келишдик. Мафтунахон, сизга раҳмат, энди бема-лол паловингизни дамлайверинг.

– Хўп бўлади, ҳозир ярим соатда тайёр бўлади.

– Бўлмаса, гап бундай, – деди Омонулла даврадагиларни стол атрофига ўтиришга таклиф қилиб, Олимиддинни эса ўз олдига имлади. Сизларга айтсам, ўша уч юз минг сўм маблағни бир саховатпеша инсон хайрия сифатида бермоқчи.

– Йўғ-е, буни қаранг-а! – деб юборишди даврадагилар ажабланиб.

– Ҳа, дунёда шунақа саховатли инсонлар ҳам баъзан учраб тураркан.

– Лекин бу ишдан бирор мақсади ҳам бордир, албатта, – деб сўради Асовиддин эҳтиёткорлик билан.

– Ҳа, кичкина шарти бор экан, холос.

– Нима шарт экан? – сўради Тиллаев кизиксиниб.

– Мана шу курилажак мактаб раҳбари у билан келишилган ҳолда тайинланади. Бу ҳақда шартномага ёзиб қўйилади.

– Жуда маъқул. Шу холосми? – деб сўради Асовиддин.

– Шу холос. У пулни курилиш ташкилотига топширади. Уч томонлама шартнома тузилади ва барча қоғозлар Давлат нотариуси орқали тасдиқланади.

– Демак, у ўз шахсий маблағини берадими? – сўради Чўлиев.

– Ҳа, албатта. – Сиз уни банк орқали ўзингизга кимир килиб, тегишли ҳужжатларни тайёрлаб берасиз. Бош пудратчи сифатида шартномангизни шу бугуноқ тайёрлаб, менга олиб келиб беринг. Мен эртага ўша «ҳомий»ни чакиртираман. Олимиддин, сиз ҳам ижрокўм ва маориф бўлими билан шартномани тайёрланг.

– Хўп бўлади. – деди Олимиддин блокнотини шоша-пиша корайтираркан.

– Ана энди ошни есак ҳам бўлади, – деди Омонулла кўлларини ишқаб. – Бир кўлларни чайиб олайлик-а. Лекин бу сафар савобни мен тўлик олмоқчиман.

Омонулла ўзи бориб кираверишда каккайиб турган Болтавой аканинг ноёб обдастасини кўлига олди. Бу кутилмаган ҳолатни кўриб даврадигилар худди бомба портлагандай дабдурустдан ўрниларидан туриб кетдилар ва Омонулланинг атрофида «Менга беринг. Мен куяман» – дея парвона бўлавердилар.

– Йўк, мен савоб олмоқчиман! – деди Омонулла жиддий. – Қани, ўртоқ Тиллаев, марҳамат қилсинлар!

– Қани, бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм, табаррук кўллари-дан-а... – дея кўлини чая бошлади туман маориф бўлимининг бошлиғи. – Кўп раҳмат. Бизни анча хижолатга қўйдингиз-да.

– Ҳеч қандай хижолатчилиги йўк. Қани, Асовиддин Оловиддинович, марҳамат қилсинлар!

– Э, йўғ-е, қандай бўларкин, хўжайин, – деди у довдираб. – Менга берақолинг.

– Йўқ! – дея яна хитоб қилди Омонулла Жўраевич. – Мен, худо хоҳласа, бундан буён фақат савобгарчилик учун яшамокчиман!

Кўлни юваётганлар бир-бирларига маъноли қараб олдилар ва пойтахтлик меҳмоннинг гапини ҳазилга йўйдилар. Шу маҳал ярим қоп урни елкасига ташлаб Болтавой ака кириб келди ва Омонулла кўрсатаётган «мулозамат»дан ҳайрон бўлди, бироқ обдастасининг азиз меҳмонларга яна хизмат қилаётганини кўриб қувониб кетди:

– Эҳ-ҳе, келинлар-келинлар, азиз меҳмонлар!

– Ўзингиз келинг, отахон, қани кўлларни чайиб олсинлар-чи, – деди «нозик меҳмон» илтифот билан.

– Э йўқ, сувни мен қуяман, – деди Болтавой ака қопни бир четга кўйиб.

– Йўқ, – деди Омонулла офтобани орқасига яшириб. – Савобни отамга ҳам бермайман, ҳаммаси ўзимга бўлади, – деди жиддий оҳангда.

Ҳамма кулиб юборди.

Чол аввалига ноёб идишидан айрилиб қоладигандай бир чўчиб тушди.

– Оббо, шайтон бола-ей, шунақами? – деди у ҳам кўлини оҳиста сувга тутаркан.

Хуллас, ҳазил-мутойиба ва аскиябозлик билан палов ҳам ейилди. Болтавой ака яхши тилаклар билдириб, дастурхонга фотиҳа қилди. Кетаётган меҳмонларга Омонулла яна ҳафсала билан сув қуя бошлади:

– Менга отам «савоб қилсанг – охиригача қил», деб айтганлар.

Ҳаммалари хурсанд бўлиб кетдилар. Болтавой ака ҳам қайси бир оғайнисиникига бориб келишини айтди.

– Олимиддин, сиз машинкада ҳозироқ халиги айтган шартномани тайёрланг, хўпми? Уч нусхада бўлсин.

– Хўп бўлади, устоз, – деди Олимиддин ва жонасига кириб кетди.

Омонулла ёлғиз қолди ва сигарета тутатиб хаёлга толди. Анчагина гап-сўз, ҳазил-мутойибага сабабчи бўлган идишга кўзи тушди. Уни аста бориб кўлига олди-да, айлантириб, синчиклаб кўздан кечирди.

– Қойил! – деди у ўзича. – Бу идиш неча минг одамларнинг кўлига сув қуйган экан-а, кизик?.. Нақшлари ҳам ажойиб экан. Қорайиб кетибди, фақат дастаси ушланавериб сийқаланиб копти. Буни тиш ювадиган порошок билан тозаланса, ҳаммаёғи ялтираса керак. Бир тозалаб кўрсаммикан-а?.. Сочик билан ишқалаб кўрди ва аскарлик йилларида камари ва тугмаларини тиш пастаси билан артиб ялтиратганлари ёдига тушди. Бундан ўзи ҳам хурсанд бўлиб ҳаммом сари йўл олди. Ҳақиқатан ҳам ишқаган жойи ялтираб, кўзни қамаштира бошлади. Шу зайл бу машғулот билан алламаҳалгача уринди. Гўё ўзини ҳаммомда чўмилаётган қилиб кўрсатиш учун сувларни очиб қўйди. Кўп ўтмай унинг кўз ўнгида бежирим товланиб турган қимматбаҳо идиш пайдо бўлди. У бир оз ўз ишидан лол бўлиб турди. Аммо негадир идишни бу ерда қолдиргиси келмади. Уни сочиғига ўради-да, гўё ювиниб чиққан киши бўлиб ҳаммомдан «курук» чиқиб ўз хонаси томон кириб кетди ва бебаҳо буюмни бир четга яшириб қўйди...

Хонасидан чиқиб келганида Олимиддин айтилган ҳужжатларни тахт қилиб қўйган экан.

– Ўша «ҳомий киши»нинг исми-шарифи, паспорт рақамларини қўйиш қолди, холос, – деди Олимиддин.

– Ҳа балли, ўша жойларга чизикча қўйиб кўя қолинг. Шартнома уч томонлама бўлдим, ишкилиб?

– Ҳа. Райижроқўм қурилишни ташкил қилиш, сув, газ ва энергия тармоқларини улаб беришини, «ҳомий» шартларини бажариб бериш ҳақида қарор чиқаришни ўз зиммасига олади.

– Қарор лойиҳасини ҳам тайёрладингизми?

– Ҳа, тайёрладим, фақат ўша «ҳомий»нинг хос рақамлари етишмаяпти, холос.

– Хўп яхши, маориф-чи?

– Туман маориф бўлими бинони ўз балансига қабул қилиб, уни мутахассис кадрлар, керакли ўқув жихозлари ва бошқалар билан таъминлаш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаб, замонавий илмдан сабоқ беришни ўз зиммасига олади.

– Мактаб раҳбарини тайинлаш ҳақидаги бандни ҳам қўшдингизми?

– Ҳа, кўшдим.

– У ерга бўлгуси мактаб раҳбарининг исм-фамилиясини ҳам кўшиб кўйинг, бу ҳақидаги маориф бўлимининг буйруғини ҳам тайёрланг.

– Хўп бўлади, лекин кимни?..

– Хўш... – деди атайин бош қотириб Омонулла. – Мана шу Болтавой аканинг қизи Мафтунахонни кўйиб кўяверсак қандай бўларкин, нима дедингиз?

– Яхши фикр, лекин ҳали у кишининг иш стажини етмайди-ку.

– Етади. Мен айтдим, бу ерда илгари бундай мактаб бўлмагани унинг айби эмас.

– Хўп, тушунарли, «Болтабоева Мафтунахон» деб ёзиб кўямиз.

– Ҳа, баракалла, ўзингиз ҳам жа ақлсиз-да, Олимиддин. Хўп, сиз энди шу ишларни қилинг-да, кейин ҳалиги бормоқчи бўлган жойингизга ўтиб келинг, хўпми. «Рағбат»ни кўпроқ ундиришга ҳаракат қилинг.

– Э-ҳа, эсим курсин, Кўпайсинов, ахир, мени кутаяпти-ку. Айтмоқчи, унга нима деб айтай?

– Хўш, у кишигами? «Мен Омонулла акадан илтимос қилдим, денг, «Республика прокуратурасидан одам чақиртирмай ўзингиз хал қилиб кўя қолинг. Кўпайсинов обрўли, яхши одам, хизматингизни қанча бўлса ҳам қилаверади» деб айтдим, денг.

– Хўп, ўша хизмат-чи, – деб сўради Олимиддин хижолат бўлиб. – Қанча бўлади?

– Қанча бўларди? Уч ҳиссада-да...

– Эҳ-хе...

– Нима бўпти? Хохламаса «катта кўча»...

– Бўпти, тушунарли. Мен бориб келай бўлмасам.

Омонулла Олимиддинни ташқаригача кузатиб кўйди.

– Мабодо гаплари ҳалигидай норозироқ қайфиятда бўлса, уларни кўндиришга уринмай, терс ўгирилиб қайтиб келавринг. Фақат эрталабгача муҳлат денг, хўпми.

– Хўп бўлади, – деди Олимиддин машина эшикларини ланг очиб кўйиб пишиллаб ухлаб ётган Аҳаджон сари йўналар экан.

Омонулла навбатдаги сигаретасини тутатгунга қадар ма-



шина жойидан кўзгалди. Беихтиёр теварак-атрофни олазарак кузатаркан, «Ундириб келсин-да, ишқилиб», деди у ўзича, Сал нарироқдаги кенг майдончада болалар футбол ўйнашаётганди. Майдончанинг чети анҳорга туташган, унинг нариги томони бўлса, пахтазор экан. Омонулла ўша томонларни бир айланиб келгиси келди. «Мактаб қурилиши учун маъкул жойга ўхшайди, – деди у ўзича. – Бу ёғи кўча асфальтланган, газ, сув келтирилган. Болтавой аканинг ўзини аввал қурилишга, кейин мактабга қоровул қилиб қўйилса, нур устига нур бўларди-да». У кўлини орқасига қўйган ҳолда атрофни кузатаркан, мийиғида кулиб қўйди.

– Жуда, кизик бўлади-да, – деди у овозини чиқариб ва ширин хаёлларга берилди. – Мактаб директори Мафтуна Болтаева, худо хоҳласа, «Барноева», қоровул бўлса, Болтабой аканинг ўзлари.

– Тоғажон, тўпимизни тепиб юборинг! – деди бир болакай Омонулла хаёлининг оёғини осмондан қилиб.

Омонулла ўзидан сал нарида турган тўпни «келиштириб» бир тепди. Лекин тўп қийшайиб анҳор томонга учди.

– Тоғажон, сиз мободро қурилиш прораби эмасмисиз?

Омонулла бир сапчиб тупди. «Эски мижозларим мени қидирувга беришганми, нима бало?» – дея кўзларини аланг-жаланг қилиб теварак-атрофни шоша-пиша кузатди.

– Қ-канақа қурилиш?...

– Манави газ, асфальт, кейин Болтабой аканинг уйини ўтган ҳафта таъмирладиларинг-ку?..

– Ҳа-ҳа, унақа бўлса, ўша менман, нимаиди? – деди Омонулла атайин болакайнинг муддаосини билиш мақсадида.

– Қийимларингиз бизникида турибди, чўнтагида «гувоҳнома» нгиз ҳам бор экан, олиб келиб берайинми?

– Ҳа-ҳа, опкелақол, – деди «прораб» ва томдан тушган тарашадек довдираб турган болакайга қизиксиниб қаради.

Болакай «Болалар, мен ҳозир, уйга бориб келай!» дея қичкириб аллақаякка қараб чоқди. Омонулла майдончани бир айланиб «Тамом, мактаб шу ерга қурилади», – дея бир қарорга келиб бўлгани маҳали ҳалиги бола бир қатор уст-бош солинган пакетни кўтариб келиб қолди.

– Мана, манави костюмнинг ён чўнтагида хужжати бор экан, – деди жиддий.

Омонулла «гувоҳнома»ни кўлига олди, олди-ю бир дақиқа котиб колди. Чунки бу хужжат Бошқўргон туман ижроқўм раиси Мирбадал Боқиевичга тегишли эди.

– Бир ҳафта бурун бизникида кийимларингизни алмаштирган экансиз, ойим айтдилар.

– Ҳа-ҳа, тўғри, яхши қилибсан, ўзим бугун сизларникига ўтмоқчи бўлиб турувдим, – деди Омонулла ҳам довдираб ва алланималарни ўзича режалаштирди. – Мана бу ерга... айтгандай, исминг нима эди? – деб сўради боладан атайин уни чалғитиб ишонтирмоқ учун.

– Хуршидбек.

– Мана бу ерга, Хуршидбек, худо хоҳласа, сизларга янги мактаб куриб берамиз.

– Ростдан-а? – сўради болакай ва кутилмаган бу янгиликдан севиниб кетди.

– Болалар! Бу ерга бизга мактаб куриб беришаркан! Мана, прораб тоға айтдилар, ур-ре!!!

«Ҳа, мен асли ўзи эски «прораб»ман», деб кўйди Омонулла ўзича.

Болалар кувониб кетишди. Тўп ўйини ҳам тўхтади.

– Стадиониям бўладими?

– Албатта бўлади.

– Қурилиш қачон бошланади?

– Худо хоҳласа, янаги ойдан.

– Ур-ре, мактаб қуриларкан! – дея болалар қичқириб бу янгиликни тезроқ бошқа болалар ва маҳалла аҳлига етказиш учун ошиқдилар.

Уст-бош солинган пакетни кўтариб Омонулла ҳам ўз «кошонаси» томон шошилди. Касалхонада ётган Мирбадал Боқиевичнинг уст-бошлари бу ерда пайдо бўлиб қолиши жуда ҳам жумбоқ эди.

«...Ҳа, ижроқўм раиси менга ўхшаб кетаркан, – деди у ўзича «гувоҳнома»сидаги суратга тикиларкан, ён чакка сочларидаги

оклигининг бир хилда эканлигига эътибор бериб. – Демак, у кишининг кийимини кийиб оз-моз гримм қилсам, қарабсизки, ижроқўм раисига айланишим ҳеч гап эмасга ўхшайди. Энг муҳими, расмий ҳужжати ҳам, депутатлик нишони ҳам бор».

«Керакли тошнинг оғирлиги йўк», – деди Омонулла ўзига таскин бериб ва уст-бошларни ҳам қадимий идиш турган жойга яшириб қўйди. Шунини айтадилар-да, «худо бераман деса, эрга тегмасаям бераверади» – деб, деди у ўзича кулиб.

## НОТАРИУС БИЛАН «ТЎҚНАШУВ»

Омонулла режалаштирган ишларининг бу ёғи ҳамирдан қил суғуриб олингандан сўнг пиширилган чучварани ютилганидай осон кечди. Эрта тонгда Кўпайсиновнинг шахсан ўзи нонуштага бир коса янги қаймоқ ва тўрт дона иссиқ кулча нон билан қуллук қилиб кириб келди. Қолаверса, бир папка «нуқсоннома» ва «бир дипломат»ни ҳам эринмай ташлаб кетди, «бечора»...

Нонуштадан сўнг Олимиддин Аҳаджон билан ғиз-ғиз юришиб қурилиш бўйича шартномаларга ҳам имзо қўйдириб, муҳрлатиб келишди. Нотариусга эса Омонулланинг ўзи борадиган бўлди.

– Олимиддин, сиз «келди-кетди»ни ўзингиз эплаб турунг. Мен бориб «хомий» дўстимизни кутиб оламан. Ўзим уни тўғри нотариусга бошлаб бораман. Ҳарҳолда ҳужжатлар конуний бўлгани яхши-да, нима дедингиз?

Хуллас, банкка бир талай нақд пуллар топширилиб, қишлоқ қурилиш трестининг ҳисоб рақамига ўтказилди ва бу ҳақда шапалокнинг ярмидан ҳам кичикроқ паттани қўлга тутказишди.

Нотариус мудираси чиройликкина аёл экан. Айниқса, унинг қошларини чимириб жиддий гаплашиши Омонуллага маъқул бўлди. Худди кўғирчокнинг орқасидаги калитни бураб қўйгандек бошини кимирлатиб бир хил гапни ҳадеб қайтаравераркан. Қандай ажойиб...

– Давлат божи 7 сўм 32 тийин, хизмат ҳақи 1 сўм 21 тийинни банкка тўлаб, паттасини олиб келасиз. Кейин машинисткага хизмат ҳақига 20 тийин ташлаб кетасиз. – деди у «автоматик» тарзда бидирлаб.

– Банкка овора бўлиб яна бориб юраманми-а? Ўша пулни ўзларингга тўлаб қўя қолай, илтимос.

– Йўк, мумкинмас. Ҳар бирига алоҳида-алоҳида патта тўлдириб тўлаб келасиз. Ундан кейин сиз билан навбатингизга қараб гаплашамиз. Кўрмаяпсизми бечора одамлар кечадан буён навбат кутиб туришибди. Сиз бўлса, уялмай-нетмай бесўроқ худди раҳбарларга ўхшаб кириб келавердингиз. Одамда озгина виждон ҳам бўлиши керак-ку, ахир...

– К-кечирасиз, синглим, сиз мени танимадингиз, шекилли. Мен Омонулла Жўраевич бўламан.

– Мен Рухсора Раимовнаман. Биз учун, ўртоқ Омонулла Жўраевич, фуқароларнинг ҳаммаси бир. Қонун ҳам ҳамма учун баробар. тушунарлими?

– Ахир, мен hozиргина банкдан келаяпман. У ерга мана бу пулни топширгандим, – деди Омонулла сиполик билан аёлни қойил қолдириш мақсадида уч юз минг сўм нақ пул топширилгани ҳақидаги «кичкинагина» паттани узатиб. – Бир хомийлик қилгим келиб кетди-да, узр...

Нотариус паттага кўз югуртириб бир қизарди ва бир бўзарди, лекин пинагини бузгиси келмай, ўзининг ҳар қандай «кураш»га мардона туришга тайёр эканлигини намойиш қила бошлади. Бу кураш Омонулланинг назарида, таниш-билишларсиз давом этаётган қиличбозликка ўхшаб кетарди.

– Яхши, – деди аёл совуққонлик билан. – Бу сизнинг фуқаролик ҳуқуқингиз. Лекин мана шу қилган даромадингиз ҳақидаги ҳужжат борми?

– Ҳуж?..

– Ана шу мулкингизни кимгадир инъом қилаётганингиздан хотинингизнинг ҳам хабарлари борми?

– Н-нега?..

– Чунки у киши ҳам шу мулкка тенг шериклик қилади-да.

– Ахир, бу мулкни менга «ҳадя» қилишди-ку...

– Ким ҳадя килди? Ўша «ҳадялар» берилганлиги ҳақида нотариус тасдиқлаган шартномалар борми?

– Қанақа шартномалар?

– Ҳадяни неча кишидан олгансиз ўзи?

Омонулла бармоғи билан санай кетди. Асовиддин, Кўпайсинов, Хуррамов, Бакиров... Тахминан эллик кишидан.

– Ҳа, ҳали аниқ билмайсиз ҳам. Хуллас, ўша эллик киши билан тузилган шартномаларни олиб келасиз, қолаверса, уларнинг турмуш ўртокларидан ҳам розилик хати бўлиши шарт.

Омонулланинг капалаги учди ва бу капалак унинг назарида гўё чироқ каби порлаб турган «бюрократгина» опанинг пешонасига урилиб парча-парча бўлиб кетди. У чаккасидан чиқа бошлаган совуқ терларни артаркан, «Астағфируллоҳ... – деб юборди. – Наҳотки неча-неча амалдорлар менинг соямга қуллуқ қилиб туришган бўлишса-ю, мана шу жиккаккина аёлга бас кела олмасам-а?...»

– М-мен... – дея олди у зўрға.

– Бўлди, вақтимни олманг, – деди аёл хўмрайиб ва эшик томон кичқирди: – Навбатдаги фуқаро, марҳамат қилинг!

Чол-кампир билан бир йигит ўқдай кириб келишди ва навбатсиз кириб келгани учун Омонуллага еб юборгудай қарашди. Тарвузи кўлтиғидан тушган Омонулла хужжатларини олиб ноилож чиқиб кета бошлади. «Озгина узатсаммикан-а? Лекин энди қандай қилиб? Пулни кўрсатиб бекор қилдим-да».

– Нима ишларинг бор, бўлинглар тезроқ. Мени ижроқўм чақирган, бориб келишим керак. Пойтахтдан комиссия келганмиш...

Омонулла калласига ялт этиб ўзининг «...Нотариусни бу ерга олиб кела қоламан» – дея Олимиддиннинг гапи ёдига тушди. «Эсизгина, бекор келибман-да. Лекин тўғри, сир очилиб қолиши мумкин эди. Наҳотки, шунча истеъдодим ва иш тажрибам бўла туриб шу оддий ишни эплай олмасам, мана шу тирранча аёлга кучим етмаса?...»

Омонулла шундай ўй билан навбат кутиб ўтирган фуқаролар қаторидан бўш жой топиб, ўтириб режа туза бошлади. «Тўхта, нотариус ҳозир ижроқўмга бораман», дедими? Демак,



Асовиддин Оловиддинович хузурига, эҳтимол, менинг илтимосимга кўра борар. Мирбадал Боқиевич йўқ. Лекин... унинг уст-боши менда. Бир таваккал қилсаммикан-а? Э, бор, нима бўлса бўлди.

У шашт билан бюрократия уя қурган индан отилиб чиқди-да, машинани тезроқ Тошқўтонга хайдашни буюрди.

– Бир зарур ҳужжат қолиб кетибди, тезроқ хайданг – деди у хайдовчига.

Машина ўқдай учди. Ҳатто ДАН постидан ҳам тўхтатиш белгисига амал қилмай чироқларини ёкиб ўтди. Милиционер раҳбарнинг машинасини кўриб хурмат юзасидан честь берди. Омонулланнинг келибок, ётоғига тез кириб кетганини, ҳатто, бошини қўйиб мизғиётган Олимиддин ҳам сезмай қолди.

Омонулла хаёлига келган режасини амалга оширишга астойдил киришди. Мирбадал Боқиевичнинг кийимларини тезлик билан кийди-да, бир ойнага, бир гувоҳномадаги суратга қараб сочини тараб лак сепди. Ҳатто депутатлик нишонини рўмолча билан артган ҳам бўлди. Кўзлари ўхшамаётганди, корамтир кўзойнагини такиб олди. Лекин раиснинг оёқ размери кичик шекилли, туфлининг қиса бошлаганини у ташқарига чиккандан кейингина билди. Билди-ю, эътибор бермади. Одамлар миҳнинг устида ўтирсаям ўрганиб қолишяпти-ку, ахир... У ўз ролини Олимиддин билан синаб кўрмокчи бўлди. «Агар у танимаса, демак, нотариус опа ҳам ишонади», – дея ўзини тайёрлади.

Сохта раис Олимиддиннинг хузурига кириб борганида бечора ходим довдираб қолди.

– Ие, Мирбадал Боқиевич, келинг, яхши бўп қолдингизми? Саломатлигингиз яхшими?

– Ҳа, раҳмат. Қани у комиссия? – деди у атайин томоғини хириллатиб ва қисқа йўталиб қўйди.

– Ҳа, у кишими, нотариусга кетувдилар, ҳозир кеп қоладилар, – деди Олимиддин ўзини қўйгани жой топа олмай.

– Бўлмаса, нотариусга телефон қилинг, мен ҳам ҳозир унинг хузурига бораяпман. Лекин мазам йўқ, айтинг меҳмоннинг ишини тезроқ ҳал қилиб берсин, – деди сохта раис ортига қайтаркан.

- Хўп бўлади. Ўтиринг, чой ичинг.
- Йўк, раҳмат. Қалай бу ёғи, уялиб қолмаймизми, ишқилиб?
- Йўк, ҳозирча ҳаммаси яхши.
- Қаранг, у кишининг хизматини яхшилаб қилинг. Хўп, мен борай.
- Яхши боринг, Мирбадал Боқиевич...

Бу роль яхши чиқди. Олимиддин кўчага чоғиб чиқиб ҳайдовчини ҳайрон қолдириб машинанинг орқа эшигини очиб берди. Аҳаджон «раис» билан машина ичида сўрашишди.

– Хўп, яхши боринг, Мирбадал ака, – деб қолди Олимиддин чин дилдан.

– Хўп, қаранглар, – деди сохта раис томоғини хириллатиб ва қисқа йўталиб оларкан.

– Қаерга ҳайдай, Мирбадал ака?

– Нотариусга.

– Омонулла акам қолдиларми?

– Ҳа, – деди «касал» аранг ҳайдовчининг елкасини қоқиб «кетдик» ишорасини қилди.

Мирбадал Боқиевич нотариус хонасига тўғри кириб борди ва стол устига Омонулланинг ҳужжатларини «тап» этказиб ташлади.

– Сиз бизнинг, бутун бошли туманимизни шарманда қилмоқчимисиз ҳали?! Хў, ўша, сизнинг билимдонлигингиздан ўргилдим! Меҳмонга ҳам шунақа муомала қиладими?!

– Қонун ҳамма учун баробар-да, – деди аёл «раис»нинг ба-шарасига шубҳали тикилиб.

– Ҳе ўша!.. Нега менга бунақа тикиласиз?! Ё мениям туман раҳбари эканлигимга шубҳа қиляпсизми? Ё бу тўғрида ҳам иш-хонамдан маълумотнома олиб келайинми?! – деди у чўнтагидан «гувоҳнома»ни кавлаштириб олиб, уни очиб кўрсатаркан.

– Мана, сизга қоғоз керакми? Бунданам нусха олволинг! Ҳе ўша, ўргатган устозингдан ўргилдим сани! Бюджетда бир тийин ҳам пул йўк! Мактаб қуришга-ю, умуман, гап бўлиши мумкинмас. Шундай оғир пайтда биров келиб уч юз минг пулни тортик қилса-ю, биз арзимаган қандайдир қоғоз парчаларини рўқач қилиб «ноз» қилсак... Йиғиштиринг идорангизнинг. Бунақа туманга фойдаси тегмайдиган бюрократик идоранинг бизга кераги йўк! Ёпинг! Бўлинг! – деди «раис» жиддий жаҳл қилиб.

– Одамлар керак бўлса кўшни тумангайм бориб келаверишадди. Тавба, кимдир минг-минглаб шахсий маблағини давлат ғазнасига топшираётган бўлса-ю, бу кишим «1 сўм 21 тийин яна тўланг», деб ўзини таннозликка солса...

– К-кечирасиз Мирбадал Бокиевич, мен у кишини танимабман.

– Ахир, у киши «Мен Омонулла Жўраевичман» деб айтибди-ку, э, халиги айтдимми?!

– Ҳ-ҳа, айтишди...

– Ё унгайм шубҳа билан карадингизми? Сизга ўзи бир бало бўпти, шекилли. Аклингиз «кўпайиб» нафакага чиқадиган бўп қолибсиз! Идорангизни бир тафтиш қилдириб кўйишимиз керак, шекилли. Амал курсин-а, амал...

– К-кечиринг, бошқа...

– Сизга беш дакика муҳлат, ҳамма ҳужжатларни тахт қилиб олиб чиқасиз. Мен машинада кутиб тураман. Кейин бу кошонангизни мен рухсат бермагунимча очмайсиз, тамом! – деди «Ижрокўм раҳбари» иш битириш қийин кечганлиги учун чиндан ҳам асабийлашган эди. Чўнтагидан беш сўмликни олиб стол устига ташлади. – Манави ўша давлат божларингизга, банкка ўзингиз олиб бориб топширасиз!».

Омонулла навбатда турганлар орасидан гўё ролини қойиллатиб бажарган артистлардай виқор билан ўтиб борди (Лекин ортидан қарсак товушларидан садо ҳам эшитмади). Машинага худди француз фильмларидаги «медленная съёмка» каби гўё «учиб» ўтирди... Аҳаджон моторни юрғазди. Қахрамонимиз «Тўхтаб туринг», – дегандек оҳиста кўлини унинг елкасига кўйди. Қабулдагилар нимадандир норози бўлиб идорани бирма-бир тарк эта бошладилар.

– Халк норози бўлмоқда, – деди хурфикр «раҳбар», – демакки, бошлик нопок...

Лекин Омонулланинг тўсатдан хаёлига мапъум фикр келди. «Ишқилиб, оширвормадиммикан, ё мени таниб қолмадимикан?... Чикмаса-я... Чикмай у ёк-бу ёкқа кўнгирак қилса-чи?... Эҳ, хом калла! Нима қилардим номер кўрсатиб?» – дея миҳнинг устида ўтиргандек безовталаниб кўйди. Бу маҳал Мирбадал

Боқиевичнинг шерст костюми-ю, тумори йўгон бўйинбоғи гўё уни илон каби бўға бошлаган ва юнгли шляпа тагидаги юмалок хум калласининг туки тўкилган ерларидан маржон-маржон терлар шашкатор бўлиб чиқа бошлаганди.

Хайрият, ховликибгина нотариус опа чиқиб келдилар. Энди у Омонулланинг назарида бюрократик жамиятнинг типик вакиласи эмас, балки бир думалаб юмшоққина уй бекасига айланиб қолганди. Гаплари бирам ёқимли эдики, автоматнинг ўқларини гўё ютиб юборгандек ва «ўк»лар «раис» ўтирган машина атрофида парвона бўлиб мушакдек учиб чиқаётганди.

Омонулла машина ойналарини туширмаган ҳолда бир зум аёлнинг бу ҳолатига «маҳлиё» бўлиб қолди.

«Амал қурсин-а, – деди у ўзича, – одамни қай кўйларга солади бу. Бечорани анчагина кийнаб кўйибман чоғи...»

– Мирбадал Боқиевич, мана ҳамма ҳужжатлар тахт бўлди, фақат китобга имзо чеккани Омонулла Жўраевичнинг ўзлари керак, холос.

– Нима, сиз меҳмонни яна безовта қилмоқчимисиз?

– Ахир, қонун...

– Бу ерда менман қонун, опкелинг китобингизни! Нима, менга ишонмайсизми?..

– Й-йўқ, ҳалиги... – дея олди софдил аёл нима қиларини билмай ҳужжат ва муҳрларни машина қапотти устига шошапиша ёяркан.

– Қани, қаерга қўл кўйиш керак?

Нотариус китобни очиб кўрсатди. «Раис» «Омонулла Жўраевич Барноев»нинг имзоси ўрнига ўзи имзо кўйиб ташлади.

– Аёллари-чи? У кишини ўрнига ким кўяди?

– Опкелинг. У киши сўққабошлар. Лекин пойтахтга борганимда мени ўз акасидек кутиб олади. Фақат сиз билан биз холос пойтахтликларни назаримизга илмайдиган! – деди Омонулла куюниб.

Муҳрлар «гуп-гуп» урилиб машинанинг эшиклари «тап-тап» ёпилиб, ҳужжатлар олингач, машина мотори гуриллаб

жўнади. Нотариус опа эса ходимлари бир нечта мижозлари билан анграйиб қолавердилар.

Омонулла ўз ғалабасидан анча мамнун эди ва негадир бу ғалаба нашидасини суриш, қолаверса, фирибгарликни давом эттириш истаги худди бир пайтлар корни оғриб қолгандек қистаб келаётганди ва бу қистак уни энди «қуённинг расмини чизиш»га ундарди. Шу туфайли у тўғри Болтавой аканикига келди-да, Олимиддинга рўпара бўлди.

– Омонулла Жўраевични «срочний» чакириб қолишибди! У киши кетибдилар. Менга кўнғирок қилдилар, мен ҳам ҳозирок пойтахтга орқаларидан жўнарканман. Мен нарсаларини олволаман, сиз бўлса, ҳамма ҳужжатларини йиғиштириб беринг.

Хуллас, айтилган нарсалар, хаттоки Болтавой аканинг бобосининг бобосидан қолган қадимий идиш ҳам яширинча машинага жойланди.

– Сиз райижроқўмга бориб ишингизни қилиб тураверинг. Ўзлари чақиртирарканлар.

– Хўп бўлади, хўжайин.

Ниҳоят, жўнаш дақиқалари ҳам келди. Омонулла ҳовлидан аллакимни беихтиёр излади... «Қани экан у хурилиқо? Бир кўриб кетсам бўларди». Лекин Мафтуна кўринмасди. Омонулла негадир ўзини Олимиддинга танитгиси келмаётганди ва шу туфайли Мафтунани «билиши» шу тобда ҳеч ақлга сиғмайдиган ҳол эди.

– Хўп, Олимиддин. Мабодо Омонулла Жўраевич кўнғирок қилса, мени «кетди» деб айтинг. Бошқа сўраганларга мени касалхонада денг, хўпми? Эшитган кулоққа, текширувчининг орқасидан лаганбардорлик қилиб кетибди, деган фикр келмасин тагин. Тушунарлими?

– Тушунарли, хўжайин. Омонулла акага мендан салом айтинг.

– Хўп. Тошкентга ҳайданг! – деди у ҳайдовчига.

Машина ўрнидан кўзғалди. Лекин шу пайт кўшни ҳовлидан Мафтуна чиқиб келди ва кўнгли ниманидир сездими, машина ортидан кичқирди.



– Омонулла ака!!!

Машина анча нарига бориб тўхтади.

– У киши Омонулла ака эмас, кўрмаяпсизми, раисимиз-ку...  
– дея уришиб берди Олимиддин.

Омонулла машинадан тушди ва киз билан чин юракдан хайр-хўш қилишни, кўлини олиб сиқишни, замон кўтарса, бир ўпиб кўйишни жуда-жуда истади, аммо унинг ёнида турган Олимиддинни кўриб шаштидан аранг кайтди. Олдинда айрилиқ ва хижрон кутиб турганини сезиб юраги увишди.

– Омонулла Жўраевичга нима деб кўяй? – кичкирди Омонулла овозини атайин хириллатиб ва кўзойнагига кўлини олиб борди.

Қиз хайрон бўлиб колди ва эхтирос ила деди:

– Сиз?! Нима?.. Омонулла ака кетиб қолдиларми?!

– Ҳа...

– Мен бўлса, у кишига мошхўрда қилиб кўювдим... – деди киз синиқ овозда. Лекин икки бегона эркакка ўз дил сирини ошкора қилиб кўйишдан ўзи уялиб кетиб, ерга қараб олди. – У кишига салом айтинг, – деди киз қурук қилиб.

– У ҳали кўп келади, хизматчилик-да... Хафа бўлманг, синглим. Хўп, Болтавой акага менинг номимдан ҳам кўп раҳматлар айтиб кўйинг!

Машина янги асфальт йўлдан юриб пойтахт сари равона бўлди.

Машина бурилишга етганидагина Омонулла беихтиёр ортига боқди. Боқди-ю, бирдан алланечук бўлиб кетди. Мафтунанинг хайронликда ҳамон бир жойда қотиб турганини кўрди. У шундагина била туриб ўз бахтини аҳмоқона йўқотаётганини, жувоннинг «Бу нима қилиқ?!» – дея савол назарида қараб турган ўткир нигоҳини хис қилди. Юрагида ғашлик пайдо бўлди. «Нахотки, мен нақадар аянчли, номард одамман. Бахтли ҳаёт қуришимиз мумкин бўлган шундай аёлдан, инсонийлик кадр-қимматини ҳар нарсадан устун кўядиган Болтавой акадан кочиб кетаётган бўлсам. Нега қочаман? Қаёкка қочаман ўзи? Яна навбатдаги одамларни лакиллатганими? Энди бунақа ишларимни



йиғиштириб, қолган умримни ҳалол-пок, яхши оила қуриб яшашим керак эмасми?» – дея фикрлай бошлади у. Кийиб олган бегона одамнинг уст-бошига қараб ўзидан уялиб кетди. «Тавба, кап-катта, эс-хушли одам шунақа майнавозчиликларни қилиб юрсам-а?..»

Бу пайтда машина Тошқўтон гузаридан ўтиб борарди. Омонулланинг нигоҳи беихтиёр йўл ўртасига кўзбўямачилик учун суқулиб, олиб ташлаш унутиб қўйилган ва барглари қовжираб қолган беҳи шохларига тушди. Бу шохлар Болтавой аканинг куйиб-пишишларини эслатди.

«Илдизсиз дарахтлар... Тавба, худди менинг ҳаёт тақдиримга ўхшайди...» дея хаёлидан ўтди Омонулланинг. Унинг фикрини гўё уқиб олгандек Аҳаджонни ҳам алланималар ёдига тушди шекилли, қовжираган шохларга қараб кулиб қўйиб, ҳамроҳини гапга тутди.

– Қизик, Оқбердиевнинг ўрнига энди ким раислик қиларкин-а, раис ака?

Сохта раис атайин калта-калта йўталиб олди.

– Ким билади, Омонулла Жўраевичнинг тавсияси билан бирортасини қўямиз-да, – деди атайин овозини хириллатиб.

– Омонулла Жўраевич жа яхши одам эканлар-да. Катта амалдор бўлсалар ҳам ҳамма билан бирдек муомала қиларканлар. Умуман кўнгилларида кири йўқ, ажойиб инсон экан, – деди Аҳаджон йўлдан кўзини узмай бораркан.

– Ҳа-а, – деб қўйди Омонулла уни тасдиқлаб ва ўзи ҳақидаги мақтовли фикрларни эшитиб тушкун кайфияти унут бўлгандек туюлди.

– Мирбадал Боқиевич, айтмоқчи, мен бугун тўсатдан бундай пойтахтга жўнашимизни ўйламагандим. Шунга машинани бир қараб олиб, заправка ҳам қилишим керак эди. Иннайки кейин, уйдагиларниям хабардор қилиб қўйишим керакмиди...

– Мен ҳам шифохонадан тўғри келаяпман. Ҳали жавоб ҳам бўлгани йўқ. Уйимдагилар ҳам билишмайди. Ноилож, текширувлар яхши ўтиб олсин деб хавотир бўлар экансан-да...

– Тушунарли. Соғлигингиз безовта қилмаяптими, ишқилиб? Нима бўлсаям узоқ йўл, толиқиб қолманг тагин.

– Э, йўк, тузукман. Иш битса, бўлди, – деди «раис» яна сохта калта-калта йўталиб. – Мана шу текширувлардан, худо хоҳласа, эсон-омон чикиб олсак, яна дамимни олавераман-да...

– Унда заправкани нима киламиз?

Омонулла ижрокўм тўра кастюм-шимининг чўнтаklarини кавлаштирди ва хуноби ошди. ... Қурумсок – деб кўйди у фикран, – раҳбар деган чўнтагига юз-юз эллик сўм солиб юрмайсанми? Текин еб ўрганиб қолишганда бу амалдорлар... У кийимидан бугун бор-йўги беш сўмлик чикқанини ва уни ҳам мардларча нотариус опанинг столига ташлаганини эслади. «Асли ўзимда қанча пул қолди экан-а? ...Наҳотки «командировка харажатлари»ни ҳам олиб қолмай, ҳаммасини банкка топшириб юборган бўлсам?.. Бу ёғи қовун бўлди-ю. Энди пул топишга тўғри келади. Оббо, яна кимнидир аврашим керакми? Бунақа ишларни энди йиғиштиришим лозим, лекин ношлож, ҳаммаси яхшилик учун бўлаяпти-ку, худонинг ўзи кечирар...»

Худо берган истеъдод Омонуллани яна бир бор кўллаб юборди. Савол бериб жавоб кутаётган ва машинани гизиллатиб пойтахтга олиб борадиган катта йўлга чиқа бошлаган Аҳаджон энди пулсиз қолган қаҳрамонимиз учун нишонга айланди.

– Аҳадбек.

– Лаббай, хўжайин.

– Сиз, демак, Омонулла Жўраевич билан яхши муносабатдасиз-а?

– Ҳа, дуруст, нимайди?

– Менинг хаёлимга бир фикр келди-да. Мана шу Окбердиевнинг ўрнига сизнинг номзодингизни кўрсатиб юборсам, нима дедингиз?

Аҳаджон бирдан машинани йўл четига тўхтатди ва хурсанд бўлиб «хўжайин»га илтижо ва умид билан боқди.

– Рости биланми, Мирбадал Бокиевич? Бунинг иложи борми? «Раис» «ҳа» дегандек бошини ликиллатди.



- Ахир, мен институтда ўқимаганман-ку.
- Ҳечкиси йўк, – дея қўл силтади «хўжайин». – Сиртдан ўқийсиз. Оқбердиев ҳам ҳеч қаерни битирмаган. Лекин озгина хизмати бор-да.
- Бўлди, қанақа хизмат бўлса қилавераман. Буюринг, нима қилай?
- Ёнингизда пулингиз борми?
- Бору, лекин кам. Уйга кириб ўта қоламан.
- Омонулла Жўраевич олдига курук бориб бўлмайди-да, ўзингиз тушунасиз-ку! Лекин ҳозир темирнинг айна қизиғи...
- Ҳа, албатта, тушунарли. Уйга ҳайдаверай бўлмаса.
- Ҳай майли, бирйўла заправка ҳам қилиб олаколинг, – деди у ва кўнгли хотиржам тортди.

## ТУЗОҚ

Улар «Тошкент» меҳмонхонасига жойлашгач, Аҳаджон ул-бул сотиб олиш учун бозорга кетди. Омонулла бўлса яна бирор «подключ» уй курадиган учраб колар деган умидда «Ўрикзор» сари йўл олди. Чунки у «тафтиш» ишлардан чарчади. Энди кўнгил ёзиб «разведка» қилиб келади.

– К-кечирасиз, ока – деб қолди шу пайт юз тузилиши, кўзининг ўйнаб туришидан пихи қайрилмаган хўрозга ўхшаган бир йигит ён киссасига бир нимани солиб кўяркан, – Сиз мабодо хорижга ишга гуруҳ тузаётган Шокир Қурбоновичмасмисиз?

Омонулла бундай ҳолатда ҳеч қачон «Йўк» дейишга одатланмаганди, балки ўз тактикаси бўйича иш тутиб суҳбатдошининг мақсад ва муддаосини обдон ўрганар, мабодо фойдали таклиф бўлса, шундок «қармоғи»ни ташлаб кўя коларди. Ҳозир ҳам шундай бўлди. «Демак, хорижга одамларни ишга юбориш ғояси ёмонмас. Кам ўрганилган янги соҳа. Иннайкейин, «рақобатдош ташкилотлар» деярли йўк ҳам. Иш қилса бўлади», – дея фикран хулоса қилди у.



– Ҳа, нимади? – деб сўради Омонулла атайин томоғини кириб теваарак-атрофга «шпионлар» йўкмикан, дегандек олазарак қараб олган бўлиб.

– Эй бормисиз, ока? Эрталабдан буён сизни кутаяпман-да, – дели учар йигит қўлини бериб.

– Менинг тўғримда сизга ким айтди?

– Шодикул.

– Қайси Шодикул? – дея гўё синовчан тикилди Омонулла.

– Ўтган йили Туркияга одам жўнатган экансизлар-ку. Ҳалиги кўнғиз мўйлови бор, сариқ...

– Э, ҳалиги ўзиям туркларга ўхшаб кетадиганми? Қани ўзи, келмадими?

– У Эмиратга одам олиб кетди. Менга «Шокир акага учрашинг. Кипрга йигирмата одам керак. Москва орқали расмийлаштирсин, колганини ўзи билади», – деди. Мен ҳам ўртада, тирикчилик дегандай, ўзингиз тушунасиз-ку.

– Хўп, яхши, – деди Омонулла босиклик билан, бир сигаретани олиб уни шошилмай, обдон тутатиб оларкан, яхшилаб, хузур қилиб йўталган бўлиб, сўнгра бир четга чаксадек қилиб тупуриб ҳам кўйди. Чунки сигарета тутатиб олиш учун кетадиган ҳар бир сония бу салмокли жараён. Бу қиска фурсатда улкан режалар тузса бўлади. У яшин тезлигида фикр юрита бошлади: «Бундан қандай наф кўрар эканман ўзи? Яна одамларни алдаб пулини оламанми ёки холис беминнат хизмат қилибми?»

– Хўш... Одамингиз борми? – деди «Шокир Қурбонович» синовчан.

– Ҳа, албатта-де! Мен ўн кишини топиб қўйганман, ҳар бири минг сўмдан беришга тайёр. Сизни қидириб юрувдим.

– Демак, Москва орқали, денг.

– Ҳа-ҳа, Москвага билет олиб, сизларни ўзим кузатиб қўяман, у ёғини ўзингиз биларкансиз-ку.

– Тўғри, – деди Омонулла яна ўйчан сигаретасини чуқур тортиб оларкан. «Нима қилсам экан. Бор таваккал қилайинмикин? Хўп, Москвага бораман. У ёғи-чи?.. Ўйлаб кўришим керак, шекилли».

– Бўлмаса, бундоқ қиламиз, дўстим, – деди «Шокир Курбонович» жиддий, Ҳайдаралининг елкасига худди эски кадрдон биродарлардай қўлини қўйиб. – Мен ҳозир сизга ўхшаган бир жўрамни кутаётгандим. У киши билан биз ўн беш кишини эртага Кореяга жўнатаяпмиз, сиз ҳали кечки пайт «Тошкент» меҳмонхонасининг ресторанига ўтиб боринг. Мен сизни 18-00 да бар рўпарасидаги ўринда кутаман. Қиттай-қиттай қилиб, ишларимизни бир режалаштириб оламиз, нима дедингиз?

– Маъқул, ока. Мен унғача яна бир-иккита миждоз кидириб кўраман.

– Ҳеч бўлмаса ўн беш нафар бўлсин, уринганга яраша, хўпми?

– Хўп бўлади. Бу ёғини менга ўзингиз келиштириб берсангиз бўлгани-да, ока.

– Яхши, қанча беришим керак бўлади?

– От билан туя бўлармиди. Эл қатори ўн фоиз-да, оқажон.

– Эҳ-ҳе, намунча кўп?! – деди атайин Омонулла.

– Ҳа энди, миждоз топишнйам ўзи бўлмайди-ку!

– Ишқилиб бу ёғи ҳаммаси жўялими?

– Албатта, ока. Ҳаммасининг хужжатлари пухта тайёрланган, ишончли, гарантияси бор, ока.

– Бўлмаса, ҳали келганингизда ҳамма хужжатларни ҳам ола келинг-чи, бир танишиб чиқаман.

– Хўп бўлади. Ҳалиги... пулларини-чи?

– Ие, албатта-да. Пулсиз мушук офтобга чиқармиди, қизиқ-мисиз?.. – деди Омонулла гўёки хайрон бўлиб.

– Иккитаси ҳали беришгани йўқ эди-да.

– Кимлар экан улар?

– Бир эр-хотин, вилоятдан келишган. Улар уйимизни сотайликми, йўқми деб иккиланишиб туришганди.

– Ие, ҳали сиз менга пишмаган ишни тўғриламақчи бўлаяпсизми? Бунақаси тўғри келмайди, оқаси.

– Бўпти, мен ҳозир уларникига бориб, борини бор, йўғини йўқ қилиб келаман.

– Шодикулнинг дўстлари бир сўзли, жиддий бўлишарди, шекилли, – деди Омонулла пичинг қилиб.

– Бўлди, ока, ҳаммаси жойида бўлади. Мен сизга ҳали кечки пайтга ўн кишининг хужжати ва пулини «есть» қиламан.

– Хўп, кўрамиз. Хуллас, сиз билан «Тошкент»да кўришамиз.

Омонулла меҳмонхонага қайтиб келди. Энди у қандай бўлмасин Аҳаджонни қайтариб жўнатиш режасини тузарди ва Олимиддинга ҳам кўнғироқ қилиб қўйишга қарор қилди. Шу туфайли ётоғига кирди-да, «раис» кийимини ўз кийимига алмаштириб хонасидаги телефондан туриб Бошқўрғон АТСини улаб беришларини сўради. Телефонни тезликда улаб беришди.

– Алло, АТСми? Қизлар, илтимос, мен Тошкентдан Омонулла Жўраевичман. Менга тезда ижрокўмдаги ташкилий бўлим бошлиғи Олимиддинни улаб беринглар.

– Марҳамат, гаплашинг. – деди шу ерда ишлайдиган ходимлардан бири.

– Алло, Олимиддин, мен Омонулла акангизман... Шунақа бўп қолди, менинг тезда етиб келишимни буюришди. Бу ёғини ўзингиз яқунлаб, хулосани ёзиб қўйинг. Худо хоҳласа, ишларнинг ҳаммаси жойида. Сўраганларга «ҳаммаси яхши яқунланди» деб айтинг. Бемалол ишларини қилаверишсин... Айтмоқчи, анави мактаб қурилишини бу ерда назоратга олиб қўйишди. У янги ўқув йилига очилиши керак экан. Очилиш маросимига катталарнинг ўзлари боришаркан. Фаоллар йигилишини ўтказиб, тегишли ташкилотларнинг ҳаммасини жалб қилинг, хўпми? Асовиддин Оловиддиновичга ҳам шахсан тайинланг. Мана шу иш у кишига шахсан имтиҳон бўлади, тушунарлими? Қурилишнинг бориши тўғрисида ҳар ўн кунда менга шахсан ҳисобот, ахборот бериб турасиз... Яна бир гап. Анави Окбердиевнинг ўрнига Аҳаджонни тайинланглар, хўпми? ...Ҳа, ўша ҳайдовчини. Яхши бола. Хўп, мен ҳозир мажлисга кириб кетяпман, вақтим зиқ. Кейинроқ кўнғироқ қиламан. Болтавой ака, Мафтунахонларга менинг узримни айтиб қўйинг. Мен тез кунда бориб қоламан... Хўп, хайр!

Омонулла гўшагини қўйиши биланок эшик тақиллади. Остонада бир талай пакетларни кўтариб олган ҳолда Аҳаджон

турарди. У куюк салом бериб нарсаларини бир четга кўйди. Ўзаро хол-аҳвол сўрашдилар. Аҳаджон аланглаб Мирбадал Боқиевични кидирди.

– Мирбадал Боқиевични жўнатиб юбордим.

– Ие, нега? – деди ажабланиб ҳайдовчи.

– Мазалари қочиб қолди. Касалхонадан ўзлари рухсатсиз чиқиб келган экан. Санитар машинада шифокорлар назоратида жўнаб кетди.

– Ёмон бўпти-ку!.. Мен ҳам у кишига айтгандим ўзи, – деди ҳайдовчи хавотир бўлиб.

– Шунинг учун сиз ҳам ҳозирок кетаверинг. Тўғри шифоҳонага боринг, хўпми?

– Хўп бўлади... Бўлмаса, мен бораё. Мана бу нарсаларни сизга, ҳалиги...

– Ҳа, ҳаммасидан хабарим бор, – деди Омонулла жиддий, – Мирбадал Боқиевич сиз ҳақингизда менга айтдилар, Худо хоҳласа, Тошқўтонни ўзингиз бошқарасиз.

– Э, яшанг, ака, омон бўлинг, илоҳим, бир умр хизматингизда бўлай. Мана буни... – деди Аҳаджон ён чўнтагидан қоғозга ўроғлик «бир нарса»ни чиқариб. – Олиб кўйинг, оз бўлсаям...

– Кўйинг, кераги йўқ эди бунинг, – деди Омонулла ва беихтиёр қалтироқ кўли курғурни узатиб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Аҳаджон хурсанд бўлиб чопиб чиқиб кетди. Омонулла яна бир савоб иш қилганидан гурурланиб кўйди ва бир нима «ярк» этиб ёдига тушиб, Аҳаджоннинг ортидан чопиб чиқди. Хайрият, у лифтни кутаётган экан.

– Аҳаджон, тўхтанг, мен ҳозир, – дея Омонулла хонасига кирди ва ижрокўм раисининг уст-бошларини бир пакетга жойлаб, сумкасидан нотариус тасдиқлаган шартнома ҳужжатларидан ҳам бир нусха олди.

– Мана бу пакетни Мирбадал акага, бу ҳужжатларни бўлса Олимиддинга беринг. У тегишли ташкилотларга бериб кўйсин. Мирбадал акага мендан салом айтинг, кейин «текши-

рувлар, худо хоҳласа, яхши якунланибди», деб кўйинг, хавотир олишмасин, ҳаммаси ўз амалларида ишларини хотиржам давом эттираверишсин.

– Хўп бўлади.

– Кейин айтингки, Тошкўтондаги мактаб янги ўқув йилига битиши керак экан денг. Бу сизга ҳам раис сифатида юкоридан топширик бўлади, тушундингизми?

– Тушундим, бажарамиз!

– Хўп. энди боринг, хайр.

Омонулла хонасига қайтиб кириб, чўнтагидан «колхознинг янги раиси» берган нарсани олди.

– Хайрият, «командировка харажатларим» чиқди. – деди у мамнун ва пакетни ичидаги коньякни олиб очди-да, беихтиёр бир қадахни томогидан ўтказиб юборди. Энди яна бир оз тирикчиликка пул топса бўлгани. Пул ўз оёғи билан келаман деб турибди-ю. «Тавба, одамлар шунақаям лакмамикин-а? «Лак» этиб ишонди-кўйди-я...»

Омонулла ювиниб, тараниб, бир оз мизғиб, кечки пайт башанг кийиниб, очилган коньякни олди-да, меҳмонхона ресторанидаги одатланган жойига бориб ўтирди. Таниш официант қизга эса егулик ва газак буюрди. Эллик грамм отиб олгач, хузур қилиб сигарета тутатди. Паға-паға тутунлар ортидан кириб келаётганларни бир-бир кузата бошлади. Шу зайл Олимиддинни эслади. «Яхши йигит экан, бечора. Масъулиятни жуда яхши ҳис қиларкан. Унинг келажаги порлок кадр, чунки унинг Омонулла Жўраевичдек «орқа»си бор», дея фикр қилди Омонулла кулиб. Икки марта қаторлаштириб ичилган коньяк ўз таъсирини ўтказаётганди. Унинг кўз ўнгида содда ва меҳмондўст Болтавой ака намоён бўлди. «Эй шайтон, қаерга қочиб кетдинг? Етти пуштимдан қолган обдастамни нега олиб кетдинг?!» – дея нафрат билан қарагандай туюлди. «Ёлғончи! Мен бўлса, сизга умид қилаётгандим», дегандай бўлди Мафтуна ҳам.

«Ҳа, ҳақиқатан ҳам ўша идишни бекор олиб келдим-да. Ишқилиб, бошимга бало орттирмасам бўлгани эди», –



деди у хаёлан Болтавой аканинг: «Бу обдастани тўрт марта ўғирлашган экан. Лекин ҳар сафар уни олиб кетганларнинг бошига кулфат тушгач, ўзлари уни қайтиб олиб келишган экан» деган сўзларини ёдига олди.

– Оббо, отахон-ей, жа опқочар экан-да, – деди Омонулла кулимсираб. Лекин юрагининг аллақаерига ғашлик чўмди. «Худо хоҳласа, ўша ноёб идишни мен уйимнинг тўрига илиб қўяман. Бу менга амалга оширган энг катта ишимдан эсдалик бўлади. Бу идиш мен учун уч юз минг сўмга тушди. Лекин чолнинг ҳамма орзу-ниятларини амалга оширдим. Ўзимга койилман. Демак, мен ҳали кўп ишларга кодир эканман. «Зона»да ўйлаб қўйган режам ўз самарасини берди. Албатта, бу ишлар очилади, менинг кимлигимни ниҳоят билишади. Лекин энг мухими, мен пораларни ўзлаштирмадим. Уларни халқ, жамият манфаатига сарфладим. Ҳаммаси конуний, ҳаммаси ҳужжатли» дея ўй суриб ўтирган ҳам эдики:

– Ассалому алайкум! Куттириб қўймадимми, Шокир Қурбонович, – дея ўта тавозе билан Ҳайдарали пайдо бўлди.

– Э йўқ, бемалол, – деди хаёли бўлинган Омонулла.

– Мана ҳужжатлар, мана пул. Тўққиз киши бўлди.

– «Аввал таом, баъдаз калом» деганлар. – деди қахрамонимиз ва шошилмай, ўша таниш официант қизни чақирди. Официантка сал наридаги столда икки нотаниш йигит олдида буюртма олиш учун турарди. Лекин йигитлар ҳеч нима буюртма беришмаётганди. Шу туфайли киз лабини буриб, таниш мижози Омонулла томон кела бошлади. Лекин бу пайтда мижознинг хаёли ўша икки йигитда бўлиб қолди. Уларнинг буюртма бермай ўтиришгани шубҳали туюлди. «Демак, изимдан тушишибди-ку, оббо...» Омонулла хаёлан ва навбатдаги сигаретани олиб йигитларга томон яна бир нигоҳ ташлади. Официант қиз «чирик» этказиб ёндиргич тутди.

– Хоним, ҳозир менга биров кўнғироқ қилиши керак эди, чақириб юборарсиз-а, хўпми? – деди Омонулла кўзлари билан сирли боқиб ва киссасига пул солиб қўйди. Қиз уни тушунди.

– Хўп бўлади. Нима буюрадилар?

- Мехмонга ул-бул, яъни ассорти дегандек.
- Йўк-йўк, менинг қорним тўқ, чой бўлса бўлди.
- Кўкми, кора?

– Кўки-да, – деди Омонулла кулиб ва билинар-билинемас йигитлар томон яна нигоҳини ташлаб кўйди. «Булар ким бўлди экан? Ҳайдаралининг «думи»ми ёки Бошқўрғонликлар буюртмасими?.. Эҳтиёт бўлишим керак. Ҳозирча ҳеч қандай ҳужжат, ҳеч қандай пулни асло кўлга олмаслигим шарт. Ишкилиб, официант қиз тушундимикан? Бир марта шундай ёрдам қилганида эллик сўм бериб кўйганим яхши бўлган экан. Орқа эшиқдан чиқариб юборувди».

Қиз тоза рюмка, ассорти ва кўкчой олиб келди ва Омонулла томон маъноли қараб кўйди. Кўзларида «Қачон?» деган савол бор эди.

– Беш дақиқадан кейин бизга икки донадан кабоб ола келсангиз, майлими, Ҳайдарали? – деб сўради Омонулла ва қизга қараб беш панжасини кўрсатиб кўйди. Қиз тушунди.

- Майли, – деб кўйди ҳамроҳи ҳам.
- Омонулла шошилмай коньякдан қуйди.
- Мен ичмайман-у, лекин...
- Мабодо шошилмаяпсизми?
- Ҳа, бир оз, – деди Ҳайдаралининг лаблари титраб.
- Бўлмаса, бу ишлар бўйича бошқа сафар, бемалол бўлганингизда гаплаша қоламиз, хўпми?
- Э, йўғ-е, ҳужжатлар, кейин ҳалигини олиб келувдим-ку.
- Уларни одамлардан ўзингиз олгансиз. Ҳозирча масъулият ўзингизда бўла турсин.
- Ҳужжатлар-чи?
- Мен бугун дам олмоқчиман, жуда чарчаганман.
- Унда нега?..
- Сиз билан яқинроқ танишиб олай, дедим-да.
- Шокир Қурбонович, ахир...
- Мен Шокир Қурбонович эмасман, янглишаяпсиз, – деди. Омонулла дабдурустдан баландроқ овоз билан.

Шу маҳал официант қиз «Омонулла Жўраевич, сизни телефонга чақиришяпти», деб қолди.

– Мен ҳозир, бир дақиқа. Сиз бемалол еб-ичиб ўтира ту-ринг, – деди Омонулла ва гўё телефон будкаси томон чопди. Икки йигит ҳам унинг ортидан шошилиб чиқишди-да, йўли-ни тўсишди:

– Тўхтанг, Шокир Курбонович, – деди йигитлардан бири.

– Мен ҳеч канақа Шокир эмасман, менинг исмим Омонулла.

– Йўк, сиз «Қодир – прорабсиз», – деди ортдан келган Ҳайдарали.

– Бу нима деганингиз?

– Биз жиноят-қидирув бўлиmidанмиз. Менинг исмим ҳақи-катдан ҳам Шодикул. Капитан Хидиров. Биз сизга қидирув эълон қилгандик.

– Нима учун?

– Устингиздан ариза тушган. Сиз учига чиққан фирибгар экансиз. Мана сизнинг фотороботингиз, мана суратингиз ҳам. Саъдулла ҳожиникида ифторлик берилганида тасодифан видео тасвирга тушиб қолган экансиз. Суратингизни ўша ер-дан ажратиб олдик. Қолган гапларни маҳкамада гаплашамиз.

– Ишчиларингиз ҳалиям ишлаб ётишибди. Сизни кўришса, жуда хурсанд бўлишади, – деди ходимлардан бири.

Шу маҳал официант қиз келди.

– Кабоб тайёр бўлди, нима қилай?

– Икки кулча орасига солиб ўраб беринг, Омонулла Жўра-евич акангиз энди уни камерада ейдилар, – деди Ҳайдарали.

– Сиз мени хорижга ноқонуний одам ёллашда айбламоқ-чимисиз?

– Йўк, асло. Бу билан сизнинг фирибгар эканлигингизга тўла ишонч ҳосил қилмоқчи эдим.

– Ким фирибгар? Бу тухмат. Сиз орган одами бўла ту-риб мени ўзингиз билан жиноий тил бириктиришга даъват қилдингиз. Манавилар гувоҳ. Ҳали бу қилмишингизга жавоб берасиз.

– Қўлингизни узатинг, – деди ходим ва унинг бир томонини ўз қўлига ҳам маҳкамлаб олди – Қани, кетдик.

Қиз Омонуллага ачиниб қаради.

– Хавотир олма, ҳаммаси яхши бўлади. Адвокатимга кўнгиروق килиб кўйсанг, илтимос.

\* \* \*

Шундай килиб, Омонулла Саъдулла хожи ва бир пайтлар «Қодир-прораб» ёллаб олиб келган усталар билан юзлаштирилди.

– Оббо, муттаҳам-ей. Худди ўзи-ку! – деди Саъдулла хожи ҳеч иккиланмай – Раҳмат сизларга.

– Хўш, Омонулла ака, бу кишини танийсизми?

– Ҳа, танийман. Қозоғистонга кетиб бир фалокатга учраган эдим. Кейин шу кишини қидириб «Ўрикзор»га боргандим. Сиз бўлса, мени чалғитдингиз.

– Э-ҳа, шунақами? Унда узр. Мени кечиринг... Энди бошқа бунақа қилмайман, – деди Шодикул кесатиб. – Гапни чўзмай, тан олаверинг. Илгариям мана шундай ишларингиз учун камалган экансиз.

Омонулла ўйланиб қолди. «Кўлга тушдим. Энди иложим йўқ. Яхшиси, тан олганим, камалганим маъқул. Йўқса, Тошқўтондаги, иннайкейин аэропортдаги ишлар ҳам очилиб қолиши мумкин. Бунинг устига, Саъдулла хожига тўлашга пулим ҳам йўқ. Уни қаердан оламан? Энг маъқули «кечиб» кўя қолиш».

– Хўп. Сиз айтганингиздай бўла қолсин. Қоғозингизни беринг, имзолаб бераман.

– Менинг пулларим-чи, уни қачон тўлайсиз? – деб сўради Ҳожи.

– Буни суд ҳал қилади, – деди ходим.

– Анави йигитларни нима қиламан?

– Уларнинг ҳақини, хужжатларини бериб, жўнатиб юборинг, – деди Омонулла.

– Йўғ-е, нега энди? – деди Ҳожининг жаҳли чиқиб.

– Паспортни гаровга олиш қонун бўйича ман этилган, – деди ходим.

– Унда менинг пулларим нима бўлади?

– Мен сиздан ҳеч қандай пул олганим йўк. Мен фақат сизга «келаман» деб ўз вақтида келолмаганим учун қонун олдида жавоб бераман, холос, – деди Омонулла. – Қани ўша мен сиздан пул олганим тўғрисидаги хужжат? Исботингиз, гувоҳингиз, нотариус орқали имзоланган қоғозингиз борми?

Саъдулла Ҳожи каловланиб қолди.

– Бу киши тўғри айтаяпти, – деди ходим. – Бу йўл билан пулингизни ҳеч қачон ололмайсиз. Яхшиси, аризангизни қайтиб олиб, ўзаро келишволинглар.

– Аризамни олмасам-чи?

– Унда судни кутасиз. Бу кишини илгари ҳам муқаддам судлангани ҳисобга олиниб, қамалиши, жарима солиниши, ёки умуман, амнистияга тушиши ҳам мумкин. Пулингизни қайтариш-қайтармаслик бу кишининг виждонларига ҳавола бўлади, холос.

– Сиз нега бу муттаҳамнинг тарафини олаяпсиз? Ёки аллақачон оғзингизни ёғлаб бўлдимми?

– Афсуски, бу коньягимни ичмади, кабобниям емади, – деди Омонулла ходим ўрнига. – Адвокатим келса, у сиз билан шуғулланади. Анави йигитларни сиз ўз уйингизда ноқонуний гаровда ушлаб турганингиз учун жавоб берасиз ҳали! Одамларни ноқонуний эксплуатация қилишга сизга ким ҳуқуқ берди? Пулингиз кўп бўлса, хожи бўлсангиз ўзингизга. Лекин уларнинг фуқаролик ҳуқуқларини пой-мол қилишга, қул қилиб ишлатишга ҳеч қандай ҳақкингиз йўк! Зудлик билан паспортларини қайтариб, иш ҳақларини ҳисоб-китоб қилинг-да, уйларига жўнатинг. Йўқса, мана энди мен устингиздан даъво аризасини бераман!

Саъдулла ҳожининг дами ичига тушиб кетди.

– Ҳожи ака, сиз боринг-да, яхшилаб ўйлаб кўринг. Биз сизнинг аризангиз бўйича айтган шубҳали одамни анча вақт ўтган бўлса ҳам тутиб бердик. Энди бу ёғигаям қонун доирасида ишлаймиз. Лекин қонунларнинг ўзи сизга ҳам қарши бўлиб чиқаяпти. Бу киши кетиб қолгач, сиз анави одамларга жавоб бериб юборишингиз ёки ўзлари билан бошқатдан шартнома тузиб олишингиз керак эди.



Тарвузи кўлтиғидан тушган Ҳожи ака уйига кетди. Омонуллани эса вақтинча ушлаб туриш хонаси томон олиб чиқиб кетишаркан, у ходимларга қарата гап қотди:

– Лекин одамларни хорижга ишга ёллаш тўғрисида илгари ҳечам ўйламаган эканман. Қизиқарли гоянғиз учун раҳмат.

– Эҳ-ҳе. бу янгиликмас. Неча-неча одамлар фирибгарларга лакка тушаяпти. Энг ёмони, улар чет элга борволиб, хужжатсиз, пулсиз хор-зор бўлиб юришибди.

– Мен ҳарҳолда ёмон иш қилмадим. Баҳонада ишсиз юрган беш-олти йигит доимий ишли бўлди, ётоғи-овқати жойида. Бу жиҳатдан жамиятга фойдам текканиниям ҳисобга олиб кўйинглар, – деди Омонулла қулиб.

– Албатта, одамларнинг ўзи лакма. Нима деса, суриштирмай-нетмай ишониб кетаверишади. Синалмаган одамнинг кўлига ўз сармояларини тутказиб кўяверишади.

– Шодикул, лекин сизга бир шахсий илтимосим бор эди.

– Қанақа илтимос?

– Нарсаларим, муҳим хужжатларим меҳмонхонада қолиб кетганди.

– Ҳа-ҳа, майли соқчи билан бориб кела қоласизлар. Уларни рўйхат қилиб сақлаб қўйишади. Чиқиб кетаётингизда, албатта, бекаму кўст қайтариб оласиз.

## **ҲАЛОВАТ**

Бошқўргонда ҳам, Тошқўтонда ҳам қутилмаган нохушликлар юз бера бошлади. Болтавой ака бобосининг бобосидан мерос қолган ноёб идишини йўқотиб, тўғрироғи, ўғирлатиб қўйгани учун бутун дунё кўзига қоронғи бўлиб кўринаётган бўлса, Бошқўргон ижроқўмидагиларга «Марказ»дан ҳеч қандай тафтишчи юборилмагани, қолаверса, Омонулла Жўраевич деган шахс у ерда умуман ишламаслиги маълум бўлиб қолиб, оёқлари қуйган товукдай типирчиламоқда эди. Уни ушлатиб қонунга мувофиқ жазога торттирайлик.

дейишса, ўзларининг орқалари очилиб кетиши мумкин. Чунки кўпчилик ўз амал курсисида қолишини ёки кагтарок лавозимни эгаллашни мўлжаллаб маълум миқдордаги пора пуллари билан бир каторда ўз нуқсонлари ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхаларини ҳам фирибгарга икки кўллаб тақдим қилишган эди. «Ким билади, у эхтимол, овозларимизни ҳам ёзиб олгандир. Ундай олғирнинг кўлидан ҳар нарсани кутиш мумкин», деган хаёлга борди Мирбадал Боқиевич бошини чангаллаб ўтираркан.

Ўринбосари Асовиддин Оловиддиновичнинг «Қачон менга раисликка буйрук чиқарасизлар?» дея вилоят кўмитасига бир неча бор мурожаат қилганини эшитиб, ундан хафа бўлди. Олимиддин унинг кўзига тўнғиздай кўрина бошлади. «Қанчалар аҳмоқ эканмиз. Шармандаи шармисор бўлдик», деб кўйди у чуқур хўрсиниб. Ниҳоят, у ички ишлар бўлими бошлиғи ва туман прокурорини хузурига маслаҳатга чақирди.

– Нима қилайлик? Ушлаб келиб камайликми? – деб жиддий сўради милиция подполковниги Суяркулов.

– Айтишга осон, – деди прокурор Норов. – У туманнинг ҳамма нуқсонун камчиликларидан хабардор. Мабо-до биз унга қарши иш бошласак, у ҳужжатларни юқорига ҳақиқатдан ошқор қилиб юбориши мумкин, кейин чиндан ҳам текшириш келиши мумкин.

Ижрокўм раисининг эти жимирлаб кетди.

– Бўлмаса гап бундай. Ундай одам бизнинг туманга келмади, деб ҳисоблайлик. Ҳеч ким уни танимайди, билмайди ҳам. У билан учрашиб, шу тўғрида сулҳ тузишимиз керак.

– Лекин Болтавой ака-чи, у жим турармикин?

– Оббо... Йўқ. Тўхтанг. Ахир, биз унинг ҳамма аризаларини каноатлантирдик-ку! Ҳатто, мана, мактаб ҳам қуриляпти. Чолнинг олдидан ўзим бир ўтиб кўяман, – деди раис бир қарорга келиб.

- Омонуллани кандай топамиз? – деб сўради подполковник.
- Олимиддин уни топади. Топмаса, уни ишдан бўшатаман. Ҳамма ишни у расво килди. Энди ўзи тинчитсин!
- Ҳайдовчингиз Аҳаджон билан ҳам сен-менга бориб қолибсиз, деб эшитдик. – деб сўради Норов синовчан.
- Ҳа. Омонулла уни Окбердиевнинг ўрнига раис этиб тайинлаб кетганмиш. Мен бўлса уни тушунмай... Ҳозир яхши. У раислигини қилапти, – деди раис мийиғида кулиб.
- Демак, уям «жиндай ҳалиги»дан узатгандир-да, а? – деди Норов ва кулиб юборди.
- Ўртадаги жиддийлик энди самимийликка айланди.
- Оббо, ярамас-ей, бизни тоза бошлаб кетди-ку, а бу Омонулла дегани. – деди раис қотиб-қотиб кулиб. – Мени жинни-хонагаям ётқизди-я, номард.
- Ўртоқ подполковник, тўғриси айтиверинг. Сиз ҳам узатмоқчи бўлдингизми, йўқми? – сўради Норов қисқ кўзларини ўйнатиб.
- Э, йўғ-е, нималар деяпсиз?
- Ҳарҳолда, у баттол бизниям додиратди, тўғрими?
- Лекин мен узатмадим, ишонинглар, – деди раис кўзларини синовчан тикиб.
- Чунки сиз касаллик варақаси очтириб олгандингиз-да, – деди Норов куларкан.
- Ҳа, лекин менинг ўрнимга Асовиддин ишни қойил қилибди. Унинг айтишича, кўз олдида Омонулла шахсан вилоят ижроқўм раисига қўнғирок қилиб, менинг ўрнимга тайинлаганмиш.
- Улар энди учовлон шарақлаб кулишди.
- Мана энди ҳангомага мавзу топилиб қолди. Лекин бу гапларни ҳеч ким билмаслиги керак. Эшитган қулоққа ёмон. Айниқса, оддий фуқаролар. Шунинг учун бугун барча тегишли мутасадди ходимларни тўплаб ёпиқ мажлис ўтказсак, нима дейсизлар?

– Маъкул, – деди прокурор.

– Фақат аттестация топширганларни чакириш керак, холос.

– Ҳа, уларнинг рўйхати Олимиддинда бор.

– Мирбадал Бокиевич, сиз аввало ҳаммаларини тафтиш яхши яқунлангани билан табриклар, ўз амал курсиларида қолганликларини маълум қилиб кўясиз. Ҳарҳолда кўнгиллари таскин топади, – деди Норов яхши маслаҳат бериб.

– Ҳа, фақат бир киши – Окбердиев ўз вазифасидан озод қилинганини билдириб, ўрнига тайинланган янги раис билан ҳам таништирайсиз, – деб подполковник ҳам жилмайиб кўшиб кўйди.

– Бўлди, келишдик, – деди ижрокўм раиси хурсанд бўлиб.

– Кейин Аҳаджонни қандай қилиб раис бўлиб олганини кичик доирада ўзидан эшитар эканмиз-да, а? – деди Мирбадал Бокиевич. – Бу воқеани эшитсангизлар, қотиб қоласизлар.

– Нима, жуда қизиқми?

– Омонулла қиёфасини менга ўхшатиб гримм ҳам қилиб олган экан.

– Йўғ-е! – деб юборди Суярқулов таажжубланиб. – Унинг шунақа хунари ҳам бор эканми?

– Ҳа, унинг жудаям устаси фаранг, ҳақиқий истеъдодли артист эканига тан бериш керак. Айниқса, сиёсий адабиётларни сув қилиб ичиб юборганини айтмайсизми, – деди раис қойил қолганини тан олиб.

– Қизиқ, бу китобларни у қаерда ўқиган экан-а? Демак, у жамият учун жуда хавфли шахс. Чунки бу билим ва иқтидорини ўз манфаати йўлида сарфлайди, – деди Норов ўйчан.

– Истасаларинг, ўша фирибгар билан боғлиқ яна бир қизиқ воқеани айтиб бераман.

– Эштайлик, Мирбадал ака.

– Кеча қабулимга нотариус опа кирувди. Ўзим нима ташвишдаман-у, нима дейди, денглар.

– Хўш-хўш?..

– «Мирбадал Бокиевич, ўша кунги воқеа учун мени кечи-

ринг. Бошка такрорланмайди. Рухсат беринг, ишимизни давом эттирайлик. Одамлар кўшни туманга қатнаб қийналиб кетишди», дейди. Мен «Бемалол, ахир, мен ҳеч қачон ҳеч нимани ман қилганим йўқ-ку! Нима учун кечирим сўра-япсиз, хайронман», дедим. Кейин бир пайт қарасам аёл йиғлаяпти. «Сиз ўша кунни менга ўшқириб берганингиздан бери ҳаловатим йўқ», деб қолди. Мен «Ҳой инсон, мен сизни биринчи марта кўриб турибман, боринг, ишингизни қилинг!» деб уришиб бердим. Кейин билсак, Омонулла нотариусга «Мен Мирбадал Бокиевич бўламан», деб бориб, аллақандай ҳужжатларни тасдиқлатиб, қўл қўйиб чиқиб кетганмиш.

– Оббо, муттаҳам-ей. Қанақа ҳужжатлар экан-а? Ахир, бу ноқонуний-ку! – деди прокурор жиддий.

– Ҳа. Сизлардан илтимос, ўша ҳужжатларни аниқлаб, экспертиза қилиб, натижасини менга маълум қилсангизлар. Қалбаки имзо қўйиб бирортаминизни чув тушириб кетган бўлмасин тагин.

– Хўп бўлади. Натижасини шу бугуноқ сизга маълум қиламиз, – деди Суяркулов.

\* \* \*

Ўша кунни ижрокўмда ёпик йиғилиш ҳам ўтказилди. Раис аввало барчага туман бўйича зарбдор уч кунлик ҳашарини ҳамжиҳатлик ва кўтаринки руҳда ўтказилганлиги билан, қолаверса, жойларда мутасадди ташкилотлар ўз зиммаларидаги масъулиятли вазифаларни оғишмай амалга оширганлари учун ўз миннатдорчилигини билдирди:

– Демак, биз истасак, юрагимизда ватанпарварлик туйғуси жўш уриб турса, нималарга қодир эканимизни намоён қила оларканмиз. Қанийди, туманимиздаги барча маҳаллаларни ҳам ўша Тошқўтондаги «Янги чек» маҳалласига ўхшата олсак. Менимча, бу албатта, кўлимиздан келади ва бу ташаббусимизни яна давом эттирамиз, деган умиддаман. Энди тафтиш яқунларига келадиган бўлсак, ҳаммаси яхши тугади.



Худо хохласа, бирортамизнинг ҳам кўзимизга чўп тушмади. Ҳалиги, нима дейди, «Шолининг ичида курмагиям бўлади» деганларидек, фақат ўз масъул вазифасини сунистеъмол қилган Тошқўтон колхозининг собиқ раиси Оқбердиевгина ўз хизмат вазифасидан озод қилингани сизларга маълум. Унинг ўрнига Аҳаджон Шоазимов тайинланди. Марҳамат, Аҳаджон, энди ғайрат билан ишланг, ишларингизга омад ёр бўлсин! Ўйлаймизки, бизнинг юзимизни ерга қаратиб қўймайсиз.

Ўтирганлар ўрнидан туриб, кулук қилаётган ижрокўм раисининг собиқ шофёри Аҳаджонни давомли гулдурос карсак билан қутлашди.

– Мумкинми, ўртоқ раис? Менда бир савол бор эди, – деб қолди кимдир қўл кўтариб.

– Марҳамат, ўртоқ Кўпайсинов.

– Нима десам экан? Омонулла Жўраевич тўғрисида ҳар хил миш-миш гаплар юрибди. Шу гаплар тўғрими? – деб сўради у гўё «Нима, берган пулларим энди ҳавога учиб кетаверадими?» деган маънода.

– Ғирт тухмат! – деди раис чўрт кесиб, «Пулингизга кўймайсиз» дегандек. – Ҳалиги нима дейди: «Ҳақиқий дўст яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам билинади», дейишади. Мени кечирасизлар-у, орамизда шундай амал-параст, мартаба учун ҳар нарсадан, керак бўлса, пора узатишдан ҳам қайтмайдиганлар ҳам бор эканки, улар режалари амалга ошмагани учун энди алам қилиб, ҳар хил бемаъни гаплар тарқатиб юришибди. Мен уларнинг ким эканлигини албатта яхши биламан, лекин ошкор қилмоқчи эмасман, тушунарлими?.. – деди нотик ўринбосари Асовиддинни назарда тутиб. – Умуман, амалпарастлик, бировнинг устидан ҳукмдорлик қилиш, кимгадир буйруқ берса, уни бажаришини кўриб хузурланиш, кишини киши томонидан эксплуатация қилиш каби ноинсоний хусусиятлар – бу онгимиздаги феодалистик қолдиқлардир. Демак, бундай инсонларнинг маънавий ва сиёсий онги ривожланмай қотиб қолган, содда қилиб

айтганда, эси наст одамлар ҳисобланади. Бундай одамларга орамизда, жамиятимизда жой йўқ, тушунарлими? Хўш, яна кимда савол бор?

Асовиддин Оловиддинович кулоқларигача кизариб кетди. Ўқ нишонга теккан эди.

– Тафтиш яқунлари бўйича бизга бирор қоғоз беришадими? – сўради дон маҳсулотлари комбинатининг директори.

– Нима қиласиз қоғозни? Тинчгина ишингизни қилаверинг. Биров сиздан қоғоз сўрамаётган бўлса, тавба... – дея сохта йўталиб томоғини маъноли кириб олди раис.

– Хўп, – деб кўйди директор «хайрият» дегандек теварак-атрофига олазарак қараб.

Шундай қилиб, йиғилиш яқунланиб, барча аттестация топширганлар яна ўз амалларида қолганларидан мамнун бўлган ҳоҳда, хотиржам ўз хизматларига тарқалдилар.

– Хўш, Олимиддин, «окагинангиз»ни тондингизми? – дея жиддий сўраб қолди раис йиғилиш тарқаб бўлгач.

– Йўқ. Билишимча, унинг иши судда эмиш-ку.

– Нима?! Наҳотки?!

– Йўқ-йўқ. Бошқа иш билан бўлса керак. У киши илгари ҳам ўтириб чиққан эканлар.

– Оббо, багтол-ей... Ишқилиб, бу ердаги бўлган ишларни кўзгамасмикан-а?

– Ўз-ўзини очиб бермайди-ку!..

– Ҳа, тўғри. Лекин билиб бўлмайди-да. Қандай қилиб бўлса-ям у билан боғланиб, аҳволини билиб кўйсак, ёмон бўлмасди.

– Бунинг бирйўли бор. Уям бўлса, Боятавой ака. Ахир, улар эски кадрдон-ку! Чоғ унинг уйиниям билса керак.

– Тўғри, бўлмаса ўша «бошоғрик» чоғнинг олдига бирга борамиз. Бирйўла мактаб қурилишининг аҳволини кўриб келамиз.

– Шартнома бўйича қурилиш ишлари жўяли кетаяпти. Лекин бизга тегишли бўлган баъзи шартлари бор-да.

– Қанақа шартлар экан?

– У ердаги матнда бўлгуся мактаб директори ва боғбони ҳақида гап боради. Бу бандларни ўша пул тўлаган ҳомий киши кўштириб, нотариус орқали тасдиқлатиб олган экан.

– Хабарим бор. Бунинг ҳаммаси ноқонуний, албатта. Чунки билишимча, ўша «ҳомий»нинг ўрнига Омонуланинг ўзи имзо кўйиб юборган. «Ҳомий»ни, албатта топиб, бу ҳақида унга хабар қилишингиз керак. У нима деркин?

– Болтавой аканикига эртага эрталаб борамиз. Қурилиш ташкилоти раҳбари билан Аҳаджон ҳам ўша ерда бўлишсин.

– Бўпти, хўжайин, – деди Олимиддин чин итоатгўйлик билан.

Мирбадал Бокиевич бармоқларини иягига кўйиб «Ҳай-ҳай, чаток бўпти-ю» дегандек бошини тебратиб ўйланиб қолди-да, соқин оҳангда «иктидорли» бўлим бошлиғига юзланди:

– Олимиддин... Хуллас, гап бундай. Биз ҳар эҳтимолга қарши ҳар нарсага тайёр турмоғимиз керак. Омонуланинг изидан прокуратура тушиб, эҳтимол, «Янги чек»даги ободончилик ишларимиз устидан яна қарши текшириб қолиши мумкин. Маҳалла-ку, бир нави, унинг йўли топилади, лекин айнан Болтавой аканинг уйини таъмирлашда фойдаланилган баъзи нарсаларнинг исчиқиб қолиши мумкин.

– Қайсиларини демокчисиз, хўжайин?

– Масалан, рангли ойналар – янги билим юртиники, ҳайкал ва картиналар – туман музейиники, саунадаги ванна билан унитаз – касалхонаники, гиламлар, янги сервислар – универмагники.

– Сизнинг гиламларингиз ҳам бор.

– Ҳа-ҳа, албатта. Хуллас, уларни зудлик билан ўз эгаларига қайтармоқ керак. Қолгани хавфли эмас.



Кўлини нягига тираб ўтирган «Хаёл сураётган донишманд» хайкалининг рўпарасига нягидаги соқолини баъзи-баъзида қашлаб-қашлаб Болтавой ака ҳам гўё унинг дардини тинглаётгандек ёхуд ўзиникини унга тўкиб солаётгандек тек қотиб ўтирарди. Чолининг бундай эркалитими ёки ўзига хос қилиғиданми норози бўлган Ҳури холанинг ниҳоят тоқати тоқ бўлди:

– Э, бўлди-да, энди. Ўтираверасизми қокқан қозикдай?!

Мўйсафиднинг кўзлари қисилиб, қошларидан бири хиёл кўтарилиб тушди. Бу билан «Ҳой, хотин, тек ўтир, гапни бўлма» дегандай бўлди. Кампир вайсай-вайсай ҳовли боғ томон ўтиб кетди. Ниҳоят, Болтавой акага жон киргандай, тилга ҳам кирди:

– ... Ана шунақа гаплар, таксир. Кўхна обдастамнинг йўқолгани ёмон бўлди-да. Ҳойнаҳой, уни анави ғилдирагинг тешилгур муттаҳам Омонулла олиб кетган бўлса кераг-ов... Эҳ-хе, у туманимиздаги нечта амалдорни чув тушириб кетибди-ю. Айтишларича, «амалинга қоласан» деб ҳаммасидан катта-катта пора олиб жилворганмиш. Эҳ, қанийди мен ўша раҳбарларнинг қўлига ўзим сув қуйиб турганимда эди. ўша муттаҳамнинг «текширувига» аввал таҳорат қилиб, кейин киришганида эди. эҳтимол, бу ишлар бунақасига айланиб кетмасмиди... Лекин Омонуллага нима жин тегди, билмадим. Наҳотки, идишимни ўша ўғирлаб кетган бўлса...

Шу маҳал дарвоза тақиллаб Олимиддиннинг синик овози келди:

– Ҳой, отахон!! Уйда ким бор, ҳой?!

– Ҳов! – деди отахон ўрнидан оғир кўзғалиб. – Бўпти таксир, узр-а. Мени биров чақираяпти, шекилли. Ҳойнаҳой, обдастамни қайтариб олиб келишган бўлишса ажабмас... Эҳ, манави хўжакўрсин кўрғазмалар жа жонга тегди-да. Лекин бу гапим сизга тегишли эмас, таксир, – деди у хайкалга қараб қўл силтаб.

Янги дарвоза яна тақиллади. Мўйсафид томоғини оғир кириб кўйиб, бақирди:

– Мана, кетаяпман!

У кўлларини белига тираб салмоқланиб бораркан, ўзича гўлдираб кўйди:

– ... Ё Омонулла келдимикан-а? Ҳе, гилдирагинг тешилмай орқасига айлангур, апирис!..

Дастлаб Мирбадал Боқиевичнинг чучварасимон шляпаси ва тиржайган башараси кўринди. У ўзини ўта сертакалуф тутарди.

– Ассалому алайкум, отахон! Бардаммисиз? Бақувватмисиз? Қалайсиз, зерикмай, чарчамай?..

– Раҳмат, келинлар. Ишламай, чарчамай юрибман. Зерикиб қаёқда. Анави ошнам билан ҳар куни гурунглашиб, дегандек...

– Манави ҳайкал билан-а? Оббо, сиз-ей, кўймайсиз, отахон. Ҳайкал билан тил топишибсизки, сизга гап йўқ.

Улар сўрига ўтиришиб фотиҳа қилишди.

– Ҳой, Ҳури!

– Ҳув!!

– Чик, яна меҳмонлар келишди!

– Ҳеч овора бўлманлар, отахон. Биз беш дақиқага йўл-йўлакай кириб ўтгандик.

– Эҳ, обдастамни йўқолгани чатоқ бўлди-да. Кўлларингизга сув куймоқчийдим, покланиб олармидинлар? – деди мўйсафид тиззасини норози шапиллатиб.

– Хуллас, отахон, бўлган ишлардан хабарингиз бор, – дея салмоқланиб гап бошлади Мирбадал Боқиевич.

– Ҳа. Сизларни ўша муттаҳам чув тушириб кетибди, кўргулик-да, – деди чол бошини сарак-сарак қилиб.

– Йўқ-йўқ, отахон. У ҳақида эсламоқчиём эмасмиз. Биз бошқа масалада келувдик.

– Нима гап?

– Хуллас, отахон, бизни сизга айтадиган бири яхши, бири хунукрок хабаримиз бор, – деди Олимиддин ҳам дадилланиб.

– Қайси биридан бошлайлик?



- Ёмонидан бошлай қолинглар.
- Ҳарҳолда мана баҳонаи сабаб, сиз билан кадрдон бўлиб қолдик, – деди ижрокўм раиси салмоқланиб.
- Тўхтанг, сиз мабодо менинг обдастамда кўлингизни ювганмидингиз ўзи?
- Яна ўша гапми, отахон! – деди Олимиддин энсаси қотиб.
- Ҳа, албатта ювганман, – деди раис қўллари у ёқ-бу ёқ ағдариб кўрган бўлиб.
- Хаҳ, хайрият. Ҳарҳолда покланган экансиз-ку. Демак, сизга ишонса бўлади.
- Мен ҳам ювганман, – дея гапга аралашди уста Жўравой.
- Ахир, уйингизни уч кун таъмирладик, туз-намак бўлдик.
- Бўпти, гапни чўзмайлик. Муддаои индалло шуки, отахон, манави ўрнатилган жихозлар янги билим юртиники эди. Ўзингиз тушунасиз, улар ҳисобда туради.
- Ҳа, менинг бўйнимда. Мен моддий жавобгар шахсман-да, – деди устабоши хехелаб кулиб.
- Хўш-хўш? – дея кизиксиниб қолди мўйсафид.
- Шунга агар сизга малол келмаса, олиб кетсак дегандик, – деди Олимиддин базўр.
- Болтавой ака дабдурустан ўрнидан туриб кетиб шодликдан кичкириб юборди:
- Воҳ! Бормисизлар?! Ахир, бу хушxabар-ку! Олинглар, тез йўкотинглар-е, буларни! Менга ўз гувала деворимни очиб беринглар. Ватанимни, ўз ватанимни қайтиб беринглар! Уни отам қурган, ахир. Уни соғиндим. Шундай соғиндимки!..
- Раис устабошига «тез бошланглар!» дегандек маъноли имо қилди. Уста уни тушундими, сапчиб ўрнидан турди-да, кўча томон чопди. Кўчада юк машинасида бир гала қурувчилар гўё аскарлардек буйруқ кутиб ўтиришар, хужумга шай эдилар. Ишга киришиб кетдилар.
- Каркасларга ўрнатилган рангли ойналар суғуриб олиниб, машинага авайлаб ортила бошланди. Кўз юмиб-очгунча деворлар яланғочланиб, яна асли гувала-пахса ҳолига қайтди.

Мўйсафид деворни «воҳ-воҳ» дея энг мўътабар нарсасини топиб олгандек, кўли билан силаб пешонасига суртар, чолнинг тентакнамо бу ҳаракатларидан раҳбарларнинг энсаси котмоқда эди.

– Ҳаммасини олинглар! Манави ҳеч ким ўқимайдиган ёзувларниям, ит ҳуркадиган суратларниям, мол юрса сирғанадиган мрамрлару сўлиган сохта гулларниям, ҳамма-ҳаммасини! – дея ҳаяжон билан ҳайкирарди мўйсафид.

Усталар монтаж қилинган дераза-эшик, йўлакка ётқизилган мрамр-плита шиору картиналарни тез-тез бўшатиб, таший бошладилар. Болтавой ака ўзида йўқ хурсанд бўлиб, аллақандай кўшиқни беихтиёр хиргойи қилар, яна эски кадрдон ховли-жойи ўз аслига қайтаётганидан жуда ҳам бахтиёр эди. Бу маҳалда раҳбарлар суҳбатни насня қилиб, «Ҳозир қайтамиз», дея мактаб қурилиши томон кетишди.

Айни шу пайтда эса ялтироқ идишни кўйнига қистириб олган Омонулла бир пайтлар Мирбадал Бокиевичнинг эсини чиқараёзган ховли томондан ўғринча кириб келган ва бўлаётган демонтаж ишларини кўриб танг қолди. Унинг мақсади бошига ҳақиқатан ҳам кулфат келтирган бу «хосиятсиз идиш»ни бир илож қилиб мўйсафид хонадонининг бирор четига яшириб қўйиш, Мафтуна уйдаи-йўқми, аниқ билиш, умуман «разведкачилик» эди.

...Деярли ҳамма нарса ташиб бўлиниб, фақат туман музейига қарашли буюмларгина қолди. Мўйсафид курувчиларни кузатиб кўчага чиқди. Ҳури хола ичкарида эди. Омонулланинг хумкалласидан «айни пайти» деган фикр ўтди. У ҳайкалларнинг ичи бўшлиқ бўлишини яхши биларди. Ҳойнаҳой, «Хаёл сурувчи донишманд»нинг ҳам ичи пўк, таги тешиқдир, – деди Омонулла ўзича ва эввало ҳайкалнинг тагини текшириб кўрмоқчи бўлди. Мабодо тешиқ бўлмаса, ҳайкалнинг орқасига қўйиб кетаверишга қарор қилди. Худди кутганидек, таги баркашдек ўйик экан. У ерга обдаста тугул чилопчин ҳам сиғаркан. Қийин

бўлмади. Ҳайкални оҳиста энкайтириб, деворга тиради-да, идишни жойлаб, ура қочди. Бир нима тақирлаганидан кампир уйдан чикди ва ҳамон котиб турган ҳайкалга қарата гудраниб кўйди:

– А-а? Бирор нима дедингизми, айланай?.. – деди чўзиб хўрсиниб Ҳури хола. – Дунёнинг ишлари шунақа экан-да... Қизимизга маъкул бўлган йигит энди чиқиб қолди, деб суюниб турсак, алдоқчи экан, қаранг. Тақдир насиб қилмаса, кийинакан-да, а?..

Ҳаммом ортига яширинган Омонулла бу гапларни эшитди, албатта. Эшитди-ю, чол-кампирнинг уни куёв қилишга умид қилганликларини билиб ич-ичидан севинди. «Демак, ҳаммаси яхши бўлади. Муҳими, идишни олиб кетганимни ҳеч ким билмайди. Шундай экан, очиқ юз билан кириб келсам бўлаверади. Ҳайкалнинг олиб кетишларини кутаман. Уни кўтаришганида тагидан ялт этиб чиқиб қолади. Мўйсафид бундан, албатта хурсанд бўлади. Шу маҳалда мен ҳам кириб бораман...» дея ширин хаёлларга берилди у.

\* \* \*

Ўтган вақт ичида Омонулланинг суди бўлди. Адвокати-нинг саъй-ҳаракати туфайли Саъдулла ҳожига етказилган зиённи виждонан қоплаш, қонунга мувофиқ давлатга жарима тўлаш эвазига у бутунлай озод қилинди. Машинасини сотишга тўғри келди. Ҳамма ишларни обдон тинчитгач, у «зона»дош дўсти Собирникига – Тошқўтонга меҳмонга келди. Дўсти ҳам қутулиб келган, энди бирор ишнинг этагини тутиш пайида экан. Ундан тумандаги ва қишлоқдаги ижтимоий-иқтисодий-сиёсий аҳвол ҳақидаги маълумотга эга бўлди. Яъни амалдорлар, раҳбарлар, текширувдан кейинги уларнинг руҳий аҳволи ва мавқеи, ўзгаришлар, янги мактаб қурилиши ҳақида сўраб-суриштирди. Икки дўст яримтани майдалаб тоза яйрашди. Ҳамма гап улар-

нинг «барак»да ўтириб тузган режаларининг амалга ошгани ва яхши самара берганида эди. Лекин дўсти Омонуланинг ҳамма «ишлаб топган» пулини мактаб курилишига топширгани ва машинасини ҳам сотиб куруқ таёқдек уйсиз-жойсиз, ўзи сўкқабош сўппайиб қолганини билиб, ҳам тан берди, ҳам ачинди:

– Оббо, фидокор-ей, ишинг расво-ку. Энди нима қилмоқчисан? – деб сўради Собир.

– «Бош омон бўлса, дўппи топилади», деган гап бор.

– Ҳой дўппибош, хумкалла. Ахир, ёшинг бир жойга бориб колди-ку! – деди Собир чин дилдан куюниб. Сўнгра бир қарорга келгандек унинг елкасига кўлини кўйиб деди:

– Бўпти, битта уйимни бўшатиб бераман. Келиб яшай-вер. Бирга иш қиламиз. Бирор бевага уйланиб ҳам оласан. Ҳечам ташвиш қилма. Бўлар иш бўпти. Қилган ишингдан ҳеч қачон пушаймон бўлма. Лекин бу ишинг билан нималарга кодир эканингни намойиш қила олдинг, қойил!

– Раҳмат, дўстим! Бу ерда мени яна озгина режалаштирган ишларим бор. Унгача сеникида яшаб тураман-да.

– Бемалол. Ўз уйингдек кўравер. Ишқилиб, режаларинг мукамалми? Мен ҳам билиб кўйсам ёмон бўлмасди.

Шундан сўнг Омонулла сумкасидан ялтираб турган офтоба идишини олиб кўйди-да, у хакида гапириб берди.

– Эҳ-хе, ҳамма гап бу ёқда де. Ҳақиқатдан ҳам бу идиш хосиятли, шекилли. Болтавой тоға тўғри айтган экан-да. Буни зудлик билан эгасига қайтариб олиб боришинг керак. Бўлмаса, ишларинг яна орқага кетаверади. Хохласанг, мен элтиб бераман.

– Йўк. Унда мен ўғирлаганим очилиб қолади. Ўзим бир илож қилиб уйга ташлаб келмоқчиман.

– Тўғри қиласан, оғайни. Бўлмаса, шунча қилган хайрли ишларинг йўққа чиқиши мумкин. Бир адашибсан, энди бу хатоликни бошқа такрорламаслигинг керак.

Шундай қилиб, Омонулла Болтавой аканикига йўл олган эди ўшанда.

Туман ижроқўм раиси бошчилигидаги гуруҳ янги мактаб қурилишининг бориши ва тайёргарлик ишлари билан яқиндан танишиб қайтишди. Бу пайтда янги раис Аҳаджон Шоазимов ҳам уларга қўшилган, Болтавой ака хонадонига вақтинча қўйилган нарсаларнинг қайси бирини олиш мумкин бўлса, ҳаммаси суғуриб олинган, ҳатто янги дарвозанинг ўрнига эски «ғийқиллаб» очиладиган тахта эшик ҳам ўрнатиб бўлинган эди. Болтавой ака бу ишларни хайрат билан кузатар, уйининг аввалги ҳолатига қайтганидан беҳад хурсанд эди.

– Сиз ҳақиқатдан ҳам ҳалол экансиз! – деди мўйсафид Мирбадал Бокиевичнинг кўлини сиқиб. – Менга ўз уйимни қайтиб бердингиз. Раҳмат, ўғлим!

– Энди хушхабарниям эшитарсиз, – деди Олимиддин.

– Э, албатта-да.

– Сизнинг янги мактаб қуриб беришларини сўраб ёзган аризангиз ниҳоят ижобат бўлди. Бир саховатпеша инсон бу ишга ўзининг катта маблағини ажратди. Ана қаранг, ишларни бошлаб юбордик.

– Эҳ-ҳе, рости биланми? Бу ўша «ғилдираги тешик» Омонулланинг иши бўлса керак-да, а?

– Йўқ. У муттаҳам ҳозир кўлга олинган, устидан суд жараёни бормокда, – деди Мирбадал Бокиевич. – У гирт фирибгар экан.

– Нима, фирибгар?! Ахир, у кўлини...

Олимиддин тезлик билан сумкасини очди-да, ундан аллақандай қоғозларни чиқариб мўйсафидга кўрсатди:

– Отаҳон, сизни тушундим, – деди Олимиддин гапни қисқа қилмоқ ниятда. – Сиз ҳамма нарсани ўша идишингизга боғлайвераркансиз. Омонулла аканинг мактаб қурилишига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Мана, ҳужжатларни кўринг, нотариусдан ўтган. Уч юз минг сўм пул маблағи Барноев О.Ж. исмли саховатпеша инсон номидан тушган. Лекин шартноманинг



«Кўшимча шартлари» қисмида сизга тегишли бўлган учта банд киритилган экан. Шунини сизга етказиб қўйишни лозим топдик, холос.

– Қанақа шартлар экан?

– Биринчидан, мактабни туманнинг бошқа тузукроқ жойига эмас, айнан мана шу манзилга қуриш кўрсатилган. Бу банд бажарилаяпти ва ёзган арзингизга ҳам мувофик келади. Иккинчидан, унга сизнинг қизингиз Мафтуна Болтабоевани директор, сизни бўлса, боғбон этиб тайинлаш талаб этилган.

– Э, бўлди. Бу ўшанинг иши, – деди Болтавой ака тўла ишанч билан.

– Кимни айтаяпсиз?

– Хосиятли идишимни-да.

– Уф-ф. яна ўша эски идишингизни тикиштираяпсизми? – деди Мирбадал Боқиевич энсаси қотиб. – Илтимос, отахон, жиддий ишларга шу алмисокдан қолган буюмингизни бошқа тикиштирамайлик.

Мўйсафиднинг жаҳли чикди. «Ҳой бола, оғзингга қараб гапир!» деб қўл кўтариб юборишдан ўзини аранг тийди. Норози гудраниб нари кетди.

Шу пайт бир юк машинаси келиб тўхтади ва ундан бир неча ишчилар тушиб келишди.

– Бизни музейдан юборишди. Олиб кетадиган нарсалар бор эмиш. – деди улардан бири.

– Ҳа-ҳа, кела қолинглар, марҳамат, – деди мўйсафид уларни уйига бошлаб.

Раҳбарлар ҳам унинг ортидан эргашишди. Девор орқасида бўлаётган гапларни тинглаб, пойлаб ўтирган Омонулла кўча эшиги олдида пайдо бўлди. Унинг кўнгли хотиржам эди. Ишчилар «Хаёл сурувчи донишманд»ни даст кўтардилар. Унинг орқасидан ялтироқ офтоба даранглаб тушиб, қуёш нурида товланиб порлаб кетди. Болтавой ака «Воҳ!» деб юборди-да, унинг қувончдан кўзлари чакнаб кетди. Чопиб бориб идишни қўлига олди: «Оҳ-оҳ!» дея ўпиб, пешонасига суртди.

– Эҳ, хайрият, топилди! Уни Омонулла олиб кетмаган экан. Қаранглар! Буни манави индамас тақсир писмайиб, тагида яшириб ўтирган экан.

Ишчилар хайрон бўлиб тўхташди-да, яна ҳайкални ерга қўйишди.

– Тавба, – деди мўйсафид ҳайкалга қараб. – Худди тагини хўл килиб қўйган кап-катта болага ўхшайсиз-а! Туринг-е, боринг, менинг уйимдан жўнанг!

Ишчилар ҳайкални даст кўтариб олиб чиқиб кетишди. Шу пайт ҳамма гапларни эшик тиркишидан кузатиб билиб турган Омонулла эшикдан жилмайиб кириб келди.

– Ассалому алайкум, биродари азизлар! Мана, мени қўйиб юборишди. Ҳамма қарзларимни қайтардим. Энди ҳеч кимни алдамайман, ҳалол, пок яшайман!

Мирбадал Бокиевич аввалига бошқалар қатори хайратланиб қолди ва тезда ўзини қўлга олди:

– Ростдан ҳам озод бўлдингизми ёки қочиб юрибсизми? Буни қандай исботлайсиз?

Омонулла ён киссасидан бир қоғозни чиқарди. Бу суднинг қарори эди ва ундан керакли жойини ўқиб эшиттирди:

– Суд қарор қилади:

Биринчи. Айбдор О.Ж.Барноевдан жабрланувчи фуқаро Сокиев Саъдулланинг кўрган зиёни ундириб берилсин.

Иккинчи. О.Ж.Барноевганисбатан «Амнистия» тўғрисидаги фармон бандлари қўлланилиб, тегишли миқдордаги жарима ундириш билан чекланилсин.

– Нима, ҳали «Барноев О.Ж.» деган сиз бўласизми? – деб сўради Олимиддиннинг оғзи очилиб.

– Ҳа-ҳа, буни билмасмидингиз? Мен ўша Барноев Омонулла Жўраевичман-да.

Мирбадал Бокиевичнинг ранг-рўйи оқариб, эси оғай деб сўрига ўтириб қолди. Болтавой ака шошиб бориб пақирдан бир оз сув олиб офтобага куйди-да, келиб раиснинг юзига пурқади. У бир оз ўзига келгандай бўлди.

– Оббо, «ғилдираги тешилган» йигит-ей. Шундай килиб, кутулиб келдим, денг, – деди мўйсафид хурсанд бўлиб. – Қани, гапингиз рост бўлса, мана шу мукаддас обдастамнинг сувидан бир кўлларини ювиб олсинлар-чи.

Омонулла бажонидил кўлини юва бошлайди. Ичкарида янги келган азиз меҳмонга кўзи тушиб қолган Ҳури хола: «Э, хайрият, охим худога етди» деб очик чехра билан сочик кўтариб чикди:

– Келинг, ўғлим, яхши келдингизми?

– Ҳа, раҳмат, хола. Сизнинг угра ошингизни жудаям соғиндим-да.

– Бўпти. Ҳозир уннаб юбораман, – дея кампир йигитнинг елкасига қолди ва ошхона томон шошиб кетди.

– Ҳалиги, туманимиз раҳбарларидан оз-оздан пора олганмишсиз, деб эшитдим. Шу гаплар ростми, ўғлим? – дея томдан тараша тушгандек, Омонулладан соддадиллик билан сўраб қолди мўйсафид.

– Ҳа, рост. Лекин улар пора эмас, Бошқўрғон халқининг «пешона тери» эди. Мен ана шу ноқонуний ўзлаштирилган пулларни йиғиб, ўз эгасига қайтаришга ҳаракат қилдим, холос.

– Тўғри. Ҳеч ким даъво қилмагач, у пулларни мактаб қурилиши учун ўртада йиғилган эҳсон деб атай қоламиз, – деди Олимиддин.

– Бу қилмишингиз учун ишингизни тегишли ташкилотга ошираман! – деди Мирбадал Боқиевич алаמידан гезариб.

– Бемалол. Менда туманингизнинг барча нуқсон ва камчиликларидан нусхалар турибди. Диктофонга ёзилган ленталар ҳам бор. Уларни ишончли жойга яшириб қўйганман. Ана энди ҳақиқий текшириш бўлади. Менинг далилий ашёларим, фактларим етарли, тушунарлими?

– Н-нима?! – деб юборди раҳбарлар бирданига.

Ижрокўм раисининг оқарган ранги-рўйи энди бирдан бўзара бошлади. Лаблари титраб, қовоқлари асабий учди. У

билан баҳслашиш бефойда эканини англаб ета бошладилар. Лекин кўй оғзидан чўп олмагандай туюладиган Олимиддин бирдан тутаб кетди. Унинг муштлари тугулди.

– Эй, сен ифлосни хали!..

– Айтиб кўяй, – деди Омонулла хотиржам жилмайиб. – Менга карши мабодо фитна уюштириб, мактаб қурилишини пайсалга соладиган бўлсанглар, қилмишингларни фош этиб ташлаганим бўлсин!

Мирбадал Бокиевич Олимиддиннинг елкасига «Ўзингизни босинг» дегандай кўлини маъноли кўйди. Аҳаджон «Ие-ие» деб турар, устабоши бўлса тинимсиз «Э-э, узр, бир тушунмовчилик бўлди-да», дерди.

– Ахир, бизлар шерик эдик, шекилли, Олимиддин, – деб кўйди Омонулла кесатиб.

Олимиддиннинг юзи «дув» қизариб кетди. У ўзини босиб ололмаганига «аттанг» қилаётгандек кўринарди.

– ... Узр, устоз... Сал қизишиброқ кетдим-да.

– Ҳечқиси йўқ. Мушт туширганингизда ҳам хафа бўлмасдим. Чунки у менинг насибам бўларди.

Совуқ даврадагилар енгил кулиб олишди.

– Кечиринг, Омонулла Жўраевич, ўйлаб кўрсам, биз ҳам шерик эканмиз. – деди ижрокўм раиси ҳам зўрама-зўраки кулиб.

– Э, ана! – деб юборди мўйсафид – Ҳаммаси равшан бўлди-қолди. Баҳслашишга энди ҳожат йўқ. Хоҳлайсизларми-йўқми энди баҳамжиҳат бўлиб ишлайверасизлар.

– Отахон тўғри айтаяптилар, – деди Аҳаджон.

– Ҳа-ҳа, келинг дўстим, бир кучоклашиб кўришайлик, – деди раис ва Омонуллага «ихтиёрий-мажбурий» кучоғини кенг очди.

Иккалалари кучоклашиб кўришдилар. Шу пайтда ишдан қайтган Мафтуна кириб келди. У яна «эски тос-эски ҳаммом»га айланган ҳовлиларини, яна эски таниш башараларнинг кучоклашиб кўришаётгани-ю отасининг қўлидаги

Йўқолиб қолган идишнинг куёш нурида ярақлаётганини кўриб, ҳеч нарсани тушунмай бир дақиқа анграйиб қолди.

– Кел, қизим. Қара, ноёб идишимиз топилди! Уни Омонул-ла аканг олиб кетмаган экан. Шунга ҳаммамиз хурсандмиз. Ма, унга сув куй! Меҳмонлар кўлларини яна бир ҳалоллаб олсинлар-чи, қани.

Меҳмонлар баралла кулиб юборишди. Бу орада Ҳури хола сўрига янги кўрпачалар солди.

– Қани марҳамат, кўлларингни ювиб ўтиринглар, ҳозир угра ошим ҳам тайёр бўлади, – деди кампир ошхона томон яна шошиб. – Ҳой, Мафтуна, нима қилиб турибсан, чой-пой кўймайсанми?

Мафтуна нима гап эканлигини ҳали англаб улгурмаган бўлса-да, меҳмонлар яна бежиз келишмаганини тушунган ҳолда улар билан сўрашиб, отасининг кўлидан идишни олди.

– Вой-бў, ялтираб янгидай бўлиб қолибдимми? – деди қиз ҳаяжон билан унинг бежирим хошияларидан кўзини узолмай.

– Ҳа, индамас таксир тагига босиб тозалаб ўтирган эканлар-да, – деди чол кулиб.

Ҳаммалари шарақлаб кулиб юборишди. Ўрталаридаги нохушлик гўё осмонга учиб кетгандай, ўрнини самимийлик қоплади. Улар ҳазил-мутойиба ва иззат-икром билан яна дав-ра курдилар.

– Ҳа, қочқоқ, яна текширувга келдингизми? – деб сўради дабдурустдан Мафтуна шахло кўзларини ювишга кўлини узатаётган Омонуллага тикиб.

– Йўқ, бутунлай, – деди Омонулла нигоҳини қиздан ололмай. – Мактаб қурилишида ишламоқчиман, прораб сифатида.

– Шу ерда-я?

– Ҳа, – деди Омонулла кўлини яна узатиб.

– Нима учун? – деб сўради Мафтуна қизиксиниб яна сув қуяркан.



– Аввалги нопок ишларимдан тавба қилдим, худо хоҳласа, энди шу ерда бир умр ҳалол-пок яшамоқчиман.

Мафтуна бу гапдан кизариб ва эҳтимол, ич-ичидан кувониб кетди. Лекин нокулай ҳолатдан чиқиб кетишга уриниб кўрди.

– Иштаҳангиз яхши-ку, барно йигит.

– Тўғри айтасиз, фамилиям Барноев.

– Вой! – деб юборди киз ҳаяжон билан – Сиз ҳалиги, анави шартномадаги?..

– Ҳа. Бу ўша киши, – деди Олимиддин тасдиқлаб.

Оғзи очилган Мафтуна яна бўлиб-бўлиб ўйчан сув қуя бошлади.

– Ҳой, Омонулла ака, бўлди-да энди. Аслида кўл уч марта чайилади дейилган, холос, – деди Олимиддин кулиб.

– Мен учун бу қонун амал қилмайди.

Ўртада самимий кулги кўтарилди. Ниҳоят, ҳадеб узатилаётган кўлга сув қуявериш Мафтунанинг ҳам жонига тегди:

– Бўлди-да энди!.. – деди у эркаланиб.

– Савоб қилсангиз охиригача килинг-да, – деди Омонулла яна кўлини сувга узатиб.

– Мана бўлмаса, – деди Мафтуна ва меҳмоннинг бошидан сувни пакқос ағдариб, ўзи қочиб кетди.

Омонулла ҳам қиз томон бир-икки қадам ташлаган бўлди. Лекин меҳмонларнинг олдида нокулай эканини ҳис қилиб ўзини аранг босди. «Қўлимга тушарсан ҳали» – деди у хаёлан, сочик билан юз-кўзини артиб оларкан.

– Ана энди ҳақиқатан ҳам покландингиз, ўғлим. Қўл ювиш тугул чўмилиб ҳам олдингиз. Яна бир таҳорат бўлса ҳам ёмон бўлмасди, – деди отахон.

...Меҳмонлар кулги, ҳазил-мутойиба билан гўштсиз, лекин хушхўр, серқатиқ ва серқалампир угра ошини терлаб-пишиб, хўриллатиб ичдилар. Чунки тўйнинг ҳақиқий ошигача ҳали жиндай вақт бор эди...



Мехмонлар сўрида чакчақлашиб ўтиришган махали мева-сабзавотлардан териб чиқиш ниятида отахон кўлига бир челақ олиб боғ ҳовли томон йўрғалади. Девор ёнидаги сўкмок йўлакдан бораркан, нигоҳи янтоқ, шўралар устини коплаб бодринг палагига ҳам ўтиб кетган сап-сарик чирмовуқларга тушди. Қаҳри келди:

– Оббо, илонга ўхшаб чуваланмай ўлгурлар-ей! Қаердан пайдо бўлди экан-а, – деди чол ва ўзича гудраниб кўйди. – Ўтган сафар битта кўймай териб ташлагандим, тавба. Ўзи илдизи йўғ-у, бошқа ўсимликларнинг тепасига ёпишиб, уларни сўриб кун кўришар экан-а, ярамастар! Худди бизнинг муттаҳам фирибгарларимиз, порахўр амалдорларимизга ўхшаркан.

Мўйсафид шундай дея сўзлай-сўзлай сап-сарик чирмовуқ таналарини тера бошлади. Уларнинг бири бодринг палагига шундай ёпишиб олгандики, тортганида палак ҳам бирга юлиниб чиқди. Уларни яхшилаб тозалаб олишнинг иложи бўлмади. Шу туфайли Болтавой ака мева-сабзавотларга тўла челаги ва бир ҳовуч чирмовуқларни олиб, сўкина-сўкина мехмонлар олдига келди-да, чирмовуқни уларнинг олдига ташлади.

– Биласизларми, мана бу нима?

– Чирмовуқ, – деди Олимиддин.

Бошқалар «Нима гап?» дегандай ялт этиб қарашди.

– Ҳа, яшанг, чирмовуқ. Бу қаерда ўсади – ўсимликлар тепасида, тўғрими? Илдизи ҳам бўлмайди, бошқалар ҳисобига, уларнинг танасини сўриб кун кечиради.

– Демак, текинхўр ўсимлик денг, – дея гапга кўшилди Мирбадал. Даврадагилар кулиб юборишди.

– Ҳа, бунақалар жамиятимизни тобора босиб бораяпти. Лекин улар асли ким? – дея атайин сўради раҳбар ва Омонул-ла томон кўз қирини атайин ташлаб кўйди.

– Сизу биз-да, – деди кутилмаганда Омонулла.

Яна кулиб юборишди. Лекин бу аччиқ кулги эди.

– Баракалла, ўғлим! – деб Болтабой ака унинг елкасига қокиб кўйди. – Раҳмат сизга.

– Нима учун?

– Очик-ойдинлигингиз учун. Лекин жамиятимизда сиздақалардан кўра хавфлироқ одамлар тоифаси борки, улар... Э, кўяверинглар! – дея кўлни силтади Болтавой ака.

– Қизик, улар кимлар экан? – сўради ижрокўм тўра.

– Улар амал курсиларига маҳкам ёпишиб олган сохта раҳбарлар.

Мирбадал Бокиевичнинг юзи уятдан қизариб кетди.

– Ҳа, тўғри, – деди Омонулла. – Баъзи онгсиз, эси паст одамлар амал курсисини зиммага юкланган масъулият деб эмас, худо берган, осмондан тушган бир неъмат деб билишаркан. Шунинг учун ҳам улар амал курсиларида қолиш учун ҳеч нарсаларини аямайдилар, ҳатто катта-катта пора узатишдан ҳам қайтмайдилар, тўғрим, Олимиддин?

– Т-тўғри, – деди Олимиддин пешонасини тириштириб.

– Бу иллатларимизни йўкотмоғимиз керак. Агар йўкотмасак, бутун жамиятимизни қамраб ола бошлайди. Раҳбарлар амалини сақлаб қолиш учун, амалдорлар бирор юмушни битириб олиш учун, қонун ҳимоячилари қонунбузарлардан, институт домлалари талабалардан пора таъма қила бошлашади. Ҳатто болани боғчага жойлаш ҳам, мактаб битирувчиларини институтга киритиш ҳам порасиз бўлмай қолади. Бу йигирма-ўттиз йиллардан кейин ўз оқибатини кўрсатиши мумкин. Айтайлик, бир бойваччанинг эрка боласи мактабни тугатгач, Тиббиёт институтининг жарроҳлик бўлимига пора билан жойлашиб олади. Кейинчалик ҳам отасининг пули билан бир илож қилиб диплом олади. Бечора катта сарф-харажатга тушади. Айтинглар-чи, ундан ким чиқади? – сўради мўйсафид куюниб.

Даврадошлар жим бўлиб қолишди.

– Ким бўларди, жаллод бўлади-да! – деб юборди Омонулла дабдурустдан.

– Ҳа, ўлманг! – деди мўйсафид ва сўридаги чирмовукларни териб олди-да, «берсанг, ейман» деб турган қора тандирнинг оғзига тикди, кейин кўлини қоқиб келиб обдастада ювиб оларкан, – Иллат белгиси бу. Келажагимизни бундай иллатлардан асраш бу бизнинг вазифамиздир, – деб кўйди.

– Жуда оширвордингиз-ку, отахон. Чирмовукнинг фойдали томонлари ҳам бор, – деди Омонулла кулиб.

– Қандай?

– Ибн Сино китобидан ўзим ўқиганман. Яъни янтоқ устида ўсган...

– Янтоқни сўриб ўсган, денг, – луқма ташлади Олимиддин. Кулги кўтарилди.

– Ҳа, янтоқнинг керакли витаминларини сўриб ривожланган чирмовукни териб, уни офтобда обдон қуришиб, тўйиб, сўнгра каппалаб ютиб юрилса, ақлни пешларкан, паришонхотирликни, телбаликни...

– Эси пастликниямми?

– Ҳа-ҳа, эси пастликни, яъни амалшарастликниям даволаркан.

– Ўҳ-хў, унда зўр экан-ку-а? Бўлмаса, анави тандирдагини ёқиб юборманг, отахон.

– Чирмовуклар сероб, ҳаммаларингизга етади! Аввал манави хосиятли идишда «Бисмиллоҳ...» деб, кўлни ювиб, сўнг «Баняйти шифо, илоҳим, нафсимга инсоф берсин» деб ўша ҳапдоридан каппалаб юраверсанглар, худо хоҳласа, яхши бўлиб кетасизлар.

Хуллас, ҳазил-мутойиба билан меҳмонлар кўзғалишди ва ҳозирча хайр-хўш қилишди. Болтавой ака уларни кўчага кузатиб чикди. Мафтуна билан Омонулла ёлғиз қолишди.

– Мафтунахон, юринг, бирга чирмовук терамиз.

– Майли, – деди Мафтуна жилмайиб ва кўлига челакни олди.





Омонулла билан Мафтуна бир-бирига хурсанд эргашишди. Мафтуна бир чирмовуқни узиб ҳамроҳига совға каби узатди. Омонулла уни тез олиб, шоша-пиша чайнай бошлади. Қиз кулиб юборди. Омонулла гўё оқ сақич чайнагандай кавшана-кавшана бир четга тупуриб ташлади-да, палак четида яшнаб турган оппоқ мойчечак гулларидан териб, Мафтунага берди. Бу мафтункор лаҳзаларга тасодифан ташқаридан кириб келган Болтавой аканинг кўзи тушиб қолди ва ўз-ўзига «Оббо, гилдираги тешилмагур-ей» деб қўйди. Сўнгра сўрини йиғиштираётган кампирига қараб «Анавиларни қара» дегандек имо қилди.

Онаҳон «Йлоҳи омин, икки ёшнинг юлдузи юлдузига тўғри келгани рост бўлсин!» дея пичирлаб юзига енгил фотиҳа тортди.

Ҳаво чароғон, Болтавой ака хонадонида муҳаббат шабодаси гир-гир эсарди.

Тошкент, 2004

*Адабий-бадний нашр*  
**Набижон ҲОШИМОВ**

# **ТАВБА**

*Воқеий детектив қисса*

Мас.муҳаррир: А.Қоржовов  
Муҳаррир: О.Қанаев  
Бад.муҳаррир: Р.Ташматов  
Тех.муҳаррир: Ш.Ҳошимов  
Рассом: М.Тўхтарбоев  
Саҳифаловчи: Н.Муҳитдинова

Босишга берилди 02.09.2016. Қоғоз бичими 60x84  $\frac{1}{16}$  "Times New Roman" гарнитураси. Шартли босма табағи 14,0. Нашр босма табағи 14,0. Адади 3000 Буюртма № 31

*«IJOD-PRESS» нашриётида нашрга тайёрланди.  
Нашриёт лицензияси: АІ №270*

*«Dizayn-Print» МЧЖ ЎИЧК босмахонасида чоп этилди.  
100054. Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 28а-уй.*





ISBN 978-9943-994-24-9



9 789943 994249